

Азим СУЮН

Танланган асарлар



Азим СҮҮОН

ЎЗБЕКҮРТ

1963 — 1989

йиллар

ижоди




Азим СҮЮН

ЕТТИ КИТОБ
(танланган асарлар)
2-китоб

ЎЗБЕКҮРТ

(шеърлар ва дostonлар)



Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2015

Масъул муҳаррир:

Усмон ҚЎЧҚОР

ОҚ ЙЎЛ, АЗИМЖОН!

У ҳам таҳририят эшигини ҳамма бошловчи ёш қаламкашлар каби қисиниб-қимтинибгина очиб кириб келди. Бир дафтар шеърларини кўрсатди. Ўқишга берилиб, исмини ҳам сўрамабман. Шу тариқа исмидан бурун шеъри билан танишдим. Шеърларини биргаликда таҳлил қилиб чиқдик. Азимжон Суюн суҳбатдошининг гапини тинглай биладиган, унинг фикрини тез ўқиб оладиган ёшлардан экан. Дафтарда ғўрароқ шеърлар кўп, лекин уларда шеърга хос нимадир бор эди. Кейин Азимжон у шеърларнинг кўпларидан воз кечди, бир қанчасининг ўстидан жуда қаттиқ ишлади. Ҳар ишлаганда келтириб кўрсатар ва шеърининг руҳсори тобора очилиб бораётгани яққол кўзга ташланар эди. Ёрқин руҳли шеърларидан бири — “Баҳор” да:

Гиёҳлар, қуртаклар очмоқда жамол,

Олам тўлиб борар яшил навога, —

деган сатрлар бор. Бу сатрлар чиндан ҳам кўнгилни кўклам нашъасига тўлдиради. Ҳозир Азимжон Суюннинг шеърларига шундай наво кириб келаётган пайт. Бу одамнинг баҳри-дилини очиб юборадиган, такрорланмас наво бўлар, деган умиддаман. Чунки Азимжон Суюн шеърни ёниб ёзади, ёниб ўқийди, ёниб изланади.

Ёш қаламкаш дўстимга шеърининг йўлларида гўзал манзиллар тилайман.

Иброҳим ҒАҒУРОВ,

1975 йил, “Гулистон” журнали, 11-сон

Суюн, Азим.

Танланган асарлар: 7 китоб. к. 2/А.Суюн; масъул муҳаррир У.Қўчқоров. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.

К. 2: Ўзбекюрт: Шеърлар ва дostonлар. 2015. 408 бет.

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

© Азим Суюн.


© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2015

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Атоқли шоир, маданият ва жамоат арбоби, журналист Азим СҶун 1948 йил 22 февралда Самарқанд вилоятига қарашли Накурт қишлоғида туғилган. Бу овлоқ қишлоқ Нурота тоғларининг Қоратоғ тизмаси орасида жойлашган. Азим СҶун тўққиз ёшида мактабга борди, мактабни муваффақиятли битириб, икки йил ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига ҳужжат топширди, лекин икки сафар ҳам мандатдан ўтолмади. 1969–1971 йилларда ҳарбий хизматда бўлди. Хизматдан қайтгач, ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқиди. Тошкент қурилишларида меҳнат қилди. Ижодий меҳнат фаолиятини 1972 йилдан "Тошкент университети" газетасида адабий ходимликдан бошлаб, 1973 йилдан эса Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида мусахҳиҳ, кичик муҳаррир, муҳаррир, Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси (ҳозирги Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги)да адабий маслаҳатчи, 1987 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ёшлар билан ишлаш Кенгаши раиси, масъул котиб вазифаларида фаолият кўрсатди. 1990–1993 йилларда "Халқ сўзи" газетасида бўлим муҳаррири, 1993–2002 йиллар "Ўзбекистон овози" ва "Голос Ўзбекистана" газеталарида Бош муҳаррир, 2002 йилнинг февраль ойидан 2013 йилгача "Ғулистон" журнали Бош муҳаррири лавозимларида ишлади. Ҳозир эркин ижодкор.

Азим СҶуннинг илк шеърӣй машқлари, мақолалари ўқувчилик кезларидаёқ "Ғулхан", "Ғунча" журналларида, туман, вилоят газеталарида чоп этила бошлади. Дастлабки шеърӣй туркуми 1975 йилда устоз Иброҳим Ғафуров сўзбошиси — оқ фотиҳаси билан "Ғулистон" журналида дунё юзини кўрди. Биринчи китоби "Менинг осмоним" (1978) ўттиз ёшида нашр этилди. Шундан сўнг шоирнинг "Зарб" (1979), "Замин тақдири" (1981), "Ҳаёлот" (1984), "Зиё йўли" (1986), "Жавзо" (1987), "Олис тонглар" (1989), "Қуйганим – суйганим" (1992), "Сарбадорлар" (1994), "Қора кўзинг сенинг" (1994), "Сайланма" (1997), "Ўзлик" (1999), "Шарқ ҳикмати" (2000), "Эй дўст" – (2005), "Ватан фасллари" (2007), "Муҳаббат хайратлари" (2009), "Танланган асарлар" (7 жилдлик) (2009), "Андиз ўсган ерларда" (2012), "Эй дўст" – насрий қайирмалар (2014), "Навоийдан топдим" (2015) китоблари нашр этилди.

Шоирнинг асарлари, асарларидан намуналар турк, рус, инглиз, корейс, ассам, тожик, козоқ, туркман, уйғур, қирғиз, озор, қорақалпоқ, тува ва бошқа тилларда нашр этилган. Айни замонда Азим СҶуннинг ўзи ҳам бир қанча чет эл шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.



"Азим Суюн поэтик фикри халқона, ифода йўриғида ҳам халқчиллик бўртиб турадиган шоир. Унинг шеърлари халқ айтимлари каби содда-ваш, улар сингари теран, улардай юқумли. Азим Суюн битганларига халқ оғзаки поэзияси кучли таъсир кўрсатган, айна вақтда ўз ижодий қиёфасини сақлаб қола билган ёлқинли шоирдир" – деб ёзади профессор Қозокбой Йўлдош бир мақоласида. Азим Суюннинг шеърий ва насрий қайирмалардан иборат "Эй дўст" китоби эл-юрт ичида маълум ва машҳур бўлиб, ҳозиргача бир неча бор чоп этилган. Шунингдек, шоир ижодида "Томчига айланган бир кеча достони ёки Иморат", "Замин тақдири", "Ўзбекистон" достонлари, "Сарбадорлар" драматик достони алоҳида аҳамиятга эга. Унинг "Ўзбек давлати" достони эса мустақиллик мавзусидаги етук асарлардан биридир.

Азим Суюн ватанида ҳақсўз журналист-публицист сифатида ҳам танилган.

Азим Суюн Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Маданият ходими, Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты, Бутунжаҳон шоирлари Конгресси аъзоси. Туркия, Корея, Россия, Ҳиндистон, Қибриз (Кипр), Қозоғистон ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган халқаро адабий анжуманлар қатнашчиси.

Азим Суюн шахси, ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида замондошлари кўп ёзган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг "Кўрган бошқа, билган бошқа экан..." эссеси, ёзувчи Фаффор Хотамовнинг "Ҳикмат ёхуд Олмос шамшир ҳақида достон"и, Абдусайд Кўчимовнинг "Ҳайкирик" эссеси, Иброҳим Гафуровнинг "Жим-жит бўлут ичидан чақин" ҳикояси, ёзувчи Эркин Усмоновнинг "Шоирнинг боғи" бадиаси, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Тулапберген Қайипбергенов, Хуршид Даврон, Сирожиддин Саййид, Салим Ашурларнинг эзгу, ойдin фикрлари, салмоқли мақолалари, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Йўлдош Сулаймон, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Раҳмон, Шукур Курбон, Саъдулла Ҳаким, Турсун Али, Бахтиёр Генжамуродовларнинг шеърлари, Умарали Норматов, Боқижон Тўхлиев, Қозокбой Йўлдошев, Нўмонжон Раҳимжонов, Сайди Умиров, Виктор Алимасов, Султонмурод Олим, Тоҳир Қаҳҳор ва бошқаларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

«Ўзбек адаблари» китобидан

Мезграб

ЧИНОР

Гувлаб-увлаб урар бўрон муттасил,
 Чинор шохларини қайирмоқ бўлар.
 Ҳар томонга бир-бир айирмоқ бўлар,
 Гувлаб-увлаб урар бўрон муттасил.
 Аммо чинор турар савлатдор, мағрур.
 Она ерга илдизи ўрнашган маҳкам,
 Шунинг учун адл, шу учун ўктам!
 Чинор турар ғолиб, жасур ва мағрур.

1963

БАЪЗАН ДЎСТЛАР...

— Зап устунлик экан-да бу тол, —
 Дея, мақтай талайгина чол,
 Йўғон толни кесмоқ бўлдилар
 Ва тагига арра солдилар.
 Минг афсуски мақтаган толи,
 Қуруқ савлат, пўкак аҳволи.
 Ичини қурт кемирган экан,
 Устун бўлмас, емирилган экан.
 Баъзан дўстлар, шу ҳоётда ҳам,
 Шундай чиқар мақталган одам.

1963

САВОЛ — ЖАВОБ

— Туя ўркачи, Хайри,
 Нега бўлади айри?
 — Кичкинтойлар минганда,
 Йиқилмасин деган-да.

1963

ШОХ

Ногаҳон қарсиллаб қулади,
 Ажралди тўдадан, поядан,
 Гўё бир супатош сурилди,
 Кўчиб-ўчиб тушди қоядан.
 Одам уни уйига элтди,
 Ўтин учун саржинлаб битди.
 Ёкдилар. Бир уюм кул бўлди,
 Айрилиб, ажралиб не бўлди?

1964

КЎЗГУДЕК БЎЛСИН РАВШАН

Мана, олгил жонгинам,
 Совғам митти кўзгуни.
 Бирорта гард юқтирмай,
 Сақла топ-тоза уни.
 Севгимиз ҳам бахтимиз,
 Кўзгудек бўлсин равшан.
 “Чил-чил” қилиб синдириб,
 Кейин қилмагил армон.

1966

СУЯРМИКАН...

— Қайнонанг суяркан, кел, болам,
 Дастурхонга, қани, марҳамат.
 Чиқиб қолсам овқат устидан,
 Шундай кутиб оларлар албат.
 Қоларми ҳеч савол жавобсиз,
 Ҳазиллашиб дейман ўша дам:
 — Қайнонам-ку, суяркан, аммо,
 Суярмикан унинг қизи ҳам.

1968

КҮРСАК КҮЗИ ОЖИЗ КИШИНИ...

Күрсак күзи ожиз кишини,
Дарров унга берамиз ёрдам.
Осон қилиб унинг ишини,
Тўғри йўлга бошлаймиз ҳар дам.
Күзи очиқ кўрларга, нега,
Беэтибор қараймиз баъзан?..

1968

ТҮРТЛИК

Эй дўст! Одамлардан қочмагил йироқ,
Одамлардан четга урма ўзингни.
Дарёга қўшилмай кетса гар ирмоқ,
Етолмас узоққа, қурир ўзани.

1969

ОНА ҚАЛБИ

Таърифига таъриф қўшдилар,
Таърифини куйлаб жўшдилар.
Бири деди: — Онадир қуёш,
Унинг қалби қуёшга туташ.
Бири деди: — Она денгиздир,
Унинг қалби тубсиз, тенгсиздир.
Бири эса сўйлади бот-бот,
Она қалби чексиз коинот.
Қалби унинг бир уммон, — деди,
Само каби бепоён деди...
Мен дедимки, бу таърифлар хос,
Лекин булар томчидир, холос!

1969

ТАНДИР БОШИДА

— Ҳозиргина уздим тандирдан,
Дўстдай ҳамроҳ бўлгайдир, болам, —
Йўловчига чин сидқидилдан
Нон тутади қўш қўллаб онам.

— Ҳой, қўшнижон, келинг бу ёққа,
Айтинг, келсин келинингиз ҳам.
Қаранг, мойдай эрир дудокда, —
Нон тутади қўш қўллаб онам.

— Ҳа, бу кулча сенинг учун, ҳа,
Ол, буниси синглингга, бўтам... —
Атрофдан ким кўриниб қолса,
Нон тутади қўш қўллаб онам.

Оғушидан зар нурин тўкар
Олам узра шамси мукаррам.
Дунё аҳли шундан ўтса гар,
Нон тутади қўш қўллаб онам.

1969

ТЎРТЛИК

(ҳазил)

Ёмғир савалайди, савалар тинмай,
Уст-бошим тамоман бўлди шалаббо.
Мен шўрлик ҳолимга ачинсам, хай-хай,
Дунё яшнаб қувнайди, оббол..

1969

КАКЛИК

Тошлардан-тошларга хатлаб, йўрғалаб,
Мириқиб-мириқиб ўйнар эди у.
Ҳислари кўкракка сиғмай, чўққида
Қуёшга интиқдай куйлар эди у.

Шодликлар ғаними кўпдир ҳаётда,
Қайдандир бўлди-ку қарчиғай пайдо.
Каклик қоча бошлар, жони ҳалқумда,
Яширинмоқ истайди бир пана жойда.

Қайда у пана жой, излар жавдираб,
Фақат ҳаёлида бекинмоқ унинг.
Наҳотки, жон сақлаш қочмоқ довдираб,
Ғанимга бешафқат курашмоқ қани?

Қай битта кавакни, ниҳоят, ана,
Топди-ю, ўзини ташлади дарҳол.
Ёвдан ҳам қув борми, лекин дунёда,
Ғаним чангалида қолди у беҳол...

Кўп эрур бундайин аламли тақдир,
Мени ўйлантирар жуда кўп қисмат...
Курашдан қўрққанлар аҳволи надир,
Ботирлар яшайди ҳаётда озод!

1969

ГУЛ

Шу тонгда булбулнинг рашкин келтириб
 Йигит суйганига ўзди қизил гул.
 Тўтидек машқ қилган сўзларин қимтиб
 Севги изҳор этди гулга қўшиб ул.
 Юрак юрагини топди шу кун,
 Эх, гул-чи, ўртада... сўнг қуриб қолди
 Ва лекин бир четга отмади уни —
 Икков бир дафтарга авайлаб солди.

1969

ҚОРА СОЧ

Кўкда учган қалдирғоч
 Дайди ўқдан йиқилди.
 Толим-толим қора соч
 Толим-толим қирқилди.

Толим-толим қирқилди,
 Сиз биров қирқди деманг.
 Бўғзимга жон тикилди,
 Йўқ, ажал тикди деманг.

Толим-толим бу сочни
 Имонимдай севардим.
 Толим-толим у сочни
 Имконимдай севардим.

Толим-толим қора соч
 Ташланди-ку оловга.
 Шундан буён бағрим оч,
 Ёрим айланган ёвга.

1969

ЎРМОН

Оғоч кесгувчиларга
Хазинадир туганмас.
Парранда-даррандага
Макондир ўлмас-йитмас.
Ов кони овчиларга,
Молга ўтлоқ — азаллик.
Шоирлар, куйчиларга
Бир бепоён гўзаллик.

1970

ЯНА КЕЛДИМ...

Яна келдим сенинг кўчанга,
Кўчанг бўйлаб яна юрибман.
Аммо бугун, моҳим, дарчангда
Ёруғликни кўрмай турибман.

Ёруғликни кўрмай турибман,
Йўқ, тонггача ёнмади чироқ.
Минг хаёлга банди бўлиб ман,
Бутун тунни ўтказдим уйғоқ.

Бутун тунни ўтказдим уйғоқ,
Оппоқ бўлиб, ана, тонг отди.
Чироқ ёнмай хонангда бироқ,
Қалбимда тун тунлайин қотди.

1970

ДУПИР-ДУПИР ТУЁҚ ТОВУШИ...

Дупир-дупир туёқ товуши,
Бу сахаркез ким бўлди экан?
Чўпон қизи кийди кавушин —
Оёғига кирмасин тикан.

Чўпон қизи кетди-ку узоқ,
Нега бунча хаяллаб қолди?
Она кўнгли увишди ногоҳ,
Она ёлғиз... ўйларга толди...

Дупир-дупир туёқ товуши,
Келган ким у?... Кетаётган ким?..
Эшитилар отлар кишнаши,
Фақат қиз жим... ва бу тоғлар жим...

Ота қайтар сўрувин ҳайдаб,
Тилларидан бол томар ёху, —
Йилқичининг ўғлини алқаб.
... Ёшлигига ўхшар эмиш у.

Дупир-дупир туёқ товуши...

1970

ШАРҚИРАГАН СОЙДА...

Шарқираган сойда бир сўнмас чўғдай,
 Қалқиб оқиб борар ёлғизгина гул.
 Қилган гуноҳларин ювмоқчи муғдай,
 Тўлқинлар топинар, бепарводир ул.
 Ким отди?

Не учун?

Ростдан ҳам гулми —
 Юракни юракка қилолган пайванд?
 Ё пайванд қилолмай, ғамли, аламли,
 Оқиб бораётган ёниқ муҳаббат?

1971

ЧЎҚҚИ


У шўхрат истади, бир олам шўхрат,
 Мақтов, олқишларни қўмсади жондан.
 Шўхрат деб яшади ёшликдан фақат,
 Шўхрат дея кечиб ҳатто имондан —
 Тинмайин ҳаракат не йўллар ила...
 Аммо бўронларга беролмади дош.
 Ху, баланддан бугун, жарликка ана,
 Думалаб кетмоқда бўлиб битта тош!

1971

ҚУЁШ АФСОНАСИ

Қалб қаъридан отилган ғазаб
 Кўзларида қон бўлиб кетди.
 Ҳаёт — дўзах, ҳаёт — дард, азоб,
 Жон қийноғи мангуга етди!..
 Наҳот, унинг гурури, ори
 Сочин ёйди ўзга кучоқда.
 Орзу, мурод, ишончи — бори
 Бўса берди ҳаром дудоққа.
 Қани шаффоф, шабнам туйғулар?
 Қани софлик, қани диёнат?
 Топталдимми бир зумда улар,
 Бир ҳис учун, наҳот, хиёнат?
 Энди қандай яшамоқ керак,
 Энди қандай кўтарадир бош?
 Жавоб бергил, эй забун юрак,
 Жавоб бергил, дунё — бағри тош?..
 Тингламайди йигит фарёдин,
 Гунг ва соқов — тўртала уфқ.
 Чиқиб кетди фалакка доди,
 Фалак... бесас, фалак — қуп-қуруқ.
 Тўлғанади, излайди нажот,
 Нажот бордир на кўк, на ердан.
 ... Кўкрагини ёрдию хайҳот,
 Юрагини суғурди бирдан
 Ва зинғитди кўк тоқи томон —
 Ўқдай учиб қадалди-етди.
 Ўша ошиқ юраги шу он
 Қуёш бўлиб чарақлаб кетди!
 Шундан софлик, садоқат нурын
 Кун-тун тўкар — сипқирар олам.
 Аммо айтинг, айтинг, дўстларим,
 Юрагимда нечун дард, алам?..

1971



ТУТҚУН

Ғанимлар таҳқирлаб бешафқат,
 Онангдан айрилдинг, дедилар,
 Тутқуннинг кўзида, бетоқат,
 Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
 Қатра ёш...
 Мағрур қолди мағрур бош.

Кўз ёшлар боиси — ғам, алам,
 Ёрингдан айрилдинг, дедилар.
 Кўзига бокдилар, шод, хуррам —
 Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
 Қатра ёш...
 Мағрур қолди мағрур бош.

Қасоскор хабарлар билмас ҳад,
 Ватандан айрилдинг, дедилар
 Ва унинг кўзида сўнгги дард —
 Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
 Қатра ёш...
 Бир қалқди... Жон эди ўша ёш!

1971

ЎТГАН КУНЛАР

Гоҳо кулдим, гоҳо йиғладим,
 Қаҳ-қаҳ уриб, гоҳ қолдим ғамда.
 Муҳаббатдан бағрим тигланди,
 Гоҳ қоврилди сийнам аламда.

Ўтиб кетди бирма-бир, бугун
 Ўйларимда у кунлар ёди:
 Шуълаларга беланиб, беун
 Соф олтиндай товланар энди!

1971

ОЛОВСИЗ...

Оловсиз бу оламдир абас,
 У мисли жон азалдан-азал.
 Лекин Одам юрагида сас:
 — Олов балосидан асрасин!

Сувсиз ҳаёт йўқдир бир нафас,
 Бир томчи ҳам муқаддас, ҳалол.
 Лекин Одам юрагида сас:
 — Сувнинг балосидан асрасин!

Одам султон дунёга рўй-рост,
 Ҳисз ҳилқат беҳуда, муҳмал.
 Лекин Одам юрагида сас:
 — Одам балосидан асрасин!

1971

ГУЛҲАН

Нуротада одат: шом бўлдимиз, бас,
 Эркаклар бир ерда тортишар давра.
 Сухбатдан хорижда ҳеч нарсаси қолмас,
 Ўрта ёнади гулхан гуриллаб.

Эшитганман: алп-алп боболарим ҳам
 Ўтирар эканлар селдай гувиллаб.
 Бир оз замон бошқа (гоҳ куз, гоҳ кўклам),
 Лекин гулхан ёнган шундай гуриллаб.

Биз ҳам, бешак, бир кун кетармиз, лекин
 Ишончим тоғ: давраси қолмас хувиллаб.
 Наслимиз ўтирар... қочиб турар тун,
 Юракдай ёнади гулхан гуриллаб!

1971

ОҲУ

Ногаҳон сурилиб қоядан бир тош
Тошларга урилиб кўтарса сурон,
Ушбу суронлардан оҳу олиб бош, —
Қирлар ошиб кетар, чиққудайин жон.

Мажнун булутларнинг улкан галаси
Тоғлардан ёпирилиб ўтишса бирдан,
Шунчалар даҳшатми улар сояси,
Оҳу ўтиб борар бир неча қирдан.

Акс-садо завқига маст тоғлик ўғлон,
Унгурлар бағрида яйраб ҳайқирар.
Эҳ, шўрлик, толиққан оҳу бу замон, —
Неча доvon ошиб, ҳамон қалтирар.

Истаб келган эдим йироқдан уни,
Кўзларин кўролмай ўртандим бу кун.
Ким жавоб айлагай, о, унинг умри
Нечун ваҳмлардан иборат, нечун?..

1971

ТУМОР

Кўкси узра осилган тумор,
Йўқ, тангрига эътиқод эмас.
У қалбидан тошиб чиққан зор,
Мўҳаббату эътимод, ихлос.

Кутди... Жангдан қайтмади ўғли,
Бир хат қолди ундан нишона.
Шу хат билан ҳаётдир бағри —
Тумор қилиб тақди сўнг Она!

1971

ОЙ ГОҲ ТЎЛИН...

Лидага

Оҳ гоҳ тўлин, гоҳо яримта,
Гоҳ қалдирғоч қаноти мисол.
Ҳар бир тақдир кўзгуси кемтик —
Тилло сочлим, хайр, яхши қол!

Бу юртлардан кетар бўлдим мен,
Юрагимда аламли наво.
Ойга қўшиқ айтар бўлдим мен,
У гоҳ бутун, яримдир гоҳо...

1972. Воронеж

БУ ҚАЛБИМГА...

Бу қалбимга ўртанишларинг
Энди зарра сололмас шафқат.
Сенинг барча пушаймонларинг
Менинг учун буюк мукофот.

Чекил нари даргоҳимдан сен,
Кўз ёшлар ҳам беҳуда, санам.
Кўп кўрганман бу кўзларда мен
Эрмакталаб кулгуларни ҳам!

1972

ОҚ БУЛОҚ

Метин тоғлар қалқонин
 Синдирди у бир саҳар.
 Қудратидан ёш жони
 Яйраб кетди илк сафар.
 Сўнг кенгликлар ишқида
 Этакларга интилди.
 Қушлар дуо ўқишиб,
 Изларидан тикилди.
 Кўйлаб борар у, ана,
 Қўшиқлари, оҳ, дилбар,
 Авжларида тантана
 Ва сурур бор нақадар!
 Бундай умр оламда
 Билмағай армон мангу.
 Чунки, ҳув, олис тонгда
 Кашф этолган қалбин у!

1972

ТЎР ДОИМ...

Тўр доим ташланар оқимга қарши,
 Шунда унга балиқ тушмоғи аён.
 Мен сенга қанча “тўр” ташласам ҳамки,
 Фақат йироқлардан бўлдинг намоён.

Умидли қалбимнинг барча илинжи
 Ортингдан сурилган хаёлдай нафсиз.
 Наҳот севилмаган юракнинг ганжи
 Шунчалар бетаъсир, совуқ, шарафсиз.

1972

ДЕНГИЗДА

Бизнинг тақдир Сир ва Амудек
Бир денгизга қўйилмаса ҳам,
Тўрга тушган икки балиқдек
Бир кемага тушибмиз, санам.
Сен ғоятда эдинг шод, масрур,
Атрофинга боқардинг хушҳол.
Мен-чи, мен ҳам ўзимча мағрур
Кетар эдим ва лекин алҳол,
Ич-ичимдан эзилар эдим,
Ёдга тушар эди у кунлар.
Ахир, қанча ортингдан елдим,
Қанча йиғлаб ёлвордим тунлар...
Ногоҳ, оғир қорайди осмон,
Босиб келди қуюқ зулумот.
Қутурган шер каби беомон
Тўлқин сапчир қирғоққа азот.
Кемада ҳам бошланди қий-чув,
Ҳар ким урар ўзин ҳар ёнга.
Ў, билмайман қайси дамдир у,
Сен ўзингни отдинг-ку менга.
Пинжим аро гўё йўқолдинг
Ваҳимадан, кўрқувдан беҳол.
Не ҳолатда мен шўрлик қолдим,
Ахир, бирга ажал ва висол...
Қанча лаҳза, қанча вақт ўтди,
Қайта бошдан эсламоқ оғир.
Довул тинди, гўё ёв битди,
Омон қолди кемамиз ахир.
Шиддат билан кўксимдан бир пайт,
Сен бошингни мағрур кўтардинг,
Шу бағримда, ў, севгилим, айт,
Бир умрга қолсанг нетарди?
Кетдинг яна аввалги тахлит,
Яна қолдим зору зор сенга.
Эвоҳ, билдим, ҳатто тасодиф:
Беролмаскан севгингни менга!

ФАРЁД

Ранги сўник, кўзи ўлик недир у,
 Недир ул оловнинг бағридан чиққан?
 Шафақгун либосда қандай ваҳм бу,
 Нечун у бесаноқ ханжарлар таққан?
 Нахотки, кўринди умрим поёни, —
 Устимга бостириб келмоқда... Ҳайҳот!
 Қонли бир интиқом истарми, қонли?
 Қоч! Йўқол! Қоч! Йўқол! Дод!..
 Қайдан менга бунча азоб, изтироб,
 Бу қандай хусумат, бало гумроҳи?
 Киприкларим неча ойким билмас хоб.
 Ёки удир бахтсиз севгим арвоҳи?..

О, севгим, бошимда олтин тож эдинг,
 Қуёшдай сийлардинг порлаб ҳар қачон!
 Раҳматлик бобом, эҳ, бош ирғаб дерди:
 — Мухаббат ўғриси — соянгда ҳар он!..
 Мен сени йўқотдим ўзим ҳам билмай,
 Кўзим очиқ туриб ғафлатда қолдим.
 Фарёд солдим бесас узилган гулдай
 Ва узок залворли ўйларда толдим.
 Йўқ, излай олмадим сенинг ортингдан,
 Туманли тунлардан қидирмадим, йўқ.
 Чиқмасанг ҳамки сен лаҳза ёдимдан,
 Уфқлардан сўраб югурмадим, йўқ.
 На елдим қасоскор дўстлар ёнига,
 На ўзим ағёрнинг изларин тутдим.
 Юрагим бўялиб қайноқ қонига,
 Фақат шу тор уйда зардоблар ютди...

Шунданми тинмайин важоҳат босар,
 На кун, на тунимда бордир ҳаловат.
 Йўқолган бахтини ким қидирмаса,
 Шундайин қийноққа ташларми ҳаёт?!

МЕНГА ЭРТАК СҮЙЛАБ БЕР, БУВИ

Ташқарида гуркирар баҳор, —
Ранг, оҳангга тўла бир олам.
Ташқарида ажиб шан, виқор,
Юрагимда лекин дард-алам,
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

Тингламоқни истайман бирам,
Истар маҳзун, шикаста дилим.
Кетди... энди келмайди сира,
Келмагандек ўтган ой, йилим.
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

Майли, бирпас бўлса-да, майли,
Эртаклардан олай куч, ором.
Гоҳ шу экан тақдирнинг зайли,
Унутмоғим шартдир батамом.
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

Ҳиммати-ку кўпдир дунёнинг;
Турфа рангда улар намоён.
Илк севгига, лекин, дунёнинг,
Марҳамати эмаскан осон!
Менга эртак сўйлаб бер, буви.

1972

ИЛҲОМ ПАРИСИ

Сенга бердим осмонни, ол, илҳомимнинг париси,
Майли, бўлсин сенга ҳатто фазоларнинг париси.
Керак бўлса берай азиз умримни ҳам сен учун,
Фақат сен бўл бу қалбимнинг мангу нилуфариси.

1972

КАТТА БУЛОҚ БҮЙИ...

Катта булоқ бўйи, кўҳна теракзор,
 Хур ўйлар ҳамдами — осуда макон.
 Табиат сахнаси бунда лутфкор;
 У турфа рангларда бўлур намоён.

Бундадир етмиш хил рангли камолак,
 Бундадир оламнинг бор оҳанглари.
 Мен ҳам бунда хумор кутаман, малак,
 Келгин сен, сен учун аталган бари...

1972

ТОҒ ЙИГИТЛАРИГА

(ҳазил)

Ў, тоғли йигитлар, ўктам йигитлар,
 Кўнглининг кўрклиги кўклам йигитлар.
 Лекин ғазаблари тошгудай бўлса
 Қашқир нима, мағлۇб шер ҳам, йигитлар.

Ў, тоғли йигитлар, танти йигитлар,
 Тошларга бир умр банди йигитлар.
 Ўзга қишлоқлардан қиз олар, аммо,
 Тоғидан қиз бермас ғайри йигитлар.

1972

БАТАН

— Улар қандай яшар, биродар,
Тақир сахро, самум, довулда?..
Бу саволни, менга неча бор
Беришдилар тоғли овулда.

Йўловчиман, сахроликлар ҳам
Қўноқ этди ўз даврасида..
— Улар қандай яшайди, ошнам,
Қон қақшаган тоғ орасида?

1972

ВИДО

Етди бизга видо фурсати,
Икки йўлда турибмиз, мана.
Биз ёқмоқчи бўлган ишқ ўти
Қилолмади буткул тантана.
Умрларни зўрма-зўраки
Боғлаб шунча яшадик жим, лол.
Ўртамизда юз берса неки,
Ўтар, дедик, оддий туш мисол.
Совуқ юзда иссиқ табассум,
Бўм-бўш қалбда сохта ишқ тоти.
Илож топиб овундик ҳар зум,
Овунмади юраклар лекин.
Юракларни алдамоқ оғир,
Қисматларни алдасак ҳам биз.
Кузги япроқ мисоли охир
Қолдик мутлоқ заъфарон, беҳис.
Бари ўтди... Ў, бари бекор,
Етиб келди видога фурсат.
... Икки йўлда кетдик бир абгор,
Яна бадном шўрлик муҳаббат!

1972

ОМАДЛИ ОШИҚНИНГ КҮНГЛИДАЙ...

Омадли ошиқнинг кўнглидай, ногоҳ,
Яйради ваҳмлар тўла ёш қалбим.
Тун ичра тоғ йўли — овлоқ бу даргоҳ
Тўюлди ғаройиб бир маскан каби.

Ғолиб баҳодирнинг қараши аён,
Бу қараш менда ҳам бўлди намоён.

Чунки мўраларди тоғлар ортидан
Тўлин ой, нақадар улғувор, оппоқ
Ва кўриб қолгандим йўлнинг четида
Бир кучоқ ўтинун омонат ўчоқ...

Адашган йўлчига бу улғу дармон,
Тунлар қолиб кетган билгай бегумон.

1972

НАСИХАТ

(Ҳазил)

Олов каби ловуллаб турсам,
Сен насиҳат қилмагил, бекор.
Ғамда жардай ҳувиллаб турсам,
Керак эмас ўғитинг зинҳор!
Майхонанинг кўлида агар
Сузар бўлсам, келгил ёнимга.
Балки шунда бўлмас бесамар,
Қулоқ тутсам насиҳатингга...

1972

СОКИН ДАРЁ

Сокин дарё, сўрайман сендан,
 Тоғлардаги шиддатинг қани?
 — Сўраб нима қилурсан мендан,
 Хув, йўллардан сўрагил уни.

Сокин қалбим, сўрайман сендан,
 Ёшлиқдаги шиддатинг қани?
 — Сўраб нима қилурсан мендан,
 Хув, йиллардан сўрагил уни.

1972

КЕЛИНЧАК

Онанинг кўзлари жавдирар кўкка,
 Қўллари дуога очилмиш баланд.
 Ёлворар: — Умидим чиқмасин йўққа,
 Оллоҳ, келинимга ато эт фарзанд!

Саҳарлар отанинг саждада боши,
 Юракда юлдуздай сўнмас эътиқод.
 Жойнамоз устига томар кўз ёши,
 — Паноҳ, ёлғизимга берсанг-чи фарзанд!

Ким у, ким, тунлари ногоҳ оҳ урган,
 Ў, қайси гўшадан, қайси жигарбанд?..
 Айт, йигит, бағрингни не у тиглаган?..
 — Наҳотки, дунёдан ўтсам бефарзанд?!

Дуолар, кўз ёшлар, эвоҳ, не қилгай,
 Худойим не қилгай ҳайҳот, алҳазар,
 Ўткинчи ҳуснини сақламоқ бўлган,
 Қалби тош келинчак истамаса гар...

1972

TYH

Ҳеч қандай тасодиф
 юз бергани йўқ,
 Ногоҳдан қутириб на бўрон елди.
 Одатий кўзларин
 қилганича лўқ,
 Тун кириб келди.
 Бирдан кўршапалак
 гимирлай
 бошлар,
 Қуёшни тўйгунча бошлаб сўкади.
 Тул жайра —
 қовунхўр
 тумшугин
 қашлар
 Ва аста полизга
 чўкади.
 Сурма қош танноздай
 илон судралар,
 Мудҳиш дараларда
 ўқирар
 қоплон,
 Ваҳший йўлбарс
 “ов”ин
 ғажир,
 бурдалар —
 Парча-парча оху —
 беғуноҳ бир жон...
 Ваҳ,
 не ҳол,
 сурувни
 қийратар
 қашқир,
 Ҳайҳот,
 ғафлат босди
 чўпонни,
 наҳот?!

Бу қандай
ёвузлик,
бу қандай,
ахир...

Хей, тун,
сен
чўпонни,
чўпонни
уйғот!
Уйғот!..

Дод,
Даҳшат!!!
Тун кар,
кўр!
Қуёш,
юзларингни бур!

1972

ХОТИРА

(Мархума синглим Маърифатга)

Ўн саккиз ёшимда
 бутун қувончларимни,
 бутун шодликларимни,
 бутун қаҳ-қаҳаларимни
 олиб кетдинг сен.
 Ўн саккиз ёшимда
 ўн саккиз ёшимни
 ўн саккиз баҳоримни,
 ўн саккиз оламимни
 олиб кетдинг сен.
 Ўн саккиз ёшимда
 лаънатларга
 кўмиб ташладим дунёни,
 самони,
 арши-аълони,
 шундай ҳайқириб лаънатладимки,
 томоқларимдан
 томчи сув ўтмай
 бўғилиб-бўғилиб толдим.
 Ўн саккиз ёшимда
 шундай залварли ўйлар
 остида қолдимки,
 улар Тангритог
 елкасига тушганда
 тариқдай,
 тариқдай
 тиркираб кетарди.
 Ўн саккиз ёшимда,
 оппоқ синглим,
 гунча нафасидай пок синглим,
 сен, сен кўз юмганинг замон
 мангуга
 дунёдан!
 Бугун,
 шу дамда,

шу лаҳзада,
 бутун қувончларимни,
 бутун шодликларимни
 бутун қаҳ-қаҳаларимни,
 қайтиб бердинг сен.
 Бугун,
 шу дамда,
 шу лаҳзада,
 ўн саккиз ёшимни,
 ўн саккиз баҳоримни,
 ўн саккиз оламимни
 қайтиб бердинг сен.
 Бугун,
 шу дамда,
 шу лаҳзада,
 тўлиб кетди дунё,
 тўлиб кетди само,
 тўлиб кетди арши-аъло
 кулгиларимга,
 бу шундай кулгиларки
 юраklar тубида
 зил тош бўлиб
 чўкиб ётган
 кулгиларни
 етаклаб чиққувчи
 юзларга,
 кўзларга,
 сўзларга,
 Бугун,
 шу дамда,
 шу лаҳзада,
 шундай шодликлар
 остида қолдимки,
 Улар Тангритог
 қалбига кирганда
 кабутарлардай,
 кабутарларнинг
 ойдин парларидай
 чарх урарди муаллақ

сўнгсиз самода.

Бугун,

шу дамда,

шу лаҳзада,

оппоқ синглим,

ғунча нафасидай пок синглим,

қизим Шаҳина

бўлиб

келиб

дунёга!

Лекин,

лекин,

шу дамда,

шу лаҳзада,

яна нимадир, нимадир

чўкиб ётар

сассиз,

садосиз

қалбимнинг қаърида

қора юзларини

оппоқ пардага ўраб...

1972

ТУН ҚУШИ

Тун қўйнидир унинг маскани,
Бир сирдоши юлдузлар холос.
Одамлардан йироқ деб уни,
Беҳудага айбланганг, бас.

Тирикликнинг ярмини олган —
Зулмат аро сайрар ва учар.
Оппоқ тонгни у севиб қолган,
Унинг васлин деб тунни ичар...

1972

БИР ЙИГИТ БОР...

Бир йигит бор... Кимдир тунов кун,
Тўнғиллади: "Бунчалар безбет..."
Кимдир яна қўшилди: "Кун-тун
Санқийди у, ҳе, садқаи... кет".
"Пихин ёрган ўғри эмиш у.
Гўргинангда ётгур бекафан".
"Ҳой, фалонмиш, пистонмиш..." шу-шу,
Шўрлик йигит кетар юзтубан.
Ахир қандай яхши бўлсин у?!

Бир йигит бор... Кимдир тунов кун,
Жилмайиб дер: "Бунчалар доно..."
"Ғам босса ҳам қалбини бутун,
Кулибгина юради аммо".
"Шоир эмиш... Ҳа, ҳа, шундай у,
Кўз тикармиш тунлари кўкка..."
"Ундай эмиш, тўғри, бундай у..."
Интилади йигит юксакка...
Ёмон бўлиб кўрсин қани у!

1972

ТАСОДИФЛАР КҮПДИР ДУНЁДА...

Турк улусларига

Тасодифлар кўпдир дунёда,
 Гоҳ уларда юртлар қисмати.
 Бир чўққини бўлди иккига,
 Бир лаҳзада чақмоқ шиддати.
 Улар яна бирлашур балким,
 Балким шундоқ қолур икки тан.
 Иккиси ҳам аввалги каби
 Бургутларга барибир ватан!

1972

ШОИР ВА СЕВГИ

У севади оппоқ тоғларни.
 Чақмоқларнинг шиддатин севар.
 Кузак ели, яшил боғларни,
 Танти офтоб талъатин севар.
 Севади у гунча нафасин,
 Шабнамларга беназир ошиқ.
 Севади у қушларнинг сасин,
 Осмон унга зангори қўшиқ.
 Юлдузларнинг ҳарир жилоси
 Майи нобдек кирган қонига.
 Тонглардаги найнинг навоси
 Ёр ишқидек сингган жонига.
 О, баридан буюк, муқаддас,
 Она халққа бўлган севгиси.
 Авлодларга мангулик мерос,
 Юрт ва ҳаққа бўлган севгиси.
 Севги, севги ҳаққи ул шоир,
 Севгисидан топгай саодат.
 Англа, эй жон, ўшадир боис,
 Ҳатто йиғлаб чекса ғам, фарёд!

1972

ТУШ

Мен тушимда, харсанг тош каби
 Дуч келибман яшинга ногоҳ.
 БОШ-ОЁғим икки лош каби,
 Икки ерда қолиб кетмиш, оҳ.

Лекин БОШим ётмай, ўз йўлин
 Топиб кетмиш манзилга томон.
 Билолмасдан ҳатто ўнг-сўлин
 ОЁқларим ётармиш ҳамон...

1972

ТЕГИРМОН

Қишлоқ чеккасида кўҳна тегирмон,
 Оддий вайронадай турар мунғайиб.
 Йўсинлар босган нов кўпдан-кўп замон
 Ўжар сув остида қолгандир ғариб.

Пайт етмиш ва тушдай унутилмиш у,
 Беҳуда банд бўлмас бу кун хаёллар.
 Фақат ўтиб қолса ёнидан бир қур,
 Кўз тикиб, бош ирғаб қўйишар чоллар.

Лекин болаларга бу жой кўп ўнғай
 Ва қизиқ жуда ҳам гўёки эртақ.
 Кун бўйи ўйнашар бунда эринмай,
 Замонлар бузгани — уларга эрмак...

1972

МУБОРАК ЗОТ ЭМИШ...

Муборак зот эмиш,
 аллома эмиш,
 Кўп машҳур эмиш у —
 бизга замондош.
 Илму сўз бобида
 ягона эмиш,
 Кимларга кўз эмиш,
 кимларгадир қош.
 Тириклик пайтдаёқ
 шонли ва мағрур
 Ҳайкаллар тик этмиш
 кўплар дилида.
 Фақат,
 ўз тилини билмас эмиш у,
 У сўзлай билмасмиш
 она тилида.

1972

ЎҚ ЕГАН ЙЎЛБАРСДЕК...

Ўқ еган йўлбарсдек ғазабга келиб,
 Осмонни парчалар қалдироқ саси.
 Илондай тўлғанар тўрт томон елиб,
 Чақмоқлар қиличин совуқ нафаси.

 Ер юзин ўткинчи бир ғавғосидай,
 О, улар тингайдир ҳали замон, боқ.
 Шаҳид қаҳрамоннинг ёш бевасидай,
 Фақат осмон йиғлаб қолади узоқ...

1972

БАЛИҚЧИ

“Жўражонлар, ёрдам беринг сиз,
 Бўрон бизни ажратди ногоҳ.
 Мени бу ён, отамни-чи, оҳ...
 Жўражонлар, ёрдам беринг сиз”, —
 Ўғли чорлаб бир неча дўстин,
 Қайиқларга зумда ўтқазиб,
 Бўрон ичра қолган отасин
 Кетди излаб, денгизда сузиб.
 Кўринмайди, лекин ҳеч нима,
 Кўринмайди бирорта жонзот.
 Нурлар синар сувда жимгина,
 Тўлқин сари тўлқин сурар от.
 Шубҳаларни қувлаб беомон,
 Ёнар умид чироғи, аммо,
 Югуради нигоҳлар ҳар ён,
 Қидиришдан толмагай асло...
 Мана, охир, топиб олдилар,
 Бир қирғоқдан унинг жасадин.
 Кўкрагига қулоқ солдилар,
 Сезиларди ҳали нафаси.
 Уйга томон элтдилар дарҳол
 Ва қилдилар дорию дармон.
 Бир пайт (не ҳол?) о, балиқчи чол,
 Туриб келди ўрнидан шодмон,
 Ташқарига қаради аста,
 Деди: “Ҳаво бунча беғубор,
 Ғафлат босиб ётмоқ бу пайтда,
 Ўлим билан, ахир, баробар.
 Қайиқларни тайёрланг, қани,
 Оқ қилмоқни кўрсатай сизга...”
 Уйидаги “меҳмон”ларини,
 Бошлаб чиқиб кетди денгизга!

Сув кўрмайин этикни ечиб,
 Нима гап?.. Йўқ, инонмас эдим,
 Лекин балиқ шўрвасин ичиб,
 Ҳозир улар ёнидан келдим.

КАМПИР

Кенг шосула четида,
 Бирдай ўтирар кампир.
 Қараб ҳовли бетига,
 Урчуқ йигирар кампир.
 Урчуқ "гир-гир" айланар,
 "Гир-гир"и ғоят маҳзун.
 Кампир ўйи боғланар
 Ва бошлар қўшиқ — узун.
 Қўшиғининг тагида,
 Бир дунё ғам, зор ётар.
 Ахир ўтмиш бағрида,
 Қизлик умри хор ётар...
 Урчуғи тўлар бир пайт,
 Тонг отар бирдан гўё.
 Қўшиқ ҳам тугар шу пайт,
 Ёришиб кетар дунё...

1972

ОНА ЎғЛИН...

Она ўғлин йироқ-йироққа
 Кузатгандай дардини бўзлаб,
 Қуёш доя бўлган ирмоққа
 Мангу қорлик турибди сўзлаб:
 — Юксакликда кўз очдинг кўркам,
 Қайноқ, жўшқин, буюк қалб билан.
 Кенгликларга интилгил ўктам,
 Барқарор ишқ, эзгу дард билан.
 Майли, олис кет ўтмай дамлар,
 Даштлар аро қилгил тантана.
 «Мангу муз», деб шунда одамлар,
 Балки менга қилмаслар таъна!

1972

НАКУРТ ҚИШЛОҒИ

Ложувард уфқда менинг ўйим бор,
 Бир ўйки, ўйларим ойдин, сараси.
 Шу уфқ тагида менинг уйим бор,
 Нурота тоғларин у ер ораси.
 Унинг осмонида бургут қанотин
 Шиддати ҳавони қалқитар тинмай.
 Чексиз кенгликларга бўз муҳаббатин
 Чўпон тили билан изҳор этар най.
 Олмос қояларда олмос нур ўйнар,
 Чўққилар узра, ҳув, жайрон боласи.
 Булоқлар бошида какликлар қуйлар,
 Созларин басталар тоғ шалоласи.
 Азалдан ҳаётнинг тўймас ошиғи
 Шер ёлли чинорлар шовиллар сокин.
 Бир ажиб муҳаббат улар қўшиғи,
 Бу қўшиқ менинг ҳам қалбимга ҳоким.
 Наъматак шоҳида сайрар бир қушча,
 Туғилган жойидан сайрар миннатдор.
 У митти, келмайди вужуди муштча
 Ва лекин қалбида бир олам куй бор.
 Тоғ қизи қуйлайди, сочин тарайди,
 Зар чашма қошида — ой ёғдусида.
 Олис юлдузларга нигоҳ қадайдди,
 Севганин кўради ўй кўзгусида.
 Беташвиш оқ булут жим юрган қуйи,
 Мангу тоғ бағрини айлар томоша.
 Яна мен бағрингда қишлоғим, уйим,
 Бағрингда, о, лекин ҳаёллар оша.
 Ҳаёллар қўйнида ёришар осмон,
 Ёришиб бормоқда тоғлар дараси.
 Ассалом қишлоғим — жонбахш ошиён.
 Ассалом хилватгоҳ — тоғлар ораси.
 Тош девор, лой сувоқ уйим, ассалом.
 Ассалом, бобомнинг азиз маскани.
 (Бунчалар гўзалсан, ҳей, ёруғ олам)
 Ассалом, муборак менинг ватаним.
 Шарафлар ёғилсин қутлуғ маъвога,
 Шараф-ла юрагим токи бир умр.

Не бошлар эгилди шу остонага,
Ёвлар қаршисида туролган мағрур.
Мен қўшиқ тўқидим шунда илк дафъа,
Шунда илк муҳаббат берди бир хаёл...
Шунда илк оламга айладим сафар
Йигитлик ёшимни олиб безавол.
Аён, темир қанот қушлар доимо,
Онасин оғзидан емак олмагай.
Маъсум, мўрт гўдаклар бир умр, она
Ё бешик бағрида ожиз қолмагай.
Мен бу кун олисда шовқинли шаҳар
Қўйнида сен ҳақда хаёл сураман.
Қанотим бўлсайди, қанотим агар...
Қалбимга бир буюк соғинч туяман
Ва лекин ёқтирмас бизнинг бу аср
Бир умр хилватда хаёл сурмоқни.
Асрингга муносиб фарзанд бўлгин дер.
Хайқир дер, истамас сокин юрмоқни.
Истамас тоғларда сайри тоғ этиб,
Умрнинг чақмоқдай ўтиб кетмоғин.
Истамас, йўқ фақат дилни чоғ этиб,
Ўт босиб қолишин умр сўқмоғин.
Туғилган уйдан нари чикмайин,
Дунёни туғилган уйим деган эр,
Тақдирим шу экан, қисматим тайин
Деб юрган шўрликни истамас аср!
Эй, она қишлоғим, кечиргил мени,
Эҳтимол шаънингга ортиқча гап бу
Ва лекин кимда-ким унутса сени,
Сен уни фарзандим демассан мангу!
Онасин унутган нодондан, ахир,
Нима ҳам кўрибди бу кўҳна олам.
Заъфарон варағинг узра, ҳей, тарих
Қолганми улардан бирор яхши ном?...
О, она, сен мени чорла бетиним,
Қаён элтса ҳам бу серташвиш замон.
Туғилган жойига содиқ бўлса ким,
Она юрт, халқига содиқ ҳар қачон!

ЙИЛҚИЧИ БОЛА

Асов тойчоқ, олов тойчоқ,
Шу бормиди бошингда.
Кўргим келар эди ҳар чоқ
Сени дуркун ёшингда,
Эркин, қувноқ, эркин, қувноқ.

Лекин менинг бу ниятим
Муродга туташмади.
Ёлдор тойим, тулпор тойим,
Унутиб кетишмади
Кенг яйловда сени шундоқ.

Ўмровингга ташладилар
Илонсифат зил арқон.
Кейин торта бошладилар
Депсиб, уриб беармон,
Бўлди бағринг лахта қон.

Тойдинг охир тамом ҳолдан,
Ҳеч қолмади мадоринг.
Кўплар қувнаб бу аҳволдан,
Олдилар ихтиёринг —
Юган солиб, о, беомон.

Энди кимлар измидасан?
Хайр менинг шўрлигим.
Энди кимлар азмидасан?
Бирам келар хўрлигим...
Алвидо айт, эй, безабон...

1972

БАЛИҚЧИ ВА ДЕНГИЗ

Ўтиб кетди қора булутлар,
 Ўтиб кетди қутурган бўрон.
 Галалашган ёвқур бургутлар
 Гўё қилиб кетмиш тўполон.
 ...Излар уни ҳамкасблари,
 Дилгир, дилтанг, асаблар таранг.
 Бири чиқмиш денгизга, бири —
 Соҳил томон кетмишдир гаранг.
 Излар тинмай... Гоҳ чекиб фарёд,
 Гоҳ денгизга қилар илтижо:
 — Денгиз, бизга содиқ умрбод,
 Азиз дўстдан қилмагил жудо.
 Она денгиз, наҳот сен, наҳот,
 Жаллод бўлсанг ўз фарзандингга.
 Балиқ билан бағишлаб ҳаёт,
 Бўрон билан жон олсанг бирга.
 — Она денгиз, унинг қисматин
 Ё ғалаён ютиб кетдими?
 Шиддатли ва мағрур ҳаётин
 Ажал ногоҳ юлиб кетдими?
 Наҳот вафо қилмади қайиқ
 Қояларга урди ўзини?!
 Ишончларга бўллоймай лойиқ,
 Гирдобларга бурди юзини...
 — Она денгиз, нечун сен, нечун
 Жим турибсан, бермайсан садо?
 Ўлиб кетмас одамзод беун,
 Жавоб бергил, о, бедил она.
 Ҳеч бўлмаса бер сўнгги хабар,
 Келтир майли унинг жасадин.
 Қабри қолсин тўпроқда, ахир
 Тўпроқ инсон сўнгги маъбади!
 Келтир майли, дўсти-ёри ҳам
 Тобут узра сукут этсинлар.
 Бажо айлаб ҳурматин бир дам,
 Сўнг елкада уни элтсинлар...

Излар ҳамон... Бас, дўстларим, бас,
Ортиқ тегманг унинг руҳига.
Денгиз билан яшаб басма-бас,
Денгиз билан қолди мангуга!

1972

УФҚ ОСТИ...

Уфқ ости тик қоя, тоғлар,
Арчазорлар бўй чўзар кўкка.
Унгурлардан чопқир ирмоқлар
Интилади бетин этакка.
Кечпишар ток ўрмалар узоқ
Очиққина сайхонлик томон.
Куйлаб ётар ишвакор булоқ,
Боши узра фируза осмон.
Шовуллайди кўҳна ёнғоқзор,
Яқинда бўй таратар ёвшан.
Ёнбағрда паскам кулба бор,
Олди супа, супада шўх-шан —
Чўпонларнинг гүрунги, саси,
Тош ўчоқда чойдиш нафаси...

Эй дўст! Кетсам йироқлар томон,
Мен буларни қўмсайман доим.
Кўз ўнгимдан ўтар ҳар қачон,
Билсанг, у жой — туғилган жойим!

1973

ФАРД

Барча дарахт чиқарар япроқ,
Мева бермас барчаси бироқ!

1973

ЁМҒИР ЁҒИБ ЎТДИ...

Ёмғир ёғиб ўтди,
Осмон юзидан
Нафармон булутлар йиғди этагин.
Офтоб ҳам кўринди кўҳна изидан
Ва бошлаб юборди дилбар эртагин.

Мен йўлга тушаман,
Сернам қоялар
Қизғиш шуълаларда товланар майин.
Ён-вердан чекиниб борар соялар,
Қуёш тик, жунбишга келгани сайин.

Чарчаш нима — билмас вафодор отим,
Зерикиш менга ҳам бегона буткул.
Тоғлар атрофимда жилмаяди жим,
Жилмаяр қаршимда ёлғизоёқ йўл...

1973

БАЛКИ...

Ў, мана, ниҳоят, бу кун улуғвор
Қуёш тоғлар оша кўрсатди жамол.
Кунбеткай томонда зап эриди қор —
Баҳор кунларидан бу хабар балки?!

Энтикиб сен келдинг ушбу кун, дилдор,
Майин ҳилпиради оқ шоҳи рўмол.
Кетди юрагимдан ғам, ғашлик, ғубор, —
Хижрон тунларидан бу зафар балки?!

1973

БАХТ

(Театр томошасида)

Дездемона,
 қара,
 қарасанг-чи, рўмолчанг тушди
 сирғалиб-сирғалиб оёқлар остига.
 Наҳот...
 Наҳот кўрмадинг,
 кўлингдан бахтинг учди,
 шунчалар бепарво бўлурми бахтга!
 Дездемона,
 энди сен ўлимга маҳкумсан,
 гарчи садоқатда бўлсанг-да якто.
 Қутқазар на кўз ёши, на ёлвориш ўлимдан,
 шу олтин сочларинг билан бўғиб ташлар Отелло!
 Ҳаммаси тугади... билиб-билмай ўз ишини қилгувчи
 сенинг содиқ Эмилиянг, ҳаммасини тугатди!
 Нима излаяпсан? Нима?..
 Йўқолган бахтингними?
 Бекор гап!
 Топиб бўлмас йўқолган бахтни!

1973

ҚАДИМГИ САРОЙ ШОИРЛАРИГА

Шаҳаншоҳлар шаънига
 ашъор битиб,
 Маддох умрингиз сафо ўтди.
 Яшадингиз халқни унутиб,
 Ҳукми ҳақ! —
 Халқ ҳам сизни унутди!

1973

СЕВГИ

Кўпдан буён излардим сени,
Кўпдан буён ўйларим эдинг.
Ва ниҳоят, билмам, қай куни,
Кўзларимга ногоҳ дуч келдинг.
Тилло топиб олган қулдайин
Мен ўзимни йўқотдим тамом.
Лекин мутлоқ парво қилмайин,
Ўтиб кетдинг ёнимдан шу он.
Шу он бирдан ингради қалбим,
Ўқ егандай саргашта оху.
Илк мартаба бол деб кутганим,
Чиқиб қолди баногоҳ оғу!

1973

ОШИҚЛАРГА

(Ҳазил)

Офтоб ботар, қояларни
Босиб олар соялар.
Офтоб қайтар, сояларни
Босиб кетар қоялар.

Ажабланманг, ёр кетганда
Сизни шубҳа боссалар.
Шубҳаларни ёр қайтганда
Босиб кетар бўсалар...

1973

СЕВГИ ДАФНИ

Мен бу ҳақда бирор кимсанинг
Билмоқлигин истамайман, йўқ.
Бардош берар бу қалбим манинг,
Нима унга бир оғули ўқ!

Севдим...
Лекин севилмадим, ҳа,
Шартми битмоқ йиғлоқ қўшиқлар?
Бу дунёда, ахир, менсиз ҳам
Кўпдир йиғлаб юрган ошиқлар.

Қабр қилиб ёлғиз қалбимни,
Мана, кўмдим севгимни унга!
Ичга ютиб бутун дардимни,
Тикиламан зим-зиё тунга...

1973

ТУНДА

Тун.
Юлдузлар милтирар,
Сой шовуллайди.
Тош.
Хира нур йилтирар,
Ит вовиллайди.
Тол
оҳиста эгилар,
Сув кўз тутади.
Қалб
таржима этилар,
Қалб энтикади...

1973

БАҲОР

Гиёҳлар, куртаклар очмоқда жамол,
 Олам тўлиб борар яшил навога.
 Ёнингга елурман шу баҳор мисол,
 Мен бу дам сиғмасдан қутлуғ дунёга!
 Йўлимдан қайтарма ҳаргиз беомон,
 Қалбим ва баҳорнинг йўллари ҳақдир.
 О, сен ҳам мунаввар ишонч билан ён,
 Бизларни алдамас бу бахтли тақдир.
 Чақмоқлар чаққудай бўлса мабодо,
 Сен асло даҳшатга тушма, жонгинам.
 Баҳорга ўзга бахт борми дунёда,
 Чақмоқлар қарсиллаб чаққанидан ҳам?..
 Гиёҳлар, куртаклар очмоқда жамол,
 Олам тўлиб борар яшил навога.
 Ёнингга елурман шу баҳор мисол,
 Мен бу дам сиғмасдан улкан дунёга!

1973

ОРЗУ

Ҳар қандайин излар овчининг
 Диққатини тортмоғи аён.
 Зори васлинг — мен йўловчининг
 Охи сени жалб этса жонон.
 Сайёд излар ортидан бориб
 Бирор ўлжа тутгандай гоҳи,
 Вужудимни шодликка қориб
 Тутиб олсанг қалбимнинг оҳин.

1973

ОППОҚ БУЛУТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Оппоқ булут, эй оппоқ булут,
Қоялардан мен сизга боқдим.
Ёнингизда бепарво бургут,
Юрагимни ўйларда ёқдим...

Худди сиздай учратдим Уни,
Учратдим у етмадим фақат.
Кўз олдимда, мана бу куни,
Оппоқ булут — олис муҳаббат...

Оппоқ булут, эй, оппоқ булут,
Қоялардан мен сизга боқдим.
Ёнингизда бепарво бургут,
Юрагимни ўйларда ёқдим.

1973

ИСТАК

Хилват гўша менга керак,
Менга керак тиниқ осмон.
Сокинликни қўмсар юрак,
Кўкни севган қушчасимон.
Тоғлар, менинг истагим — сиз.

Тўлқинлардир жонга ҳузур,
Тўлқинларни истар қалбим.
Тинч қирғоқда турган қайиқ
Бўронларни севган каби.
Истакларим ўзинг — денгиз.

1973

МЕНИ ЎЛДИРОЛМАС...

Мени ўлдиролмас ҳеч қандай алам,
 На бошга тушгувчи турфа хил савдо.
 Ишқдан яраланган ёвқур юрак ҳам,
 На бир тасодифдан келгувчи бало.
 Дунёни севаман — юрагим қайноқ,
 Севаман бус-бутун барча рангини.
 Қўшиққа чанқоқман — ҳаётга чанқоқ,
 Балки шу чанқоқлик ўлдирар мени!

1973

ҲАЗИЛЛАР

Бир нав бўлиб қолган сўнг ёшинг
 Ҳазилларинг ёқмас

ҳар кимга.

Бир гўдакка ҳазиллашувдим,
 Юзларимни қаратди ерга...

Йигитлар-ку, чўрткесар, чапдаст,
 Келолмайсан

ўларга тикка.

Ҳазил қилсанг, оғир тегса гап,
 Чирпиратиб отади кўкка.

Қўйгил ўша чол-полларингни,
 Бир сўз десанг...
 тентақдир отинг.

Энди,
 барча ҳазилларимни
 Кўтарасан ўзгинанг, хотин.

1973

АВГУСТ ОҚШОМЛАРИДА

Салқин август оқшоми куйилмоқда оҳиста,
 Қуёш, тоғлар ортига рухсорини беркитди.
 Уфқлар алвонлиги оқариб қолди аста,
 Кўп ўтмайин улар ҳам, аммо, қорайиб кетди.

Умрим сарфа боғидан йўқолди тагин бир ранг,
 Ранглар излаб ошуфта, сарсари юрганимда.
 Кунлар бешафқат учиб аҳволимни қилар танг,
 Шошиб ўтган кечмишга термилиб турганимда.

Бундай сарин оқшомда риёзат чекмоқ нечун,
 Хилват тоғ гўшасида кезмоқдан не муддао?
 Бунча ташна қалб билан яшамоқлик не учун,
 Не истасанг барчаси бирдек бўлса муҳайё...

Ана, офтоб ўрнига ой чиқмоқда бемалол,
 Дилбар сой тўлкинига ойдин шуълалар сочиб,
 Бепарво олам ўзра бепарво сулув мисол
 Кезар, оққуш тўшидай сўлим бағрини очиб.

Лекин мен бу оламга қарай олмам бепарво,
 Ўтган бенаф кунларга ғусса билан боқаман.
 Ўринсиз хаёлларга ўрин берманг мабодо,
 Мен ўзимнинг қалбимни ўзим ўтда ёқаман.

Ахир, дўстлар, жуда кеч кашф этдим мен
 қалбимни,
 Унинг сирли ганжини, оҳ жуда кеч англадим.
 Кеч сезолдим бетакрор туйғуларнинг зарбини,
 То шунгача ўзгалар қалбини кўп тингладим.

Уларни лол, жимгина тингламоқлик бир умр
 На кўнглимни ёритгай, на бергай сурур, ором.
 О, аслида барчаси қалбинг кашфида эрур,
 Ўз кашфингдан бошқаси, билсанг, беради алам.

Қақшаган қояларнинг қоқ ўртасида арча —
 Ўсар совуқ тошларга аччиқма-аччиқ мутлоқ.
 Тикиламан мен унга алам билан ва ўйчан,
 Алам билан ҳасадни қориштирманг сиз бироқ.

Ўша арчадек бир қур яшадимми дунёда,
 Оқ чўққилар шаънига тўқидимми бирор байт.
 Олқишлар айтолдимми мангу боқий зиёга,
 Инсон бўлиб не бўлдим, етмадими ёки пайт?..

Беҳуда хаёл, чекин, йигирма беш ёшида
 Оламга армон бўлиб ўтиб кетган нечалар.
 Ўргилади уларнинг дунё ҳамон бошидан,
 Қабр тоши устида ёш тўқади кечалар.

Ёки менда истеъдод... Истеъдод нима ўзи?
 Англай билиш қалбингни ва меҳнатдир хосу мос.
 Порлаб турса офтобдай тафаккуринг юлдузи,
 Ҳам умид-ишончингга бўлса бас собит ихлос!

Нахот энди менга кеч... Йўқол, шайтоний хаёл,
 Хей, қани кеч туғилган орзуларим, келинг, сиз.
 Сизлар бўлинг умримга бир умр нотинч савол,
 Токи мен замонамдан ортда қолмайин ҳаргиз!

Бу кун интилмоқдаман сўнгги йўқ манзил томон,
 Чорлар мени бетиним, унга излайман йўллар.
 Поёнсиз ерларига уруғ тиккандай деҳқон,
 Инсонларнинг қалбига эсмоқ истайман гуллар. .

Яратиш ишқи билан тўлиб борар юрагим,
 Гоҳ нелардир қидиргум мовий уфқлар оша.
 Ер, осмон ўртасида дайдишнинг йўқ кераги,
 Чексиз фазоларни ҳам қилмасанг гар томоша!

Хуш соат давралардан бу кун қочаман йироқ,
 Шўх базм, айшлар ҳам мени қилмас мубтало.
 Бир пайтлар дўстлар билан ўйнардик бекинмачок,
 Уларни изласам мен топар эдим беҳато.

Бугун шеър ахтараман... О, баъзан бермас имкон
Майда-чуйда ташвишлар тинмайин ахтармоққа.
Аммо ўша дўстлардек топажакман бегумон,
Риёзат чекмай, ахир, чиқиб бўлмас-ку тоққа!

Ва лекин, жўраларим, офтобнинг азаллигин,
Осмоннинг мангулигин сўзлайверманг сиз менга.
Шу муборақ ҳаётнинг абадий гўзаллигин,
Шу шаффоф ҳаволарнинг қайтмас жонлигин танга.

Ҳаммасини биламан, зотан ким билмас, дўстлар,
Худа-беҳуда сўйлаб келаверманг олдимга.
Ҳа, улар мангулигин ҳадеб сўйлайверсалар,
Умр ўткинчилиги тушаверар ёдимга...

Бас, мен мана бошладим... Бошладиму ва лекин
Уни қандай тугатмоқ тўғрисида қайғум бор.
Узоқ набираларим титиб қолса не деркин,
Келажакка боқаман сатрларимдан бедор.

Сарбаланд тоғлар шундай: турна кўз бўлоқларин
Бағридан этакларга кузатиб қолар экан,
Бўлоқларга бахш этиб ўктамлик, қайноқлигин,
Термулиб дер: — Улардан гул ўсарми ё тикан?

1973

КУРАШ

Қани, қани даврани кенг олинг, дўстлар,
 Сигмас ахир бу майдонга икки полвон.
 Ортингизда жойлар мўл-ку, азаматлар,
 Ҳа, сурилиң!.. Ҳей, полвонлар, мана майдон...

Полвонларим, ўйин расмин унутмангиз,
 Ғолиб бўлиб обрў олинг, фақат ҳалол.
 Удумларга асло хилоф иш тутмангиз,
 Боболарнинг руҳи сизга мададкор, ол!..

— Шарт боғлайман, Суяр полвон ютиб чиқар,
 Сиёғига қара унинг — дев мисоли.

— Хўп, кўрамиз, кўрамиз ким кимни йиқар,
 Келбати сал бундок, лекин чайир Али.

— Яша Али! Азот кўтар, кўтариб ур!
 Нима бўлди, йиқилди-ку Али бирдан?
 Суяр номард... О, номардлик қилди ахир,
 Жонҳолатда чалди унинг оёғидан.

Нотантилик қилди Суяр,
 Уят полвонга.
 Нотантилик қилсанг, жигар,
 Тушма майдонга!
 Тушма майдонга!

Йиқилса ҳам Али полвон марди майдон,
 Бобо ўйин думларин бузмади у.
 Шараф сенга, Али полвон, ҳей мард полвон.
 Майдон фақат мардларники эрур мангу!

ОНАЛАР

Қўл силкитиб қолар оналар,
 “Хайр” десак мунис кучоққа.
 Қўл силкитиб толмас оналар,
 Биз кетар чоғ йироқ-йироққа.
 Турналардек тоғлардан ошиб,
 Денгизлардан шошиб ўтармиз.
 Уфқларга аста ёндошиб,
 Кенгликларга сингиб кетармиз.
 Қўл силкитиб турар оналар,
 Бизлар кетган ёқларга қараб.
 Узун хаёл сурар оналар,
 Ўтган учқур дамларни санаб.
 Бизлар-чи, гоҳ осмону фалак,
 Ўйларимиз бегона, холи.
 Орзулар деб жонимиз ҳалак,
 Ахтарамиз саодат, толе.
 Оқ сочларин жимгина тараб,
 Кўзлари тўрт кутар оналар.
 Бизнинг кетган йўлларга қараб,
 Қўл силкитиб ўтар оналар...

1973

ТОҒ БЎРОНИ

Тоғ бўрони дарада бетин
 Ёзмоқ истар қанотларини.
 Тўрт томондан қоялар лекин
 Бўғар унинг шиддатларини.

Телба қудрат охир тиз чўкар
 Ва йиғлайди гўдакдай гўё.
 Бир пайт ухлаб қолар — туш кўрар, —
 Тушларида ҳад билмас дунё...

1974

ЮЗЛАРИДА МАҒРУР СИПОЛИК...

Юзларида мағрур сиполик,
 Кўзларида бепарво ўтлар.
 У беозор одатга молик,
 Азоб бермас сўнгсиз сукутлар.

Кимлардир дер: “Билмас нафратни,
 Муҳаббат ҳам ёт эрур унга.
 Фарқламагай шодлик, кулфатни,
 Бирдек қарар зулматга, кунга!..”

Лекин унинг қалбини, ҳайхот,
 Англай олмас, англамас ҳеч ким:
 Муҳаббати бағишлар ҳаёт,
 Мухрлайди нафрати — ўлим!

1974

МАШРАБНИНГ СЎНГГИ ҚЎШИФИ

(1711 й. Балх)

Қай кимсаким волидасин унутибди —
 қора ер кутибди оқибат,
 Қай кимсаким ўз халқидин юз бурибди —
 қора ер кутибди оқибат,
 Қай кимсаким ҳаром-ҳариш айш сурибди —
 қора ер кутибди оқибат,
 Қай кимсаким дунёга даъво урибди —
 қора ер кутибди оқибат,
 Девона, унутмадинг, она, улусингни,
 айш ёт, бедаъвосан дунёга
 Ва лек нечун бўйнингда сиртмоқ турибди —
 қора ер кутибди оқибат.

1974

ИШҚ ОЛОВИ

Ишқ олови гурилла,
Гурилла сен беармон.
Разил кимсаларнинг ҳам
Юрагини беомон —
Ёндир! Аҳ-ҳа... мен кўрай,
Ишқ олови, ён!

Эҳ, сен гурлаб ёнмасанг
Кимнинг қалбида агар,
Юз ўгирсанг ва ёки
Қилсанг ёнмоқдан ҳазар,
Башарий меҳрни ҳам
Билолмас, у, алҳазар!

1974

АМИР ТЕМУР АРМОНИ

Тобун қилдим турлик юрту элатни,
Донғим кетди эл кўчгандай изма-из.
Тобун қилдим уч кам ўттиз пойтахтни,
Не султонлар ҳузуримда чўқди тиз.
Теграмда ганж тошди дарёлар каби,
Хизматимни қилди гул юзлар ҳар дам.
Бу не дунё ўзи? Кўз юмолмадим —
Роҳат тўшагида бирор лаҳза ҳам!

1975

ТОҒЛАРДА КУЗ БОШЛАНДИ

Тоғларда куз бошланди, қадрдоним, дўстгинам,
Кел, Нурота тоғларин бағри аро шошиб кел.
Унда менинг қишлоғим, чекка, сокин уйгинам,
Унда букун сершафақ кузни кутиб олар эл.

Шаршаранинг салқини ёйилди тўрт томонга,
Билсанг, дўстим, бу асли куз киришдан даракдир.
Қўлда кўза, тоғ қизи нигоҳ қадар осмонга,
Нечун бунча тикилар, буни билмоқ керакдир.

Сор бургутлар кўринмас, учмас баланд ҳаволаб,
Учмас улар осуда, шакл ясаб нотайин.
Қиз кўнглидан ўтказар: салқин бўлса не ажаб,
Халитданоқ бургутлар эгаллабди жой-жойин.

Салқинми ё иссиқми, менга барибир, дўстим,
Она тоғим кузини мен ғоятда суяман.
Агар уни, тўғриси, ёмонласа кимда-ким,
Шайдо қалбимда унга ранжу нафрат туяман.

Ҳа, баъзан куз ҳақида гап кетса бирор ерда
Нафрат билан жилмайиб қўйгувчилар топилар.
Улар ожиз кўзлари кузни кўради гўрда,
Шоир айтгандек: «Улар кишнаб юрган йилқилар».

Таъна нечун, яхшиси, куз кўркига тўяйин,
Холдор хазон пирпираб шаббодада учмоқда.
Бул кузнинг ҳам ҳадемай ўтиб кетиши тайин,
Ана, мезон хаёлдай ерга учиб тушмоқда.

Чўққиларни қоралаб ўтиб борар турналар,
Ўттам қанотларида кетар учқур ўйларим.
Қалбимда жўшиб бирдан ногаҳоний туйғулар,
Ўйларимни босади ички тошқин куйларим.

Мен уларни куйлайман дараларда энтикиб,
Тоғ ўрмони бошида уфқнинг зар рўмоли.

Қушдай енгил учаман, илҳом шавқини тутиб,
Висол иштиёқида ёнган ошиқ мисоли.

Олисларга қарайман, қояларга чиқиб гоҳ,
У ёқларда туманми, тўзонми ётар беҳол.
Қайлардандир шу палла эшитаман мен ногоҳ
Бахтиёр чўпонларнинг қўшиқларин безавол.

Нурота чўпонлари, юртим қахрамонлари,
Мен сизни ҳар қачон ва ҳар ерда тарафлайман.
Учаверсин йироқлаб меҳнатингиз шонлари,
Она тоғим мисоли ардоқлаб, шарафлайман.

Шуларни дилга туйиб, термиламан ҳар ёнга,
Даралар кунботари аста қорайиб борар.
Сой шовқинин тинглайман, ҳузур беради жонга,
Кўп ўтмайин у дуркун ой нурида ялтирар.

Эҳ, дўстгинам, тоғ кузин оқшомлари муборак,
Бир олам завқ-сафога, шавққа кўмади мени.
Куз пайтида ҳар йили яшайман мен жонсарак,
Тоғ кузига айна пайт чорлаяпман мен сени.

Ёлғизоёқ йўл бўйлаб, чўққиларга чиқиб кет,
Тоғ бошини ўраган туманларга тикилгин.
Сарғайган, қизғиш ўрмон билан тургил бетма-бет,
Ёнбағирлар олмоқда совуқ урган барг тусин...

Лекин гоҳ беихтиёр, бирдан ёдга солар куз
Умрим кузини, дўстим, ўйлаб қоламан оғир.
Ақлим дейди мисоли чакмоқдай чақиб шу кез:
Долғадай жўш, ҳайқиргил, яратмоқ пайти ахир.

Ярат! Тўкинлик билан умр кузини кўрмоқ
Мангу улуг шарафдир замонангга, бахтингга.
Қалбда меҳнат ҳовури, қалбда оташ, иштиёқ,
Ақлу туйғуларимни оламан мен забтимга!..

Тоғларда куз бошланди, қадрдоним, дўстинам,
Кел, Нурота тоғларин бағри аро шошиб кел.
Унда менинг қишлоғим, чекка, сокин уйгинам,
Унда бу кун сершафақ кузни кутиб олар эл!

1975

КУЗ

1

Салқин тушиб қолди тоғлар бағрига,
Вазмин кўтарилар дарадан тумон.
Эл-юрт кўчиб энди тоғ этагига,
Ёзги чорбоғларда намхушдир хазон.
Кеч қолган чўпон ҳам ҳайдар сурувни,
Серка йўл бошлайди чалиб кўнғироқ,
Жаранглаб турар у узоқ ва узоқ,
Уфқларга сингиб кетар охири...

2

Нурота тоғларин қучоғида куз
Анча қисқа бўлар ва лекин гўзал.
Мен унинг кўйнида кезаман ёлғиз,
Ҳар қандай фаслдан куз менга афзал.
Аммо сиз ўйламанг: жўшқин ва қайноқ
Жабҳалардан қочиб у юрар сарсон.
Хилват унгулларда дайди бегумон,
Она юрт, халқининг ташвиши йироқ.

3

Бундай гумонларга борсангиз, тайин,
Кечири олмасман бир умр сизни,
Кўрганмисиз ҳалол меҳнат қилмайин
Бурда нон синдирган асл ўзбекни?!
Ё айри тушганми ўз замонидан
Қоядан парча тош учгани мисол.
Робинзон қисмати бу халққа малол
Оташга сиғинган олис онидан.

4

Мен шу халқ фарзанди, базми, тўйида
Қамишдан бел боғлаб хизмат қилгум соз,
О, халқим тўйлари, жоним кўйингда...
Кўпқари урроси ёдга тушди боз —
Боболарнинг ўтли юраги, қони,
Шу шонли майдонда бўлур намоён.
Ҳей, бўм-бўш қолмасин бу қадим майдон,
Танти чавандозлар, гуркиранг, қани!

5

Лекин аза йўқ деб ким айта олар
Тўйлар гуриллаган улуғ майдонда.
Бешафқат ажал гоҳ чангалин солар,
Азиз дўстни олиб кетар бир онда.
Азадор ғамига бўламан шерик,
Дардига дарддошман ҳаёт шомлари,
Фахрия битгандай у тўй дамлари,
Марсия битаман ғамгин ва ўксик.

6

Меҳнат эса менга ҳамиша ҳамдам,
Инсон учун бурч у бизнинг замонда.
Эркин, озод сеҳри қадам-бақадам
Жонга сингиб борар дориламонда.
Агар кимга буюк мақсад бўлса ёр,
Кимда орзу бўлса эзгу, бепоён,
Унга қанот берар муборак Ватан,
Ким бизнинг сафларда бўлса барқарор.

7

Аммо куз тоғларга ёйганда сепин,
Бағрига чиқмоққа толаман имкон!
Серташвиш меҳнатлар юкидан кейин,
Бағишлар руҳга у лаззат ва дармон.
Узун хаёлларга қилур занжирбанд,
Юракда кўзғатар ажиб туйғулар.
Номини тутқазмас қаламга улар,
Хар қандай жарангдор сўзлардан баланд.

8

Тоғ қизларин ибo, назокатлари,
Кузнинг рухсорида бўлади зоҳир.
Жонингни оладир латофатлари,
Тоғ улар ҳикматли, гоҳида соҳир.
Гоҳо кексаларнинг ўйчан ва мунис
Қарашларин бирдан туширар ёдга...
Даврада тикилиб тургандай ўтга,
Қалбларин ёндириб аллақандай ҳис.

9

Ғазабин бемаврид тўқувчи ғаддор,
Ёки асаблари нозиклар, ҳай-ҳай,
Ишонғум, тоғ кузин кузатса бир бор,
Ўзгалар қалбига ғашлик солмагай.
Ёки руҳи инжиқ, ё такаббур зот,
Унинг лавҳаларин уқсайди, қани,
Умридан ажратиб оларди маъни,
Билсайди қанчалар табиб табиат.

10

Гарчи куз чехраси эмас серкулги,
Гарчи кўп эркалаб куйламас шодон,
Гоҳ дилда титроқ мунг уйғотса ҳам у,
Дилгир сукутларга кўмса ҳам, инон,
У собир режалар дояси эрур,
Донишманд отадай олади кўлга
Ва бошлаб юборар муқаддас йўлга,
Қаршингда манзиллар рахшон кўринур.

11

О куз, сенинг турлик кўринишларинг
Мен учун суюмли ва азиз бирам.
Оқшом чўккандаги уринишларинг,
Тонгги шафақларинг сирли ва теран.
Фируза сойларнинг қирғоқларида
Хазондан беҳабар яшил майсалар...
Менчалик севмагай ўзга кимсалар,
Умрнинг сермахсул бу чоғларида.

12

Эрта саҳарлар, ҳей, салқин саҳарлар,
Чашма елларида турибсиз тутаб.
Сайёд шошиб ўтар бундай лаҳзалар,
Ҳаёлида семиз ўлжасин тутиб.
Йилқи уюрлари қулоқларини
Диккайтиб шарпага тикилиб турар.
Сўнг бирдан ўзларин дарага урар
Қолдириб зафарон ўтлоқларини.

13

Тоғда тунаб кетмоқ куз пайти маза,
Шериклар бўлса гар давра қурилар,
Ўртада қуруқ шох ёнар чарсиллаб,
Тун зулмати бундан нари сурилар.
Омонат ўчоқда шўрва қайнайди,
Ривоят бошланур тоғлар ҳақида
Ва ё ўтмиш — олис чоғлар ҳақида.
Қайдадир ўкки қуш бўғиқ сайрайди.

14

Ҳаво айниб турар тоғларда тез-тез,
Гоҳо у бадқовоқ, гоҳ ўйга чўмар.
Гоҳо булут тошиб келар ва шу кез
Қўнғир тоғ ўрмонин ёмғирга кўмар.
Тагин кўп ўтмайин сертўлқин осмон
Оқариб ёришар — ним боқар офтоб.
Хуш ислар димоққа урилар шитоб,
Бу исларга тўйиб бўлмас ҳеч қачон.

15

Лекин кунлар чумчуқ галаси каби
Қўним нима билмай енгил учишар.
Қорайиб боради булоқлар лаби,
Йўллар узра базўр изларинг тушар.
Тонглар теваракда шабнамлар бўлиқ,
Алқорлар жунжикиб чиқар қояга,
Ғалати тикилар қуюқ сояга —
Сезгайлар: куз ваъда этмайди иссиқ.

16

Ҳеч нарсага парво қилмайин, фақат
 Мангу яшилликда яшнар арчазор.
 Уни қизиқтирмас гўё бу фурсат,
 Гўё бу хилқатда биргина баҳор.
 Ёйилиб етибди чўққигача то —
 Қақшаган тошларни чиқишган ёриб.
 Яшил либосидан қилолмас жудо.
 Ҳатто бу тоғларнинг совуғи, қори.

17

Оҳ, сиру асрорим — куз, сендан мудом
 Хушбахтман! Нақадар севаман сени!!!
 Тезда қиш аёзин олиб келсанг ҳам,
 Унинг муз бағрига отсанг ҳам мени.
 Умрим меҳмонлиги фикримдан йироқ,
 Сенинг нашъаларинг симириб, тўйиб,
 Куйлагим келади гоҳ жим, гоҳ тўлиб
 Ва саркаш илҳом ҳам куттирмас узоқ...

18

Салқин тушиб қолди тоғлар бағрига,
 Вазмин кўтарилар дарадан тумон.
 Эл-юрт кўчиб энди тоғ этагига,
 Ёзги чорбоғларда намхушдир хазон.
 Кеч қолган чўпон ҳам ҳайдар сурувни,
 Серка йўл бошлайди чалиб қўнғироқ,
 Жаранглаб турар у узоқ ва узоқ,
 Уфқларга сингиб кетар охири...

1975

ТОҒ ЎРМОНИ

*Болалик дўстим**Олтибой Дехқон ўғлига*

Шаҳар шовқин-суронларин ортда қолдириб,
Яна келдим қучоғинга, қадрдон ўрмон.
Бир қушчадай мен турибман сенга бош эгиб,
Бағишлагил қалбга бу кун бўз сурур, дармон.
Ватанимнинг дилбар, азиз қўшиғи мисол
Севаман алп чинорларнинг шовиллашларин.
Камарларга зич ёйилган турфа хил ниҳол
Кун қиёмга келганида ловиллашларин.
Ердан қалқиб чиққан каби турар арчалар,
Улар соя-салқинига ошуфта кўнглим.
Хотиралар қуйилмоқда: бунда қанчалар
Отам билан пода боқиб ўтди ёш умрим.
Мана, очиқ сайхонликда ёввойи бодом,
Ёзда чайла қўндирардик унинг тагига.
Куз салқини тушганида, лекин дамодам,
Кўчиб эниб кетар эдик тоғ этагига.
Дараларга ёйилганда шом қоронғиси,
Чайла олди — тош супада ажиб ҳангома.
Чўпон-чўлик... Ҳангомага ташна бариси,
О, уларни тинглар эдим мен ҳам жимгина.
Мана, бунда ривоятлар сўзларди отам,
Бу залварли, бу алмисоқ тоғлар ҳақида.
Эшитардим ҳайрат ичра лол қолиб мудом,
Отлар кишнаб юрар эди йироқ-яқинда.
Бу кун отам неварали, пири бадавлат,
Йўли тушиб қолмаса гар келмас тоғ томон.
Сал бобомга ўхшамаган, бобом бирор вақт
Бу тоғлардан йўл узмаган... Ёдимда ҳамон:
Елкасида ов милтиғи кезиб юрарди,
Белбоғида эски “Ҳикмат” бўларди доим.
Чўққиларга термилиб гоҳ хаёл сурарди,
Бургутсифат бир чол эди, лекин мулойим.
Кейин билсам ов ишқимас саргашта қилган,
Балки нозик ғазалларга лиммо-лим қалби.

Мана, энди кўзларига мангу хоб инган,
Кенг қабристон ўртасида кичкина қабри.
Унинг шундай бир ёнида синглим қабри бор,
Қўш укамнинг қабрлари ёнма-ён турган.
Ўлим, ўлим! Сенга қачон чек-чегара бор,
Сендан ахир бани башар юраги тўлган!..
Хей куйлагил, тирикликнинг боқий қўшиғин,
Яшил ўрмон, жоним ўрмон, жонажон ўрмон.
Сен-ла боғлиқ кунларимни ёдга туширдинг,
Куйлагил сен бошгинамда тагин беармон.
Хур еллардан юлғунларинг шитирлашлари,
Наъматаклар солланиши қалбимга ошно.
Теракларга ёввойи ток чирмашишлари,
Учқат, ирғай маржонлари кўзим яшнатар.
Эсиз, бедил кимсалар бор... Буюк эҳсонлар —
Ажиб лавҳа — сирларингдан бўлолмас воқиф.
Мен табиат фарзандиман, майли, хазонлар
Ён-веримда маҳзун ўчсин, шавқ олгум боқиб.
Кипригимда покиза ёш, тошар туйғулар,
Юрагимдан андуҳ, ғубор, доғларни суриб.
Чангалзорлар орасидан чиққан жилғалар,
Йўқ ажабким, шеърларимда оқса мавж уриб...

1975

ШАРҚ ҲИКМАТИ

Бу дунёдан ўтганлар ёдин
Сақлай олмас ёлғиз хотирот.
Унутмаслик бўлса муродинг,
Қабристонни қилғил зиёрат.

Қолиб кетиб гоҳо тўғри йўл,
Эгри йўлдан сирғалар ният...
Шунда бир бор соҳибқудрат бўл —
Қабристонни қилғил зиёрат.

Рўзи меҳнат бўлмас бесамар,
Чулғар сени келиб шон-шуҳрат.
Айландими ёш бошинг магар, —
Қабристонни қилғил зиёрат.

Ётар бунда қанча шаҳидлар,
Ҳарб касрига йўлиққан бевақт.
Ў, нечоғ ёт дунёга ҳарблар —
Қабристонни қилғил зиёрат.

Бу диёрнинг сирли сасида
Тирикликка буюк муҳаббат.
Сарин шомлар қоронғисида
Қабристонни қилғил зиёрат.

1975

1975 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ

Бардошларим, кетманг юз тубан,
Бардам бўлинг, содиқ саботим.
Уч минг мисра шеъримни бу он,
Ёқмоқ бўлди шонли журъатим.

Улар менга қанчалар азиз,
О, қанчалар бўлмасин яқин.
Ўзга қалбда уйғотмас бир ҳис,
Ўзга қалбда чақнатмас чақин.

На бўлолгай умрим давоми,
На дунёга нотинч саволлар.
На бир ошиқ суюк каломи,
Олиб юрмас тонглар хаёллар.

Чорак аср берганда нафас,
Англаб қолдим: улар бир чақа.
Куйламоқлик мақсадим эмас
Бир қалб дардин, ҳар бир дақиқа, —

Минглар дардин айтолсам дейман,
Шодликларин куйласам баланд.
Ҳар бир шеърим ғамини ейман,
Шеърлар бўлса мангу сарбаланд!

Бардошларим, кетманг юз тубан,
Бардам бўлинг, содиқ саботим...
Бешафқатлик олови, сен, ён!
Сенда ахир шоир қисмати...

ЯНГИ ЙИЛ КИРМОҚДА

Янги йил кирмоқда...

Барча сингари

Мен ҳам суюнишим керак, албатта.

Хонамда қолмасман ёлғиз мунғайиб,

Дўстларим кутишар пастки қаватда.

Ҳадемай, кирурман улар ёнига,

Чин дилдан қутлайман дилкаш даврани.

Ҳурмат талаб этиш йўқдир қонимда,

Аммо, ўтқазарлар энг тўрга мени...

Кўп ўтмай даврага чўкар сукунат,

Девор соатига қадалар кўзлар.

Яна бир дақиқа... О, гулгун фурсат,

Ура-а! Шодликлардан порлайди юзлар.

Қадахлар жарангги тутар хонани,

Янги йил шаънига сипқорамиз оқ.

Мен шеърлар ўқийман қутлаб дунёни,

Уларда тилайман дўстларимга бахт!

Сўнг ўйин бошланар, шунда эҳтимол,

Сархуш, бирор қизни тортаман четга...

Лекин бу дам оғир хотирот мисол,

Нечун ўтган кунлар тушмоқда ёдга?

Ха, ёдга тушмоқда, тушмоқда бари,

Ҳавойи, куп-қуруқ, бўшлиги билан.

Наҳот,

улар дайди еллар сингари,

Беиз ўтган — кўнгил хушлиги билан.

Рост, нима қилолдим... Қалб бермас жавоб,

Бемордек титрайман... Не қилдим ахир?

Бас! Шеърлар ёздим мен... Худди талх шароб —

Ичгандай нафасим қисилар оғир.

Бир туркум шеър нима?..

Ва яна бирдан:

Хотирам жам этар улар салмоғин.

Дейман: битта шеърнинг сўнмас умрида

Бутун бир умрнинг мумкин қолмоғи!

Лаҳзалик хаёл бу! Овутмас тағин.
Қалбим ҳувиллайди. Сарҳисоб — қийноқ.
Янги йил кирмоқда, эски йил билан
Менинг хайрлашгим келмайди бу чоқ!!!

Митти қўнғироқча жаранглар илкис,
Эшикни очаман мунғайиб аста.
Остонада турар таниш, дилбар қиз
Ва дўстлар ёнига бошлар оҳиста...

1975

ЁЗ

(Отамнинг етмиш ёшига)

Тоғда қорлар эриди,
 Ҳовурдан ёнди даштлар.
 Янтоқлар гулга кирди,
 Попук ёйди қамишлар.

Етилди қиёмига
 Боғда мевалар буткул.
 Кошки, ёз айёмига
 Совға этсам атиргул...

1976

АБАДИЙДИР ЧЎҚҚИЛАР ҚОРИ

Абадийдир чўққилар қори,
 Йўлчи эмас, мангудир баҳор.
 Ёз ва кузнинг синиқ дийдори
 Мангу, ҳатто, армонлар қадар.
 Мангуликлар қаршисида лол
 Зил бошимни эгганимча жим,
 Кечикмайин — айлай деб висол
 Шошиламан сенга, севгилим.

1976

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

(Тарихдан лавҳа)

Йўқ!

Бебурд фарзанд эмас у,
 бадбахт банда эмас,
 Аммо тик қирғоқдан бу дам
 волидасин ташлагай
 Ҳинд дарёсига.

Йўқ!

Унинг "ожиза"си беномус,
 шарманда эмас,
 Уни ҳам отгай бироқ
 гирдоблар дунёсига.

Йўқ!

Унинг болалари она сутидай пок,
 муҳтарам ва лекин, мана,
 Уларни у
 ўз қўллари билан тўлқинларга
 бермоққа
 ичди қасам.

Ё раб!

Оламда илк бор
 Кронос* руҳи
 қилмоқда
 тантана,

Ё раб!

Бунчалар кўргуликка
 гирифтор
 бани одам?!

Эй, ҳарам фаришталари

сизнинг ҳам

оппоқ бўйнингиз

Лаъли-маржонларни кўрмагай энди.

Ўзингизни гуноҳкор этманг

беҳудага сиз,

* Кронос — қадимги юнон афсоналарига кўра ўз болаларининг гўштини еган.

Фақат, тушунинг,
 изма-из
 етиб келмоқда
 вахший келгинди.

Ахир Чингиз,
 тириклайин суғурди Чингиз
 етти яшар
 гўдак* юрагин

Ва бу дам
 сизни ҳам кутар
 баттар
 қисмат.

Бас!
 Ҳеч кимни бериб бўлмас
 энди тириклайин,
 Ёв қўлида қолгандан кўра
 озод ўлмоқ бахт!

Ана,
 қийиқ кўзли ғаним
 қийқирди...
 Дарё тўлқинланиб кетди баногоҳ...
 Ва Жалолиддин арабий от устида
 қилич ўйнатиб
 хайқирди:

— Алқасос!
 Волидам — юртим ҳаққи!
 Болаларим — юртим ҳаққи!
 Халқим — юртим ҳаққи!
 Сен менга қудрат бер, Оллоҳ!

1976

* Жалолиддиннинг ўғли. У Чингизхон лашкарининг қўлига тушиб қолади ва 1221 йил 24 ноябрь куни кечқурун тириклайин юраги суғуриб олинади. Чингизхон унинг мия қосасида шароб ичган деган гаплар ҳам бор. Ўшанда ёши еттида эди.

АЛҚОРЛАР

Нурота тоғларидан
кетиб борар алқорлар,
Кетиб борар бўзлашиб
сарсари ва саргардон.
Бу тоғларга Заргар*дек
кўрк эди кўпдан улар,
Чин ошиқ-шайдоларга
фаттон кўзлари армон.
Бугун бунда кўкламнинг
зангори тошқинлари,
Оҳ, на бўлғай алқорлар
шу бағирга қайтсалар.
Майсаларга бурканган
хатто қушлар инлари,
Лекин тутиб қололмас
ҳеч қандайин майсалар.
Йўқ, ушлаб қололмагай
безавол булоқлар ҳам,
Фозилмонота кўлин
бўш қолди сўқмоқлари.
Ахир, жаннат эмас, ҳа,
ушбу ер, ушбу олам
(Айлангайдир жаннатга.
аммо баҳор чоғлари!).
Рост, битта жой тарзи ҳам
жонга тегар гоҳида,
Лекин улар жонига
тегмаган эди бу жой.
Аёзларда сақлади
ғорлар ёз паноҳида,
Фақат фирром овчидан
сақлайолмади бу жой.
Кўксида ўқ излари
кетиб борар алқорлар,
Бормисан сайёд кўзи
тушмаган жонбахш макон?...
Алқорларни қайтаргай,
энди мен айтсам, дўстлар,

Бехато, тикка учган
 ўқларгина бу замон!
О, агар, қайтар бўлса
 ўқлар дастидан фақат,
Рост бўлсин, тоғларимни
 мангу тарк этганлари.
Рост бўлсин, сайёдларга
 осиб минг тавқи лаънат,
Ўқ етмас манзилларга
 бош олиб кетганлари!

1976

* Заргар — чўққи номи.

ФАКТ АСОСИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Экватор жануби...
 Бир мўъжаз орол...
 Сув ости тошларин қоплаган фосфат
 Оролни кўтариб турар елкада!
 Денгиз сатҳи икки ярим метр
 паст.

Номард кетай,
 халқнинг катта-кичиги бўлмайди,
 Катта-кичиги бўлмайди ватаннинг ҳам.
 Бу орол эмас! Ватан!
 Бунда бир халқ яшайди,
 Науру дейдилар аҳли олам.
 Улар заминида ҳам ўсади гуллар,
 Пальма дил яйратар
 ўрмонларида.
 Ўз хонишларидан ўзлари сармаст
 булбуллар,
 Юлдузлар чарақлар
 осмонларида.

Бу кун,
 бу замин бор,
 эртага балки...
 Бас! "Балки"га ҳожат йўқ,
 маълум оқибат.

Ахир
 сотилмоқда Наурунинг
 бор мулки —

Фосфат!
 Австралия,
 Япония кемалари қатнар беомон,
 Улар халқ
 келажагин
 ташиб кетмоқда.
 Фосфат хўжайинлари —
 етмиш уч хонадон,

Сотқинлар каби
она-заминни
сотмоқда.
Зотан,
она-юрт тупроғи уларга нима,
Нима халқ тақдири,
ватан ҳавоси?..
Доллар,
Доллар,
Фақат доллар, ҳа,
Бу
ўпқон вужудларнинг
бор-йўқ дунёси.
Унутма!
Оламда не мавжуд;
бесарҳад эмас,
Бу оддий ҳақиқат ўлимдай қаҳҳор.
Бугун,
Науруни сиқиб
келмоқда нафас,
Халқ
ваҳимада абгор...
... Кейин нима бўлади? —
тўниб
гап қотганларга
Фосфат соҳиблари дер:
— Ўзга ватан топамиз кейин.
Аммо
ўз ватанин сотганларга
Ўзга ватан
топилармикин?

1976

БИР ДЎСТ ЎЛИМИ

Оҳ, менинг бир дўстим ўлиб қолди,
Билмайсиз,
 қандай азоб, уқубатда ўлиб қолди у.
Сизга айтсам: энг аввало кўзларини
 оқ, ҳарир парда қоплаб олди
ва кўрмай қолди нозик майсаларни,
 нафис қизғалдоқларни,
 латиф тўлқинларни
ҳам улардан туғилажак сарин-сарин туйғуларни
 сезмай қолди қалби.

Сўнг яна...
Кўзларидаги ўша оқ, ҳарир пардалар
 қуюқлашди,
Кўришдан маҳрум бўлди:
 пойдор чўққиларни,
 бўйчан дарахтларни,
 йироқ-йироқларни,
Бешак улардан туғилажак
 мусаффо-мусаффо туйғуларни
сезмай қолди қалби.

Сўнг, сўнг...
 Кўзларини ўша оқ, ҳарир пардалар
 бутунлай қоплаб олди,
Энди у кўрмайди: ҳатто дўстларини,
 каму кўстларини,
 яқин қадамларни,
 оддий одамларни
ва қалбин ҳам буткул
 тарк этди туйғу!

Ниҳоят ўлди!..
/Ҳа, ўлди — бу менинг ҳукмим!/
Мен, мен
 унинг қабрини қалбимдан қазидим
ва кўмдим унга!
Лекин ҳамон кўяман, кўяман,
 ахир у,
 ўлиб кетди бевақт...

Эй!

Бор бутун нафратларим,
бутун лаънатларим
сенга,

дайди,
олчоқ,
бадқирдор шухрат, —
Кўз ўнгимда
тирик ўлдирдинг уни!

1976

ИНСОН

Мен ярадор,
Овора бўлманг, доктор,
беҳуда, бекор,
Мени тузатолмас ҳеч қандай дори.
Биламан,
 сиз ўз ишингизда
 абжир, тадбиркор
Ва лекин кечирасиз,
 бефойда бари...
Доктор,
 бу гаплар кўнглингизга оғир ботмасин тагин,
Зотан,
 кўнгил деганлари гунчадай нозик.
Ҳа, бешак,
 ханжар учун керак чарм қин,
Аммо жанг пайтида
 қинмикан лозим?
Доктор,
 сезаяпман, сезаяпман
 шу мовий кўзларингиздан,
Яраларим илдизларин
 билмоқ
 тилагингиз
Ва бир нур йўқолмоқда
 юзларингиздан,
Балки менга дарддош
 юрагингиз.
Доктор, биласиз,
 мени жўшқин меҳнат яратди,
У озод меҳнатдан
 мангу миннатдор қалбим.
Ўша меҳнат оламнинг
 юзин менга қаратди
Ва олам қаршисида
 тик тутдим қаддим.
Доктор,
 қадим она табиат мисол,

покиза меҳнат мисол,
қалбдаги шиддат мисол
мен соғ эдим,
Лекин ҳар нафас
Йўлларимда учрар эди ғов.
Фақат бардош билан
Фақат бардош билан,
уларни беаёв
махв этдим,
Ҳозирги бардошларим
ўшалар
парчаси, холос.
Биласизми, доктор,
салқин бир сахарда
кашф этдим мен оловни,
кашф этдим,
Ох, ўша шодликлар...
йўк, сиғмас тасаввурга.
Хайкириб яшамоққа энди ҳаққим бор дедим,
Ахир,
ташна эдим мен ўша нурга!
Ташна эдим,
аммо бу ташналигим,
Кейин қондирилди, доктор, кейин қондирилди,
Яшаш, яшаш қандай соз!
Тўйиб бўлмас яшашга!
Лекин, ҳатто, яшагим —
келмай қолди гоҳо-о,
Ахир, ёндирилди, доктор, ёндирилдим.
Ўйлабмидим,
ўзим кашф этган шу олов
Ўзимни ёндиражагин,
Ўйлабмидим,
ўзим кашф этган шу олов
Ўз тарихим юлдузларин
сўндиражагин.
Ўйлабмидим,
ўзим кашф этган шу олов
Ўзим қурган дунёларни

кул этмоқлигин,
Ўйлабмидим,
Ўзим кашф этган шу олов
лаънати оловларга айланиб кетмоқлигин...
Доктор!
Мен ўзлимни англамай туриб ҳали,
Менга изланишлар ҳамиша бўлди ҳамроҳ.
Ожиз пайтларимда
балки, о, балки,
Ўз наслимдан
ортиқ
бағишлади бағир ва паноҳ.
Билмайман, қандай юз берди бу ҳол,
Чўқморларни қолдириб, бир кун
ўқ-ёй кашф этдим,
Ҳа, кашф этдим — ўзимни химоя қилмоққа фақат.
Ахир,
йиртқишлар тўдаси ичида эдим,
Кашф этдим — йиртқишларга
амалий нафрат
Ва лекин ўйлабмидим
оғули ўқлар
ўз юрагимни тилка-тилка
этмоғин,
Оловдан бешафқат, беомон, баттар
гўштларимни
парча-парча
қилиб кетмоғин.
Ўйлабмидим,
дахшатли ҚУРОЛ
бир ён,
ўзим бир ён
бўлажагимни?
Йўқ!
Ҳар қандай кашфиётда мен
ўйлагандим
келажагимни!
Ўйлагандим
фақат уни,

кашф этганимда олтинни ҳатто.
 Аммо бу кашфиёт
 барча кашфиётларим
 ичра
 энг тубан, разил, расво!
 Олтин —
 ҳозир мен инсон деб аташга
 тилим бормаётган
 лаънати кимсалар қўлида
 ўйинчоқ қилди мени.
 Олтин —
 совунланган сиртмоқлар
 “ҳадя” этди бегуноҳ бошга.
 Олтин —
 зиндонларда зиндон гулидай
 чиритди таномни,
 Олтин —
 қоп-қора қўшин тортди қуёшга!
 Доктор,
 Қарангки, ҳамон,
 Кашфиёт ишқи
 тинчитмагай мени бир нафас,
 Ҳамон мен унинг
 эзгу ғамини ейман.
 Зотан, кашфиётсиз
 менга истиқбол кулиб боқмас,
 Фақат.
 улар ИНСОН бахти учун
 қўлланса дейман!
 Афсус-с...
 барча истакларим ўларок,
 нима кашф этсам, албат,
 ярим тиғи қаратилди ўзимга.
 Лекин ҳайқириб айтаман:
 ҳеч қачон, ҳеч вақт, —
 жоним учрамади ўлимга!
 Мен ўлмадим,
 Мисрда қул бўлиб сотилганимда,
 Мен ўлмадим,

Улуғбек бўлиб сўйилганимда ҳам!
Мен ўлмадим,
 Линкольн бўлиб отилганимда,
Мен ўлмадим,
 Муқанна, Галилей... ёнганимда ҳам!
Мен яшадим,
 яшаяпман мисли самандар,
Яраландим, фақат,
Мен ярадор!
Асрларким
 мени тузатмоқ истадилар
 не-не ҳакимлар,
 фозил, даҳолар,
Ҳар қалай,
 бўлмаяпти бесамар
 улар меҳнати
Ва бу кун бир буюк
 БАТАН қудрати!
Доктор,
 сўзланган сўз — ҳақиқат бўлмоғи лозим,
Ҳақиқат
 бўлмоғи керак
 юрак ва тилнинг
 ягона тахти.
Сўнгги ва ҳақ сўзни
 сўзламоқ қарзим:
Мени тузатар буткул,
 фақат,
 БАШАРИЯТ БАХТИ!

Ҳа, дарвоқе, доктор,
 мени телба деб ёнингизга
 ким келтирибди?

МЕН — УЧИНЧИ ОДАМ

Амин бўлдим,
Бирингиз
 бўлолмагайсиз менга
 суюкли ёр,
Бирингизга мен дўст бўлолмасман
 ҳеч қачон.
Куз салтанатида сўнгги япроқ бўлиб
 яшамоқ бекор,
Уни изғиринлар
 узгай беомон!
Тамом!
Мен — учинчи одам!
Мен — учинчи одам!

...Иккисин қолдириб
хилват боғ этагида,
Узоқлашиб бораман улар
ёнидан буткул.
Ногоҳ,
Отилиб чиқар бир мушук
дарахт тагидан
Ва чолиб
кесиб ўтар йўл.
Лаънати! Шу етмаганди бу дам!
Оҳ... Мен — учинчи одам!
Мен — учинчи одам!

Нима бўлган махлуқлар зотиға бу кун,
Бир лайча ортимдан
 қолмас эргашиб,
Ҳатто изтиробингни ёлғиз
 тортмоқлик учун
Тошлар олмоқ керак
 энгашиб!
Қўй, лайча, қўй, ўзим, чекай ғам!
Мен — учинчи одам!
Мен — учинчи одам!

Сершовкин кўчаларда
 қолмади ҳеч ким,
Боғчаларда тинди
 қушлар овози.
Билмайман, қаён
 бош эгиб
 кетмоқдаман жим,
Лекин қалб
 ўз дардин билади ўзи!
Бу қандай мотам?... —
Мен — учинчи одам!
Мен — учинчи одам!

Тонг отиб келмоқда,
 ана, оппоқ тонг,
Олам ёришиб бормоқда буткул.
Қалбимда уйғониб ажиб бир
 тароват, оҳанг, —
Тонг нурларига қоришиб
 бормоқда буткул.
Тонгга пешвоз чиқаётган БИРИНЧИ одам —
Мен — учинчи одам!

1976

ЧОРРАҲАДА

(Ҳазил аралаш)

Омон Матжонга

Беш «дарвиш» «юз-юз» отиб
Чорраҳада турардик.
Бировларга гап қотиб,
Бировларга кулардик.

Уй-уйга кетмоқ даркор,
Лекин қайда йўлимиз?..
Тўрт тараф роҳ! Беқарор
Кимлардандир сўрардик.

Шунда битта «Жигули»
Ёнимизда тўхтади..
— Мошинга чиқинг, қани, —
Шофёр сўз-ла ўқталди.

Биз танидик. Сўнг дедик:
— Бештамиз-ку, сизгаймиз..
— Кенг бўлса, агар, кўнгил,
Сизга сиз-эй, мингангиз!

Тўрт ўринли мошинга
Ростдан ҳам сизга кетдик.
Булутлардай шошилмай
Бир-бир бекатга етдик.

Тушираркан бекатда,
Барчамизга деди у:
— Йўлларингни, албатта,
Тоғиб юринглар энди!

Йиллар ўтди... йўл топдик —
Шоирлармиз беармон.
Чорраҳаларда, бироқ,
Уни эслаймиз ҳамон!

ШОИР ВА ЁР

(Ҳазил)

Бу қаҳратон қиш эвазига
шундай кўклам келади, кўрасан, жоним,
Унинг зангор тўлқинларига
хайрат-ла боқиб турасан, жоним.
Ҳозир... мана пинжимдасан-ку,
Юрагимнинг шундоқ ёнида.
“Совуқ ўтди...” қўйсанг-чи, қара,
Олов оқмоқда қонимдан —
исигин-а...
Қайтараман, гулим, бардам бўл, бардам,
Ижарали бу зах кулба, албатта, бир кун,
уялади — юзимизга тик қараёлмас,
Мен ахир,
Шоир бўламан-ку машҳур ва улкан!
Кўрасан,
уйимиз бўлади бизнинг ҳам...
Бошқача бўлмас!

“Одатдаги лоф...” — Нима?
“Кетаман!... жонимга тегди...”
— Тўхта. Қаёққа? Қаёққа энди?..

Бу қаҳратон қиш эвазига
шундай кўклам келади, кўраман, ўзим,
Унинг зангор тўлқинларига
хайрат-ла боқиб тураман, ўзим...

1976

УЛ ДЭРЭЗЭ ПАРДАСИНИ...

Ул дераза пардасини
 кўтаргил-эй, жон шамол,
Шунда гулрў нигоҳлари
 менга тушса эҳтимол.
Балки бир зум кўзларини
 кўзларимга тикар у,
Шамол, билсанг, менинг учун
 бахт-саодат қадар бу.
Балки нозли бир табассум
 лабларига қўндирар,
Бу табассум юрагимга
 олам нурын индирар.
Балки, балки хаёлларим
 хаёлида кезгайдир,
Балки чорлаб, деразадан
 қўлларини чўзгайдир.
Сенга айтсам, шамолгинам,
 туйғуларим алдамас,
Ногоҳ парда очилсаю
 нигоҳлари тушса, бас...
Лекин парда туширилган
 бирдек бунда кўрурман,
Шамол, ўзинг хабардорсан,
 ахир ҳар кун келурман.
Сендан нажот истадим мен,
 билдим, нажот йўқ, аммо,
Ҳар кунги ҳол бугун тагин;
 сен лоқайд ва бепарво,
Етар, жоним, сабоқ бўлдинг,
 очилич қолди кўзим,
Ул дераза пардасин, ҳей,
 энди очгайман ўзим!

1977

ЎЗ ГУЛДУРАГИ

Биласизми ёз гулдурегин,
Эшитганмисиз уни?

Офтоб пешанада... оқимтир осмон
Гумбурлар ва чакмоқ чақар баногоҳ.
Қушдек чўчиб кетар тоғдаги чўпон,
Ёш боғбон тилидан учиб чиқар "оҳ!..
Ҳаво дим. Бўғилиб мисли лолалар,
Ёмғир кутиб кўкка қарар болалар.
Фақат кўпни кўрган кексалар бу дам
Сўзлашар: "Ким билгай, ёмғир, селини —
Бу ёз гулдурегин қизиқ жуда ҳам,
Баъзи одамларнинг олган феълени;
Беҳуда ваҳима, шовқинлар солиб,
Учкундек нишонсиз кетар йўқолиб!.."

Биласизми ёз гулдурегин,
Эшитганмисиз уни?

1977

БИР СУҲБАТДАН

— Тоғу тахт алдайди.
— Шундай.
— Мол-давлат алдайди.
— Шундай.
— Шон-шўҳрат алдайди.
— Шундай.
— Ва... ҳаёт алдайди.
— Шундай.
— Балли!
Одамзод ақлига,
 сабот, қудратига
 балли денг,
 ёшулли!

1977

СЕВАСИЗ...

Ёлғон! Ёлғон! Ёлғон! Севасиз,
Севасиз жим, ўртаниб, ёниб,
Ишқ дарахти бўлмас мевасиз,
Фақат ундан турибсиз тониб.

Рост айтдингиз, мен девонаман,
Лекин аён, шеър эвазига.
Самандардек тун-кун ёнаман,
Бу ҳам ғоят муқаддас сизга.

Май жодуси қиздирар қоним,
Менга мерос дониш аҳлидан.
Саҳнада шеър ўқиган оним,
Жунбишда зал тилим шарҳидан.

Буюк ғурур туйғуси бешак,
Осмонларга учиргай сизни.
Кўзингизда пориллайди шавқ,
Юмолмайсиз ўз кўзингизни.

Гоҳ ёшликнинг телба шиддати,
Баҳсларда отгай оловга.
Бутун жоним, ақлим қудрати,
Қаратилгай шунда яловга.

Ғолиб чиқсам, сиз боқасиз шод,
Қалбда не сир — юзга қалқийди.
Кўкда кундуз чарақлар офтоб,
Бир кучоқ ой тунлар балқийди.

О, биламан, бир оз хавотир
Кўксингизни яралар аммо.
Тинч ва сипо яшамоқ ахир,
Кўп юракда қизгин мударо.

Муродимки, менинг ёш умрим,
Бу савдога тушмас ҳеч қачон.
Бас, бу гаплар! Келинг, севгилим,
Лекин-лекин сўзламанг ёлғон!

Йўқ, сўзламанг!..
Мени севасиз,
Севасиз жим, ўртаниб, ёниб.
Ишқ дарахти бўлмас мевасиз,
Фақат ундан турибсиз тониб.

1977

ЦИРК ОТЛАРИ

Тонглар отиб, ногоҳ битгандай
 Тутқунликнинг зил захматлари,
 Майдон — ҳалқа ичига елдай
 Учиб кирар цирк отлари.

Улар эгиб юрмоқ учун мағрур бошларин,
 Жиловлари айилларга таранг тортилган.
 Бошдан-оёқ — устларига зийнат тошларин
 Ялтир-юлтир, жаранг-журинг юки ортилган.

Майдон узра нур каби елиб,
 Югуради бир изда отлар.
 Олис тоғлар бағридан келиб,
 Пастлаб учар гўё бургутлар.

Майдоннинг қоқ ўртасида жиловдор турар,
 Илонсифат қамчисининг ушлаб дастидан.
 У қамчини бирдан ерга кўтариб урар,
 Қалдиروقдай қарсиллаган зарбнинг сасидан —

Отлар олдги оёқларини
 Баланд-баланд кўтариб ўйнар.
 Ажиб, нозик туюқларини
 Халойиққа кўрсатиб ўйнар.

Тағин қамчи қарсиллайди зални титратиб,
 Қизлар янглиғ бир хиромон юриш бошлар, оҳ.
 Кейинги зарб ўтганида ҳавони титиб,
 Қуллар каби тиз чўкишди... Хайҳот, баногоҳ —

Кўзларидан сачраб кетди,
 Дарду алам учқунлари!
 Гўё чакмоқ чақиб ўтди,
 Фақат бир зум — ёз тунлари.

Биров сезар, биров сезмас,
Томоша тугаб
Уйга қайтдим,
ухлаб қолиб бир туш кўрибман:
Чексиз яйлов...
 Яйдоқ отлар...
 Сағри ялтираб —
Эркин учиб юрар эмиш...
 қараб турибман...

1978

КҮЗЛАР

Бу афсона — ҳақиқат —
 қора кўзлар ҳақида эмас,
 шахло кўзлар ҳақида эмас,
 ғамгин ва ёки шўх ва ёки
 доно кўзлар ҳақида эмас,
 фақат очкўз-очофат бир Кўз ҳақида!

Қадим-қадим замонда,
 Бу юртларда эмас, ўзга томонда,
 Кун каби кулмас, ой каби тўлмас,
 Элнинг бошига бало, ошига бало,
 дарди бедаво
 Очкўз-очофат бир Кўз бўлган экан,
 Хазина-ю мол-дунёга асло
 тўймас экан.

Кунлардан бир кун...
 Уни тўйдирмоқчи бўлибди безор бўлган эл.
 Елиб келишибди, қоп-қоп олтин олиб
 келишибди, ўйнаб ётган Кўзга буғдой каби
 кўйишибди...
 кўйишибди...
 кўйишибди...
 Йўқ, очкўз-очофат Кўз тўймабди,
 ўйнашини қўймабди.

Шунда,
 бир донишманд чол, ўйнаб ётган
 Кўз ёнидан, алҳол,
 бир чимдим тупроқ олиб,
 шундоқ Кўзга ташлабди...

Ҳайҳот!

Очкўз-очофат
 Кўз шу зумда меш каби тўйиб,
 абадий уйқусини бошлабди!
 Кўраяпсизми,
 Бу афсона — ҳақиқат —

очкўз-очофат бир Кўз ҳақида эмас,
Бир чимдим тупроқ ҳақида...
Йўқ! Йўқ! Бир чимдим тупроқ ҳақида эмас,
Шахло кўзлар,
Қора кўзлар,
Ғамгин ва шўх, мовий, масъум,
Доно кўзлар ҳақида!!!

1978

ЎРМОН ВА ЎТИНЧИ

Тўқ... тўқ... тўқ...
 Болта зарби тоғ ўрмонида, —
 Юртимизни бузаётган ким?
 Тўқ... тўқ... тўқ...
 Кимнинг борки не имконида,
 Йўқ, турмасин тўнка каби жим.
 Тўқ... тўқ... тўқ...
 Читтак соқчи жаврайди тинмай,
 Хабар бериб яқин-йироққа.
 Қайси юрак, аммо, бетлагай,
 “Тўқ-тўқ” овоз келган бу ёққа.
 Қочиб кетди пана-паналаб,
 Боши оққан томонга сувсар,
 Ўтиб борар алқор қиялаб,
 Каклик бўргут қувгандек учар...
 Тўқ... тўқ... тўқ...
 Читтак соқчи қаёқда қолди,
 Қўриқчисиз қоларми ўрмон?
 Ўтинчи ҳам, мана, йўл олди
 Уйига... Йўқ, бозорга томон...
 Тўқ... тўқ... тўқ...
 Жим!
 Яна ўрмон кесаётган ким?

1978

МАЯКОВСКИЙ ВА ЕСЕНИН

Сўзларнинг залвор ўқи ўртада кўп учдилар,
Икки теран қалб баъзан яраланди оҳудек.
Гарчи бир маслак учун умрлари кечдилар
Ва лекин бир-бирига туюлдилар оғудек.

Биз учун қизиқ жуда тақдирларнинг бу нақли,
Тирикликда ёнма-ён турмадилар ҳеч қачон.
Мангулик осмонидан жой олишиб, шеър ҳаққи,
Саҳифалардан энди боқадилар ёнма-ён!

1978

ДАРАДА

(Манзара)

Кўринмас оловдан эриб борар тун,
Бургутлар қояда потирлашмоқда.
Она қорнидаги гўдакдай, беун,
Туман ғимирламоқда.

Тонг отди, энг сўнгги юлдуз кўзларин
Қудратли паҳлавон — уйқу элтмоқда.
Қўрадан чиқишган сурувдек, вазмин,
Туман кўтарилмоқда.

Кумуш чўққилардан оҳиста ошиб,
Қуёш сим-сим қўшиқ қуйлаб келмоқда.
Осмон қозонида сут каби тошиб,
Туман тарқалмоқда...

1978

БИР МҮЙСАФИД ҲИКОЯСИ

Азизларим, тингласангиз жим,
 Бир суҳбатнинг келди-да гали...
 Босмачи ким,
 Қизил аскар ким,
 Биз фарқига бормасдик ҳали.

Қайси бири бизнинг қишлоққа
 Йўл-йўлакай қўнса ногаҳон,
 Ура солиб қочардик тоққа,
 Киши билмас даралар томон.

Ўша йиллар ўзи, дейман-ов,
 Ҳамма учун юракдай содик
 Ва ҳеч қачон бўлмайдиган ёв —
 Тоғлар эди — қудрати холиқ.

Алғов-далғов суяқдан ўтиб,
 Жон бўғзимга келган шундай вақт,
 Ёрим кетди хиёнат этиб —
 Қулаб тушди ўстимга дарахт!

Бу тоғларда чидамоқ оғир,
 Шармандалиқ — бундай жафога,
 Номус қилди бағримни яғир,
 “Туф!” — дедиму сендек дунёга,

Алвон чошгоҳ... Мен чиқиб кетдим,
 Бўрилар мўл чангалзор тоққа.
 Хокимни ҳам кўрмасин ҳеч ким —
 Етаклади бу ўй ўлмоққа!

Кейин... кўп бор ўйладим кейин,
 Аммо кўйдек, ўшанда, рости
 Ваҳшийларга ем бўлмоқ учун
 Келганлигим ёлғон эмасди!

Лекин улар биронтасини
Учратолмай асабий турдим.
Сўнг... бирининг топдим инини
Ва ўзимни ичкари урдим.

Ўрмаладим — кетдим илгари,
Кўзим ёнар. Жимлик. Сукунат.
Бўриларнинг ёш болалари
Қарахт ётар — қарасам бир пайт.

Бир ғалати бўлиб кетдим денг,
Ахир келган эдим ўлимга!
Иккитасин қўлга олдим сўнг
Ва бурилдим келган йўлимга.

Чикдим... шундоқ нигоҳим тушди
Нар бўрига, она бўрига.
Бирдан яна лабларим учди,
Қўр қўшилди юрак қўрига.

Кўзларимда портлади олов,
Ёниб кетди бутун вужудим.
Беихтиёр ҳайқирдим: — Хей-й, ёв-в...
Қани ғажи, парчала шу зум!!!

Худди шу он, менга, уларнинг
Ташланмоғин истардим ғоят.
Шунинг учун “тирранча”ларин
Бошим узра кўтардим азот!

Йўқ, бўрилар чекинди ортга,
Нимагадир... ёлворган каби...
Сув сепилган сингари ўтга,
Бирдан, бирдан бўшашди қалбим.

Бирдан, ҳаёт туюлди ширин,
Ўлмоқликни истамай қолдим,
Еллар эсар ғалати... майин,
Бошим оққан томон йўл олдим.

Азизларим, бу хотирадир,
Айтдим-қўйдим — келганди гали.
Ҳаёт нима,
Ўлим нимадир,
Биз фарқига бормасдик ҳали!!!

1978

БИР ТУП АРЧА

Усмон Носирга

Қояларнинг қоқ ўртасида,
Сур булутлар рўпарасида,
Яшил-яшил қўшиқлар куйлаб,
Уфқларга таратиб, бўйлаб,
Аёзларнинг сочдириб захрин,
Довулларнинг келтириб қахрин,
Илдизларин эзса ҳам тош-тоғ,
Яшар эди бир арча бедоғ.
Не маънодир ушбу масалдан;
Бу дунёда азал-азалдан,
Даррон кучлар олдида, кадр —
Тополмагай доим ҳам Тақдир.
Арча умрин айлади чок-чок,
Бир саҳарда — ваҳший, оч чақмоқ.
Хур қўшиқлар куйланмас энди,
Қушлар қурмас бағрига ошён.
Ўз ишидан чақмоқ шод эди,
Булут қаҳ-қаҳ урди беармон...
Лекин тийрак неварасига
Ўтинчи чол уқтирарди гап:
— Ҳу, қоянинг қоқ ўртасида
Яшаб ўтди бир туپ арча зап!

1978

ГАДОЙ

(Эртак)

Осмон сиқиб келди... унинг нафаси
 Ёмғир қуйишидан хабар берарди.
 Лекин тинмас эди бир гадой саси —
 Кўп қадим қўшигин қўйлаб борарди:

Қўлингизга барака,
 Оч, юпунман, бечақа,
 Садақа беринг, садақа.

Қалдироқ тангриси аравасида
 Мана йўлга чикди — йироқлар яқин.
 Учқур отларининг ҳар нафасидан
 Аждар тилларидек чақнади чақин.
 Осмон,
 Осмон йиғлаб юборди вайрон,
 Ўткинчи эл-улус ҳар ёққа чопди.
 Гадей ҳам тўрвасин кўтариб, шу он,
 Қай бир харобадан бошпана топди.
 Шаррос қачон тинар? У кутди узоқ.
 Ниҳоят нур ёғди само юзлари.
 Кўчага йўл олди, шу дамда бироқ,
 Сув очган хумчага тушди кўзлари.
 Кўзлари тушди-ю... сўнг уни секин —
 Кавлаб олди... Ё раб! Ўнгими-туши?
 Офтоб қамалгандек хум тўла олтин!..
 Тўрвага жойлади учиб эс-хуши!
 ... Осмон кенг ёйилди. Унинг нафаси
 Ажиб, хуш кунлардан хабар берарди.
 Лекин тинмас эди ул гадей саси —
 Кўп қадим қўшигин қўйлаб борарди:

Қўлингизга барака,
 Оч, юпунман, бечақа,
 Садақа беринг, садақа.

БАЛЛАДА

Туннинг қора сукунотин,
 Бундай бевақт бузган ким?
 Эшик қолиб даричадан
 Кириб кетди аллаким.
 Том устида ётган бола
 Қўрқиб-писиб қарайди.
 Лекин товуш беришга на,
 На туришга ярайди.
 Эҳ, онаси бўлса эди,
 (Қазо қилди ўтган йил)
 Секингина шивирларди,
 Биров келди она, бил.
 ...Ичкарида ғивир-ғивир,
 Ичкарида бир ҳолат.
 Нима бўлди янгасига,
 Унда етти ёт наҳот?!
 Ишонмайди, мумкин эмас,
 Ишонмайди ўт-сувга.
 Унинг учун оламда, бас,
 Ишонгани шу янга.
 Ичкарида... шивир-шивир,
 Ичкарида зил-зиллат.
 Наҳот ойдек янгажони...
 Наҳот унда етти ёт?!
 Эҳ, акаси бўлса эди,
 Ўша ёлғиз акаси.
 Афсус, жуда узоқда у,
 Қирмоқда ёв галасин!
 Юборибди кеча бир хат,
 Янгасининг номига:
 "...Сен укамни ташламагин,
 Фирт етимлик домига.
 Ў, соғиндим, кутгил мени
 Тоғлар каби сабот-ла.
 Ғалабага яқин қолди,
 Мен қайтаман, албатта!"
 ...Соя каби липиллаган,

Ғивир-шивир қилган ким?
Эшик қолиб даричадан,
Чикди, ана, аллаким.
Йўқ, бўлмади бола эрдай
Сакраб турди ўрнидан
Ва отилди у йўлбарсдай
Барзанги бир гавдага!..
Қора туннинг ифлос сирий
Бола элга билдирар.

...Мард йигитни жанглар эмас,
Бевафо ёр ўлдирар!

1978

БАҲОДИРНИНГ ҚИЛИЧИ

Баҳодирнинг қиличи синди...
Сўнги нуқта. Тугади эртақ.
Пастак ҳовли четида дилхун
Бир бола йиғлайди —
 кўлида китоб.

Баҳодирнинг қиличи синди,
Баҳодирнинг қиличи синди.
Ёвники бутун!

Қайга кетди япроқдек бола,
Бўта каби қайда бўзлайди?
Учиб юрган варақлар, ана,
Шамолларга эртақ сўзлайди.
Бола қани?... Билмайман, аммо,
Ишонаман, қайлардадир у
Баҳодирга қилич излайди...

1978

* * *

Кўкда ой чашмаси — ўн беш кунлик ой,
Ёнғоқзор ортида ярқирайди сой.
Қаранг, сайда сузиб юрар оққушлар,
Йўғ-е, улар қанот чиқарган тошлар...

1978

* * *

Йигитларнинг султони элида бўлғай,
Ўзбекларнинг белбоғи белида бўлғай,
Уларнинг ор, шаънига кўз тикма, ғаним,
Кузги япроқ мисоли паймонанг тўлғай.

1979

БУХОРОДА

Кеч куз эди,
Мен Бухорони
Кезиб юрар эдим сарсари.
Бирдан шовкин тутди самони,
Бир тўп бола, қичқирар бари:
— Ташлаб кетманг, лайлакжонлар,
бизнинг она Бухорони.

Мен ҳайрона осмонга боқдим,
Кўрдим, ростдан, оппоқ лайлаклар
Сўнгги дафъа қанотлар қоқиб,
Минораи Калон айланар...
— Ташлаб кетманг, лайлакжонлар,
бизнинг она Бухорони.

Кўз олдимда кетдилар учиб,
Қолди бемор ватан — минорлар,
Кўз олдимда бир-бирин қучиб,
Тўлиб, ўксиб йиғлар болалар:
— Кетдингиз-а, лайлакжонлар,
ташлаб она Бухорони.

Не йўқотдим сенда, Бухоро,
Нима излаб кўйингда чопдим?
Йўқ, билмайман, шу дамда, аммо,
Не излаган бўлсам мен топдим!..
— Ў, то бор экан бу болажонлар,
Бухорога қайтар оппоқ лайлаклар.

1979

САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙГА ХАТ

Илҳом етиб додимга —
 Қўлимга олсам қалам,
 Ноёб сўздай ёдимга
 Сен тушасан, дўстгинам.
 Тоғдан сел бекор келмас,
 Қалбимда бир хотирот:
 Сомоний мақбарасин
 Уч дўст қилдик зиёрат.
 Калимага келмас тил
 Оқ туғённинг қошида.
 Денгиздай ўртанди дил
 Туйғулар талошида...
 — Қанча асрлар, қара,
 Ўтгану, аммо, ҳайҳот,
 Турар гул-гул мақбара,
 Бу умр сиррини айт?..
 Ногоҳ сўрадим сендан,
 Сен суратдай қотдинг тек.
 Икки лайлак Калондан
 Учди оппоқ папакдек.
 Нечун сиқилди муштинг?
 Мушт сиқиб, деддинг, бир пайт.
 — Устанинг ҳалол иши —
 Бу умр сирри фақат!

Илҳом етиб додимга —
 Қўлимга олсам қалам,
 Ноёб сўздай ёдимга
 Тушгайдир ўшал калом...
 Шоир — уста, шеър — бино!
 Тегирмондай тинмаймиз.
 Фақат қурмоқ муддао,
 Қандай қурмоқ?.. Билмаймиз...
 Лекин ҳалол бўлсак гар —
 Биз ҳам шеър дунёсида,
 Мақбарадек муқаррар
 Қолгай эл орасида!

Таъмир қилолмас ҳеч зот,
Рости, йўқдир кераги,
Шоир — устанинг, фақат
Ҳалол бўлса юраги!

1979

ИДОРА, УЙ, СТОЛ ВА ЎЛИМ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Идора... Уй... оралиқ шаҳар,
 Мен унутдим ялпиз бўйларин.
 Кўпдан бўён турмайман сахар,
 Бегонадир тўрғай куйлари.
 Куз келарди қишлоққа қандай?
 Шомда пода қандай қайтарди?
 Олисларда ингрармиди най? —
 Хотирамда йўқ улар энди.
 Қачонлардир бўлган, менимча,
 Тош деворли, лойсувоқ уйлар.
 Потраб-потраб очилган ғунча,
 Кўганланиб соғилган қўйлар.
 Ҳа, бир гўдак ўйлари каби
 Бари унут... чекин, табиат!
 Қўнғир силлиқ столим — сени —
 Ёрим каби севаман фақат!

Ажаб! Кеча, қизик туш кўрдим:
 Ажал чиқмиш менинг йўлимдан.
 Йўқ, хайрият, отилиб турдим
 Ва бир... омон қолдим ўлимдан.

1979

ЎЗБЕК ХАЙКАЛТАРОШИ
АБДУРАХИМ ТУРДИ ЎҒЛИ
ҲАҚИДА ЭЛ ТЕРМАЛАРИ

Кўкда қора қушлар-эй,
Бошдан учди ҳушлар-эй.
Бу уйқуга минг лаънат,
Ўнг келсин-а, тушлар-эй.

Гулдир-гулдир этмади,
Чархнинг иши битмади.
Келишдилар... Отани
Олиб кетди — қайтмади.

Бола боврин тилмадик,
Гуноҳи не билмадик.
Уста Ота уйидан
Бир қадам ҳам жилмадик.

Эл йўли йўл эди-ку,
Қўллари гўл эди-ку?
Юртим деди... Бошқаси
Бари бир пул эди-ку?

Иши эмас таваккал
Тошларга берди сайқал.
Сарвар Файзулла Хўжа
Иззатлар эди ҳар гал.

Қурди қанча мақбара,
Шошнинг вокзалин,* қара.
Бу қандайин ҳукумат
Хизматни билмас сира.

Сичқон "мен фил", деди-я,
Кимдир бошин еди-я.
Муҳандиснинг барига
Ёлғиз сардор эди-я.

Мармар товоқлар* қолди,
 Кимлар талашиб олди.
 Кўкка қараб жуфт наҳанг**
 Оғиз очиб “дод” солди.

Моҳи Хоса саройин,
 Очган эди чиройин.
 Унда шерлар билишмас,
 Отанинг кетган жойин.

Чашмалар бўйи толзор,
 Кесишиб қилди мозор.
 Билсак ўзи бу дунё,
 Дунё эмас, бир бозор...

Бургутлардан қайтди шахт,
 Қайда юрти ҳақиқат?
 Шундай кетса бу замон,
 Сотқинлар қолур фақат.

Аҳли Нурота йиғлар,
 “Ота, ота...” деб йиғлар.
 Исталинга “арз” кетди,
 “Хато, хато...” деб йиғлар.

Кўкда қора қушлар-эй,
 Бошдан ўчди хушлар-эй,
 Уйинг куйсин, золимлар,
 Тугил, тугил муштар-эй!..

1979

* Тошкентнинг эски вокзали, уни қуришда ҳам Абдураҳим Турди ўғли хизмати катта бўлган.

* Абдураҳим Турди ўғли ишлари назарда тутилмоқда.

ИЛК МУҲАББАТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Олиб келдим хонамга,
 Аён мақсад-муродим.
 Қанчаларнинг жонига
 Ора кирган бу хоним.
 Туннинг кўзи кўрмасин —
 Дарпардани ёпаман.
 Тўшакда нур ўйнасин —
 Оппоқ шамни ёқаман
 Ва қучаман...

куйлаги

Бир бойлам оқ чечакдай,
 Ҳавода таратиб атр
 Учиб тушар бурчакка.
 Оппоқ-оппоқ икки қуш,
 Ёниб қора кўзлари,
 Вужудга видо айтиб,
 Учмоқ бўлар ўзлари...
 Тоғлардаги сукунат
 Хонамга чўқар бир зум.
 Нима бўлди? О, бир пайт,
 Бир "оҳ!"дан учди ҳушим, —
 У куйларди афтода
 Ёйиб тол-тол сочларин.
 У куйларди дунёда
 Унутиб барин-барин.
 У куйларди бағри қон
 Анор каби эзилиб.
 Кўзларидан беимкон
 Ёшлар оқди сизилиб.
 Мажруҳ, хазин бу сасда
 Бўзлар эди бешафқат,
 Жуда олис-олисда
 Қолиб кетган муҳаббат!..

Толдим сабот, ирода,
 Даст турдим урнимдан,

Кузатдим, о, илк бора
Сочларидан ўпиб ман.
У сингди бир шарпадай
Туннинг қўйнига азот.
Учар эдим мен пардай
Ўз ишимдан ўзим шод.

1979

КАЙФИЯТ

Пичан ғарам устида
 Ухлабман-эй, донг қотиб.
 Бир пайт туриб қарасам,
 Қуёш кетибди ботиб.
 Салқингина ел эсар,
 Таъми бор шўртаккина.
 Юзга мезон илашар,
 Ғаш келар гартаккина.
 Бир боғ, бир боғ пичанни
 Эшакларга ортишиб,
 Кетиб борар уч бола
 Нималардир айтишиб.
 Битта эски қўшиқни
 Қилганимча хиргойи,
 Йўлга тушдим, турфа гул
 Бўй таратар, анвойи.
 Унутайин дебман-эй,
 Гуллар, кенглик, далани,
 Очиқ қилсамми экан
 Шаҳар билан орани?

1980

ЛЎЛИ ҚИЗ ҚЎШИҒИ

Қўй, сўзлама, бўлма бешафкат,
 Керак эмас менга муҳаббат.
 Юрагимда саноксиз тикан —
 Изтироблар жонимга теккан.
 Ҳатто хаёл — яраланган қуш,
 Осмон менга нима берди, хўш?
 Лекин мени қучоқла ҳозир,
 Сен муҳаббат эмассан, ахир.

1980

НУРОТА ЧАШМАСИ, УРГУТ ЧАШМАСИ...

Нурота чашмаси, Ургут чашмаси,
Сизларда ажиб бир ўхшашлик кўрдим.
Гўё хур қизларнинг ноз-карашмаси
Қошида оҳангдай қалтираб турдим,

Сув юзидан сарин-сарин
Эсар сабо, эсар сабо,
Жилдирайди майин-майин,
Чорлар гўё: кел, марҳабо.

Лолман, ёқа ушлайман
Шодликдан кўз ёшлайман.
Балиқларни хуркитиб,
Нон ушогин ташлайман.

Ўйнар балиқлар,
Имлар балиқлар,
Сакрар “чўлп” этиб,
Кунда яраклар.

Нурота чашмаси, Ургут чашмаси,
Тунлар ҳам жимгина сайр этиб юрдим.
Бағрингизда кўкнинг ёқут чашмаси —
Ой меҳмон бўлганин гувоҳи бўлдим:

Оққуш каби ой сузди,
Оққуш каби ой сузди.
Сакраганда балиқлар
Ойнинг патлари тўзди.

Нурота чашмаси, Ургут чашмаси,
Қўнғироқ ашъорим совға этарман.
Нурота чашмаси, Ургут чашмаси,
Бир ошиқ сингари келиб-кетарман.

Бесафар умр
Асло бүт бўлмас.
Дил ошно эрур —
Йўллар чўт эмас!

1980

СЕН МЕНИ ДЕГИЛ, ЖОНИМ

Гулим, топдим, ниҳоят,
Бутун бўлди туз-ноним,
Ёлворгум: энди фақат
Сен мени дегил, жоним.

Севаман, яширмайман,
Май каби қизгин қоним.
Ишқинг билан яшайман,
Сен мени дегил, жоним.

Майли, худбин аталай,
Бут эрса, бас, имоним,
Сузаверар кўкда ой,
Сен мени дегил, жоним.

Ваъда қилмам сийму зар,
Доим чекли имконим.
Лек асрагум муқаррар,
Сен мени дегил, жоним.

Ағёрларим бадкирдор,
Ағёрларим даврони.
Улар қитмир ва айёр,
Сен мени дегил, жоним.

Баланд тутгил қадримни,
Узун бўлсин забоним.
Мағрур тутиб қаддингни,
Сен мени дегил, жоним.

1980

АНДИЗ ЎСГАН ЕРЛАРДА

Андиз ўсган ерларда отлар бевақт ўлмағай,
Яхши бўлса аёллар эрлар юзи сўлмағай.
Қайси юртда чинакам ботир эрса йигитлар,
Ўша юртнинг эллари ёвларга қул бўлмағай.

От минмаган от минса, чопа-чопа ўлдирад,
Боғ кўрмаган боғ кўрса, пайхон қилар, сўлдирад.
Хушёр бўлгил, жон элим, элдай сақла элингни,
Ёвларингга қўл берсанг паймонангни тўлдирад.

Бош кесилса, ёронлар, сочга мотам тутилмас,
Қон қусилса, ёронлар, ичга сувдек ютилмас.
Қай бир миллат тупроғин топтар экан маккор ёв,
Ўзлигин билганларнинг бахти асло бутунмас!

Арғумоқларга мининг, ғолиб қилич ёр бўлсин!
Бу дунёда ҳар кимнинг ўз Ватани бор бўлсин!

1980

БИР ДАРАХТ

Бир сарҳадсиз сахро бағрида
 Ишониб ўз илдизларига
 /Тасаввур қиламан илдизларини:
 паҳлавон мускулларидай чайир,
 билакларидай йўғон-йўғон,
 куёш нурларидай узун ва тигдор —
 сингиб кетган ернинг қаърига!/
 Дарахт ўсар — худо қарғаган —
 ёлғиз.

Не гуноҳи бор экан унинг:
 бўрон забтига олар,
 гувиллаб,
 чийиллаб тортар шохларин.
 Қўнолмай, кетиб қолар,
 адашиб учиб келган бир тўда
 каптар.

Шаллақи хотин қарғиши —
 жазирама
 номусдай ёқар танини.
 Баъзан, чираниб-чираниб
 сиқиб чиқарар бир ховуч
 кўнғир қонини...

Атрофига қарайди Дарахт,
 атроф —
 сап-сарик
 кум-кум,
 Атрофига қарайди Дарахт,
 атроф —
 қовжирок,
 жизғанақ —
 ўт-ўлан.

Атрофига қарайди Дарахт,
 атроф —
 бўғриққан
 уфқ.

Атрофига қарамайди Дарахт,
 Вужудига совуқ ўрмалаб чиқар
 чипор илон.
 О, бу Дарахт умидлари...
 Илдизларидан-да теран!
 Ҳа! Бу ҳаёт-мамот жанглари аро-о-о
 барибир
 У кутиб яшайверади —
 Ёмғирни, Сувни, қондош ва
 жондош —
 ям-яшил Дарахтларни...

1981

ХОРИЖГА КЕТИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКЛАРГА САВОЛИМ

Бир сабаб, бир ихтиёр
Қўлингиздан тутгандир.
Саркаш ўйда бахтиёр
Бир йўл бошлаб кетгандир.
Тасаввур қилиш мумкин:
Бор илоҳий боғингиз.
Ўйда порлагай, балким,
Сеҳрли чироғингиз.
Балким оқар дарёлар
Эшигингиз қошидан.
Сочилар мол-дунёлар
Фарзандингиз бошидан.
Иқбол оҳанграбоси
Сароб бўлмаган балким.
Бухоронинг тиллоси
Адо бўлмаган балким.
Балким насиб паридай
Хур қизларнинг нечаси.
“Чин тириклик” сувидан
Балким ҳар кун ичасиз.
Тасаввур қилиш мумкин:
Унутилган она юрт...
Унутмагансиз, балким, —
Имонингиз нондай бут?
О, шундай бўлса, бир зум,
Менга қулоқ солгайсиз:
— Ўзбекистонсиз, айтинг,
Қандай нафас олгайсиз?

1981

БОБОМ СУЮННИНГ ОТАМ ОЛИМГА ВАСИЯТИ

Бобонг — тоғдаги алқорларнинг чўпони эди...

(Қишлоғимиз кексалари суҳбатидан)

Бугун

хайрлашиб келдим тоғлар билан,
Тоғ маликлари — какликлар билан
хайрлашдим.

Видолашдим алқорлар билан —
недир юрагимдан ситилиб кетди,
ахир,

жуда ўрганиб қолишганди менга
улар.

Наъматаклар билан ҳўшлашдим,
чашмалар йиғлаб қолди ортимдан,
“Йиғламанг” дедим барига
бир-бир.

Кўкка найза санчган Бешбармоқ қоя
титраб кетди “Алвидо” десам...

Дараларга алвидо дедим,
Алвидо, дедим оппоқ булутларга, ошно бургутларга,
Видолашдим минг йиллик ҳу-у... арча билан!
Болам,
илонларни чақади, дейди, одамлар,
Ҳаммаси ёлғон!

Улар чақишмайди, тегмасанг, агар, —
Менга тегмади-ку, бирор марта ҳам.
Кўзлари жавдираб-жавдираб қолишди —
хайрлашдим мен улар билан.

Болам, кўп яшадим,
Онангдан ажралиб қолдим кўп эрта
(Яхши аёл эди)

Шу тоғларда, мана, умрим ўтди сўнг.
Баҳоли қудрат

асрадим уни ёмон кўзлардан!
Болам, бардам бўл! —
Сахар чоғи узилар жоним!..
Дарду қувончингга ҳамдам —

омонлашиб тур шу тоғлар билан!!!

ҚОР ҚАЛИН БОССА ТОҒНИ...

Қор қалин босса тоғни
 Кийик энар қишлоққа.
 Ишонган тўрт оёғи
 Бошлаб борар пичоққа.

Қиш асабин тутатиб
 Қарамай ёв, жўрага,
 Какликларни титратиб
 Хайдаб тушар қўрага.

Кўкламдаги тошқин-сел
 Жилға, сойларни уриб,
 Қирғоқларга ташлайди
 Дов-дарахтни келтириб.

О, севгилим, ишқ дардинг
 Тиз чўктирди қошингда.
 Ёзмишдан кўрай дедим
 Не бўлса ҳам бошимда!

1981

КЕЧ ПИШГАН ОЛМАЛАР

Этакдаги боғу роғларда
 Оқиб тинди ёзги солмалар.
 Лекин бизнинг баланд тоғларда
 Эндигина пишди олмалар.
 Сават-сават терингиз келиб,
 Сулув қизлар — бели толмалар.
 Тилларни тарс юборар ёриб
 Кеч пишса ҳам бизнинг олмалар.

1981

ОНА ВА БОЛА ҲАҚИДА ИККИ ҲИКОЯТ

1. Сафарда

Гоҳ сийлов, гоҳ хатарда,
Йигит юрар сафарда...
 Ёринг ўлди, дедилар,
 Ёрим йўлимда, деди.
 Боланг ўлди, дедилар,
 Болам белимда, деди.

Қош қорайиб, кун ботди
Ва тағин хабар етди:
— Кечаги бадбахт тонгда,
Ажраб қолдинг онангдан.
 Чиқариб гўё қанот,
 Йигит ортга қўйди от!..

2. Доя ва она

— Ё ўғил, ё қиз эмас,
Илон туғдинг, болам-а.
— Олиб беринг, илтимос,
Боғлаб қўяй белима...

1981

АСРЛАР ҲИКОЯТИ

Йўллар юрдим саргашта,
Йўллар — менинг кўзларим.
Бу йўлларда ҳар гўша —
Афсоналар сўзлади...

Искандар асабий, тунд,
Бўридай ҳаёл сурар:
Юлдуздек учди беш кун,
Бир тумандан йўқ хабар.
Наҳот, бир тоғ қишлоғин
Тобун қилмоқ машаққат.
Ё адашди қўшини —
Бу тоғлар мисли каманд.
Ё ўзга ёв келди дуч —
Тунда ғафлатда қолди?
Балки, бир илоҳий куч
Бевақт сеҳрига олди?
Нелар кечмас оламда,
Бир тасодиф эҳтимол,
Минг черикка бир зумда
Келтирган қирон-завол?
Кўчма тахтдан Искандар
Ўқдай отилиб турди.
— Жўнасин иккинчи бор!..
Ҳавога бир мушт урди.

Искандар асабий, тунд,
Ярадор шердай титрар.
Юлдуздек учди беш кун
Иккинчи бор йўқ хабар.
Бир зарб билан очунни
Парчалаган яроғи
Тобун қилолмас Нурнинг
Наҳот, шу бир қишлоғин?
Бу қишлоқнинг улуғи
Ё умидсиз ҳаётдан?
Ё яралган бариси

Самандардан, саботдан?
 Жаҳонгирнинг қўшини
 Шу жойда мағлуб, наҳот?
 Ўнгими бу? Тушими?
 Ё ростдан кетди омад?
 — Йўқ!.. — Искандар қичқирди, —
 Тайёр бўлсин бир туман!
 Шафқат кутмасин энди,
 Ўзим, ўзим бораман!!!

Ёвқур қишлоқ ораси
 Атиги бир кунлик йўл.
 Сал илғанар қораси
 Оралиғи яйдоқ чўл.
 Қолди омонат пойтахт
 Искандарнинг ортида.
 У борар йўлбарс келбат,
 Минг лашқарнинг олдида.
 Юракдаги ғазоби
 Кўзларида акс этар.
 Тортди йўлнинг танобин,
 Ана, қишлоқ — забт этар!..
 — Олтин-н-н!
 Кимдир ҳайқирди.
 — Олтин-н-н!
 Қўшин — телба. Қийқирар.
 — Олтин-н-н!
 Кўкдан қуёш йиқилди.
 — Олтин-н-н!
 Қўшин кетди тирқираб...
 Искандар кўрди аниқ:
 Қишлоққа кириш йўлга
 Сочиб ташланган олтин
 Ёнар мисли аланга.
 Искандар кўрди аниқ:
 Қўшин унга ташланди.
 Искандар кўрди аниқ:
 Ур-сур, талаш бошланди.
 Искандар кўрди аниқ:

Қиндан чикди қиличлар.
Искандар кўрди аниқ:
Санчар... чопар... йиқилар...
Искандар кўрди аниқ:
Лашкаридан тирик йўқ.
Искандар кўрди аниқ:
Ёв дегандан дарак йўқ.
/Шамолдай эркин, шўх қиз
Бир қаради қоядан,
Бошин чангаллаб, ёлғиз
Биров кетар соядай.../
Билмадим, бу афсона
Ва ёки чин ҳақиқат.
Не бўлса бўлсин, аммо,
Уқаман маъни фақат!
Ўша қадим қишлоқда
Эл-юрт бугун бахтиёр.
Афсоналар қулоқда
Қолиб кетмайди бекор.
Ташлайман теран назар
Асримнинг ишларига.
Кирар ҳатто хавф-хатар
Боламнинг тушларига!
Зотан, башар олтиннинг
Бу кун сеҳрига шайдо.
Наҳс босган қўли унинг
Ҳар ерда ҳозир, пайдо.
Икки қитъа — икки юрт
Ёвлашди олтин дея.
Қирар эллар бир-бирин
Олтин ҳаётдир гўё.
Қўрқаман, о, Дунё, сен,
Оқизиб ёшгинангни,
Искандардай қолмасанг,
Чангаллаб бошгинангни!..

ОВЧИ ЎЛИМИ

Қишлоқдошим Аваз бахшидан эшитганим

Мен ёш эдим. Қўшнимиз Қодир овчининг кампири мени чақириб: “Бобонга қараб тур, сув олиб келай”, — деб булоқ бошига кетди. Уйга кирганимда, Қодир овчи кенг елкалари учиб-тушиб тўшақда ётар эди. Ёстигининг ёнида милтиқ. Мен олдига чўккаладим...

— Кес-с-сек бўлиб кетяпти,
 Қўлларимни уқала.
 Нахот умрим битяпти,
 Шунча қисқа-я, қара.
 Қандай ҳол бу? Товба-ей,
 Ҳамма жойимда титроқ.
 Бу қандайин совда-ей,
 Ётсам ўлимдан титраб.
 Ўлим олди — кийикнинг
 Титрашини кўрганман.
 Бўридай югурикнинг
 “Қилт-қилт”идан қулганман.
 Одамхўр бир йўлбарсни
 Отган эдим қай замон.
 Шунда-чи, у чапдаст ҳам
 Қалтир-қалтир берган жон.
 Ўлимдан титраган зот
 Титрагайдир ҳаётда!
 Уларга мен ҳамма вақт
 Қараб келдим нафрат-ла!
 Лекин билсанг, оламда,
 Бургут деган бир қуш бор.
 Титрамайди ўлимдан,
 Долға каби шиддаткор.
 Сўнгги дамин сезса у,
 Қояга урар ўзин.
 Унинг олов патлари
 Ҳавода кетар тўзиб.

О, улар тушмас ерга,
 Ерда нима — бойланиб?!
 Шу заҳот учар кўкда
 Бургутларга айланиб...
 Бургут менинг аждодим,
 Ўлим деган нима гап?!
 Йўқ, йўқ, менинг авлодим
 Ётмас ҳеч қачон титраб!
 Шу сўзни айтиб бўлиб,
 Бир керилиб, ҳемираниб,
 Ғалат қаради менга,
 Бу қараш ётдир сенга!
 Ёв-ёв қараш десамми,
 Дов-дов қараш десамми,
 Барқху қараш десамми,
 Бургут қараш десамми?
 Айикдай айқирсамми,
 Денгиздай хайқирсамми?
 Ё йиғлайин бўлутдай? —
 Ахир қандай унутай?!
 Сўнг деди: “Чик, у ёнга,
 Қарагил-чи, момонга!..”
 Мушук каби чаққон, жим,
 Ташқарига отилдим.
 Момом келмоқда экан,
 Пақирин олдим секин.
 Хайҳот! Уйдан шу дамда
 Ўқ товши чикди бирдан...
 Отилиб кирдик, бесас,
 Қодир овчи титрамас!..
 Аммо мени ваҳшатдай,
 Титроқ босди даҳшатли!
 Келар-кетар бу даврон,
 Мен-чи, титрайман ҳамон.
 Сиз-чи, сиз ҳам титрайсиз,
 Титраб, қақшаб яшайсиз!
 Замон-замон замонми,
 Ё сўзларим ёлғонми?
 Лекин билинг, оламда,

Бургут деган бир қуш бор.
Титрамайди ўлимдан,
Долға каби шиддаткор.
Сўнгги дамин сезса у,
Қояга урар ўзин.
Унинг олов патлари
Ҳавода кетар тўзиб.
О, улар тушмас ерга,
Ерда нима — бойланиб?!
Шу заҳот учар кўкда
Бургутларга айланиб...

1981

НАКУРТГА ҚАЙТИШ

Учқур йиллар ютди қанча чов,
 Қанча еллар, бўронлар елди.
 Профессор Аҳмад Қўчқоров
 Шу кўкламда қишлоққа келди.
 Қишлоқмисан қишлоқда ўзи,
 Тевараги гуногун тоғлар.
 Қотиб қолар ҳайратнинг кўзи,
 Ахир, бунда жон олар боғлар!
 Сумбуланинг сувидай тоза
 Тоғ дарёси оқар шарқираб.
 Баландида — осмон андоза —
 Оппоқ қорлар ётар ярқираб.
 Профессор келган заҳоти
 Йиғилишди алп, пўрим чоллар,
 О, ўчмагай болалик ёди —
 Қучоқ очиб кўришди улар.
 Хур ёшликнинг сирдош қизлари —
 Кампиршолар келди куйманиб.
 Қия очиб деразаларни
 Келинчаклар боқди ийманиб.
 Бурни оқиб турган бир бола
 Бобосининг бўйнидан қучиб
 Бирдан шодон қичқирди: “Ур-р-ра!...” —
 Бойлам гулни юборди сочиб.
 Профессор эгилди ҳайрон...
 Бирин олди... секин босди лаб...
 “Бойчечак-ку... омонлик, омон...”
 Кўзидан ёш кетди тирқираб!

Қалқиб тушди тоғларнинг қори,
 Қалқиб тушди боғлар, боғчалар,
 Киндик қони томган диёрнинг
 Соғинчими!.. Буюк шунчалар?

БИР МОВИЙ ҲАВО...

Бир мовий ҳаво — кўклам келаётир,
 Бир сарин сабо — кўкрак кераётир,
 Бир яшил наво — ним тебранаётир,
 Ғулғула тушмоқда жонимга менинг,
 Ғулғула тушадур жонингга сенинг.

Ўша ҳолат бу!.. Булутлар турналар,
 Саф-саф қайтмоқда ғамгузор турналар,
 “Қур-қур”лари о, бағримни тимдалар,
 Ғулғула тушмоқда жонимга менинг,
 Ғулғула тушадур жонингга сенинг.

Гумбурлаб, пар-пар чақмоқлар чақадур,
 Кўксингда ул ўт-ёлқинлар ёқадур,
 На ёлқинлардур, дард — гуллар тақадур,
 Ғулғула тушмоқда жонимга менинг,
 Ғулғула тушадур жонингга сенинг.

Тун зулумотдир, сен ундан ҳазар қил,
 Ташга чиқма-ей, гувлар кундузги сел,
 Ундан-да эсгай олис хотирот — ел,
 Ғулғула тушмоқда жонимга менинг,
 Ғулғула тушадур жонингга сенинг.

Қайта ва қайта қушлар қўшиқ айтар,
 Қайта ва қайта бу турналар қайтар,
 Ўртада қўшиқ — тақрорланар байтлар!
 Ғулғула тушмоқда жонимга менинг,
 Ғулғула тушадур жонингга сенинг.

Бир мовий ҳаво — кўклам келаётир,
 Бир сарин сабо — кўкрак кераётир,
 Бир яшил наво — ним тебранаётир,
 Ғулғула тушмоқда жонимга менинг,
 Ғулғула тушадур жонингга сенинг.

ГРЕК ВАТАНПАРВАРИ НИКОС БЕЛОЯННИСНИНГ ОХИРГИ СУРАТИ

Белояннис ҳақида ҳали.
Бирор нарса ўқимай туриб,
Мен суратин кўрганман:

чинни —

Гулни ушлаб турарди кулиб.
Ўтмишидан шодмон, миннатдор,
Эртасида — ойдин келажак,
Куёв каби масрур, бахтиёр
Одамгина шундай кулажак.
Ўйлаганман: бу эрка сурат
Тўй кунидан эсдалик, албат!

Кейин билдим... қат-қат булутлар
Ортидан ой сирғалиб балқди.
Юрагимдан туйғулар — ўтлар.
Кўзларимга ёш бўлиб қалқди.
Хайратимнинг узайди умри,
Бот ишондим мўъжиза — сирга.
На кулгу, гул!.. Қаршимда энди
Қараб турар жасорат менга!
Ўлим ҳукми қаҳ-қаҳ урган пайт
Олинган бу! — Гул —

кулгу —

сурат!

1981

ШОИРГА

Катта-катта шаҳарлар
 Ўртасини қоқ ёриб
 Оқар дарё, анҳорлар
 Эл-юртни бахтга қориб.

Халқинг қалбидан сен ҳам
 Дарё, анҳор бўлиб оқ,
 Шунда чин шоирсан, ҳа,
 Пешонаси ярқироқ!

1981

МИРКАРИМ ОСИМ

Оёғида қари ботинка,
 /Балки жоиз “туфли” атамоқ./
 Нашриётга келиб қолар ва
 Елкалари бўлиб кетар оқ —
 Деворларга ўтар сирпаниб,
 Боис: олдан келмоқда одам.
 Каттами ё, кичикми ёки,
 Гўё лозим бермоқлик салом.
 Лекин руҳдай ҳеч ким билан у
 Сўзлашмайди... сўзлашган, етар!
 Қўлёзмасин топширадио
 Жимжитгина уйига кетар
 Ва шом тушар... мўъжаз хонани
 Беркитару юзма-юз, якка,
 Кундузлардан ажратиб маъни,
 Сўзлай бошлар: Машраб, Ойбекка...

1982

БАҲОРОЛДИ КАЙФИЯТЛАРИ

Кўклам иси таралмакда ҳаводан,
 Ҳаводанми ёки саркаш сабодан,
 Бундай пайтлар ризосан бу дунёдан,
 Гарчи ҳали қиш нафаси теварақда.

Киприк қоққан ҳар кўртакка боқаман,
 Беихтиёр тўлмақдаман шавққа ман,
 Кетгим келар олис-олис тоққа ман,
 Гарчи ҳали қиш нафаси теварақда.

Сув гулидай хаёлларни тиндириб,
 Қушлар учар осмонларни тўлдириб,
 Ўғлим қарар бир ойнакни синдириб,
 Гарчи ҳали қиш нафаси теварақда.

Ростин айтсам, зада қилди қиш мени,
 Қаҳратони, қалин, бўғиқ тумани,
 Тойғоқ йўллар... тополмадим бир маъни,
 Кезар экан қиш нафаси теварақда.

Баҳор нима, яшаш нима англайлик,
 Турналарнинг соғинч сасин тинглайлик,
 Дўстлар, дилни шу кўкламга бойлайлик,
 Гарчи ҳали қиш нафаси теварақда.

Ховузларга қамалгандай оқар сой,
 Мен яшашим мумкин уйда тўққиз ой,
 Лекин кўклам ичкаридан бермас жой,
 Гарчи ҳали қиш нафаси теварақда.

Ота юртим тупроғидан қиш кетар,
 Тоғларидан туман кетар, гард йитар,
 Шоир жонбахш шеърин ўшал дам битар.
 Кезмас унда қиш нафаси теварақда!

СУВ ЎТЛАРИ

Ўғлим Жалолиддинга

Денгизлардир сизга ошиён,
Сизга ватон дарёлар, сойлар,
Нурлар каби поксиз ҳар қачон,
Ҳасад қилар юлдузлар, ойлар.

Рост, шунча ҳам поклик бўлурми?
Мен-ку, ҳасад қилмайман, бироқ
Гоҳи-гоҳи сизга термилиб
Йиғлаб-йиғлаб оламан узоқ...

1982

ФОРҒОНА ҚИЗЛАРИ

(Ҳазил)

Кўқдан тушганлар чоғи,
Бунча сулув бу қизлар.
Сув ичса, томоғида
Жилоланур юлдузлар.

Ҳайронман-эй, бу юртда
Не деб севиб, суярлар?
Йигитлари, ҳаётда.
Қандай тирик юрарлар?

1982

БОДИЕЛДОИ САМАРҚАНДИЙ* ТАЪРИФИ ВА ЁКИ ЭЪТИҚОД ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

/755 йил, Самарқанд/

Зарафшон қирғоғида
Катта сайхонлик узра
Оловли қучоғига
Бу қадим юртни чорлаб
Гулхан гурлар, ол ёли
Ҳилпирар тун кўзида.
Шафақ янглиғ яллиғи
Ўйнайди сув юзида.
Гулханнинг атрофини
Қуршаган эл-оломон.
Қутлар Бодиелдони
Ҳам ғамгину ҳам шодон:
— Олқиш Бодиелдога,
Умр ошин ошасин.
Бизни алам — балога
Ташламади, яшасин!
— Бодиелдо учқур, тез,
От-отиға ярашиқ.
Самарқандда сон минг қиз
Бугун Бодига ошиқ.
Бодиелдо — ўткир тиг,
Қўрқмади у арабдан.
Абу Муслим жасадин
Олиб қочди Боғдоддан.
Абу Муслим хокини
Ёвларга топтатмади.
Оқ каптарнинг руҳини
Қушдай чирқиллатмади.
Абу Муслим жасадин
Дафн қилдик иззат-ла.
Мард инсон жасоратин

* Бодиелдои Самарқандий — Самарқандлик Шамолдай Илдам /лақаб/, моҳир юғурик, халқ қаҳрамони Абу Муслимнинг содиқ хизматкори.

Унутмайди авлодлар!
— Олқиш Бодиелдога,
Умр ошин ошасин.
Бизни алам — балога
Ташламади, яшасин!
— Бир саҳар Абу Муслим
Чикди сафар қилмоққа,
Ҳажни баҳона қилиб,
Эл кўнглини билмоққа.
Ахир аббосийлар ҳам
Шўрлик халқни алдади.
Халққа ким қилар карам,
Юртнинг кунини — аввалги.
Эрк дегани, қани у?
Қани ваъда — озодлик?
Қай томонга қарасанг,
Кўрганнингдир бедодлик.
— Абу Муслим ёнига
Олди бир қанча навкар,
Ҳамда Бодиелдони —
Ки, одатдир ҳар сафар.
Эллар кезиб, юрт кезиб,
Халқларнинг дардин билди.
Уларнинг кўнглини сезиб,
Бир кун Бағдодга келди.
Бағдоднинг халифаси
Абу Жаъфар айёр, наҳс.
Чорлади юрт отасин
Гўё бўлиб беғараз.
Ишонди Абу Муслим
Илоннинг аврашига.
Кириб борди ёлғиз, жим,
Халифанинг қошига.
Ташда қолди навкарлар,
Ташда Бодиелдо ҳам.
Кира олмади улар
Абу Муслим ортидан.
Бодиелдо юраги
Жайроннинг юрагидай.

Бирдан сизди, бу ерда
 Нимадир содир бўлгай.
 “Оҳ!..” деди-ю, зарб билан
 Югурди ичкарига.
 На нигоҳбон, на девор
 Тўсиқ бўлолди унга!
 Бироқ Абу Муслимнинг
 Умр шамси ботганди.
 Халифанинг олдида
 Чавақланиб ётганди.
 Не қилсин Бодиелдо,
 Йўқдир ёвнинг адади.
 Лекин қолдириб бўлмас
 Абу Муслим жасадин!..
 Шартта ташлаб елкага,
 Ташқарига отилди.
 Уйқудан уйғонгандай
 Душман ларзага келди.
 — Бодиелдо чопганда
 Қувиб етолмас еллар.
 Ўн чақиримга етганда,
 Энди қўзғолди ёвлар!
 Араб саҳроларини
 Тасаввур қилолмас ким?
 Бодиелдо уларни
 Босиб, чопиб ўтди-ку!
 Кундузлари жасадини
 Ўт-оташдан асради.
 Кечалари тинмасдан
 Қумдан-қумга сакради...
 — Абу Муслим жасадин
 Дафн қилдик иззат-ла.
 — Бодининг жасоратин
 Унутмайди авлодлар!
 — Бодиелдонинг пойи
 Қиларқондан мустаҳкам.
 — Бодиелдо товони
 Туёқлардан эмас кам.
 — Бодиелдо елкаси

Нақ тоғнинг зирвасидай.
— Бодиелдо панжаси
Қоплоннинг панжасидай.
— Бодиелдо кўзлари
Ўткир қийғир кўзидан.
— Бодиелдо сўзлари
Кескир ёвнинг тигидан.
— Бодиелдо юлдузи
Кўкда энг ёруғ юлдуз.
— Бодиелдо кундузи
Ерда энг ёрқин кундуз.
— Олқиш Бодиелдога,
Умр ошин ошасин.
Бизни алам-балога
Ташламади, яшасин!
— Дўст-дўстга эътиқодни,
Инсонга эътиқодни,
Эл-юртга эътиқодни,
Имонга эътиқодни,
Ихлос қўйиб чин дилдан,
Бодиелдо ботирдан
Ўрганишсин одамлар,
Эшитмадим, деманглар!

Зарафшон қирғоғида
Катта сайхонлик узра
Оловли қучоғига
Бу қадим юртни чорлаб
Гулхан гурлар, ол ёли
Хилпирар тун кўзида.
Шафақ янглиғ яллиғи
Ўйнайди сув юзида.
Гулханнинг атрофини
Қуршаган эл-оломон.
Қутлар Бодиелдони
Ҳам ғамгину ҳам шодон.

БИР КОСА СУВ

I

Ажаб маҳзун, шикаста, дилгир
 Уфқ титраб — тонг оқармоқда.
 Вазмин-вазмин одимлаб Бобур
 Ўйларга фарқ юрибди боғда...

Умр ўтди саргашта, нолон,
 Ҳасратлари — армондай қийноқ,
 Юрак — вужуд саройи — вайрон,
 Ер қаттиғу осмон-чи, йироқ.

Мурод этди, бу шохлик тожи
 Диёрига қайтарар бир кун.
 Йўқ, қайтмоқнинг йўқдир иложи,
 Салтанатга, бас, ясар якун!

Унга етар энди бир хужра,
 Бир бурда нон ва бир коса сув
 Ва шубҳасиз давоту қалам,
 Китобхона... ўзиники у!

Ажаб маҳзун, шикаста, дилгир
 Уфқ титраб — тонг оқармоқда.
 Шитоб бирла одимлаб Бобур
 Чиқиб кетди дилкушо боғдан.

II

Тамом! Тамом! Тўрғайдай енгил.
 Елкасидан ағдарилди тош.
 О, офарин зиёлиғ кўнгил, —
 Қўтлуғ бўлсин сенга тожсиз бош!

Энди бўлғай шеъри жаҳонгир,
 Оқибат-эй, қилди тантана.

Шоҳ Бобур йўқ, бор шоир Бобур,
Китобхона — ватандир, мана!..

Чанқади-ку? — Ҳей, бир коса сув!
Бир коса сув не бўпти?.. Тайёр.
Ичди! Заҳар! Унутганди у
Йўқлигини энди хизматкор...

Тамом! Тамом! Тўрғайдай енгил.
Елкасидан ағдарилди тош.
О, офарин зиёлиғ кўнгил, —
Қутлуғ бўлсин сенга тожсиз бош!

1982

ТИНЧЛИК УЧУН ОВОЗ БЕРАМАН

Мен куртакман — эртанги ҳаво —
Яшил-яшил япроқ бўламан.
Соф ҳавога тўлсин бу маъво, —
Тинчлик учун овоз бераман!

Мен дарёман: Жайхун, Энасой,
Амазонка, Рейн, Волгаман,
Бағримда ҳур сузсин балиқ, Ой, —
Тинчлик учун овоз бераман!

Мен — тоғ. Унсин чечак, лолалар,
Мен уларсиз тошман, ноламан.
Жайрон каби чопсин болалар, —
Тинчлик учун овоз бераман!

Ғам, фарёдман — ҳарб арзандаси,
Юзим қора — номус қиламан.
Тубан, разил эмасман асли...
Тинчлик учун овоз бераман!

Шодликдирман — гўдак кўзида
Офтобдан бир қатра зиёман.
Умрим қисқа шу Ер юзида. —
Тинчлик учун овоз бераман!

Мен ИНСОНман! Толеим балқи!
Замин узра мағрур тураман!
Ўтмишим, Келажагим ҳаққи,
Тинчлик учун овоз бераман!

1982

ОЙГУЛНИНГ ШЕЪРИ

(Ҳазил)

Биламан, сиз ҳамма нарсанинг
 Бут бўлмоғин истайсиз, доим.
 (Бу дунёда ҳеч бир кимсанинг
 Ярим-ёрти бўлмасин моли!)
 Кўнглим тўлин ой мисол бутун,
 Жондек бутун муҳаббатим ҳам.
 Қоқ иккига бўлинди, бугун,
 Лекин ўша муҳаббат, акам...
 Шошмай туринг, кейин насихат,
 Ўрин ҳам йўқ ғзаб, нолага.
 Сизга айтсам, меҳр-муҳаббат
 Бўлинар экан... болага!

1982

СЕРКА ҚЎНФИРОҒИ

Жуда-жуда ишонарди қўйлар
 шу қўнғирокқа.
 Бир кун қолиб яшил яйловлар
 ғала-ғовур ёққа —
 шомда тушиб келишди улар.
 ...Бирдан жаранглади у таниш садо.
 Темир қўра қаҳқаҳа урди —
 қўйлар чопди садо келган томо-о-н
 ва кундада бошларин кўрди,
 ўша замон!

Жуда-жуда ишонарди қўйлар
 шу қўнғирокқа...

1982

АЁЛ ЖАНГГА КИРСА

Аёл жангга кирса — шердир, бўридир,
ганим шўридир,
уйи курийдир,
Спаретра гувоҳ бунга,
Тўмарис гувоҳдир, —
Ёвуз Кирнинг муроди ўтга ёққан қор бўлди.

Аёл жангга кирса юрти кирадир,
эрки кирадир,
мулки кирадир,
Барчиной гувоҳ бунга,
Гулойим гувоҳдир, —
Ёвларининг топгани — ой ўроғи — дор бўлди.

Аёл жангга кирса — томчи — селга айланар,
 ел — довулга айланар,
 она — эрга айланар,
Ватаним гувоҳ бунга,
Башар гувоҳдир, —
Халқим она қизларин жони номус — ор бўлди.

Аёл жангга кирса — кўз-қош ул тараф,
тоғ-тош ул тараф,
қуёш ул тараф,
Тупроқ кўп гувоҳ бунга,
Дунё кўп гувоҳдир, —
Эркаklar гуноҳидан улар қадди дол бўлди.

Аёл жангга кирмайди — ёниб турса ўчоғи,
Узилмаса ёт қўлдан бўйнидаги мунчоғи,
Ватани омон бўлса, топталмаса эл боғи,
Доимо гулдай нафис, доим бахти ёр бўлди!

БОБО ДЕҲҚОНИМ

Қиш чилласи. Қумрилар тап-тап
 Ерга қулаб тарракдай қотар.
 Муз нурин ҳам кўрсатмас офтоб,
 Кўк ва замин қоришиб ётар.
 Рух сингари, шундай паллада,
 Яхоб берар эдинг далада,
 Сапчиб тушди жоним, имоним,
 Нонинг ҳалол, бобо деҳқоним!

Шаҳар кўчиб чикди тоғларга,
 Гуллар тушди шаҳарга кўчиб.
 Хил-хил қушлар бизнинг боғларга
 Қайлардандир келдилар учиб.
 Ишинг бўлиб на тоғлар билан,
 На қушлару на боғлар билан,
 Чигит қадар эди имконинг!
 Нонинг ҳалол, бобо деҳқоним!

Эй, бесарҳад, бешафқат осмон,
 Нечун бу пайт қора жолалар?
 Йиғлар лойга ботиб нотагон
 Яшил уст-бош кийган болалар.
 Бундан алам бўлмагай ортиқ,
 Ҳар гўзага беимкон “тортиқ” —
 Соябондир ятак, чопонинг!
 Нонинг ҳалол, бобо деҳқоним!

Жазиранинг ўтли ҳовури
 Бўзтўрғайни тортар сояга.
 Жон зотининг қуйилар тери —
 Лаънат айтар оташ-зиёга.
 Лекин ундан сен мамнун фақат.
 Кўз яйратар оппоқ салтанат.
 Қизинг — деҳқон, деҳқон — ўғлонинг,
 Нонинг ҳалол, бобо деҳқоним!

Яна... яна... қора булутлар
Гирдоб ясаб айланар кўкда.
Тил топишган қузғун, бургутлар,
Нимагадир қасд қилар кўпдан.
Қолдирмайин ерда бир тола,
Йиғиштирмоқ кўнглингда вола,
Қийналади тунлар жон-жонинг!
Нонинг ҳалол, бобо деҳқоним!

Қолиб кетди ҳаммаси ортда,
Юртим — оппоқ тоғлар диёри.
Минбарларда — буюк бир кентга
Ҳисоб берар халқим сардори.
Ҳали режа... режалар катта,
Мақсад — қолиб келгай албатта!
Қора тердан оқ бўлган нонинг,
Нонинг ҳалол, бобо деҳқоним!

1983

МУҲАББАТНИНГ СИРЛИ ЭРТАГИ

Гоҳи ерда, гоҳи самода
Бунёд бўлгай инсон тилаги.
Мени олиб келди дунёга
Муҳаббатнинг сирли эртаги.

Ёшлигимдан, билмайман, қай кез
Бўй уфурди кўнглим чечаги.
Асир этди бир жуфт қора кўз —
Муҳаббатнинг сирли эртаги.

Ҳаёт — ҳайрат, тириклик — ҳайрат,
Ҳайрат эрур ошиқ юраги.
Ҳайратларнинг бақоси ҳайрат —
Муҳаббатнинг сирли эртаги.

Ким топингай ишқи маъвога
Керак эмас суянч-тиргаги,
Олиб чиқар арши аълога
Муҳаббатнинг сирли эртаги.

Эй сен, фосиқ, жоҳил, бебурд кас,
Севги сенга кўнгил эрмаги.
Билгил, бир кун олгайдир қасос,
Муҳаббатнинг сирли эртаги.

Азал-азал ҳаёт бешафқат,
Йиллар мисли гуллар баргаги.
Бу дунёда мангудир фақат
Муҳаббатнинг сирли эртаги.

О, бир сахар шам сингари жим
Ёниб битса умрим кузаги.
Бир чечак бўп сени кўйлагум —
Муҳаббатнинг сирли эртаги.

ОЙ — АЛҚОР ШОХИДАЙ...

Ой — алқор шохидай қайрилган,
Тош ўчоқда ўйноқлар олов.
Олов эмас, бу дасти синган —
Елда қолган бир парча ялов.

Тун ваҳмли. Тоғ ваҳимали,
Қадим кўрғон — кўрғошин кўрғон.
Бунда не бор — ҳаммаси сирли,
Хатто сирли шигиллар қумғон.

Ўтирибди ҚАЙҒУ танҳо, жим,
Кўзларида шуълалар акси.
Бу тоғларга уни қувган ким.
Қай бахтлининг ул қувғиндиси?

Арвоҳ каби ёнгинасидан
Учиб ўтар тун қуши гоҳо.
Қанотидан чиққан сасидан
Эт жунжикар — тебранар ҳаво.

Қайлардадир увлайди бўри,
Увлар доим кўзғатар титроқ.
Укки сайрар... лаънати қуш бу,
Бевақт сайрар — ваҳима ҳар чоқ.

ҚАЙҒУ жасур! Унинг қўлида
Юлдуз санар оловли ханжар.
Арғумоғи ўтлар нарида,
Арғумоқки, мисоли аждар.

Бу тонг отсин... ҚАЙҒУ учади,
Учар, учар — чекинар узлат.
...Деразасин қатъий чертади,
Келдим, дейди, Мен — ШОДЛИК,
МЕН — БАХТИ!

ЕЛЛАР ЭСДИ БЕОМОН...

Нурота тоғларин бир дарасида
 Кўхна унутилган қишлоқни кўрдим.
 Бир қоя ўстида — рўпарасида
 Ғалати ҳисларга чўмилиб турдим.

Тошлардан бундаги кулбалар бари,
 Отлар яккамихи тошлардан ҳатто, —
 Хавф-хатарни сезган илон сингари
 Қакқайиб атрофни кузатар гўё.

Учган юлдуз изи — жилға ёнида
 Паҳлавондай ағнаб ётар тегирмон.
 Бир ғовак мажнунтол унинг ўстида
 Бевадай эгилган — ранги заъфарон.

Туман сурувларга макон — тошқўра
 Қийшайиб турибди бир четда ночор.
 Булоқлар, дарахтлар сирли, жимгина
 Бир армон кўшигин куйлар зору зор:

Еллар эсди беомон,
 Замон ўлди бир замон.
 Кўчкidayин тирқираб
 Эллар кетди тўрт томон.

Бў тоғу тошларда доврўқлар солиб
 Довқир яшаб ўтган бизнинг боболар.
 Шом пайти... Дулдуллар кишнашиб, депсиб,
 Қулоғим остида берди садолар.

ЧИНГИЗ АХМАРОВ

Тошкентда шом эди. Ҳаво очик эди.

Биз

тўққизинчи қаватдан

олис-олисларга —

аста-аста қоронғилик босиб келаётган

Чимён тоғларига қараб турар эдик.

Нигоҳларимизда оқлик акс этарди.

Сирпанчиқ учаётган болалардек нимагадир

хушнуд эдик

ё ростдан сирпанчиқ учаётганмидик?..

“Мағриб қанчалик яланғочланган бўлса, Машриқ шунчалик қат-қат либосга бурканган эди...”

оҳиста сўзладим ўзимга-ўзим

(бу хонадаги суҳбатимизнинг хаёлий давоми эди асли).

Аҳмаров ялт этиб қаради менга

кўзларидан учкун сачраб кетди чамамда.

“Йўк! — деди у. — Шарқ ҳарир либосда, ҳарир

кўйлақда!”

“Реалистик санъат... нима у?” — сўрадим жиддий,

“...ҳарир кўйлақда” — деди у ўз-ўзига гапиргандай.

“Услубингиз... ғалати” — дедим кўрслигим тутиб (романтиксиз, демокчи эдим аслида).

“Менинг услубим... Шамсирўй* услуби” — деди у

мени ҳайратда қолдириб,

Ва тагин кўшиб кўйди: “Мен мусаввир эмасман —

Шамсирўй мусаввир эди!”

“Нусхакаш экансиз-да?..” — асабийлашдим андишани унутиб.

“Қандай нусхакаш бўлай? Менинг кўксимда

тепаётган юрак Шамсирўй юраги-ку, ахир!”

Тонг. Биз яна...

тўққизинчи қаватдан олис-олисларга —

аста-секин оқлик оқиб келаётган

* Шамсирўй Ҳасанова (1917—1956) рассом, Ч. Аҳмаров рафикаси

Чимён тоғларига қараб турар эдик.
 “Мағриб қанчалик яланғочланган бўлса,
 Машрик шунчалик қат-қат либосга бурканган эди...”
 хаёлимда чакмоқ чакди нимагадир.
 Аҳмаров ялт этиб қаради менга (Энди ишондим, у
 телепатик!)
 “Йўқ! — деди у, Шарқ ҳарир либосда, ҳарир
 кўйлақда!”

Бирдан

Қуёш

кўтарила

бошлади.

Қуёш... ҳарир кўйлақда эди! Шарқ... ҳарир
 кўйлақда эди!!!

Мен

Чингиз

Аҳмаров

кўзларига

тик

қарай

олмадим.

1983

ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

Бор экан,
аслида йўқ экан,
Тўқ экан,
аслида оч экан.

Бир Бойнинг гиёҳ битмас тоғлардай
камбағал бир Батраги бор экан.
Кундузлари кун бўлиб, тунлари юлдуз бўлиб
ишларкану,
аммо шўр пешонасига
бир бисот битмас экан! Хей-й, Дунё!
Кунлардан бир кун...
Зулук каби буралиб,
Ёвин кўрган жайрадай
Ўз-ўзига ўралиб
Бойнинг ҳад билмас ерида кўш ҳайдар экан...

Жони бўғзига келиб,
телбадай қичқирибди:
“Эй-й, фалак! Менга бунча чексиз-чегарасиз
бойликни қандай ато этдинг?!”
/Хай-й, Дунё! Камбағалга ҳам бойлик битар экан-да!/
Батракнинг нидосини Бой эшитиб қолиб,
оёғини қўлига олиб-чопиб келиб: “Бойлик?!
Олтинми?” — деб қичқирибди ҳаллослаб,
итнинг сўлагидай сўлаги оқиб.
— Сотаман, оласизми, Бой? — қичқирибди Батрак,—
Олинг! Олинг! Бу чексиз — чегарасиз

БОЙЛИГИМ —

КАМБАҒАЛЛИК! Олинг!

Бой мум тишлаб,
шартта орқасига бурилиб кетибди.
Хей-й, Дунё!..

Эй, жаҳон батраклари,
Эй, оч, юпун қуллар,

Эй, етим-есирлар, бевақт узилаётган
Чечаклар — гўдаклар!.. — Вақт етди! —
“Бойман!”... — деб бақиринг, чақиринг,
хайқиринг!

Ҳа-а!.. Қаттиқроқ!.. Қаттиқроқ!..
Эй, сиз америкалик фермерлар,
Эй, Европа, осиелик корчалонлар,
Африканинг ирkit бойлари!.. Чопинг!
Югуринг! Улар “бойлиги”ни сотиб олинг!
Олинг!
Сиз бойликни севасиз, ахир!
Орқангизни ўгирманг фақат!

Бор экан,
аслида йўқ экан.
Тўқ экан,
аслида оч экан...

1983

ТУНГИ БУЛУТЛАР ТОМОШАСИ

Хув, анови балчиқ. Чўчка, анови,
Тумшуғин балчиққа тикар, анойи.

Хув, анови, қара, малларанг бўри,
Олдда қўзи... ҳозир қурийди шўри.

Анови четдаги, қара, қуёнча,
Йўлбарс пусиб келар ва қилғай парча.

Воҳ, айикни қувиб келмоқда итлар,
И-я, итлар эмас, баҳайбат китлар.

Вой-вуй-й, осмонда ҳам кап-каттакон фил,
Сичқондай қочмоқда — хартумлари зил.

Одам борми, одам?
— Одам, Оймомо,
Туссиз булутларни қилиб турар томоша!

1983

БУ ХОНАДА

Нозимахонга

Бу хонада гуллар бўйи анқийди тўлиб,
Дуч келурсан бунда баҳор дала-тузига.
Бу хонанинг парирўйи
... бир йигит бўлиб —
Алвон гуллар сотиб олар ўзи-ўзига...

1984

ТОШКЕНТГА

Тошкентим!
Думбул эдим, —
Бағрингга олдинг мени.
Учяпман... —
 йўлим ойдин, —
Бағримга босиб сени!

1984

УЗОҚ-УЗОҚ ЙЎЛ БОСИБ...

Узоқ-узоқ йўл босиб
Хориган арғумоқдай
Сув ичар эдим ётиб
Биллур, садаф булоқдан.
Қандайдир совуқ нигоҳ
Қадалган эди менга —
Сезиб қолдим баногоҳ.
Титроқ югурди танга.
Сакраб туриб қотдим тек
Ва кўрдим, қора илон...
Ҳеч нарса бўлмагандек
Ўрлай кетди қир томон.
Яшамадим, о, ҳали
Умримнинг ярмини ҳам.
Йўлларимда ва лекин
Кўрмадим уларни кам.
Доим шундай: бир қониб
Чанқоғим босай десам,
Нигоҳлар — совуқ ёниб
Қадалар ўқдай шу дам.

1984

БОЛАЛИККА СОҒИНЧЛИ САЛОМ ХАТ

Болалигим, бизнинг йўл
Қачон тушдилар айро,
Сени истайдир кўнгил —
Токи бўлибман жудо.

Қайларда қолиб кетдинг,
Йиғлагим келар гоҳо.
Соғинганимдан битдим —
Бу хатни бу тун аро.

Бойчечаклар неча бор
Очилди ҳам, сўлди ҳам.
Момом айтган Бойчибор —
Умид оти бўлди ҳам.

Булутлар орасига
Сингиб кетган қуш мисол,
Кетдим олис-олисга
Қалбда орзулар бисёр.

Илло, сен ўйлагандай
Мезбон йўллар йўқ экан.
Ҳар қадамда пайдар-пай
Гоҳ гул кўрдим, гоҳ тикан.

Одамларни учратдим —
Етаклади қўлимдан.
Одамларни учратдим —
Тариқ сепди йўлимга...

Очиқ кўнгиллик — бу жар,
Бир кун тортар домига.
Мен ҳам унинг неча бор
Тушиб чиқдим комига.

Кўйнимда, дўст деб баъзан,
Илонларни асрадим.
Кўнглимда, ёв деб баъзан,
Дўстларимдан ажрадим.

Бизнинг асрда доим
Қолмай десанг кулгига,
Яшамоқ шарт ва лозим
Худди ўхшаб тулкига.

Эп билсанг қассобликни
Сеники омон-омон.
Ҳар қандай қаллобликни
Зар тўғрилар беомон!

Қизиқ бир ҳодисотга
Яқинда бўлди гувоҳ:
Бир адибни ҳақ гапга
Дўппослабди уч гўмроҳ.

Адиб қилди шикоят
Каттакон идорага.
Оқибат-чи, оқибат,
Боши қолди балога.

Қўй, дейману... имоним
Ҳолимга қўймас сира.
Сенга — дарддош имконим
Ёзмасам бўлмас сира...

Қарғани қарға десанг,
Эмгақдан чиқмас бошинг,
Ғаддор устидан кулсанг
Тинчитмагай кўз ёшинг.

Минг йиллик арча кўрдим
Тим аталмиш қишлоқда
Ўзингдай ҳайрон турдим:
Яшил эди бутоқлар, —

Ҳолбуки, тан, илдизи
 Қуриб-чириб битганди.
 Қўринарди кундузи,
 Тун-чи, ниҳон этганди.

Ҳа, худди шу арчага
 Кўп нарса кетар ўхшаб.
 Ғилам ўрнига гоҳо
 Қўйишар похол тўшаб...

Қилич дермиш: "Барини
 Зўрлаб, сўйиб оламан".
 Бойлик дермиш: "Барини
 Сотиб суюб, оламан".

Болалигим, кўп нарса
 Сўнг аён бўлар экан,
 Катта харсанг остида
 Не гуллар сўлар экан.

Ёдингдами, сен қандай
 Севар эдинг қоғозни?!
 Йиллар чакди чақиндай
 Ва тушундим устозни*, —

Ҳозир энг урён иллат,
 Қоғозбозлик иллоти.
 Ҳаттоки қувончу дод
 Қоғозларда битади.

Бундан кимдир мансабнинг
 Курсисида пойидор.
 Алам-жабрига дарднинг
 Юлдузлар бўлар абгор.

ОДАМ ўғли, бу бари
 Бир куни ўтар-кетар.

* В. В. Маяковский ва унинг «Қоғозбозликни йўқ кўрарга кўзим»... сатрига ишора.

Чоғатнинг қори каби
Сув бўлиб эриб битар.

Бахтиёр шоириман
Бугун эл, давронимнинг.
Сўз дурин соҳириман,
Куйлайман замонимни!

Эмасман озурда жон,
Кетолмайман дил узиб
Сенга қалбимни шоён
Ошиқдай тўқдим, узр.

Маёқдек чорла доим,
Гарчи йўл олис, мубҳам.
Сен бирла яшай токим
Ғойибона бўлса ҳам!

Боис: сени агарда
Сақлай билса қалбда ким,
Ўз ақли, юрагига
Ўзи албатта ҳоким!

Тоғлар ўз булоқларин
Йўлин олис ташлайди.
Лекин шаксиз уларнинг
Ишқи билан яшайди!

1984

НУРОТА ЧАШМАСИ

Хожиқул Худойкуловга

Сен дарё эмассан шиддаткор, филҳол,
Лекин дарёлардан минг чандон зилол,
Тунлар кучоғингда соч тарар ҳилол,
Тупроқ каби лубби лубоб, безавол,
Бутун бир водийга жаҳонтоб иқбол,
Нурота чашмаси, эй бузруг Чашма.

Бир ёнинг Қоратоғ, бир ёнинг Оқтоғ,
Қизилқум бошида сен ойдек чароғ,
Сув эмас, сут ичар элинг беадоғ,
Бир келиб кетган не кўнгиллар бедоғ,
Фақат сендангина мен босдим чанқоғ,
Нурота чашмаси, эй бузруг Чашма.

Бағрингда балиқлар мисли болари,
Улар кўзинг очар — жонфишон бари;
Ёшинг неча эрур — айтолмас тарих,
Искандар келганда борлигинг аник,
Ёғий қилолмади юзингни сариғ,
Нурота чашмаси, эй бузруг Чашма.

Ўтли Ўзбекистон бағрида пойдор
Олти юздан ортиқ дарёи нисор
Ва лек улар кўпи мисоли шохсор
Осиё офтобидан қурур беқарор,
Ёзу қиш сен аммо бирдек устувор —
Нурота чашмаси, эй бузруг Чашма.

Барглар учаверар, фасл ал-фироқ,
Йиллар ўтаверар, насл ал-фироқ,
Не-не кўкрак керган асл ал-фироқ,
Тўполон гардун бу, баҳс ал-фироқ,
Лекин умринг боқий, аср ал-фироқ
Нурота чашмаси, эй бузруг Чашма.

ИНСОН ҚАЛБИ

Инсон қалбин билмай, сўз демагил ҳеч,
Суяксиз тил билан сўзламоқдин кеч.

Инсон қалби, айтсам мен сенга, беҳад,
Олисдан кўринган бир тоққа монанд!

Қарагил, куп-қуруқ, сирти ялтироқ,
Кўзимиз кўниккан одатий бир тоғ.

Лекин унга яқин борганинг сайин,
Бор бўйи-бабини кўрсатар тайин.

Унда яшил-яшил дарахтлар пойдор,
Кечаю кундузи чашмалар бедор.

Ундадир сундулоч, қора қош каклик,
Ундадир гиёҳлар турлик ва турлик.

Охулар сакрайди қирқ газ баланддан,
Жонингга жон қўшар ҳавоси билан!

Айтар сўзларимнинг йўқдир гумони,
Шубҳасиз, бор эрур сиртлон, илони.

Сен ўзинг бермасанг уларга озор,
О, улардан озор етмагай зинҳор.

Инсон қалбин билмай, сўз айтмагил ҳеч,
Суяксиз тил билан сўзламоқдин кеч.

ҚИШ СЎНГГИ ВА БАҲОРОЛДИ БАЙТЛАРИ

I

Қирларда, чоғатларда
Қорлар қиламиққина.
Чумчуқлар бўғотларда,
Офтоб бир илиққина.

II

Ерлар буғланиб қолди,
Ёғса-да, турмайди қор,
Ҳаққини қишга энди
Бериб қўймас бу Баҳор!

III

Сариқ чумакли кунлар
Икки-уч кундир бори.
Лекин улар бутунлай
Бошлаб берар Баҳорни.

IV

Жоҳил овчи ўқидан
Қулагандай оппоқ қуш,
Бугун тонгда тарновдан
Ерга ағнаб тушди Қиш.

V

Бу оппоқ чўққиларга
Нима бўлди, ёпирай,
Суянгандим уларга,
Нураб бормоқда тинмай.

VI

Булутлар шошиб борар,
Осмон, ой тошиб борар,
Сойдаги селга қараб,
Ҳисларим ошиб борар.

VII

Милт-милт қилиб кўзларини,
Қайтди юртим ўрдаклари.
Шоҳи қизим сочларидай
Дик-дик қилар қир гуллари.

VIII

Майсаларни чимдир сурув,
Кўкда овоз: "Қурув-қурув".
Кучукларга дов тегдими,
Шому сахар чўзиб улур.

IX

Тун қоп-қора, тун қоп-қора,
Ёмғирлар ёғар қоп-қора.
Бу қоп-қора тунларнинг, оҳ,
Тонглари оҳ, оҳ, бир қара...

X

Мангу эрур баҳор тоти,
Мангу эрур куй, баёти.
Очиб юборди елларга
Деразаларини Юртим!

КУЛ ТЕГИН

*Онам, хотиним, бошқа опаларим, ака-
ларим, сингилларим, аёлларим... Ўлиги
юртда, йўлда ётиб қолғувчи эрдингиз.
Кул Тегин йўқ эрса... (Кул Тегин ёд-
горлигидаги катта ёзувдан)*

Мен ўзим шод — Кул Тегин,
Турк юртининг ўғлони.
Сўзим эшит будуним,
Тўрт уфқ — юртим тўрт ёни!
Сен буни билаюрсан,
Меҳри — томирингда қон.
Ҳимоя қилаюрсан,
Илкингдадир бор имкон.
Лекин табғачнинг илиқ
Сўзига ишондинг кўп.
“Емадинг — тариқ йиғиб,
Сичқон уни еди хўб”.
Айрилдинг ер-сувингдан,
Баргдай учди қанча эр.
Ёв сувига ювинди
Не беклар — ювиндихўр.
Олтин, қумуш эди мўл
Тоғ, ўрмонли юртингда.
Ғалла, ипак эди кўл
Олдингда-ю ортингда.
Қуёну кийикларга
Тўлайди қир-ёбонинг.
Доим эт, иликларга
Тўлайди дастурхонинг...
Мен ўзим шод — Кул Тегин,
Турк юртининг ўғлони.
Сўзим эшит будуним,
Ёғий — юртнинг тўрт ёни!
Ёмғур ёғур кўзимдан,
Қобоғумдан ёғур қор.
“Элли будун эдим, о,

Элим энди қани, оҳ!"
Ёғий уйнинг тўрида,
Чўри унга сулувлар.
Элимнинг йўқ гурури,
Қайда иззат, гурурлар?
Турк беклар турк отини
Совурдилар елларга.
Ўйламайин кетини,
Оқиздилар селларга.
Бас, бундай яшамоқдан
Қора ўрин яхшироқ.
Қўй бўлиб яшамоқдан
Ўлим, ўлим яхшироқ!
Мен ўзим шод — Кул Тегин,
Турк юртининг ўғлони.
Сўзим эшит будуним,
Аждодим ҳаққи, жони,
"Турк будун йўқ бўлмасин!"
Турк будуним бириккил!
Тангримиз ярлақасин,
Бир-бирингга эликкин!
Томирингда боболар
Қони инжудай тошсин.
Қинларига сиғмайлар
Қиличлар, ҳей, адашсин!
Орли, қўрқмас бўлса эл
Эркли бўлар лочиндай.
Турк будуним, қани, кел,
Эркин яша очунда!!!
Ёв қонин тўкаюрмиз,
Сўнгги кураш эрур бу.
Турк Ерин ўпаюрмиз,
Авлод ҳаққи кулгай у!
Мен ўзимман Кул Тегин,
Турк юртининг ўғлони.
Сўзим эшит будуним,
Турк уфқ — юртим тўрт ёни!

ГУЛХАНИЙ БОЗОРИ

(Ҳазил)

Бир кулгим қистади...
Фарғона ёқда
Бозор кўриб қолдим мўл-кўл ва улкан.
Унинг дарвозасин нақ пештоқида
Ёзув бор: "Гулханий бозори" деган.

Бир кулгим қистади...
Бир бутун нонни
Ўз қўллари билан синдирмаган зот,
Бугун шундай мўл-кўл, турли-туманли
Бозорнинг соҳиби бўлибдир, ҳайҳот!

1984

ОВУЛ ИТЛАРИ

(Ҳазил эмас)

Бу итлар, қизиқ итлар, —
Увиллаб узун-узун —
Талашишар, юлкишар
Арзимас суяк учун.

Бу итлар, қизиқ итлар, —
Хушламас бир-бирини.
Бироқ бирлашиб олар
Кўришганда бўрини...

1984

ҚОРА ДЕНГИЗ ТҮЛҚИНЛАРИ

I

ГУРЖИСТОН ҲАЙКАЛЛАРИ

Гуржистонда ҳайкаллар улкан, улугвор,
Улар мағрур туришар юксакликларда.
Туман орасидан-да кўринар пойдор,
Пойдор боқишар ҳатто жар, тикликларда.

Сосо, Оржоникидзе, Чавчавадзе бу,
Мана бу Руставели — ўзи бир жаҳон.
Бир қўлида қиличу бирида нон-туз
Ўйларга чўмган бу — “Она Гуржистон”.

Гуллар кўйдим пойига — ҳайратим чексиз,
Ў-ў, улар туришар шому тун, сахар,
Бамисоли дегандек: “Гуржиларимиз — биз —
Гуржистон тақдирига мангу жавобгар!”

1984

2

СОҒИНЧ

I

Ай-Петрига саёҳат
Қилгали белбоғ тугдим.
Бир мўйсафид — чайир зот
Ҳамроҳлик тўнин кийди.

Чўққига чиққан қадар
Қўшиқ куйлаб борди у.
Наъма, сўзида қадар,
Қалбимда қолди мангу:

“Жасур йигит ўрмонда кезар,
Жасур йигит денгизда сузар,
Ёвлар эди тенгсиз, фирром, қув,
Жасур йигит чўққида музлар.

Ўрмонларда кезмадим,
Денгизларда сузмадим.
Авлодим кечиргайми,
Тоғлар дардин сезмадим...”

II

Ай-Петри зирвасидан
Бутун Ялта намоён.
Тоғнинг ҳар дарасида
Ястаниб ётар ўрмон.

Тошдан ўсгайми дарахт,
Ё дарахтдан тош ўсгай, —
Ақлингни қилар карахт,
Ақлингни булут тўсгай.

Нурдай тикка “Учан-су”.
Чакмоқ каби отилар.
Кўкка — найза учидай
Қалдирғочлар санчилар.

Турибман қанот бойлаб,
Қонимда оқар ҳузур.
Дунёни дилга жойлаб
Учгим келади бир қур.

Қора денгиз чайқалар
Бир беозор, бир мунис.
Ўрдақлар — қайиқчалар
Тебранмокда, қилгум ҳис.

Зотан, бундан барча йўл
Олиб тушар денгизга.
Денгиз, совғам митти гул, —
Ол, ўп,
бос юз-кўзинга!

III

Ҳамроҳимга тушди кўзим,
Унутибман дафъатан.
Учар эди дилдан сўзи
Қўлида бир гулистон*.

“Гулистонжон, гулистонжон,
Киндигим қони, гулим,
Шукур, кўраолдим шоён,
Бўй-бастим жони, гулим.

Гулистонжон, сени яна
Кўрмоқ бўларми насиб?
Оҳ, онамга ўхшайсан-а,
Жоним, кўзим қораси...”

Тавофларди титраб-титраб,
Соғинч дарди — дилники.
Сўнг юборди бирдан йиғлаб,
Эр йиғиси — элники!

Йўқ, мен чидай олмадим, йўқ,
Шаҳд бурилдим орқамга.
Туман тушар эди бўлиқ,
Яқин қолганди шомга.

1985

* Гул номи.

3

АРАУКАРИ

Крим боғларида ҳеч битта дарахт
Шажарасиз эмас — аждод-авлодли
Ва лекин Ялтада дуч келдим бирвақт
Бир танҳо дарахтга — безурриётли.
Боғбондан сўрадим: “Наҳотки танҳо?”
“Ҳа, ҳа, танҳо, — деди, — танҳо бурундан
Бирор куш қўндирмай бағрига ҳатто,
Шундоқ яккаш турар бутун Кримда”.

Сўнг ҳазилми, чинми гап қилди яна:
“Келтирилган бир пайт Чили боғидан.
У ерларда уруғи серобдир, ошна,
У кўпаяр фақат ўз тупроғида...”

Ёшини сўрасам, юз ёшда экан,
Маъюс тутиб турар чоғроқ қаддини.
Атрофи қайин, сарв, арчаю акас,
Уларга сўзламас аммо дардини!

1985

НУР КАБИ...

Нур каби оқиб ётар Амударё, Сирдарё,
Нигоҳларимда савол: қани Кайхисрав, Доро?

Сирдарё, Амударё гоҳо жўшқин, гоҳ равон,
Товланар хаёл янглиғ ва лекин қани юнон?

Амударё, Сирдарё, оқиб ётар гувуллаб,
Қани митадай мутаб, гувуллаб келган араб?

Сирдарё, Амударё, қўш ўғилдир манглайли,
Қўш ўғил сувларига тупурган Чингиз қани?

Амударё, Сирдарё тўлқин-тўлқин отадир,
Бу тўлқинлар тубида не ғанимлар ётадир!

Сирдарём, Амударём — жоним-жаҳоним менинг,
Амударём, Сирдарём — Ўзбекистоним менинг!

1985

ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК

Замон бобо:

— Бу болалар қандоқ болалар?

Она:

— Кўкламдаги тар-тар лолалар.

Ота:

— Тоғлардаги шўх шалолалар.

Шоир:

— Кўк эрлари — саркаш жолалар.

Замон бобо:

— Бу болалар қандоқ болалар?

Бир-бирини, шундоқ болалар —

Отмоқдалар сабаб-бесабаб —

Оқ нонлардан «тўппонча» ясаб.

1985

ЧЕЧАК

Кўрдим: қоя устида,
Гўё митти капалак,
Сабо беланчагида
Нозланади бир чечак.

Ўйладим: қоя агар
Қулаб тушса нетарди:
Ҳа, бу чечак муқаррар
Йўқ бўларди-кетарди.

Юрагимдан бир нидо
Отилиб чиқди шу чоқ:
— Қулайверсин бу қоя
Қулаб тушса-да, бироқ,

Бироқ унинг устида,
Гўё митти капалак,
Сабо беланчагида
Нозланади шу чечак!

1985

ТАЙГА ЎРМОНЛАРИДА

(Ҳазил)

Бу ўрмонлар пошшолари қушлар эмас,
Йўлбарс эмас, бўри эмас пошшолари.
Қанча чаққан билан қонга тўйиб тўймас,
Бу ўрмонлар пошшолари — пашшалари.

1985

УСТОЗ ВА ШОГИРД

— Полвонликнинг қирқ сир-хунарин
 Мана, ўғлим, ўргатдим сенга.
 Энди боргил, ҳеч қандай полвон
 Туша олмас сенинг олдингга!..
 Шогирд кетди элни оралаб,
 Ойлар, йиллар ой каби оқди.
 Бир кун устоз эшигин тираб
 Кимдир таранг мушт билан қоқди.
 ...Остонада серсавлат шогирд
 Турар мағрур уюб қовоғин.
 Ерга қараб сўз бошлади хит:
 — Нима бўлар энди бу ёғи..
 Юртлар кездим, улуслар кездим,
 Қолмади мен йиқмаган полвон.
 Курагини ерга теккиздим,
 Хатто бўлса ҳамки арслон.
 Ва лекин тан берган йўқ эл-юрт,
 Сиз қолибсиз — йиқмасам бўлмас.
 Сиз борсизки, доврўғим бебут,
 Сиз борсизки, толеим кулмас..
 Устоз полвон шогирд полвонга
 Бир сўз демай — чикди кийиниб.
 Мардлар жойи — шонли майдонга
 эл-оломон келди йиғилиб.
 — О-ё, фалак!.. —
 Устоз шогирдин
 Бир зарб билан урди кўтариб.
 Қалқиб тушди дунёи гардун,
 Қулаб тушди кўк тўнтарилиб!
 Тўхтанг! — Айтгум бу не синоат!..
 Сақлаб кўйган эди бус-бутун, —
 Қирқ биринчи ўсулин устод
 Шундай номард шогирдлар учун!

ОТАМ ОЛИМ СУЮН ЎҒЛИ ХОТИРАСИГА

Ҳар кун
 тушларимга кирасиз, ота,
 Шундай ҳам бўлурми? — етмайди ақлим.
 Негадир безовта, нотинчсиз, ота,
 Уйғониб кетаман... кўз ёшим сим-сим.
 ...Оқ кўйлак елпирар. Қўш қўшаяпсиз,
 Ҳавода муаллақ силкинар гаврон.
 Наҳот, қабрда ҳам биз деб яшаяпсиз,
 Ота, бу не

ризқ-рўз,

бу нима армон?!

...Ўмров билан бўзиб тош деворларни
 Подалар бостириб кирди чорбоққа.
 Худди кечагидай ота, уларни
 Хивич билан ҳайдаб солдингиз тоққа.
 ...Орқа ўриндикда ўзингиз ёлғиз.
 Мен шод. Бирдан... кўприк бузилган тамом.
 “Машина минишдан аввал, — дедингиз —
 Кўприкни тузатмоқ керақдир, болам!..”

Ҳар кун
 тушларимга кирасиз, ота,
 Шундай ҳам бўлурми? — етмайди ақлим.
 Негадир безовта, нотинчсиз, ота,
 Уйғониб кетаман... кўз ёшим сим-сим.
 О, майли, оталар, марҳум оталар,
 Сиз тушларга кириң! Безовта айланг!
 То сергак яшасин ворис — болалар,
 Боғлар гуркирасин, ҳайдалсин дала!

1985

БАРХАНЛАР

- Барханлар — йўл кутиб ётган туялар.
- Мина кўрма, йўловчи.
- Барханлар — барқарор қиру қиялар.
- Йўк, инонма, йўловчи.
- Барханлар — қалъалар сарбаланд, мағрур.
- Дил ёрмагил, йўловчи.
- Барханлар — тоғлар-ку шамоллари хур.
- Йўк, бормагил, йўловчи.

Икки сирли садонинг
Ажратолмай фарқини,
Тўртта гашту сафонинг
Туяй, дея, завқини,
Йўловчи бурди йўлин
Сахро — барханлар томон.
...Гупиринди ўнг-сўли —
Бирдан бошланди бўрон.
Кўзларига тўлди қум,
Оёқлари сурунди.
Қулоқлари бўлди гум,
Оғзидан қон тупурди.
Қани, қани туялар,
Қирлар йўк-ку ўрнида?
Қалъа — тўссиз соялар,
Тоғлар учар қуйида...
Бирор кор бўлмагандек,
Мана, тинди-ку бўрон.
Аввалгидай ётар тек
Барханлар — қотган туғён.
Бири ўхшар туяга,
Бири мисли қир-адир.
Қўрғон чорлар қияда,
Тоғ-мўъжиза чорлайдир.
Барханларга қўшилиб
Тагин мўъжаз бир бархан,

Нурдек куйлаб, эшилиб.
Чорлар мунис, меҳрибон...
Ўтди не-не замонлар,
Не-не андилар ўтди.
Келди ажиб давронлар —
Йўлимиз ойга етди.
Ёлғон айтиб нетамиз, —
Ҳамон гоҳ куйиб-ёниб,
Ўзни ҳалок этамиз
Барханларга инониб!
Наҳотки, бу дунё сир?
Наҳотки, бани башар,
(Йўли-ку, қуёш йўли!)
Доим алданиб яшар?

1985

ТЕШИКТОШ АФСОНАСИ ВА Ё АНДИША ХУСУСИДА БИР ҲАҚИҚАТ

Нур тоғларин ҳар битта тоши
Бахши бўлиб сўйлар нақллар.
Қолар маъни олдида шошиб
Не тугунни ечган ақллар.

Талабалик йиллари. Бир тўп
Йигит-қизлар бўлиб жамул-жам,
Тешиктошга чиқдик сайр этиб,
Ҳамма — гулдай ясан, шод, хуррам.

Тешиктош, бу мўъжиза бир тош —
Қўнғироқдай турар тебраниб.
Асрларки, мисли улкан бош
Чайқалади афсунда ёниб.

Ўртасида — одам сиққудек
Тешиги бор — номидан аён.
...Чиқиб қолди жангари ва қув
Бизга сардор шу жойлик ўғлон.

Барчамизни у қолдириб лол
Деди: “Дўстлар, бор бир имтиҳон:
Ким пок бўлса, келмасин малол,
Шу тешиқдан ўтгай бегумон!

Ким ишонмас ўзига агар,
Йўқ, ўтмасин, сиқиб қолар Тош!
Тепамизда қуёш музаффар,
Тепамизда гувоҳ шу қуёш”.

Барча жимиб қолди дафъатан,
Кўзларида чизилди ҳайрат.
Тоғ ишшайар кузатгансимон,
Ел ғириллар — соҳиби журъат.

Йўқ, йўқ, чидай олмади Латиф,
(Орамизда энг учар, фирром),
Тешиктошдан ўтди лип этиб,
Қарсак бўлди унга зўр — инъом!

Журъатсизлик ва ёки ҳаё,
Ё қондаги сур андишадан,
Ишонса ҳам ўзига ҳамма,
Бошқа ҳеч ким ўтмади Тошдан!

Тешиктошлар... кўп кўрдим кейин —
Ҳар хил рангда — кўҳна юртимда.
Нафрат ошиб-тошар йил сайин —
Ўз ўзимга ўз юрагимда!

Ки йўлимдан чиққанда улар,
Ҳақлигимни турсамда билиб,
Юраверди ўтиб латифлар,
Мен ўтмадим андиша қилиб!

1985

НИДО

Ёшлигим, сен баҳорим умрим — имкон олдида,
Мисли тоғ дарёсисан баҳри уммон олдида.

Ўтказмоқ сени мумкин айшу таролло бирлан,
Авроқчидай кўз бойлаб ҳукми виждон олдида.

Боиси, йўллар бари сен учун донғил, равон,
Жон олди, жонон олди, рўйи жаҳон олдида.

Шоҳид эрур бу фалак, кўрдим: турли тенгдошинг
Ботибдурлар ишратга турли ёлғон олдида.

Ёдда тут! Қўл-оёғинг бўлса бўлсин банду банд
Ва лек ақлинг бошингда бўлсин тўфон олдида.

Беқарор яшамоқдин бирор иш битган эмас,
Қураш билан бахт бутун азал даврон олдида.

Афсунгар шамоллардан, жодугар тўфонлардан
Тумандай тарқалмагил офтоб сайрон олдида.

Офият боғи, билгил, энг муқаддас боғ букун,
Ул боғнинг боғбони сен, ўзинг қалқон олдида.

Гоҳи шафик, гоҳида бешафқат аср асринг,
Сен масъул, жавобгарсан Еру Осмон олдида.

1985

ХАМДАРДЛИК

Мусичагинам,
Мусичагинам,
Беозоргинам,
Қисинчакгинам.
Бунча омонат
Үйинг — ошөнинг?
Фир этган елдан
Тўзфир тўрт ёнинг.
Тукқан тухуминг
Омон қолса гар,
Болалар очмоқ
Қисмат, муқаррар!
Аммо уларни
Ўйлайсанми ҳеч?
Иссиқ-совуқда
Бирдай эрта кеч.
Ингинангдан гоҳ
Тушиб ётишар,
Гала чумоли
Ҳар ён тортишар.
Гарчи қушсан сен,
Қанотларинг бор —
Лекин ёвингдан
Қутқазмоқ душвор.
Ўтди асрлар,
Ўтди кўп замон,
Мушукларга ем,
Ўзингсан ҳамон!
Бир юмшоқ кўнгил
Шоирдирман мен
Кўзинг мўлтираб
Йиғлатасан сен!
Мусичагинам,
Мусичагинам,
Беозоргинам,
Қисинчакгинам.

САМАНТА СМИТ

Мен сени танирдим, синглим Саманта,
Феълинг ўхшар эди қизим феълига.
Қўғирчоқни ташлаб юбординг эрта,
Эрта тушундинг сен Ҳаёт тилига.

Серакл жаноблар Замин эртасин
Қўриб-қўрмаётган худди шу кунда, —
Осмон тиниқлигин бирам истадинг,
Истадинг кабутар учишин унда.

Мудҳиш хабар етди! Сен йўқсан наҳот?
Наҳот бу тасодиф? Инонмас кўнглим.
Ким ҳақиқат истар, ким истар эрк, бахт,
“Тасодиф”дан ўлиб кетмоқда, синглим.

Бизнинг асрда бу жуда оддий гап:
Тасодиф — самолёт портлар ҳавода.
Тасодиф — кемалар чўқар бир қалқиб,
Тасодиф — соппа-соғ ўлдинг хонада.

Йўлкадан юрасан, лекин бир қушдай
Урилиб тушасан авто тагига.
Ўлим кириб келди эски юмушдай
Йигирманчи аср кенгликларига!

Мен сени танирдим, синглим Саманта,
Феълинг ўхшар эди қизим феълига.
Қўғирчоқни ташлаб юбординг эрта,
Эрта тушундинг сен Замин тилига.

1985

ВОЛА

Суйган суйиб-суйиб айтар, суйган ўзим, суйган ўзим,
Куйган куйиб-куйиб айтар, куйган ўзим, куйган ўзим.

Қум устига бино қурдим, мисоли тоғ кўкрак кердим,
Лекин қулаб тушди — кўрдим, кўрган ўзим, кўрган ўзим.

Қалбим қийр осмон эрур, ғам қушлари чархлар урур,
Толе қушин топмай зухур бўлган ўзим, бўлган ўзим.

Гулзор излаб йўлга чиқиб, тиконлардан алам чекиб,
Дил даштига умид экиб юрган ўзим, юрган ўзим.

Дунё билан ишим бўлмай, шон-шўхратни кўзга илмай,
Рақибимга завола ўлмай, сўлган ўзим, сўлган ўзим.

Ошиқларнинг тили бўлиб, маъшукларнинг эли бўлиб,
Бағрим тилим-тилим бўлиб қулган ўзим, қулган ўзим.

Дардлар борки йўқдир даво: гоҳи хижрон, гоҳи видо,
Бу дунёга сирли нидо урган Азим, урган ўзим.

1985

КАТТАЛАР УЧУН ТЕЗ АЙТИШ

Истибдоддан дод! —
Додлар истеъдод.
Истеъдоддан дод! —
Додлар истибдод.

1985

КҮЁШ БОТАР ПАЙТИ...

Оловиддинга

Отанг сўзларини куруқ сўз дема,
 Куёш ботар пайти, ўғлим, ухлама.
 Дарахтлар ухлашга тутинар бу кез,
 Гуллар танидаги мудрокликни сез.
 Илло, сен ухлашга шошилма сира.

Лой каби юмшашиб қолар кучуклар,
 Хатто рақибига ўтрикдан хураар.
 Қўю қўзилар ҳам, отлар ҳам толғин,
 Сирда-да ҳорғинлик, Аму ҳам ҳорғин.
 Кузнинг кеч кунига ўхшайди улар.

Кексалар бу пайтда кўрқар уйқудан,
 Этлари сесканар мубҳам туйғудан.
 Ҳали сен билурсан — келур замони,
 Ҳозир ухламоқнинг эмасдир они.
 Тўрт ён жарангласин садаф кулгингдан.

Куёш, бу жодугар, унинг нурлари
 Шомда нурлар эмас — гафлат иплари.
 Тонгги нурларига ишонгил фақат,
 Ул нурлар тириклик, ул нурлар ҳаёт.
 Инқилоб ясайдур танингда бари.

Ўғлим, қумқулоқ бўл, қулоқ бер менга,
 Битта ҳақиқатни айтурман сенга:
 Юртга қоронғулик тушаётган пайт,
 Ташга чиқ, жасорат қўшиқларин айт —
 Бемор юракларга солгин аланга!

Тарракдай сен қотиб ухлаб қолсанг гар,
 Мастона бу олам ухлар муқаррар.
 Тун кунга баробар эмасдир, ўғлим,
 Кун тунга баробар эмасдир, ўғлим,
 Бевақт уйқулардан сақлан, алҳазар!

ЭНАСОЙ

Сўзлаб-сўзлаб келдим қошингга,
 Бўзлаб-бўзлаб келдим қошингга,
 Нени кўзлаб келдим қошингга,
 Биласанми, Улуғ Хем?
 Биласанми, Энасой?

Тайёралар хизматкор холис,
 Нега бунча орамиз олис?
 Жуда яқин лекин битта ҳис,
 Недур бу ҳис, Улуғ Хем?
 Бергил бир сас, Энасой!

Бош-адоғинг тилимда сўзлар,
 Жуфт қирғоғинг тилимда сўзлар,
 Бору йўғинг тилимда сўзлар,
 Бу қайси тил, Улуғ Хем?
 Бу қайси тил, Энасой?

Мағрур боқар "Азия тову"*,
 Юрагимга қулоқми солиб?!
 Қараб қолдим дўппимни олиб,
 Салобатли Улуғ Хем,
 Маҳобатли Энасой.

Юртлар оша бир юрт кутади,
 Толган Аму, Сир қут кутади,
 Орол кўзи тўрт-тўрт кутади,
 Бормайсанми, Улуғ Хем?
 Бормайсанми, Энасой?

Сўзлаб-сўзлаб келдим қошингга,
 Бўзлаб-бўзлаб келдим қошингга,
 Нени кўзлаб келдим қошингга,
 Нега жимсан, Улуғ Хем?
 Нега жимсан, Энасой?

1985

* «Азия тову» (тувача) — «Осиё маркази» — Енисей дарёси қирғоғида Осиёнинг ҳок
 марказига ўрнатилган сарбаланд белги.

ҲАСБИ ҲОЛ

Лочин эдинг, шунқор эдинг,
Овчи эдинг, алқор эдинг,
Мен йўқ эдим, сен бор эдинг,
Бобо юртим — Ўзбекистон.

Кўзим очдим — кўрдим сийна
Ва бир жуфт кўз — қора, тийран,
Забон бердинг бийрон-бийрон,
Она юртим — Ўзбекистон.

Отам эди оддий чўпон,
Кезар эди тоғу ёбон,
Ёт эмасди илму урфон,
Ота юртим — Ўзбекистон.

Муштдек бўлиб пода боқдим,
Чўққиларда гулхан ёқдим,
Гоҳ ёрилай дедим завқдан,
Дунё юртим — Ўзбекистон.

Бобомга кўп ихлос қўйдим,
Эртақлардай уни суйдим,
Юрт атарди мулла Суюн,
Ризо юртим — Ўзбекистон.

Мактаб бордим ақлим таниб,
Сабоқ олдим чанқаб, ёниб,
Китобларда экан маъни.
Маъно юртим — Ўзбекистон.

Она Накурт, билдим, митти
Сен экансан жуда катта,
Ўнбиримда шеърлар битдим.
Зебо юртим — Ўзбекистон.



Ота Арча – Азим Суюн болалигининг сирдоши



Азим Суюн онаси Норбиби ая, отаси мулла Олим ва укаси
Маҳмуд билан – 1973 йил.



Ака-укалар – 2000 йил.



Азим Суюн синфдошлари билан – 1964 йил.



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, устоз
Иброҳим Ғафуров, халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва носир
Дадахон Нурийлар Азим Суюн ўқиган мактабнинг меҳмонлари
– 1991 йил.



Азим Суюн – аскар. 1969–1971 йиллар.



Азим Суюн – 1975 йил.



Азим Суюн ижодкор дўстлари: (чапдан) Ҳожиакбар Шайхов,
Усмон Азим ва Мирза Кенжабек билан – 1988 йил.



Шоир ижодхонасида рафиқаси тарих фанлари номзоди
Ойгулхон билан.



Азим Суюн Жанубий Корея ижодкорлари меҳмони –
2007 йил.



Азим Суюн Евроосиё Ёзувчилар Иттифоқи анжуманининг
бир гуруҳ катнашчилари билан. Қибриз (Кипр) – 2011 йил.



Азим Суюн Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Қорақалпоқ халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдурахмоновлар билан rassom Содиқ Раҳмонов ижодхонасида.



Шоир «Азим Суюн» телефильми ижодкорлари билан.

Ўн ёшимда ёмон бўлди,
Бўрон бўлди, тўфон бўлди,
Бир тухматдан сомон бўлдим,
Дуто юртим — Ўзбекистон.

Одамларга илк бор нафрат
Юрагимда бўлди бунёд,
Ёлғизликдан топдим имдод,
Шифо юртим — Ўзбекистон.

Дедим: «Шоир бўлгум энди,
Ўтли шеърлар ёзгум энди,
Тухматчилар бўлгай банди».
Аvlo юртим — Ўзбекистон.

Ўлим деган ўхшар селга,
Уч жигарим кирди ерга,
Юз букилиб, синди елкам,
Асо юртим — Ўзбекистон.

Қарши олди дорулфунун,
Қайтиб кетдим элдан бурун,
Менинг учун пойтахт тугун,
Изо юртим — Ўзбекистон.

Ўтиб кетди булар бари,
Катта юртнинг мен аскарари.
Кетмадинг лек кўздан нари,
Дуо юртим — Ўзбекистон.

О, ниҳоят — ойлар балқди,
Кундузи иш, тун шам ёқдим,
Юрагимда буюк ёлқин,
Наво юртим — Ўзбекистон.

Қора сочи толим-толим,
Бир қиз суйдим — етмас молим,
Қурбон бўлсин, дедим, жоним,
Жоно юртим — Ўзбекистон.

Сараладим илм дурин,
Муаммолар ечдим сирин,
Эл таниди: Азим Суюн,
Тавоф юртим — Ўзбекистон.

Сувдай ичдим юрт тарихин:
Чикди Доро — бағрида қин,
Англадим мард Широқ дардин,
Широқ — юртим — Ўзбекистон.

Зулқарнайн — омонат зот,
Бир хотинни олди авраб,
Қилди юртга у хиёнат,
Даво юртим — Ўзбекистон.

Ўт Муқанна бир сир айтди,
«Эл арабдан, — деди, — қайтди,
Буни бутун халққа айтгил!»
Маъво юртим — Ўзбекистон.

Ҳинд дарёси қирғоғидин
Мушт ўқталди Жалолиддин,
Титраб кетди Чингиз сангин,
Хумо юртим — Ўзбекистон.

Аму, Сир — дард чўмилдим мен,
Эл ғамига кўмилдим мен,
Бир ён қўйдим тарихни мен,
Нолон юртим — Ўзбекистон.

Кездим Сурхон, Фарғонани,
Самарқанду Бухорони,
Хоразм, Шош — афсонани,
Якто юртим — Ўзбекистон.

Эҳ-хе... қандоқ йўл юрмадим,
Лекин сендек юрт кўрмадим,
Сингиб борар сенга умрим,
Воля юртим — Ўзбекистон.

Ўттиз бешга кирдим бу кун,
Манглайим оқ, бахтим бутун,
Йўлим ойдин — манзил узун,
Сафо юртим — Ўзбекистон.

Юртим, юртим, меникисан,
Шоир ўғлинг — сеникиман,
Биринг ортиқ менинг билан,
Само юртим — Ўзбекистон.

Аён: бир кун тарк этар жон,
Ғаним шодон, дўстим нолон,
Сўнг шеърим ҳам сенга, инон,
Бақо юртим — Ўзбекистон.

1985

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИ ШЕЪРИ

Кунлар қисқа. Тунлар узун. На чора.
Гупиллаб басма-бас қор ёғаётир.
Янги йил яқинлашиб келар тобора,
Арчалар юзида ҳадик, хавотир.

Эй, яшил дўстларим — жаҳоним менинг,
Кимнингдир бошида ярақлар болта.
Ким у? Билсам эди! Ўрнига унинг
Жонимни берардим алвидо айта!

1986

СУРАТ

Овчи Бўрини қувиб борар...
Овчи Бўрини қувиб борар...
Овчи Бўрини қувиб борар...

Овчи Оҳуни қувиб борар...
Овчи Оҳуни қувиб борар...
Овчи Оҳуни қувиб борар...

Овчи Одамни қувиб борар...
Овчи Одамни қувиб борар...
Овчи Одамни қувиб борар...

Овчи Одамни қувиб борар...

1986

УНУТИЛГАН ТИЛЛАР

Шумер тилимисиз, ё суғд, ё юнон,
Аккад, бобил, кушан, миср тили ё
Ва ёки санскрит, кхмер тили ё?..
Қайси тил бўлманг сиз... Сизни
беомон
Унутган, унутган, унутган Дунё!

Сиз сўзлай олмайсиз ўтмишингиздан,
Келажак ҳақида... гап бўлмоғи — дард.
Ёруғ хабар кутмоқ, ё олмоқлик панд —
Урф-одат, ақида — кечмишингиздан,
Авлодлар наздида куп-қуруқ матлаб!

Денгизнинг тубига чўккан тоғ каби
Оқ-қора дунёнгиз бирдек зимистон.
Йўқлик йўлларида эрур бенишон —
Халқингизнинг орзу, омол, муроди.
Эҳ, улар ҳаттоки биз учун армон!

Хей, ахир, сиз билан унутилди халқ,
Унутилди унинг бўстони, чўли.
Наҳот қайрилмасдир қисматнинг қўли,
Наҳот унутилиш дарди муҳаққақ,
Наҳот забун ўлди халқингиз йўли?!

Ким эрур гуноҳкор? Йўк, йўк, сиз эмас,
Рости халқингизнинг гуноҳкор ўзи.
Юлдуз эди кўзи, тиф эди сўзи...
Пайтида ўйламоқ керак эди, бас,
Пайтида... муқаддас тақдирингизни!

Мен олис асрдан сўзласам бу кун:
Зор бўлиб жангари фарзандларга сиз,
Қиличлар тигидан унутилдингиз!
Қалқмади истиқбол жанглари учун
Ул нонкўр, беғурур бандаларингиз!

Унутилган тиллар! Ҳей, йиғланг, кулинг,
Эркаланиб сўзланг, сочинг ғазаблар,
Ўртанинг, ҳайқиринг, беринг сабоқлар,
Сиз билан тиллашмоқ истайман, билинг!
Майлига, кўпирсин мия, асаблар.

Дарё умри нигун — чидамоқ вожиб,
Боғ-роғлар сўлғайдир — чидар одамзод,
Шаҳарлар ўлғайдир — чидар одамзод,
Тоғлар кунпаякун — чидамоқ вожиб,
Она тили ўлса — надир одамзод?

Унутилган тиллар! Ҳей, сўник тиллар,
Бу дунёга келиб, надир келганим,
Жаҳонгашта бўлиб, надир билганим,
Унутилган тиллар! Ҳей, ўлик тиллар,
Она тилим ўлса — халқим ўлгани!

Тарихнинг йўқ сафҳаларидан бугун
Азоб билан ғамгин боқасиз гўё —
Сароб яллағими ва ёки рўё...
Гарчи термиламан тунлари беун,
Қўлимдан келмагай тикламоқ аммо!

1986

ГРИБОЕДОВ ХУНИ ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Сайру сукун айлаб мисоли самум,
Пошшо Александр жилмаяр мамнун.

Грибоедов хунун ундирди кеча,
Уни ундиргунча ҳориди неча.

Қилғиликни қилиб қўйиб Эроншоҳ,
Тағин алдамоқчи бўлди-я, гумроҳ.

Шоир хуни учун ол, деди, олтин,
Олтинни не қилсин, олмади олтин.

Ол йўқса арабий тулпорлар, деди,
Олмади... ўзида отлар мўл эди.

Унда олгил, деди, кўнглинга қараб,
Эрон гулларида сара-саралаб!

Эрон гулларида сарароқ гуллар
Озми Урисияда соҳибжамоллар?!

Деди Александр: "Эй, Эрон шоҳи,
Шоир хуни учун бор битта божинг!

Шуни беру менга, сақлан қирғиндан,
Битта китоб бордир кутубхонангда!.."

...Эрон шоҳи бирдан қаҳ-қаҳа урди,
Навоий "Девон"ин унга келтурди.

Ул "Девон" саройин безаги бу кун...
Пошшо Александр жилмаяр мамнун.

БАЪЗАН ҲАСРАТ БОСАР...

Баъзан ҳасрат босар...
билмайман, нега?
Чексаму ўтирсам ёлғиз, жимгина.

Ҳеч кимса, ҳеч нарса бермаса ҳалал,
Бир олис тоғларга бошласа хаёл.

Жонга тегиб кетган ишни унутсам,
Босиб келаётган қишни унутсам.

Онамдан кўпайиб кетди қарзларим,
Ким тинглар кимларга айтай арзларим.

Бораман дедиму... йўқ, боролмадим,
Отамнинг қабрига тош қўёлмадим.

Сувга зор чорбоғлар мени кутади,
Балки кутиб-кутиб қуриб битади.

Илондек судралар изимдан ғийбат,
Чопиб ташламоққа менда йўқ ғайрат.

Бисёрдир ўзларин тутишган ёвуқ,
Лекин орасинда бирон-бир дўст йўқ.

Чечак чиқиб кулган каби қумлардан,
Таҳқирлар ёғилар табассумлардан.

Ағёр деб билмайин дардим айтсам, оҳ,
Оламга илжайиб ошкор этди моҳ.

Халқимга бир дoston битмоқчи эдим,
Ул ҳамон яримдир, умрим ҳам ярим.

Баъзан ҳасрат босар...
билмайман, нега?

Чексаму ўтирсам ёлғиз, жимгина.
 Дунёни унутсам...
 бари бекор, бас,
 Ахир мен тирикман — унутиб бўлмас!

1987

МЕНИНГ СЎЗИМ

Менинг сўзим яёв эмас, отли эрур,
 Аччиқ-аччиқ, аммо-лекин тотли эрур,
 Боболардан қолган тагли-зотли эрур,
 Замонамга балки улар ярашмасдир.

Ночорларнинг аҳволидан сўзлар сўзим,
 Етим-есир, тул дардларин бўзлар сўзим,
 Озод Ватан, эрк туғини кўзлар сўзим,
 Замонамга балки улар ярашмасдир.

Элим кимнинг қули асли, англамаслар,
 Ким аждоди, кимдир насли, англамаслар,
 Давронимнинг баланд-пастин англамаслар,
 Замонамга балки улар ярашмасдир.

Икки қулон бир-бирини ялашади,
 Битта ерни икки ўзбак талашади,
 Ганимлар от ўйнатиб яйрашади,
 Замонамга балки улар ярашмасдир.

Сўзларимни ёядирман мисоли тўр,
 Элим, жонинг бўлса унга илиниб кўр.
 Тирикликда яша сен ҳам озод ва хур,
 Замонамга балки улар ярашгайдир!!!

1987

АРИНА РОДИОНОВНАГА АСРИМИЗ БОЛАЛАРИНИНГ ҒОЙИБОНА ИЛТИЖОСИ

Сен нимага бечора, бувим,
Жимжит қолдинг ойнак ёнида?..

А. С. Пушкин.

Муҳтарам
Арина Родионовна,
Ниҳоят учратдик “ойнак ёнида”.
Бизга кабутардай боқманг ҳайрона,
Қалб ёнар эртақлар сир, тугёнида!

Сиз сўзланг,
ёмғирлар ёғсин шивалаб,
Шовқиндан зада ўй-хаёллар тинсин.
Сиз сўзланг,
денгизда бўрон гувиллаб,
Бизнинг юракларда ғалаён унсин.

Сиз сўзланг,
пахлавон, девлар ҳақида,
Ниғохбонлик қилсин эл-юртга хўроз*.
Сиз сўзланг,
Балиқчи*, Балда* ҳақида,
Оламни тўлдирсин сир тўла овоз!

Гарчи китоблардан олурмиз сабоқ,
Гарчи рангин-рангин чиқар: “Эртақлар”
Тўғриси, кичкина Сашадай бироқ,
Юракдан эшитмоқ истар юраклар!

Сиз жимсиз,
Арина Родионовна,
Эртақ сўзламоққа сизда йўқми раъй?!
“Бувилари қайда?”
ўйлаяпсиз ё,
Оловнинг устига қорлар ёққандай.

Ха-а!..
 Дарҳақиқат, бизнинг бувилар,
 Айтсак...
 Гарчи бизлар азиз жигарбанд,
 Дунё ишлари-ла банд эрур улар,
 Аср ташвишлари билан буткул банд!

Бизга етармиди уларнинг вақти?!
 Турфа ғавғо... уруш... гоҳ Фарб, гоҳ Шарқда.
 Бизларга эртақлар сўзламоқ пайти
 Оталарни тергаш зарур, албатта!

Бизнинг олдимизга
 ўйинчоқ мисол
 Минг хил ҳисобларни ташлашар уйиб,
 Алжабр... электрон... тенглама... тимсол...
 Бош, сўнгин тополмай кетамиз куйиб!

Муҳтарам
 Арина Родионовна,
 Булар ўз асримизга яраша балким?
 Балким сизга етмас бизнинг "баҳона",
 Гуноҳкор эмасдир техник, муаллим?..

Ва лекин айтурмиз:
 бизнинг назарда,
 Томир отиб... деган каби лолалар,
 Барча ҳисоблардан... аввал,
 азалдан —
 Улғаяр эртақлар тинглаб болалар!

Муҳтарам
 Арина Родионовна,
 Англаб олдингизми юрагимизни?
 Муҳтарам бувижон,
 муҳтарам она,
 Дариф тутманг, деймиз, эртагингизни!

БОШҚАЧА ОДАМ

Гарчи бордир иккита қўли,
Икки қўзи, икки оёғи,
Бир танаси, боши, “ул-бул”и,
Тинглай деса... икки қулоғи.

Барча каби ер ҳатто таом,
Иш битирар “тузук”лар билан.
Бир масалда бошқача одам,
Курашар у ўликлар билан...

1987

ЁЗГУВЧИ

Катта кентда ундан қўрқади барча,
Минбар ва уйларнинг тўри уники.
Мансабдорми... хизмат қилар ўлгунча,
Зардоли чўғларин қўри уники.
Ахир у ёзади.

Бир ёнда қолади оддий меҳнаткаш,
Иш эмас, сўзлашни ўрганса бўлар.
Ёзғувчи мажлисда мисли ўт-отош,
Гоҳ гўё йиғлайди, гоҳ гўё кулар.
Ахир у ёзади.

Жим ишлаб юрганга кейин, кейинроқ,
Мукофот ва унвон ёзғувчига, бас.
У-чи, андишани санайди қўрқоқ,
Ўз фойдасига ҳеч нарсадан қайтмас.
Ахир у ёзади.

1987

ИТЛАР

Ўнгимга қарайман
итлар хуради,
Сўлимга қарайман
итлар хуради.
Қарамай дейману
итлар хуради.

Манзил эса ўзоқ.

Олдимга чиқишиб
итлар хуради,
Ортимдан чопишиб
итлар хуради.
Қарамай дейману
итлар хуради.

Манзил эса ўзоқ.

Қўлларимга тош олиб
қувласам, дейман,
Йўлларимда уларни
кўрмасам, дейман.
Лекин йўлдан қолиб кетурман, дейман,
Манзилимга қачон етурман, дейман.

Манзил эса ўзоқ.

1987

РАҚИБГА

Эй, рақиб!
Сен мени хуш жўрмайсан, хўш,
Нечун шунда қарғамоқ аждодларимни?..
Мард бўлсанг,
майдонда ўзим бирла туш,
Йиқилсам — эшитмассан фарёдларимни!
Аён:
Тўғри келмас феълингга феълим,
Ўлай,
бундан заррача чекмайман кадар,
мени вайрон этгил
туғилган ерим —
Қадим Самарқандда айб бўлса агар...
Гурурим баланддир,
тилгинам узун
Қадримни қолдирмасман асло беэга.
Лекин шу орият — саркашим учун
Халқим — ўзбекларни қарғамоқ нега?..
Ўзбекистон танҳо
катта заминда,
Билиб қўй,
мен ҳам унинг хоки-гардиман,
Уни қарғамоққа тутинсанг мен деб,
Бас!
Жон фидо қилмоққа битта марди ман!

1987

АЗИЗА

Яшил ислар анқиб кетди еллардан,
 Ғозлар учиб ўтиб келди бел* лардан,
 Аравон дарёси тошди селлардан,
 Қирғоққа оҳиста чиқар, Азиза,
 Кўзлари кулару йиғлар, Азиза.

Ўримлардан қолган бедазорсимон,
 Тоғларда тўшалиб ётибди тумон,
 Тумондир... гумондир... ва ёки армон...
 Қушчадай термилиб турар, Азиза,
 Зил-замбил хаёллар сурар, Азиза.

Дунёни унутиб бир тўда қизлар,
 Қирларда қувнашиб бойчечак излар,
 Сафидан адашган бўз турна бўзлар,
 Кўзлари кўрару кўрмас, Азиза,
 Кўзлари кулару кулмас, Азиза.

Қанчалар кутарди кўкламни ёри,
 Қўлга оларди мўйқаламни ёри,
 Ёнида ёржони, Аброр, Аҳрори.
 Куллалар қораяр — кўрар, Азиза,
 Тубсиз жар лабида турар, Азиза.

Ногаҳон олисда чакнади чакмоқ,
 Ортидан оламни босди қалдироқ,
 Ёмғир... Азизани тутди қалтироқ,
 Шухрат* қабри томон чопар, Азиза,
 Уни гуллар билан ёпар, Азиза.

Яшил ислар анқиб кетди еллардан,
 Ғозлар учиб ўтиб келди беллардан,
 Аравон дарёси тошди селлардан,
 Қирғоққа оҳиста чиқар, Азиза,
 Кўзлари кулару йиғлар, Азиза.

* Бел — тағ бели.

* Шухрат Абдурашидов — рассом.

КҮЗМУНЧОҚ

Бели ари белидан
Ҳипча ҳам нозиккина,
Йигитларнинг баридан
Сақлаб гина озгина,
Сийнасининг тугмаси
Кўйлагига тиралиб,
Сочларин шаршараси
Оппоқ нурга беланиб,
Ой тўлиб балққан кеча,
Кўзмунчоғин қиз ечар...

Кўзим тегди, бўлди қиз,
Дарчадан кўриб турдим.
Мен ёлғизман, сен ёлғиз,
Сирингни сирым билдим,
Кундузлар кўзмунчоғинг
Ечмаганинг кўп яхши.
Юрган-турган саёқнинг
Мумкин кўзи тегиши.
Лекин мендан энди, оҳ,
Асрай олмас кўзмунчоқ,
Ҳандоқ-бундоқ гап қилсанг
Бошгинамда ой гувоҳ.

1987

ЭР ВА ХОТИН

Тўйларин кечганига
Мана, тўлди ўн уч ой.
Хотинин кулгичига
Жонин берар Шодивой.
Лекин бугун негадир
Хотини тунд тун каби.
Лаб пирпираб учадир,
Кўз қисилган, асабий.
Эр ҳайрон... Агар бирров
Иш бошласа хотини,
Қўлидан олар дарров
Қушдай учиб, отилиб:
Сув олиб келар сойдан,
Кир-чир тоза ҳар қачон.
Овқат пиширар ойдаи,
Ювуксиз қолмас қозон.
Кўрпа қавир беҳато,
Соғар соғин сигирни.
Ачитиб қўймас ҳатто
Ўн зувала ҳамирни...
Не гап ўтди... билмас эр,
Қандай топсин кўнглини,
Ортиқча экан қурғур —
Яширолмас қўлини.
Ў, хотини, ниҳоят,
Ўрнидан, мана, турди.
Эрин юзига азот
Битта шапалоқ урди.
Айланмабош қўй янглиғ
Юзин ушлаб турар эр.
Хотин оташин-ўтлиғ
“Бўл, ҳакамга кетдик!” — дер.
Ҳакам сўрар: “Хўш не гап?”
Хотин: “Ажралгум!” — деди.
Ҳакам: “Кўрсатинг сабаб?!”
Хотин: “Бас, айтгум!” — деди.
Сўзлай кетди: “Бу киши

Мисоли кекса ҳаммол,
 Менинг қилар ишимни
 Қилаверар бемалол,
 Кир ювар, сигир соғар,
 Ўчоқ бошидан кетмас.
 Деворга таппи ёпар,
 Қўлда супирги, хуллас,
 Бу одати қолар деб
 Чидадим бир йил оша,
 Қўчқордай ўғил туғиб
 Бердим ҳамки... бу ўша.
 Ўғлимиз ҳам улғаяр,
 Олса ота феълини
 Қандай у эркак бўлар,
 Не демайди келиним.
 Тўғриси, эр – эр доим,
 Хотин хотиндир, демак,
 Ўз ишин қилсин ҳар ким,
 Фарқ бўлсин ахир андак!..
 Жонимдан тўйиб, тонгда
 “Оёғимни юв...” — десам,
 Учиб келиб шу топда
 Ювиб қўйди... қарасам.
 Ор қилмас дўст-душмандан,
 Унутгандай зотини,
 Нақ патак ковушимда,
 Бир сўз демас ботиниб...”

Ҳисса: Ҳакам ҳам кулиб,
 Бир сўз демасдан, кўринг,
 Уларни ажрим қилиб
 Сўнг менга берар гурунг.

ДЕҲҚОН БАХТИ

Пахтазорнинг ўртасида уй,
 Деҳқон қараб турар ўйига,
 Жуда бахтли — қилган каби тўй.

Деҳқон бахтин ўйлаб эдим мен,
 Унинг бахти шунда, дедим мен,
 Бахтсизлиги келмас ўйига...

1987

КАНТЕМИР БИЛАН ТАНИШУВ

Тарих қатларида бобонгиз исми
 Кантемир битилган... демак, Хон Темур.
 “Ажнабий” атади Сизни Рус насли,
 Тўғри! Аждодингиз Темурхон эрур!

Улуғ рус шеърининг ёзув тарихин
 Бошламоқ сиз учун этибди насиб.
 Мана, китобингиз... мен уни бугун
 Ғурур-ла турибман бағримга босиб!

Қондошларингизнинг уйин тўрида
 Хуш калом ўлтиринг, қани, марҳабо!
 Сизни бир асрдан зиёд берида
 Ўзбекча сўзлатгум, бобо!..

1987

ҚУРБОНЛАР

Пайт етди, жўралар,
 куйлайлик бугун
 Қўшиқларга қўшиб Улар номларин,
 Оқ, оппоқ бўзалар
 кўпирсин гулгун,
 Туғдайин тутайлик пок каломларин!
 ...Олиб келишдилар
 Уларни тунда,
 Шарақлаб очилди темир дарвоза.
 Кимни ўқ кутарди,
 кимнидир кунда
 Ва лекин имонлар чечакдай тоза.
 Бўғилди ҳақиқат,
 бўғизланди эрк,
 Азроил солланиб ташлайди қадам.
 Қодирий устида,
 мана, қотди тек,
 Чинқириб юборди тош қотган олам!
 Ҳамон ишонмайди
 Файзулла, Акмал:
 “Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, йўқ...”
 Абдурахим Тўрди*
 буткул карахт, лол,
 Юракда қарсиллар акс-садосиз ўқ.
 “Шеърим!
 Яна ўзинг яхшисан”. Шеърим...
 Чиксам Озодликни куйлайман азот!
 Жасорат — Усмоннинг
 тошадир қаҳри
 Ва лекин Азроил қўллари озод.
 Ёп-ёруғ дунёнинг
 борлиги ёлғон,
 Бетон катаклардан иборат дунё.
 Азроил тўхтади...

* Абдурахим Тўрдиев (Муҳандис) — Биринчи ўзбек ҳайкалтароши.

Бу Фитрат, Чўлпон...
 Аламлар карвонлар тизими гўё!
 Пайт етди, жўралар,
 Куйлайлик бугун
 Қўшиқларга қўшиб Улар номларин,
 Оқ, оппоқ бўзалар
 кўпирсин гулгун,
 Туғдайин тутайлик пок каломларин!
 ...Дунёда жамики
 миллатлар тилин
 Билади Азроил — жаллоди даврон,
 Грузин — Табидзе,
 Қозоқ — Сайфуллин,
 Озарбайжон — Жовид бўлдилар қурбон.
 Қирғиз даштларида
 сарсон-саргардон,
 Митти юракларда туганмас нола,
 Излар оталарин
 ҳайрону вайрон
 Чингиз* ва Мар** деган иккита бола.
 Хариф туман босди
 буюк ўммонни,
 Фитна қойим бўлди ўлкан кемада.
 Сохта ҳақгўйларнинг
 келди замони,
 Ки ҳамон булардан юраклар зада!
 Танийман буларнинг
 баъзисин мен ҳам —
 Илондек кўзинга боқади совук.
 “Мен, — дейди, — дунёда
 ҳақпарвар одам,
 Башарнинг сарвари, эл-юртга ёвуқ”.
 Барча унга хизмат
 қилмоғи лозим,
 Пой-патак бўлмоғи лозимдир барча.
 Гўёки ҳамманинг

* Чингиз Айтматов, Мар Бойжиев.

бор ундан қарзи,
Уни қутилмоғи керак ўлгунча!
Шеърим, бошқа томон
юз бурмагил, қайт,
Қуйлайлик шаҳидлар доврўқ-шонларин.
Уни келажакка,
авлодларга айт,
Туғдайин тутайлик пок каломларин!
Билмайман Уларнинг
барчасин исмин,
Саногин, касбин ҳам билмайман, дўстлар,
Ҳа, исми Эътиқод,
Эътиқод касби,
Халқларнинг тўқ дони, билардим, — Улар!
Беомон хатолар —
бешафқат довул
Жанглар лашкаридек йўлларни босди,
Номус ёндиради...
Яхшиям, бу йўл
Бутун инсоният йўли эмасди!
Омон бўл Ватаним —
қўлимда байроқ, —
Даволадинг Давр яра, дардларин.
Қайтардинг халқимга
ҳамиша уйғоқ:
Аммо бевақт қурбон — жигарбандларин!

1987

МАМОНТ ВА БУЗОҚБОШ

Олимлар айтурлар:
 мамонт, бузоқбош
 Ягона иқлимда дунёга келган.
 Гарчи бири улкан,
 бири митти бош
 Ва лекин бирдайин ризқ учун елган.

Оламда бир қаҳр бўлдию содир,
 Мухит мос келмади —
 йитди мамонтлар:
 Тўғриси:
 иқлимга мослашиб бир-бир
 Яшаб кетолмади бу улкан зотлар.

Бузоқбош бўлса-чи,
 бузоқбошилар
 Мослашиб олдилар иқлимга шу он.
 Судралиб бўлса ҳам яшамокдалар
 Ҳамон...
 ҳамон...
 ҳамон...

1987

ЙЎЛБАРСЛИ ТОҒЛАР

Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад,
 Қоплонлар изғимас бекордан бекор.
 Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад,
 Бўрилар оҳуни қувлашмас ошкор.
 Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад.
 Тулкилар султонлик даъво этишмас.
 Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад,
 Ит ҳам, бит ҳам мулкин талаб кетишмас!
 Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад.

1987

ҚАРИ ҚАШҚИР

Жуда ёмон келди
 тоғларга бу қиш,
 Бел бўйи гупиллаб ёғиб берди қор.
 “Пир” этиб учмайди
 лоақал бир қуш,
 “Қилт” этиб кўринмас бирор жонивор.
 Қари қашқир толди,
 Тек қотди бир зум.
 Тумшуғин силкитиб “тиқди” ҳавога.
 Бир ҳид йўқ...
 Наҳотки, ажалга маҳкум?
 Лаънат бўлсин очлик деган юҳога!
 Судралди... судралди...
 ногоҳ йиқилди...
 Оҳ, вафо қилмади ўткир тирноқлар.
 Нимадир бўғзига
 тошдай тикилди,
 Шарпадай яқинлаб келди йироқлар.
 Бу йил биринчи бор
 киндикдош тўда
 Уни ташлаб кетди яккаю ёлғиз.
 Қандай арлон эди яқингинада,
 Юрарди ортидан гала изма-из!
 Бошларди уларни
 сурувлар томон,
 Юз қўйни ўлдирса... еярди бирин.
 Тоғу тош, даштларда
 соларди сурон,
 Ғажирдай қувларди отлар уюрин.
 Бир гал...
 бир айғирнинг тумшуғидан нақ
 тишлаб олди сапчиб бамисли қоплон.
 У тортди... бу тортди...
 икков икки ёқ...
 Ва қўйиб юборди дафъатан бир он!
 Айғир қулаб тушди,
 (Қашқир ҳийласи

Тулки хийласидан зиёда минг бор!)
Айланишиб турган
унинг галаси
Айғирнинг устига қўнди яшинвор.
Бу ўтмиш, бу!
Қашқир
Турмоқ бўлди, бас,
Йўқ... қайта йиқилди... мадор йўқ... тамом...
Тан совий бошлади,
илкинди илқис,
Сўнги бор тикилди далалар томон:
Қорларни тўзғитиб
мисли қуюндай,
Айқашиб-уйқашиб, айланиб гир-гир,
Очлик не,
Қариллик нимадир, билмай,
Ўйнардир, ўйнардир бир гала қашқир...

1987

КАКЛИК ВА ҚАФАС

Учолмайин қолдим бўронда,
қанотларим муз қотди.
Қандай яшай бу қаҳратонда,
ошиёнимни йўқотдим?!
Бўрижон, сен қўзи бўлақол,
жунларинга исинай.
(Бўри тамшанади... айланмайди қўзига)

Очлик ўтиб борар жонимдан,
қор босмаган тошлоқ йўқ.
Бир совуқлик сизар қонимда,
ўлдиран очлик, совуқ.
Тулкижон, сен ўзим бўлақол,
ингинангга мен кирай.
(Тулкининг кўзи ўйнар... ўхшамайди ўзига)

Йиғум сўнгги кучимни... бўлди,
шафқат йўқ бу тоғ-тошда.
Тушадирман қишлоққа энди,
не бўлса кўргим бошда.
Овчи, келдим... одам бўлақол,
Сен... сен овчисан токай
(Одам милтиғи йўқ тушунди-я сўзига!)

(Сайроқим сас бермас... қиладир "пат-пат"
ирғанар қафас.
Таги иссиққина, қорни тўқ... фақат
сиқадир нафас.)

1987

ҚОПҚОН

Овчи қопқон кўйди
 гурк* нинг йўлига,
 От тушиб қолса гар йиққудек қопқон.
 Шундай, шомда кўйиб
 қайтди уйига,
 Уйига сигири қайтмабди ҳамон.
 Хотини қумғондай
 берди шанғиллаб:
 “Касбингиз қурисин, сигир йўқ...
 қаранг!
 Ўғлингиз ҳам уни
 кетганди излаб,
 Муштдек бола бўлса, бошгинам гаранг!”
 Тоғларда ваҳмкор,
 қуюқ бўлар тун,
 Бир қадам нарида не бор — кўринмас,
 Туман ҳам тушганди,
 тагин ўша кун,
 Бир шарпа, бир жонзот кўзга илинмас!
 Овчи ва хотини
 юммади кўзин:
 “Сигирни ер ютсин! қайтмади ўғли...”
 Овчи тонг-сахарда
 ювмай ҳам юзин
 Жўнади — омбордан чиққандай ўғри.
 Чошгоҳ ҳам бўлди-ки
 ва на ўғлидан
 ва наки сигирдан дарак бор ҳамон.
 Овчи музлаб кетди
 бир хаёл-ўйдан,
 Ёдига чақмоқдай урилди қопқон!
 Ҳиссиёт, ҳиссиёт
 шумқадам туйғу,
 унга йўл кўрсатди кўрди сигирин.
 Қопқонни айланиб
 Мўнграр эди у,

 * Гурк — бўри.

Овчи чопди, чопди йиғиб ўнгирин...
Тоғ-тошлар чақилди
овчи бошида,
Елкасидан босди зил-замбил осмон:
Ўғил ётар эди
Қопқон рошида
Оёғи узилиб, тандан учиб жон.

1987

ОҚ ВА ҚОРА

Оқ булоқни изладим,
Қора булоқ дуч келди.
Қора булоқ сувидан ичдим, ёронлар,
Оқ булоққа етгунча.

Оқ дарёни изладим,
Қора дарё дуч келди.
Қора дарё бағрида чўмилдим, дўстлар,
Оқ дарёга ўтгунча.

Оқ тоғларни изладим,
Қора тоғлар дуч келди.
Қора тоғлар қучоғини кездим, ёронлар,
Оқ тоғларга кетгунча.

Оқ ва қора дунёни
Чаппор уриб айлангум,
Оқ шомлар тугаб, дўстлар,
Қора шомлар қучгунча...

1988

ТҮНҒИЗ ОВИДА

Тоғлар кўп сир-асрор
 ўлкаси азал,
 Юз бермаган бунда не-не ҳодисот.
 Битта воқеани
 сўзлайман бу гал
 У менинг ёдимга тушадир бот-бот.
 Мен уни кўрганман
 ўз кўзим билан,
 Ўн иккига тўлган эдим ўшанда:
 Бобомнинг уйига
 Норқобил деган
 Бир ишқибоз овчи келди пешинда,
 Кунчивокда бирпас
 у берди гурунг,
 Англадимки, қулоқ тутиб сасига,
 “Ўғли қолиш учун
 бир тўнғиз зарур...”
 “Ҳарбий комиссариат” каттасига.
 Бобом: “Тўнғиз ҳаром,
 отган ҳам гумроҳ,
 Биз уни ҳеч қачон отмаймиз!” — деди.
 Бормади-ю... мени
 этди ул ҳамроҳ —
 Овга ишқибозлик жон-танним эди!
 Қамишлоқ дарага
 чиқиб бордик биз,
 тўнғизлар юрарди бу ерда мўл-кўл.
 Уларнинг тўдасин
 шундоқ кўрдик, биз,
 Бир ўқ варанглади — тутун ўнгу сўл.
 Қолгани юз берди
 кўзни очгунча,
 (Бир дарахт устида эдим мен бу пайт.)
 Яраланган қобон
 ношуд овчига
 Отилди... отилди — шиддат, ўч, нафрат!
 Дарахтнинг танасин

кучоқлаб олиб,
Тишларим такиллаб додлардим ёвуқ.
Ул қобон "мерган"ни
ташлади ёриб,
Панд берди иккинчи отилажак ўқ!
Тоғлар кўп сир-асрор
ўлкаси азал,
Унда ҳодисотлар қалашган қат-қат.
Битта воқеани
сўзладим бу гал,
Ҳаётимда бисёр бўлган ибрат!

1987

ЎЛДИРСАНГ ҲАМ ЎЗИНГ ЎЛДИР, МУҲАББАТИ

(Туркум)

1

Сени танидиму, муҳаббат,
Танидим гулларнинг исмини.
Сени танидиму, муҳаббат,
Яшашга тутиндим сифиниб.

Сени танидиму, муҳаббат,
Тушундим булбуллар навосин.
Сени танидиму, муҳаббат,
Англадим кўз ёшлар савдосин.

Сени танидиму, муҳаббат,
Қарғадим ортдаги умримни.
Сени танидиму, муҳаббат,
Қизик... яшамаган эдимми?

Сени танидиму, муҳаббат,
Билдим: сув, ўт, тупроқ, ҳавоман.
Сени танидиму, муҳаббат,
Севинчман, беморман, давоман.

Сени танидиму, муҳаббат,
Катта-катта очдим кўзимни.
Сени танидиму, муҳаббат,
Танидим, танидим ўзимни!

2

Шамоллар кўзғолди, турди довуллар,
Оламини қоп-қора булутлар босди.
Қоронғулик.
Шамоллар сурилди, тинди довуллар,
Кўк юзи оқариб, аста ёришди.
Оқлик, оқлик.

Оқ, оқпар кундузлар қоронғу бўлди,
Шамоллар хор-хасни отди юзларга.
Кўр бўлди кўзлар.
Қоронғулик.

Қоронғу кечалар қорайиб ўлди,
Ойдин ел таралди дала-тузларга.
Очилди кўзлар.
Оқлик, оқлик.

Ҳаётимга нурдек кирдинг, муҳаббат,
Йўл бошла, йўл бошла энди сен фақат!

3

Оҳ, нафақат кунлар гўзал,
Тонглар гўзал, тунлар гўзал,
Саслар гўзал, унлар гўзал,
Фамлар гўзал, мунглар гўзал,
Кўксимда қикирлар севги.

Қип-қирмизи зардолилар
Севги оловидан ёнар.
Боғ четида ошиқ анор
Ишқ зўридан тарс ёрилар.
Кўксимда қикирлар севги.

Қушлар сайрар ўқтин-ўқтин,
Кунботарлар тўлқин-тўлқин,
Сой таратар инжа ёлқин,
Кун бўларми шундай ёрқин?!
Кўксимда қикирлар севги.

Ҳой, мажнунтол, бошинг эгик,
Қачон уни тутарсан тик,
Бир умр йиғламас тирик,
Мен билан дўстлаш юр, кетдик.
Кўксимда қикирлар севги.

Оҳ, нафақат кунлар гўзал,
Шомлар гўзал, тунлар гўзал,
Саслар гўзал, унлар гўзал,
Ғамлар гўзал, мунгламлар гўзал,
Кўксимда қикирлар севги.

4

Қайдан сени учратдим, оху,
Ҳаёт гўё абадул абад.
Зулумот йўқ, бор фақат ёғду,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

Қайдан сени учратдим, оху,
Умр — ўлжа, бу дунё — сайёд,
Юрагингда жодугар уйку,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

Қайдан сени учратдим, оху,
Ҳам шафиқсан, ҳамда бешафқат.
Яшамок — бол, яшамок — оғу,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

5

Зим-зиё эрди куним,
Сен билан равшан бўлди.
Чиқмасди сасим-уним,
Боғлар жарангга тўлди.

Қудуғим суви аччиқ,
Мен уни ичолмасдим.
Рангларим оқиш-сарик,
Мен ундан кечолмасдим.

Қаршимда пайдо ўзинг
Ширин бўлди сувларим.
Рангу рўйим қирмизи,
Жайронларни қувладим.

Тошлар эриб окди-ей,
Қикир-қикир кулди ой.
Бир гулгун ўт ёқди-ей,
Кун ва тун туташган жой.

6

Жизғанақ саҳролар, даштларда қолдим,
Бир қултум сувга зор, ташналаб толдим.
Чанқоғим қондирди мисоли шарбат,
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Қаҳратон шимолнинг аёзин тотдим,
Тўнган тарашадай ётдим, муз қотдим.
Ўлмадим — танимга берди ҳарорат —
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Етти ёт, бегона юртларда кездим,
Лекин ўз юртимда юргандай сездим.
Ортиқ қолдирмади шафик, бешафқат —
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Юрагим — бевафо, бевафо — қадрим,
Муаллақ дунёда муаллақ қаддим.
Қаддимни тик тутди вафодор ҳаёт —
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

7

Ўртамизда дарё оқсин,
то мен кечиб ўтолмай.
Офтоб бир ўт-олов ёқсин,
мен қошинга етолмай.

Ўртамизда бир шундай тоғ
пайдо бўлсинки, беадоғ,
ихтиёрсиз чопганим чоғ,
то мен ошиб кетолмай.

Суйдирди бу муҳаббат,
Куйдирди бу муҳаббат.
Юрагимда қат-қат нафрат
Туйдирди бу муҳаббат.

Ўртамизда даштлар ёнсин,
юзинг кўрмай.
Оҳ, сен... майли, ўлмай юргин,
то мен ўлмай.

8

Кўкданми, ғайбдан садолар келур,
Олис диёрлардан нидолар келур,
Гоҳ кийқириқ, гоҳи видолар келур,
Гоҳ саркаш, гоҳ сарин саболар келур,
Навоийдан ўтли наволар келур,
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Ҳайрона, вайрона тутурман қулоқ,
Нурга ошиқона шивирлар булоқ,
Даштларда ёнгудай куйлар зарғалдоқ,
Қарайман, қошимга саҳролар келур,
Саҳрои Кабирга дарёлар келур,
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Тоғни ёриб чиққан гиёҳни кўрдим,
Денгизни кўтарган қиёкни кўрдим,
Бир фидо дарахтнинг қошида турдим:
Дуторлар, танбурлар, сетолар келур,
Бахшилар, сўзонлар — дутолар келур;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Воҳ, қандай дунё-ей! Ўзролар келур,
Спаретра, Лайли, Зухролар келур,
Даврондин юзлари "қора"лар келур,
Фақат сен келмайсан!.. Зеболар келур,

Озор ўлкасидан Севдо*лар келур;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

Мажнунларга эл бўлибон куйлайман,
Оқинлардай сел бўлибон куйлайман,
Куз гулидай гул бўлибон куйлайман,
Суйиб елган ел бўлибон куйлайман,
Куйиб кулган кул бўлибон куйлайман;
Ўлдирсанг ҳам ўзинг ўлдир, муҳаббат!

9

Оқшом. Оқ шом. Катта боғ.
Ҳовуз. Супа. Шаббода.
Юлдуз... Юлдуз... Ой бедоғ
Нурдан узатар бода.

Қучиб олишга сени
Ётмас менда жасорат,
Ёнгинамда ийманиб
Турсанг ҳамки муҳаббат.

Осмон четида чакмоқ
Ногоҳ унсиз ярқ этди.
Очиб юбординг қучоқ,
Қўйиб юбормам энди.

Оқшом. Оқ шом. Катта боғ.
Ҳовуз. Супа. Шаббода.
Тўрт тараф маржон, мунчок,
Ҳовуз тўла оқ бода.

* Севдо Рамиз қизи — Озарбайжон эстрада кўшиқчиси.

10

Тоғлар — поклик юрти, болам,
кезармисан?..

Халқ кўшиғидан

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Қадринг шунда билгай ғаламис шаҳар.
Зилол чашмаларга сени элтаман,
Сочларингни ювиб тарайсан сахар.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Қувиб етолмагай ирkit гийбатлар.
Ҳилол какликларга сирдош этаман,
Қурурсан улар-ла гўзал суҳбатлар.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Озор бермас унда қўнимсиз ошиқ.
Шаънингга бир тоза қўшиқ битаман,
Ҳеч бир сўзон такрор битолмас қўшиқ.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Сени "Йўқ..." деганлар доғда қолурлар.
Сендан кулганларга кулиб ўтаман,
Ортингдан бир куни фарёд солурлар.
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Сени тутиб қолар на зару ришва.
Қўлларинга сўлмас гуллар тутаман,
Сен борсан! Сен поксан! Сен бир фаришта!
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

Мен сени тоғларга олиб кетаман,
Мен СИРман — асрагум, жоним, муҳаббат!
Ёдда тут, мен сенга бир сўз айтаман,
Сенга чин ошиқлар етурлар фақат!
Мен сени тоғларга олиб кетаман.

1981-88

БУ ВАТАНДА

Бу Ватанда
бургутлар
пастлаб учса — хидоят.
Бу Ватанда
дарёлар
оқмоқлиги — иноят.

Бу Ватанда
ким агар
тилсиз — она тилида,
Муҳтарам зот
аталар
йироқ-ёвуқ йўлида.

Бу Ватанда
эрк, иқбол,
тенглик — шиор — саробдир.
Бу Ватанда
сиёсий
маҳбус ўлмоқ савобдир.

1988

ХҲЖАЙИН

Бир кимса...
Етти пуштин
бирисин ҳам билмайди.
Еттиси, нари турсин,
отасин танимайди.
Лекин бизга хўжайин.

Онаси кеча-кундуз
тулки каби изғийди.
Ёт тўшақда "гул", "юлдуз",
Ярим-ёрти мизғийди.
Лекин бизга хўжайин.

Тўнғизми, дейман, қавми,
Меҳр-муҳаббат — чақа.
Унга "ҳеч" инсон қадри,
"Ҳеч" эрур бола-чақа.
Лекин бизга хўжайин.

Она тупроқ, не демак,
Ватан севгиси, нима?
Улар — ялло — хуш емак,
Умри — елканли кема.
Лекин бизга хўжайин.

Ёлчитмайди бировни,
Ёлчигани қўймайди.
Тинчитмайди бу ровни,
Ҳамиша оч — тўймайди.
Шундоқ бизнинг хўжайин.

Итнинг думи бўлганган
жойда ҳозир у нозир.
Кенг жаҳонни чулғаган
У ёйган тузоқ-чодир.
Шундоқ бизнинг хўжайин.

Пайт етди...
Бир мушт каби
Йиғилиб биз — йўқсул зот,
Хўжайинни йўқотиб,
Яшасак эркин, озод!
Нима дейсиз, хўжайин?

1988

ВАТАН

Лўлилардан бир тўп бола сўрашди бир кун:
— Айтинг қани, бирор Ватан борми сизларда?
Улар деди:
— Кезмас эдик дунёни дилхун
Сизлар айтган ўша Ватан бўлса бизларда...

БУ ҚАЛБ...

Илмий мўъжизалардан таажжуб қилмас бу қалб,
(Тағин деманг: «Уларни кўзига илмас бу қалб».)
Лекин бир гул шивирин эшитса титрайди ул,
Қалб ва ёки тошлигин ўзи ҳам билмас бу қалб...

ҚАЙДАКИМ...

Қайдаким тенглик эрур, унда ҳақиқат албат,
Қайдаким ҳақиқатдур, унда тенгликдир зийнат.
Қайда тенглик йўқ эрса, унда йўқдир ҳақиқат,
Қайда ҳақиқат йўқким, тенглик осмонда фақат.

ПАШШАЛАР

Лаънати пашшалар?
Бошингизга сал
Илиқлик нафаси урился бўлди,
Ичирмайсиз ҳатто ёвғонни ҳалол!
...Ай, қишга офарин! —
Аёздан ўлинг!

МУҲАББАТ

— Азизим, айтинг-чи, муҳаббат нима?..
— Ҳаёт денгизида сузган бир кема:
Кимнидир бағрига олгай кўноққа,
Кимнидир у ташлаб кетгай қирғоққа

ЯПРОҚДА

Япроқда осмоннинг кўз ёши —
Изтироб, алами, ғазаби.
Япроқда осмоннинг кўёши —
Табассум, кулгуси ва нози.

ЧИДАЙ ОЛМАЙ

Чидай олмай дардга-азобга,
Қушдай ожиз қолган вақтларим,
Отам каби тушасиз ёдга —
Чайир, ғолиб тоғ дарахтлари!..

ЎЗБЕКНИНГ ДЎППИСИ

Ўзбекнинг дўпписи бошида анвор,
Белбоғи ва тўни мисоли дўст-ёр.
Сийми зарин олсанг олгину аммо,
Тегма Дўппи
Белбоғ
Тўнига
зинҳор!!!

ОДАМЛАР БОР

Одамлар бор — дили чароғ —
Дўстларимдир — чин диллидир.
Одамлар бор — тили тароқ —
Ёвларимдир — минг тиллидир.

Ў, ЎЗБЕГИМ

Ў, ўзбегим, ўзим дер,
Ўз этини ўзи ер.
Бири икки бўлмасдан
Бўлар бир газ қора ер!

ШОИР

Роҳатидан азоб чекар,
Азобидан роҳатда.
Биров: «Бу ким?» деб сўрса гар,
Шоир, дердим, албатта!

БИР ДАВРАДА

«Биз кичик элмиз», — дер қорақалпоқ дўст,
Ёкут, қўмиқ, тотор: «Биз ҳам...», — дедилар.
Қўшилди қорачой, олтойу ҳакас..
Ва лекин бир тилда сўзлар эдилар.

СУРА

Караминг кенг, марҳаматли Кўк,
Дуо бирла айлағаймиз ёд.
Раҳмат нурин бошимизга тўк,
Заминга бер покиза авлод!

БОЛАРИ

Болари тилида — оғзида асал,
Минг бир дардга даво, хуштаъм ва гўзал
Ва лекин думида ниш — заҳари бор,
Мен уни унутиб кўп бўлдим ўсал.

МЕН ТИКИЛГАН

Мен тикилган юлдузга
 Навоий ҳам тикилган,
Шу юлдузнинг мадҳида
 Бобур байти етилган.
Боболарим олдида
 мен ногирон бунчалар
Тақдирим-қисматимга
 гарчи бахт-тахт битилган?!

ОТАМ КАБРТОШИДАГИ ЁЗУВ

Бешигинг ўхшайди тобутга, Дунё,
Тобутинг ўхшайди бешикка, Дунё.
Бир эшикдан кутиб олдингу ўзинг,
Кузатдинг иккинчи эшикка, Дунё.

АБДУЛЛА КОДИРИЙ ХОТИРАСИГА

Унинг қабрини ҳеч ким билмас, дейдилар,
Гулчамбарлар қўйғали келмас, дейдилар.
Бу дунёдан сир бўлиб кетди-ю, аммо
Юракларга кўмилгани — сирмас, дейдилар!

СҮЗ ҮЙИН

Оқ қоғозга чиздим бир гул
суратини бир дона деб,
Замин усти, осмон ости
узра якто-ягона деб.
«Гул» дея кетган эдим,
қайтсам кимдир этибди «Ғул»,
Шу-шу уни тарк айладим
менинг учун бегона деб.

ЎЗБЕГИМ

Ўзбегим ўтмиши — кўзим гавҳари,
Бугуни — уйимда порлаган чирок.
Эртасин ўйлайман болам сингари,
Эртаси... Ишонгум, бахт каби оппоқ!

БУ ЮРТНИНГ

Иқболнинг қўли куйди,
Булбулнинг тили куйди.
Не кўргулик бор тагин,
Бу юртнинг эли куйди.

МЕНДАН

Мендан сенга етар қандайдир бир ўқ,
Сендан менга қайтар қандайдир бир ўқ,
Биров-бировмизни шундоқ отармиз,
Бир кун олиб кетар қандайдир бир ўқ.

ЁНМА-ЁН

Ёнма-ён ўсарди терак ва чинор,
Кеч куз. Бир тун ичи уриб берди қор.
Улкан чинор барги сўлди, сарғайди,
Нозик терак барги яшнади бедор.

ТАНҲО ДАРАХТ

Танҳо дарахт янглиғ турардим
бир йўлнинг бошида мунгли,
Кўкдан тушган сингари ёлғиз
йўловчи бўлди рўбарў.
«Бу йўл қандай йўл ўзи, айтгил?» —
сўраб қолди ул дафъатан,
Мен дедим: «Тўғрига тўғри йўл,
эгрига эгри йўлдир бу».

ҚАЛДИРҒОЧ

Сойда оқиб борар бир оғоч,
Унга қўниб оқар қалдирғоч,
Ишонмаса қанотларига
Қўнмас эди — ҳатто бўлса оч.

ҲАЗИЛ

Қаддингни дор қил, эркам,
Қўлларингни сиртмоқ қил.
Розиман, майли, ўлсам,
Мени уларга осгил.

ТААЖЖУБ

Мана, кўклам — иссиқ кунлардан дарак,
Сен нега кийиниб оласан дарахт?!
Асло тушунмадим феъл-хўйингни,
Куз, қиш — совуқ... ечиб отасан уни.

ТУЮҚЛАР

1

Кўзларимга боқсанг эди бир сари,
Кўргин эди: қандай у сари-сари.
Не жафолар қилдинг, нелар қилмадинг
Ва лекин топмадим ҳеч сендай сари.

2

Тобланиб ўтирар эдинг сен кунда,
Пинҳона термилар эдим мен кунда.
Бир кун кўриб қолиб, жилмайиб, дединг:
«Болта тушганча дам олибди кунда».

3

Қўлимни узатдим, қайтарма-сурма.
Бир назар қил, ахир, унда бор сурма.
Сенга олислардан келтирдим атай,
Юрагим куюги — кўзингга сур, ма!

ҚАТРАЛАР

* * *

Тоғларнинг бағрида ноёб хазина,
Лекин ҳаммасида хазина дема.

* * *

Оҳ қандай кеча бу! Осмонга қара,
Соч тарасанг бўладир ойга қараб!

* * *

Тўлиб-тошиб кетди ботирлар ичи,
Сандикда боболар шонли қиличи!..

ҚАЙРОҚТОШ

* * *

Сел чиқариб ташлади сойнинг четига,
Ўроқчи олди уни суртиб бетига.

1963-1992 й.й

ЎЗБЕКМАН

Шунча қонли, файзсиз умр оқибатида
Ўзни таниш тақозоси келиб туғилди.

Ғафур Ғулом

Эврилиб, айланиб гуллаган тупроқ,
Энчиўкиз, Ўкуз — ҳаётбахш булоқ,
Теграсин қур тутган муқаддас ўчоқ,
Ўчоқни ёндирган илоҳий чақмоқ —
Ўтда зуваласи пишган ўзбекман.

Хун, ўғиз, массагет, қанғли ё тоҳар,
Аргин, қипчоқ, уйшун, яғмо, ё тотар,
Қорлуқ, чигил, барлос — яғона жигар
Қавмлар, уруғлар сочиқ писли пар,
Туркийман — йўл излаб елган ўзбекман.

Туронзамин — юртим, чексиз ерларим,
Алп Эр Тўнға каби ботир эрларим,
Ғиғондай титради Ковус — ёвларим,
Хушқаду суворий ҳатто қизларим,
Аҳли шамшир донғин тутган ўзбекман.

Экиним жавдари сулию тариқ,
Тоғу дашт кезиндим — овчилик — ёрлик,
Эна дарёларим тутди мўл балиқ,
Қўналғам олдидан оқиздим ариқ,
Хунарлар сирини тотган ўзбекман.

Қуёшга сиғиндим — қуёшли ўлдим,
“Овасто”да мен ҳам йиғладим, кулдим,
Доролар ўрнига Искандар елди,
Спитамен, Широқ вориси бўлдим,
Антейдек ердан куч олган ўзбекман.

Аламдан бунёддир Турк хоқонлиги,
 Эркиндир, озоддир Турк хоқонлиги,
 Бир-бирин еб шоддир Турк хоқонлиги,
 Оқибат барбоддир Турк хоқонлиги,
 Оти пойгаларда толган ўзбекман.

Ўрхун, суғд, хоразм ёзуви, тилим,
 Дўст-душман касридан бўлди минг тилим,
 Хатларим хазондир, хор улуг илмим,
 Қутайбадан қолди ярим жон исмим,
 Илдизи сувга зор юрган ўзбекман.

Русум мажмуаси — арабий имлом,
 Замон исканжаси — форсийда қалам,
 Рудакий, Бедилу... (чексиз бу рақам)
 Пурмаъно айтдилар ёт каломда ҳам,
 Ширу шакар айтиб келган ўзбекман.

Жаҳонга сўзлайин, келди хонаси,
 Аср IX. Бағдод расадхонаси.
 Унда сабоқ берди ўзбек боласи —
 Яъни, ал-Фарғоний — замон доноси,
 Осмоний китоблар ёзган ўзбекман.

Оврупо билди, ў, не сон, не санок,
 Хоразмий “Ал-жабр”и очди унга роҳ.
 Улар битта эмас, башардир огоҳ,
 Форобий, Беруний илмидир гувоҳ,
 Замондан илгари ўзган ўзбекман.

“Медицина” яъни “Мадади Сино” —
 Бунёдкори ҳар бир қалбга бўлган жо.
 Бундай улуғларни кўрмаган дунё,
 Оқмай қолмас, дейман, бир оққан дарё,
 Қаддимни типпа-тик тутган ўзбекман.

Ҳали кўп ростликдан ғофилдир олам,
 Ўзбек фарзандидир илк фазогир ҳам:
 Ал-Жавҳарий қанот яратиб, ўқтам,

Кўкка учди бундан минг йил муқаддам!
Эркини кўклардан кутган ўзбекман.

Қайси бир элнинг чин сарвари бўлмас,
Манзили йўқ эрур, йўллари йўлмас,
Дастурхони тешик, тотгани тузмас,
Пайдодир Бугроҳон! Йўл бошлади, бас,
Шакл-шамойилин топган ўзбекман.

Лаҳжалар бирлашди — тил бўлди йирик,
Офтобдай бўйлади “Қутадғу билиг”,
Маҳмуд Кошғарийдан тўқ бўлди илик,
Аҳмад Яссавийим ҳикмати тирик,
Отини кенг йўлга солган ўзбекман.

Самарқанд қоғози, шишаси машҳур,
Кўзларни ўйнатди Бухорои сур,
Фарғонам тоғлари сочди олмос, дур,
Улуғ ипак йўли — ипагим эрур,
Жаҳон йўлларида кезган ўзбекман.

Она тилим каби буюк, муқаддас,
Турфа гулларим бор меъморий мерос,
Тўрт фасл сўлмагай — очилган қийғос,
Арши аълодан ҳам топилмас қиёс.
Сут, қон, тердан бунёд қилган ўзбекман.

Оҳ, орият ўлса — ўлгай шижоат,
Шижоат ўлгайки, ўлгай муҳаббат,
Эл-юрт оёғида этик тор — иллат,
Этик тор — дунё кенг, кенгликка лаънат,
Дорларга бошини тиккан ўзбекман

Ўтмишда саводсиз бўлган бу халқ, дер,
Кунчилар гапи бу, чўпчагингни тер,
Ифтихор қил, элим, кўкрагингни кер,
Кимга устод эрмас устод Алишер —
Ҳирот мактабларин қурган ўзбекман.

Нафратим сизгадир, эй шоҳи зотлар,
Давлат, қилич қўлда ҳам остда отлар,
Лекин ўзга тилда муҳр ва хатлар,
Тарихимни тафтиш қилар бадзотлар,
Аламлардан эзгин тўлган ўзбекман.

Ёзмишимда янглиш воқе кўп эрур,
Савашди икки турк: Шайбоний, Бобур,
“Шайбонийнома” дур, “Бобурнома” дур.
Сабоқ берса агар “Шажараи турк”,
Бир-бирин алафдек қирган ўзбекман.

Асли қиз, ўғлим ким: Мен куйсам куйса,
Тўмарис, Алпомиш сингари суйса,
Душманним кўзини тиг бўлиб, ўйса,
“Шашмақом”, “Ушшоқ” им сеҳрини туйса,
Ўша фарзандим деб келган ўзбекман.

Учта Туркистонда бир хон кам кўрдим,
Улар ҳар бурчида талон, ғам кўрдим,
Уруғ-аймоқлардан минг ситам кўрдим,
Абдулло* ниятин лекин жам кўрдим,
Умидлари сароб кезган ўзбекман.

Асрлар бир-бирин еган эл, зотан,
Ёвларин кулдириб, сўлган гул, зотан,
Бемадор беғурур, беор кул, зотан,
Ўчоқда соврилиб қолган кул, зотан,
Тағин ҳам мен тирик юрган ўзбекман.

Юрт ганжи ҳамиша келтирар ғаним —
Келтирди олтин, зар, оқ пахтаман маним,
Қалқон бўлиб чикди Алимқул мардим,
Афсус, ёлғиз эди ундай жўмардим,
Қонлар дарёсида оққан ўзбекман.

* Абдуллохон (1534—98) — Мовароуннаҳр — Туркистонда марказлашган давлат тузиш учун кураш олиб боради.

Турон-Туркистоннинг саркардалари,
Ёвқур Жалолиддин, Темурлар қани?
Ғаним озод юрар — тўнғизлар каби,
Улуғ кема ётар кутиб дарғани,
Инсофсизга эркин берган ўзбекман.

Кутганим юз берди асл Инқилоб,
(Фикр инқилоби асли Инқилоб!)
Хонликлар тугади, кўнгиллар обод,
Маслаклар яқтодир, битта эътиқод,
Бир бутун халқ бўлиб қулган ўзбекман.

“Душман бу...” — дедилар, қирдилар лекин,
Хўл-қуруқ ёндилар бирдайин бетин,
Юлдузлар ерларга ботдилар секин,
Хай, Дунё! халафим келиб не деркин
Оҳлари кўкларни тутган ўзбекман.

Бир ён қолиб кетди тарих-ўтмишим,
Аждодим нонига ўтмайди тишим,
Кўзим очиқ эди... ўйладим тушум
Ва ҳамон ўзимда эмасдир ҳушум,
Қорани оқ деб қон ютган ўзбекман.

Замон долға каби кўп бор тўлғанди,
Файзулла алданди, Акмал алданди,
Халқига эътиқод қўйганлар ёнди,
Қодирий, Чўлпонлар — “тўйганлар” ёнди,
Юраклари байир қотган ўзбекман.

Қип-қизил шиорлар тутди ҳар ённи,
Сохта дабдабалар бузди жаҳонни,
Мартаба, зарларга сотти имонни,
Кимга буғдой дони, кимга сомони,
Жонларидан тўйиб ёнган ўзбекман.

Собиқ шажарларим қулатган қурир,
Инжа чечакларим қийратган қурир,
Оққан дарёларим қуриртган қурир,

Қулдору қулларни яратган қурир,
Заҳар-заққумлардан чўккан ўзбекман.

Йўқ, кўзим юммайман, очикдир кўзим,
Неча бор чарақлаб қулди юлдузим,
Буюк минбарлардан сўзладим сўзим,
Олими ўзимман, шоири ўзим,
Кўзларин каттакон очган ўзбекман.

Ва лекин шодлигим камдир дунёда,
Зотдор ғам-аламим доим зиёда,
Отларим ётларда, ўзим пиёда,
Сотқинлар, хоинлар тахт — ҳимояда,
Экинчи... ўроқчи... синган ўзбекман.

“Дарсу иқтибосда кўрганинг: юмшоқ,
Мулойим феълимга ишонма бироқ”*,
Ғурурим баланддур, ғурурим оппоқ.
Ёрни осмон қилғум, осмонни тупроқ,
Ҳар не чегарасин билган ўзбекман.

Серсавдо оламда ўзбеклар кўпдир,
Аммо Ўзбекистон битта, бор гапдир,
Бир ўзбек нишондир, биричи ўқдир,
Бариси бирлашса — ортиқ куч йўқдир.
Қонин унутмайин кутган ўзбекман.

Ҳайда! Келажакдан умид, муродим,
Чарчама, оқсама, ҳайда-ё, отим,
Ўзинг Бойчиборим, ўзинг Ғиротим,
Ўзинг нажоткорим, ўзинг қанотим,
Юлдузларни кўзлаб турган ўзбекман.

1988 йил 15 май — 1989 йил 20 февраль

* Абу Райҳон Берунийдан.

АЙБ ЎТДИ...

(Фарғона воқеалари муносабати ила)

Айб ўтди қайси оғадан,
 Ё шайтондан ёхуд Оллодан,
 Олишдилар ёқа-ёқадан,
 Кун кўрмаган битта қавм-эл.

Ва ҳаттоки бир-бирин отди,
 Иккиси ҳам гуноҳга ботди.
 Ў, ўртада қанча қон қотди,
 Не сўзларни сўзламади тил.

Қушнинг нафси тўрга туширар,
 Доғули сўз йўлга туширар,
 Қазо, жазо, қўлга туширар,
 Хиёнатга тўлди ўнгу сўл.

Халқни бад сўз бузажағи ҳақ,
 Ҳақ хабарлар етмоғи барҳақ,
 Йилдиримлар* Оқпинар* илҳақ —
 Тушунмоғин истайман буткул.

Бир ёв бордир, кўринмас ул ёв,
 Ҳунари кўп қадим, беаёв,
 Домидадир содда, гўл-баёв,
 Гаюрликда иблис унга қул.

Қасд қилмоқчи эрса, муқаррар,
 Баҳонаи сабаб ҳозирлар,
 Гувоҳ эрур: Акиф ва Яшар,*
 Бўлмаяпти бу биринчи гал.

Чингиз*, Ўлжас*, Бахтиёр оға*,
Макрдан — ёв дарёси оқар,
Офтоб ботиб, қора тун оғса,
Ёлғонларни ташимасин ел.

Бир булоқнинг икки кўзимиз
Ўртада қон эмас, тузимиз,
Сарҳадлардан ошсин сўзимиз, —
Ҳақни билсин дунёи азал.

1989

* Йилдирим Дағели, Турсун Йилдирим, Ёуз Оқпинар — турк олим, таржимон ва ноширлари. Улар Ҳамза таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонга келишган эдилар.

* Ўзбекистонда ишлаб ижод қилаётган озор олимлари.

* Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов, Бахтиёр Ваҳобзода.

УКАМГА

Ўн тўрт ёшдасан, ука,
Сени кичик демасман.
Пасту баландни англа,
Энди бола эмассан.
Юрагингнинг ўтини
Кўзларингда кўряпман.
Шу учун гап салтини
Жиддий томон буряпман.
Сенга айтсам, бир бобонг
Нақ ўн икки ёшида* ,
Ёвлар ҳолин қилиб танг
Турган юртнинг бошида.
Кўҳна тарих шундай дер:
Ҳофизангни чархла, айт,
“Ўсмир чоғи Алишер
Билган эллик мингча байт”.
Боболардан сўз кетди:
Ал-Беруний, Улуғбек
Халқни кўкка кўтарди —
Шундан ғурурли ўзбек!
Бир кез сендек ўлар ҳам
Кичик бўлган, ёш бўлган.
Лекин илм-ла ўктам,
Кўп донишга бош бўлган.
Эл-юрт ориятини
Доим баланд қўймиш мард.
Гўрўғли, Алпомишни
Ҳамма шундан билар ёд!
Расм-русми бузиб
Ғанимларни ёр қилма.
Она тилинг тўздириб
Уни бекор хор қилма.
Бахт — курашда!
Бахт агар
Бўлса Ватан, халқники!

Эрк — курашда!
Эрк агар
Бўлса йўқсил — халқники!
Ҳақиқат нима?
Англа!
Арасту сўзи — қутлуг:
“Афлотун устод менга,
Аммо ҳақиқат улуг!”
Ёдингдами, довюрак
Андерсен қаҳрамони,
Лаганбардор тўдага
“Шоҳ — яланғоч!” — дегани.
Ҳа, тўғри сўз тош ёрар,
Буни эсда тут, укам.
Халқим тўғри сўз кутар,
Рост сўзга зор юрт-ўлкам!
Юрагингнинг ўтини
Кўзларингда кўрдим мен.
Шу учун гап салтини
Ҳақ сўзларга бурдим мен.

1989

* Бобур назарда тутилмоқда.

БЎЗ БОЛА

Эрта пишган бўз болажон,
 Чиқиб кетар бўз-қирларга.
 Бунча майин бу майсажон,
 Ўхшар қизнинг сочларига.

Эрта пишган бўз болажон,
 Уйга қайтар гуллар териб.
 Гулларини... хув, қадрдон
 Сигирига берар элиб.

Эрта пишган бўз болажон,
 Тол баргини тутиб кулар.
 Дам хўрсиниб куйлар: "Қачон
 Оқ ханжарим қизил бўлар?.."

1989

МАЙСАЛАР СОҒИНЧИ

Қирқим-қирқим қирларнинг
 тўлқинига қарайман.
 Дуркун-дуркун қирларнинг
 сочларини тарайман.
 Қўзичоқдай суяман
 устида ағнаб-ётиб,
 Ҳатто йиғлаб-куламан —
 эзиб-бағримга босиб.

1989

Достоплаъ

САРБАДОРЛАР

Драматик достон

Менинг ҳаракатимдан аълороқ мазҳаб йўқ!
Сарбодорлар шиори

Олам фили қайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўрроқ қудратимиз, шавкатимиз.
Гар чумоли кириб қолса сафимизга —
Шер этажак уни дарҳол давлатимиз!
Паҳлавон Маҳмуд

Бизлар ҳурриятнинг фидойилари!
Мақсуд Шайхзода

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Абу Бакр Калавий — пахта тозаловчилар маҳалласининг оқсоқоли.

Мавлонозода Самарқандий — мадраса мударриси.
Мавлоно Ҳурдаки Бухорий — Мавлонозоданинг устози.
Шайх Исомиддин — Самарқанд музофотининг эътиборли шайхларидан.

Саид Юсуф — Самарқанд вилоятининг қозикалони.
Мирзо Соҳиб — Самарқанд вилоятининг девонбегиси.
Амир Ҳусайн — Самарқанд амири, бутун Мовароуннаҳр ҳокимлигига даъвогар.

Амир Темур — Кеш амири.
Зобитбек — маҳаллий ўтроқлашган мўғул беги.
Аббос Баҳодир — Темур хуфячиси.
Сиёб ота — деҳқонлар оқсоқоли.
Нурзод — хунарманд йигит.
Телба Сархон.
Зарбону — Телба Сархоннинг қизи, Нурзоднинг севгилиси.
Қул Чобук.
Дагар сарбоз — Нурзоднинг дўсти.
Илёсхўжа — сўнгги мўғул ҳоқони.

Тегинбек — Илёсхўжанинг бош ноиби.

Лочиной — асира қиз.

Амир Темур сарбози.

Амир Ҳусайн сарбози.

Сарбадорлар, раият, китобдор, жанг либосидаги курашчи йигит, қизиқчи йигит, сайёҳ, акобир-аъёнлар, мўғул нўёнлари, навкарлари, сарбозлар, мулозим, ясовул, қўшиқчи йигитлар, раққос йигитлар, чечанлар, пахлавонлар, овозлар.

Воқеа 1365-1366 йиллар Мовароуннаҳрда, асосий қисми эса унинг бош шаҳри Самарқандда кечади.

МУҚАДДИМА

Китобдор

(Букри чол)

Уйингизда китоб борми, китоб?.. Йўқ-ўқ...
Бор! Чанг босиб ётибди токчангизда.
Токчангизда йўқми?..

Болохонага

Бир чиқиб қаранг... Ўх-хў, қанча китоб...
Сарик, оч сарик, оқиш китоблар, оҳ,
Бобонгиз бобосидан қолган балки!
Болохонада йўқ!

Рост бўлса шу гап,

Унда чиқиб, қаранг оғилхонага!
Шифтларда ўргимчак уяси босган,
Ўн қатлам чанг босган китоблар... Кўринг!
Қўрқманг, ушлаб кўринг, еб қўймас улар,
Ҳар қалай жони йўқ... бўғиздан олмас.
Шифтда ҳам йўқ денг?

Ҳеч қабристонга

Бориб кўрганмисиз? (Ким ҳам бормаиди!)
Унда кўрганмисиз моғор, йўсин, зах
Уриб кетиб — уникқан бирон-бир китоб?
Ҳа-ҳа, кўрганман денг!

Ўқиганмисиз?

Йўқ, имлоси бошқа...

Ўрганиш мумкин! —

Ихлосу эътиқод етарли бўлса!

Китоб — эл-юрт бахти!

Ҳар қандай Инсон

Оддий тирикчилик, манфаатлардан

Юксак турса агар

Халқ ва ватанин

Бахт — тақдири ҳақда ўйлашга қодир!

Билсангиз, биз кўрган ўша китоблар

Шундай ИНСОН ақлин меваси эрур!

Мен —

сиз ўқимаган, уйқу келтирган

Китобларни йигиб — ўқимоқдаман!

(Қўйнидан бир китобни олиб)

Мана, бунисини яқингинада

Кўмилган қудуқнинг тубидан топдим.

Бу китобни ўқинг! Уйқунгиз қочар!..

Уйқунинг ози соз, кўпи беморлик!

I ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

*1365 йил. Куз. Сирдарё бўйи. Қароргоҳ. Безатилган ўтов олди. Шом.
Илёсхўжа ва Тегинбек гаплашиб ўтиришибди.*

Илёсхўжа

(ширакайф)

Ғалабамиз боиси недур, Тегинбек?

Тегинбек

Кучу қудратингиз сабаб, ҳоқоним!

Илёсхўжа

Фикрингга қулмисан, қайтмайсанми ҳеч?

Тегинбек

Тангри шохид эрур, шохид ўзингиз!
(Илёсхўжа чапак чалади. Ясовул киради.)

Илёсхўжа

Келтир, анов икки асирни бунда!

Ясовул

Бош устига, хоқон!
(Ясовул чиқади.)

Илёсхўжа

(Тегинбекка)
Хўб, шундоқ дегин?..
(Ясовул икки асирни олиб киради.)

Ясовул

Мана, ит эмганлар ҳузурингизда!

Илёсхўжа

(Тегинбекка биринчи асирни кўрсатиб)

Бу Амир Ҳусайн сарбози эрур.
(Иккинчи асирни кўрсатиб)
Буниси Амир Темурнинг сарбози.

Тегинбек

Худди шундай, хоқон.

Илѣсхўжа

Сўроқ қилурмиз!

(Амир Хусайн сарбозига)

Амир Хусайининг қочди қай тараф?

Амир Хусайн сарбози

Билолмадим, хоқон, асирингизман.

Амир Темур сарбози

Мен билурман, қочди Хуросон ёққа,
Думин ликилллатиб қочди ул номард!

Амир Хусайн сарбози

Номард деб амиринг Темурни ата
Бир неча йил юрди қуюндай тўзғиб
Каллакесарларни тўплаб қошига.
Йўлларда бошларни узди сапчадай,
Ғажирдай талади тижорат аҳлин.
Ғорлар, пастқамларни ошиён этиб
Ном олди қароқчи, йўлтўсар дея.
Нечундир Тангрининг қарашди ўзи:
Кеш ҳокими Ҳожа барлос — тоғаси
Хуросонга қочиб кетгандан кейин,

(Илѣсхўжага)

Отангиз* линжига кириб олди у,
Ётган жойи жаннат бўлгур ул бузrug
Боладай инониб айёр Темурга
Кешнинг ҳокимлигин калладай тутди.

Илѣсхўжа

Шундоқ!

* Туғлуқ Темир — Илѣсхўжанинг отаси, мўғулларнинг аввалги хони, Мовароун-наҳр ҳам унинг тасарруфиди бўлган.

Амир Ҳусайн сарбози

Аммо Амир Темур тупурди —
 Ё пир! — Тузин ичган тузлуғига сўнг!
 Ҳамиша туллаклик тулкининг касби.
 Куч — Амир Ҳусайн тарафда эди,
 Шу сабаб Темурбек унинг этагин
 Чангаллаб олди-ку қарчиғай янглиғ,
 Бироқ гоҳ аразлар, гоҳо ярашар,
 Ўзи бир юмушни уддалай олмас,
 Қўли пастми... бошин ҳам қилиб келар,
 Сағал баланд бўлса қочади ташлаб,
 Косов калталиги қўлнинг шўридир,
 Амир Ҳусайинни кўролмас Темур.

Амир Темур сарбози

Темур кўролмайди... Бу тухмат қайдан?
 У зўр, шижоатли, ёш ҳам тадбирли.
 Қайтам ҳасад қилар сенинг амиринг,
 Рўй-рост кўрқар ўзин келажагидан.
 Амир Ҳусайнга Амир Темурнинг
 Гоҳ қўшилиб, гоҳо ажралиши эса
 Ёшлиқдан Эркни ҳуш кўрганлигидан!
 Кўк сари интилар, ахир, тутун ҳам.
 Бугун қочиб қолган амирим эмас...

Амир Ҳусайн сарбози

Амир Ҳусайинми?... Оқсоғинг қочди.

Амир Темур сарбози

Амиринг оёғи бутун бўлса ҳам
 Жуфтакни ростлади биринчи бўлиб.

Амир Ҳусайн сарбози

Тепамда тангри бор. Қочди оқсоғинг!

Амир Темур сарбози

Хой хоин, хой мурдор, хой сен арсалиқ*,
Тилингни теккизма тангри номига!

Амир Ҳусайн сарбози

Нима, нима дединг? Ким, ким арсалиқ?
Оҳ, қани, қўлларим бўш бўлса эди?!

Амир Темур сарбози

Илондек мажақлаб ташлардим сени!

*Илёсхўжанинг ишораси билан ясовул уларнинг
қўлларини ечади.*

Илёсхўжа

Иккисига икки қилич берилсин!
Ажрим бўлсин, қайси бири арсалиқ!

*Ясовул иккаласига ҳам қилич беради, сарбозлар
бир-бирига ташланадилар.*

Амир Ҳусайн сарбози

Кўрсатиб қўюрман арсалиқлигим!

*Амир Ҳусайин сарбози Амир Темур сарбозига қилич уради, у
ҳам жонҳолатда унга қилич санчади. Иккаласи ҳам жон беради.
Ясовул мурдаларни судраб олиб чиқиб кетади. Қиличлар эсдан
чиқиб қолади.*

Илёсхўжа

(Қувлик билан)

Ғалабамиз боиси недур, Тегинбек?

*Арсалиқ — ҳайвонларнинг хунасаи.

Тегинбек

Қуллуқ, хоқон, қуллуқ!

Илёсхўжа

Шундоқ, Тегинбек!
 Бу эл феъли шундоқ! Бобомиз Чингиз
 Бу юртни олмоққа қийналган чоғи.
 Маҳмуд Ялавочни хўб ишга солди!
 Чингиз кучи эмас ёвни қийратган,
 Маҳмуд Ялавочнинг кучидир, билсанг!
 Зулқарнайн келган пайтда бу юртга
 Испитомин деган бир кимса ўтган.
 У қаттиқ курашди ёғийлар билан,
 Жаҳонни титратган шоҳ ожиз қолди.
 Аммо иложини топди Искандар,
 Олди Испитомин хотинин қўлга.
 Ушовидан тушови қиммат бу хотин
 Искандарга тутди ўз эрин бошин!..

(керилиб)

Бу эл тарихини сен мендан сўра!
 Оташпараст бўлган бу эл бир пайтлар,
 Сажда қилган фақат олов — тангрига,
 Оловдан бошқасин тан олмаган ҳеч!
 Эл учун оламда энг оғир нарсаси
 Топинган динидан воз кечмоқликдир.
 Қутайба қийналди бу эл қонидан
 Ўт-оловни сириб ташлаш йўлида
 Ва лекин олди у! Хўш, қандай олди?
 Сотиб олди! Ҳа! Ҳа! Масалан, Чоғон
 Туғишган ўкаси Хурзодни сотди —
 Ўлдирди ит каби! Сўнгра юртини
 Арабга топширди ўз қўли билан!
 Қумурсқа бирлашса бирлашар, лекин
 Бу эл бирлашолмас — унутма буни!

Тегинбек

Асло унутмасман!

Илёсхўжа

Шундоқ, Тегинбек!

Тан ҳам олмоқ керак гоҳ ожизлигинг,
Тан олмоқ керагу ва унинг қатъий
Мустаҳкам чорасин изламоқ лозим!
Мағлуб бўлмоқлигим, уч кунлик жангда
Сезилиб қолганди, лекин дош бердим.
Ўйладим... изладим... топдим чорасин;
Не қилиб бўлса ҳам икки амирнинг
Ўртасига нифоқ солмоқлик зарур —
Улар қўшинин қоқ бўлиб ташладим!
Амир Темур қочди деб, жар солдим кейин,
Амир Ҳусайн тараф ишониб бунга
Қочишни бошлади ортга қарамай!

Тегинбек

Билурман, хоқоним!

Илёсхўжа

Шундоқ, Тегинбек!

Сен эса айтасан қудратингиз деб!
Эртага юрурмиз Самарқанд тараф,
Самарқанд бизники, ҳеч ким йўқ унда.
Икки амир кетди бошларин олиб,
Ҳали-бери ўнглай олмас ўзларин!

(сокин)

Ҳозир дам олмоққа ихтиёрим бор.

Тегинбек

Дам оласиз, хоқон!

(сирли)

Совғам бор сизга.

Илёсхўжа

Не совға экан ул? Кўрайлик, қани?

(Тегинбек чиқади.)

Нима ўйлаб топган бу айёр, маккор?
(Тегинбек гўзал бир қизни бошлаб киради.)

Тегинбек

Тиз чўккил, Лочиной, толеинг кулди,
Кўзларинг алдамас, шоҳ олдидасан!

Илёсхўжа

(Ўрнидан туриб кетади.)

Баракалло, Тегин! Жаннат гули-ку?!

Тегинбек

Камтарин қулингиз!

Илёсхўжа

Хоқонимсан сен!

Тегинбек

(талтайиб)

Тонгда фармон бердим нўёнларимга,
 Топиб келинг, дедим, энг сулув қизни,
 Бўлса ҳамки, ҳатто, ернинг қаърида.
 Ер қаъридан эмас, тоғ қишлоғидан
 Олиб келди бун!

Илёсхўжа

Офарин, балли!
 Бизни ёлғиз қолдир, дам ол, Тегинбек!

(Тегинбек чиқади.)

Лочиной, Лочиной...

Лочиной

Менга жавоб бер!
 Раҳминг келсин, раҳм қил, гар султон бўлсанг,
 Уйимга кетайин, жавоб бер менга!

Илёсхўжа

Тун босиб келмоқда, йўллар хатарли,
 Эгаллаган ҳамма жойни лашкарим,
 Кўриб қолса сендай соҳибжамолни,
 Улар унутади ҳаттоки мени!
 Сен тонгда кетурсан, элтиб қўйишар,
 Уйингга борурсан зар, олтин билан!

(Чапак чалади, ясовул киради.)

Олтин келтирилсин!

(Ясовул чиқади)

Л оч и н о й

Йўқ, керак эмас!

Жавоб бер, жавоб бер, беҳуда бари!

(Ясовул баркашда олтин олиб киради. Илёсхўжа имоси билан Лочинийнинг оёғи остига тўкади ва қайтиб кетади).

И л ё с х ў ж а

Ҳаммаси сеники, олгин, Лочиний.

Л оч и н о й

Жавоб бер, раҳм қил, уйимга кетай!

И л ё с х ў ж а

Бас!

(Илёсхўжа важоҳат билан Лочинийга яқин кела бошлайди. Лочинийнинг кўзи қиличларга тушади).

Шундоқ де, шундоқ!.. Кетмоқчимисан?..

(Лочиний чакқонлик билан бир қилични олади ва Илёсхўжага ташланади, аммо Илёсхўжа ёнидан қиличини олиб, уни чопиб ташлайди).

Л оч и н о й

Кетаман!

(Ўлади).

И л ё с х ў ж а

Ясовул!.. Тегин, қайдасан?..

ИККИНЧИ САҲНА

*Эски Самарқанд. Тонг. Пахта тозаловчилар растаси.
(Калавий ёлғиз.)*

Калавий

Ғалат туш кўрибман. Қандайдир сахро,
Сахроки беадад... кум, кум, кум, кум, кум.
Ханжарлари ярқираб кун тигида
Мени қувлар эмиш уч қора отлиқ.
Қумдан оёқларим ўзилиб зўрға,
Ҳаллослаб, бўғзимга ўпкам текилиб,
Кунчиқар томонга қочар эмишман.
Воҳ... кутар эмишман офтобдан нажот;
Отлиқлар кўзини қамаштирар у.
Мен эса қутулиб кетгум, демишман.
Йўқ, улар қолмади ортимдан ҳеч ҳам.
Сўнг қандайдир қирлар, тепалар... Қизиқ...
Ногаҳон бир арна дуч келмиш менга,
Бахташ таваккал деб отдим ўзимни
Ва дарҳол бекиндим битта нишабга.
Отлиқлар барибир келдилар етиб,
Бири тушди... сўнгра шошилмай, секин
Елкамга оёғин босди... Хўш, кейин-чи, хўш?!
Тўрғизиб бўғзимга ботирди ханжар.
Қип-қизил қон оқди... Аниқ эсимда.
Қонимни тўхтатмоқ бўлар эмишман...
Томоғимни маҳкам бўғар эмишман...
Туриб кетдим — қўлларим ўз бўғзимда!

(безовта)

Таъбири не бўлғай бу нохуш тушнинг?..

Қуролланган Қул Чобук бошлиқ бир тўда сарбадорлар Зо-
битбекни олиб кирадилар.

Қул Чобук

Амир Хусайннинг бул арзандаси
Ўз қулини чопиб ташлабди, сардор.

Зобитбек

Чопаман... сўяман... Сизларга нима?..
Кимдир тождор, кимдир бождор дунёда
Биров текканин ер, биров суйганин...

Калавий

(бепарво, Қул Чобукка)

Не гуноҳи бор экан қулнинг?

Қул Чобук

Ул шўрлик
Бизга қўшилмоққа орзуманд экан.
Ўзи емас, итга бермас бу Зобит
Ниятидан хабардор бўлиб, уни
Ўштдай бурдалабди оғилхонада.
Бор молу мулкани кўкка совурдик,
Анов, ёнаётган уй-жойи бунинг.

Калавий

(кескин, Зобитбекнинг ёнига келиб)

Ҳа, Зобитбек, мўғул!.. Чопасиз.. сўясиз...
Ҳа, егани — заҳар, ичгани — заққум,
Юраги қоп-қора қон раиятни
Бўғасиз, зўрлайсиз, хўрлайсиз, ҳа, ҳа!..
Сизга мумкин бари! Ва лекин айтинг,
Айтинг, қачонгача, бу зўравонлик?
Қачонгача элни топтайсиз бунча?

Қачонгача кўкдан арпа ёғса ҳам
 Меҳнаткаш эшакнинг еми нимчадир?
 Қачонгача эл тунни либос этар,
 Қачонгача замон соғлари бемор,
 Тили бурролари соқов яшайдур?
 Нимаси кам эди сендан ул қулнинг,
 Нечун ул гуноҳкор? Айби нимада?
 Талпинганлигими Эркинлик сари,
 Хур яшамокликни севганлигими?
 Айт, эй мальўн!

Зобитбек

Ул менинг қулим.
 Сизнинг ҳаққингиз йўқ мени тергашга!
 Қароқчиларингиз жазосин олар!..

Калавий

Шундоқми?.. Ки, демак... Биз қароқчилар...

(қатъий)

Ўлиминг олдидан билиб қўй, мўғул!
 Яхшилаб билиб қўй, қумдан чиққан мор!..
 Биз — ўз бошимизни аллақачонок
 Дорларга тикканмиз! Ўлимлар ҳечдир!
 Шуни англагилки, токи тирикмиз
 Юртни сен итлардан қилурмиз озод!
 Эл-юрт озодлиги учун курашмоқ
 Яккаю ягона муродимиздир!
 Истагимиз, билгил, ҳар бир раият
 Ўз юртига ўзи ҳокимлик қилсин;
 Ишласин, яшасин ўз эрки билан!
 Жавлонгоҳ бўлмасин, деймиз, ҳеч қачон,
 Юртимиз тупроғи ёв отларига.
 Ўз тилимиз, ўз динимиз муқаддас,
 Муқаддас эрур ўз урф-одатимиз!
 Билмасанг, билиб қўй, мана, Сарбадор

Давлати* яшар иккам ўттиз йил
 Озод, дориламон, хур эркинликда!
 Раият давлатни бошқарар ўзи,
 Сардорин сайлайди ўзи раият
 Ўзин давлатининг ўз қўшини бор,
 Тамғаси, дирҳами, туғи, қонуни!
 Ҳамма тенг, баробар қилгайдир, меҳнат,
 Барчага баробар ҳаёт нашъаси!
 Қилич ўз қинига тўғри, дейдилар,
 Йўқ, тўғри эмас у! Билиб қўй, Зобит!
 Биз қароқчиларми?.. Ҳа, ҳа, ҳозирча
 Сизлар наздингизда қароқчилармиз!
 Билиб қўй, Сабзавор сарбадорларин
 Давлати сингари биз ҳам албатта,
 Ўз давлатимизга бўлурмиз эга!!!
 Биз қароқчиларми?.. Биз — сарбадорлар!

(Сарбадорларга)

Сарбадорлар ҳукми!

Сарбадорлар

Ҳукмингиз олий!
 Ўлим! Ўлим! Ўлим! Юрт ёвларига!

Зобитбек

Калавий, Калавий, кечиринг мени,
 Мен... мен... итлик қилдим... қулингиз бўлай...

Калавий

(қатъий)

Жазо майдонига осинглар буни!
 Раият билсинки, Самарқандда ҳам

* Гап Хуросон сарбадорлари ҳақида кетмоқда. Улар Хуросонда мустақил давлат тузганлар. Маркази Сабзавор бўлган бу давлат 1337 — 1381 йиллар, яъни қарийб 45 йил яшади. Хуросон сарбадорлари билан Самарқанд сарбадорларини чалкаштириб юбормаслик керак.

Фуқаро тарафин олгувчилар бор!
Эл сирийн ўз сирийн, дегувчилар бор!

(Сарбадорлар Зобитбекни олиб чиқадилар).

Ити йўқ қўтонга ола қашқир ҳам,
Қора, кўк қашқир ҳам чопгани-чопган
Ити йўқ қўллар, ўх... ити йўқ эдим,
Қачон ҳур яшайсан, озод яшайсан?..

(сокин)

Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!

Халқим — қўли қадоқ, елкаси ямоқ;
Чориғи йиртиқдир ямоқчисининг,
Кулоли ёлчимас бутун косага.
Она йиғлар бўм-бўш бешик бошида!
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!

Денгизнинг сувлари сиғмас ҳовузга,
Халқим дарди эса оламга сиғмас.
Ўз тўни ўзига тор келиб қолди!
Айтарлар: туялар ташийдир тилла,
Аммо еганлари итсийди, янтоқ
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!

Минг дарахт бошини бир болта кесса,
Икки болта кесар халқим бошини:
Бири ёт юртлардан келган мўғуллар,
Бири ўз юртимнинг бою беклари!
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!

Тулкилар тепага чиқди юртимда,
Ўрдаксиз қўл — юртим, лойхўрақлар хон.
Ўтин ёрган болта ётадир ташда,
Игна тешигидан мол ўтказар ёв.
Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!

Тутуннинг аччигин мўри биладир,
 Қулоқдин кўз ҳақдир, кўргил, Озодлик!
 Халқимнинг қоп-қора кўзидан бошқа
 Тариқча гуноҳи йўқдир, Озодлик!
 Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!
 Озодлик, дунёнинг юраги ўзинг,
 Наҳот ботар куннинг отмас тонгги бор?
 Мен сенга йиғласам, наҳот Озодлик,
 Ўкраб чиқмоқликка бир қароринг бор?!
 Озодлик! Озодлик! Жамолинг кўрсат!

Узоқ жимлик.

Дагар сарбоз киради.

Дагар сарбоз

Ассалому алайкум. Бевақт келибман...

Калавий

Ва алайкум ассалом. Хўш, кел йигит.

Дагар сарбоз

Нурзоднинг хешиман.

Калавий

Ҳа-а, эсладим...
 Кўрганман...

Дагар сарбоз

Оқсоқол, сизни биламан,
 Кўп эшитганман сиз ҳақингизда...

Нурзод киради.

Нурзод

(Калавийга)

Ассалом, сардорим.

Дагар сарбоз

Бормисан, ошна?

Нурзод

Мен борман, сен ўзинг бормисан, сарбоз?

(қучоқлашадилар)

Бўримисиз ва ёки тулки?

Дагар сарбоз

(тундланиб)

Тулки...

Бўрими, тулкими, ростин айтганда

Сизларга нима ҳам қизиғи бордур?

Енгилдик, вассалом!

Калавий

Гап нима ҳақда?

Нурзод

(Калавийга)

Сардорим, бул Амир Темур сарбози.

К а л а в и й

Амир Темур сарбози?..

(Дагар сарбозга яқин келади).

Хўш, сўзла.

Д а г а р с а р б о з

Айтдим-ку, сизларга не қизиғи бор!

К а л а в и й

(қатъий)

Сарбоз, сендан буни сўраганим йўқ,
Кўрган, эшитганинг айлагил изҳор.

Д а г а р с а р б о з

Хўп, майли, тинглангиз кўрганларимни,
Мен Амир Темурга сарбоз тушгандим,
Аслида ўзим шу самарқандликман.

Н у р з о д

Калавий устодим... Сўзлайвер, Дагар!

Д а г а р с а р б о з

Мўғул хони Илёсхўжага қарши
Сайхун қирғоғида жанг* қилдик уч кун.
Зап кескин жанг бўлди, бунақа жангни
Мен яқин ўртада кўрмаганман ҳеч!
Ёмғир қуяр эди... кўпчиган отлар
Отилиб кетарди сирғалиб, тойиб,
Қалпоқдай учарди жангчилар ерга.

* Тарихда «Жанги лой» номи билан юритилади.

Лекин биз заррача парво қилмайин,
 Юракда бир олов гуруллаб, ёниб,
 Мўғулнинг адабин берардик роса.
 Жангу ҳарб тугай деб қолган бир пайтда,
 Ўнг қанот — Ҳусайн ёқ чекиниб қолди!
 Қарамай қочишди олди — ортига!
 Ичдан бузилмаса — қўшин енгилмас!
 Бизда ҳам қолмади кейин бир илож.
 Тум-тарақай бўлиб кетди сарбозлар.
 Тириклар кетишди тўши-тўшига...
 Менинг қочиб келиб турган ерим бу.

К а л а в и й

Самарқандга сўғиш бошларми мўғул?

Дағар сарбоз

Ҳафтага қолдирмас бу Самарқандни.

Нурзод

Бунчалар нафасинг совуқ бўлмаса.

Дағар сарбоз

(тўлғаниб)

Ха, шундай бўлади! Ўзингиз ўйланг
 Бу юртнинг на шоҳи, на гадосининг
 Бирор тайини бор! Ахир барчаси
 Ахталаб қўйилган! Қўйдан фарқи йўқ!
 Мўғул деса бўлди — қалтирар бари,
 На қадрин билади, на ғурурини!
 Бошида тош чакса бақрайиб турар!
 Йўқ! Йўқ! Ишонмайман бирор амирга,
 Бу юрт соҳибининг барчаси ўлган!
 Юртимизда эса кўп бўлди, э, воҳ!
 Боболарнинг руҳи қушдай чирқиллар!

(Йиғлайди.)

К а л а в и й

(Ўзига)

Ўт экан! Сарбоз ҳақ! Номард Ҳусайн,
Эл-юртни тўнғизнинг комига ташлаб
Ўзинг қочибсан-да! Боғланган този
Овга ярамас, деб шунга айтарлар.

(Дағар сарбозга)

Эр кишига йиғи ярашмас, сарбоз.

Дағар сарбоз

Не қилай, оқсоқол, юрагим куюк!

К а л а в и й

(Дағар сарбозга)

Дағар сарбоз, ўғлим! Агар барча эл
Сендай фикр қилса, ўйласа эди,
Юртда бўлар эди дорўломонлик!
Хуррият бўларди, бўларди Эрклик!
Тўғри айтдинг, сарбоз... Раият — ахта!
Отдан эшак ўзган мурдор замон бу!
Эл кўзин очмоқлик — бизларга қарздор,
Қолиб кетмас, дейман, элимиз шундай.
Ёнмаган — бировни ёндиролмас.
Эркингни излагил эл орасидан!
Мен сен билан, ўғлим, Нурзод сен билан,
Раият биз билан, мана кўрасан!

(Нурзодга)

Нурзод, жигарбандим! Пайт келди, дейман!
Ётган — ёвга ёқар. Энди ётмоқ, бас!

Ёмғирдан қолганин селга олдирмоқ
 Ожизлик, аҳмоқлик, тубанлик эрур.
 Ҳўкизнинг оёғи бўлгандан киши
 Бўлгани яхшироқ бузоқнинг боши!
 Денгиз довули бўл, саҳро бўрони,
 Хабар бер кечикмай сарбадорларга.
 Масжиди Жомега йиғилсин барча,
 Дагар сарбозни ҳам ўзинг бирла ол.

Дагар сарбоз

Ташаккур, оқсоқол, ишончингизга!
 Нурзод ва Дагар сарбоз чиқадилар.

Калавий

Нима тадбир қилғай Мавлонозода?
 Ҳатто қишда қорни қизғонадиган
 Девонбеги, қозикалонлар не дер?..
 Эҳтиёж — иштиёқ туғдирар мудом,
 Кенгашмоқ, кенгашмоқ, кенгашмоқ зарур!

(асабий)

Ўх, яна мўғуллар!.. Ўх, Илёсхўжа,
 Отанг ўлиб, сенга етдими навбат?!
 Мовароуннаҳрга юра бошлабсан.
 Нима қолган ўзи бу юртда бугун,
 Нечун бунча ғажаш бу қоқ суюкни?
 Қуруқ копни бекор ёрганинг билан
 Нима фойда берар? Эй золим фалак!

(сукут)

Бешак, бир кулгининг бир йиғиси бор...

Телба Сархон чопиб киради.

Телба сархор

Хоҳ-хоҳ-хо-о
 Кўкрагинг очиқ бўлса,
 Шамоллар эсиб турса...
(Калавийга)

Ҳой, мударрис, мударрис,
 Отингни ташлабсан-да,
 Қанчалар эди учкур,
 Қаноти эди қирқ газ,
 Билиб қўй, лекин бир кун,
 Ўлдирар сени мўғул.

(Алмойи ҳаракатлар ила)

Мен ҳам ўқишга келдим,
 Муллавачча бўлгим бор.
 Отимдан айрилганман...
 Бўжи келди, бўжи келди.

Калавий

Сархон, яна уйдан қочибсан-да сен,
 Мавлонозода эмас, Калавийман.

Телба сархор

Ҳа, оқсоқол... бу ерда,
 Хўш, нима пиширибди?
 Пахтангизни чанг босиб
 Ётибди-ку бозорда.
 Мен, ўқишга келдим,
 Бўжи келди, бўжи келди...

(йиғлаб)

Исобегим гўштин еб,
 Носирбегим гўштин еб,

Хотинимнинг гўштин еб,
Мўғул жуда чанқаган.
Сув беринг, сув — мўғулга,
Бўжи келди, бўжи келди.

(бирдан тўхтаб)

Кўкрагим очик бўлса,
Шамоллар эсиб турса,
Шунинг ўзи менга, бас...
Бўжи келди, бўжи келди...

Телба Сархон чиқади.

К а л а в и й

(хаёлга чўмиб)

Шўрлик Сархон, Сархон...

(тўлғаниб)

Сархон қисмати —
Ў, Мовароуннаҳр, сенинг қисматинг!
Сен бугун телбасан — билмайсан ўзни,
Ақлинг поймол, танинг мажак, бемурод.
Ўзингга ўхшайди фарзандларинг ҳам.
Зотан, ким қолди, айт, телба бўлмаган?!
Қайси бир кимсанинг ақли жойида?
Деҳқон йўқчиликдан девона бўлди,
Шоир, фозилларинг кетди тўрт томон.
Қуллар доим қуллар! Косиблар ҳоли
Қуллар аҳволидан эрур бешбаттар!
Аё, халқинг хароб! Берух, паришон!
Сени топтар ганим истаган пайти.
Ҳар бир вилоятда биттадан амир,
Ҳаммаси султонлик қилишар даъво.
Бири ичмак истар иқбол ҳавосин,
Бири етмак истар тахт висолига.

Шу боис, кутурган қашқирлар каби,
Ҳаммаси бир-бирин ейишар гўштин.
Харажу мараждур бошингда бу кун,
Бошбошдоқлик юрти — Мовароуннаҳр,
Ис босган бағрингда ким телба бўлмас!
Қандай яшагайдур бунда соғ ақл?

(сукут)

Ў-ў, шўрлик Сархон! Қадрдоним-эй..

(буткул хаёлга чўмиб)

Йилнинг боши эди* Мўғулистондан
Самарқандга Туғлуқ лашкарин тортди,
Хароб юртни тағин у қилди хароб.
Йилдирим мисоли бир йил ўтмасдан
Ўлганнинг устидан тепишган каби
Қайта кўшин тортди бадкирдор Туғлуқ.
Эл чидай олмади — кўкрак кўтарди,
Амир Баён Сулдуз бул Самарқанднинг
Номига амири эди ўшанда.
Эрмак эди унга офатихон май,
Айш қуши бошидан учмас эди ҳеч.
Тап тортмай шахд билан киришдик жангга,
Аммо ҳамжиҳатлик қаёқда, Тангри,
Муштдек тугилмади битта ерга куч!
Кўп ўтмай қамишнинг тўзғоғи мисол
Исёнкор эл тўрт ён тирқираб кетди.
Шу Сархон ва бизлар ўттиз-қирқтамыз
Қаршилиқ кўрсатдик сўнгги дамгача.
Кўп чидай олмадик, Туғлуқ лашкари
Бизни селдай босиб, янчиб ташлади!
Ўшанда шер каби жанг қилган Сархон,
Қаттиқ шикаст еди — бўлди ярадор!
Тангри бир ярлақаб, биз тирик қолдик,
Олиб қочдим уни Ургут томонга,
Бошқа йўл йўқ эди...

* 1360 йилдаги Туғлуқ Темирнинг Мовароуннаҳрга юриши кўзда тутилмоқда.

Бир ҳафтадан сўнг
 Сархон тузук бўлди — қаълага қайтдик.
 Қоп-қора тун эди... Ў, даҳшатли тун.
 Юрагим орқамга тортади ҳамон.
 Ёмғир қуяр эди, гўё осмондан
 Юлдузлар ёмғир бўп савалар эди.
 Шаҳар гўристондай ваҳмкор, жимжит,
 Биронта уйдан ҳам кўринмас ёруғ,
 Эшитилмас, ҳатто, итлар овози.
 Фақат совуқ шамол — ёмғирли шамол
 Юзга лой отгандек изиллар тинмай.
 Сархон ҳовлисига етдик амаллаб.
 Бирдан... бирдан... Сархон додлаб юборди.
 Мен аввал сезмадим бирор нарсани,
 Сўнг, кўрдим: ҳовлида — кўзим ўнгида
 Уч дорда... уч гавда чайқалар эди!
 Ў-ў шўрлик Сархон! қадрдоним-эй.

(Зарбону киради).

Кел, кел, Зарбону.

З а р б о н у

Ассалому алайкум
 Отам кирмадими мабодо бунга?

К а л а в и й

Кирганди ва лекин чиқиб кетди у,
 Эски қалъа томон кетди чамамда.

З а р б о н у

Доим шундай, зўрға эплаб боқаман,
 Пайт топди дегунча қочиб қолади.
 Шом ёки саҳарми унга барибир...

(тараддудланиб)

Узр, Нурзод оғам... У келмадими?

К а л а в и й

Келганди... мен унга айтурман албат.

(Зарбону чиқади. Калавий аввалги кайфиятда)

Мана, туш таъбири... Қўлим бўғзимда!
 Ва лекин тирикман — ётмайман қотиб!
 Раият, ишонгум, бош кўтарадир,
 Тул хотин ўчоғин ўти-чўғини
 Мўғул тортиб олган — кечирмайдир эл!
 Яланғочлар сувдан тойишмас, ахир!

У Ч И Н Ч И С А Х Н А

*Боғ кўча. Истеҳком. Раҳналарда қоровуллар. Узоқда Масжиди
 Жомеъ кўзга ташланиб турибди. Жанг либосида
 курашчи йигит ва қизиқчи йигит кирадилар.*

К у р а ш ч и й и г и т

Мавлонозодага қойил-е, жигар,
 Уч кун кўз юммади.

Қ и з и қ ч и й и г и т

Шунча серғайрат...
 Улусни рўйхатдан ўтказди буткул,
 Ҳатто мусофирлар рўйхатин олди.

К у р а ш ч и й и г и т

Уйланган, уйланмаганлар рўйхатин
 Нечун алоҳида қилишди экан?

Қ и з и қ ч и й и г и т

Ақлинг етмадими шунга, каллапўш,
 Серхатар жойларга уйланмаганлар,

Бундайроқ жойларга...

Курашчи йигит

Ҳа, ҳа, тушундим...
Бир иш бўлса... бола-чақа дегандай.
Ўзи уйланганми?

Қизиқчи йигит

Севганин, анови катта ҳарб-жангда
Туғлуқ Темир олиб кетган, дейдилар.
Онаси, синглиси бор экан фақат.

Курашчи йигит

Севганин қутқазиб олмаган нечун?

Қизиқчи йигит

Бу ерда бўлмаган, Ҳожа барлос-ла
Ҳарбу жангда юрган – жанглари севган!

Курашчи йигит

Нима бўлса ҳам кўп донишманд экан,
Саркубга қарагил, кўчабандларга,
Шаҳарнинг тўрт ёнин банд қилдирди-я!
Тулки ҳам ўтолмас қалъа ичига.
Ўн минг киши жангни кутиб турибди!

Қизиқчи йигит

Ўн минг, дейсанми?

Курашчи йигит

Ҳа, Амир Ҳусайн
Қолдирмаган шаҳар ҳимоясига

Лашкар тугул ҳатто доруғани ҳам.
 Лекин ўн минг киши йиғилгани рост.
 Жума куни, ахир, Жомеъ майдони
 Раиятга тирбанд бўлиб кетди-ку!

Қизиқчи йигит

“Қуръон”и шарифни тавофлаб, ўпиб,
 Қасамёд қилдилар жанг қиламиз деб,
 Барча жондан тўйиб кетган экан-да!
 Кўп сўзамол экан Мавлонозода,
 Қўлоғим остида жаранглар сўзи.

(Мавлонозодага тақлид қилиб)

Мусулмон жамоат! Сўзимни эшит,
 Катта хатар пайдо бошинг устида.
 Кофир босиб келар қора булутдай,
 Бу булут, ўйлама, ёмғир ёғар деб,
 Ул ўқлар отадур сенинг кўксингга!
 Болангнинг кўксига ўқлар отадур,
 Яксон қилар буткул хонумонингни!
 Божу хирож дея жузья* ундирган
 Тилининг тагида тили бор ҳудҳуд* —
 Амир Ҳусайн қочди номардлик қилиб.
 Сени ташлаб кетди тақдир ҳукмига,
 Раият демади, ўз бошим деди!
 Ёвинг кўп бешафқат! Қиёмат қилар!
 Мен жангга чорлайман!..

Курашчи йигит

Секинроқ, жигар,
 Дарров бошлайсан-да, бугун тинч юргил,
 Бошимиз балога қолмасин тагин.

* Жузья — жон солиғи.

* Ҳудҳуд — сассиқпопишак, бу ерда Амир Ҳусайн тожи ҳам ҳудҳуд тожидай гап маъносида киноя қилинмоқда.

Қизиқчи йигит

Нега қозикалон Саид Юсуфбек
Тарқошовлик қилди сулҳ тузамиз деб?

Курашчи йигит

Уларнинг мол-мулки етарли, ахир
Ва лекин Калавий боплади уни.

Қизиқчи йигит

(Калавийга тақлид қилиб)

Сулҳ, аҳднома, дейсиз, ул нима ўзи?
Раиятни алдаш, эрур, вақтинча.
Илёсхўжа сира кўнмайди бунга,
Ётники ҳамиша ёб-тўйгунчалик!
Азалги ёв-ёғий дўст бўлмас асло!
Туғлуқ Темир ўша, Илёси ўша,
Эшаги ўшаю тўқими бошқа!
Унга Самарқандмас бойлик, мулк керак!

(кулги)

Кейин Саид Юсуф ҳайқирди тагин.

(Саид Юсуфга тақлид қилиб)

Эй валломатлар, бас, аравани
От-улов тортмайди — арпа тортади,
Мулк керак бўлса гар йиғиб берамиз!
“Сулҳ яхшироқдур*” — Энг тўғри йўл шу!

Мавлонозода-чи, Мавлонозода...

(Мавлонозодага тақлид қилиб)

* «Куръон»дан

“Қаерда бўлмангиз, сизларни ўлим —
Қидириб топгайдир...”* — бунга не дерсиз?..

Курашчи йигит

Бас қил, масхарабоз! Жондан тўйдингми?
Сенинг учун улар кулги бўлдимми?

Қизиқчи йигит

Саид Юсуф бизга қўшилмади-ку,
Ўша кун кенгашни ташлаб кетди у.

Курашчи йигит

Ҳа, унга қўшилди уч-тўрт акобир.

Қизиқчи йигит

Лекин эл тарафда қолди шайхийлар,
Қози улардан ҳам аразлади-я...
Қизиқ, ҳозир нима қилмоқда экан?

Курашчи йигит

Қозилар йўлини топар ҳамиша.

(кўкка қараб)

Вақт бўлиб қолди, мен жойимга бораёй.

Қизиқчи йигит

Мен ҳам кетдим, омон бўлгил, биродар.

*Кетишади. Мавлонозода, Бухорий, Калавий, Нурзодлар киришиб,
саркуб устига кўтариладилар.*

* «Қуръон»дан

Мавлоноза*(шаҳарни кузатиб)*

Ғалати сокинлик бутун шаҳарда,
Жанг олди одатда шундай бўлади!

Бухорий

Ана, тийрандозлар, кўраяпсизми,
Саф тортиб ётишар ўнгу сўл бўйлаб?

Калавий

Ишорага маҳтал қиличбозларим!

Мавлоноза

Энди гап, ёвларнинг бу Боғкўчага
Кириб келишида қолди, чамаси!

Калавий

Шаҳарнинг ичига бошқа йўл йўқ-ку?
Келиб тушадилар ушбу қопқонга,
Сиз бунда бемалол кутиб олурсиз!

Мавлоноза

Тангри қувват берсин йигитларимга!

Бухорий*(сокин)*

Бу “қопқон” ёдимга солди, кўрганим,
Ургут тоғидаги алқорқамокни.

(сокин)

Ажойиб тошқамоқ... Тоғнинг устида
 Кенг, каттакон яйлов: уч тарафиндан
 Қўл билан қургандек тош-ла ўралган.
 Яйловда бел бўйи ўтлар ўсади
 Кийикўт, дейсизми, айиқтовонми,
 Қайинтовуқ, қоқи, телпакўт, қатрон,
 Ҳатто равоч ҳам бор ва лекин биллоҳ,
 Қизлар сочи каби бўғдойиқ мўл-кўл.
 Наъматак, бодомча, учқат, ирғайлар
 Барглари шилдираб ётибди ўсиб.
 Улар илинжида алқорлар тўп-тўп
 Кириб келишади... овчилар эса
 Пойлаб "дарвоза"ни эгаллашар-да,
 Бемалол, шошилмай овлар уларни.

Мавлоноза

(кулиб)

Бугунги овимиз алқорлар эмас!
 Бирин-кетин *Шайх Исомиддин, Сиёб ота, Мирзо
 Соҳиб, Қул Чобуклар* кирадилар.

Қул Чобук

Отлиқлар тайёрдур ишорангизга,
 Нафасидан олов ёлқини келар.

Шайх Исомиддин

Барча илми толиб сарбадормиз дер!
 Ғалати ўт улар қонида қайнар.
 Ботирлар қўлида синиқ игна ҳам
 Айланмоғи мумкин олмос ханжарга!

Мирзо Соҳиб

Улар жанг қилмоқчи сарбадорлардек!

Мавлонозода

Балли! Энг аввало, илм аҳли учун
Илм муборакдир, мўътабар эрур
Ва лекин илмдан-да юксак — Ватан бор!
Ки, Ватан тақдири илм тақдиридур!

Сиёбота

Аҳли зироатнинг ғазаби чексиз!
Сел келмай, тўғон кур — деганлари шу!

Мавлонозода

Демак, эл оёқда! Ғазаб ўтида!
Ғазаб агар ақл ҳосили эрса
Ҳар қандай гов-тўсиқ кунпаякундир!

(ҳаммага)

Ҳаммаси жойида, тайёрсиз, демак!

Дагар сарбоз киради.

Дагар сарбоз

Ёғийлар Сиёбга яқинлаб келди,
Жуда бежавотир келишар улар!

Бухорий

Мантиқ илми айтур! Агар мақсадда
Мавҳумлик бўлса гар — суян мантиққа!..
Ўзига ишонган бу Илёсхўжа
Ғалаба шавқи-ла келар бемалол!
Ўйлаган: ёв йўқ, деб бул Самарқандда!

Мавлонозода

Оллоҳим ёр бўлсин! Ҳамма жойига!

*(Мавлонозода, Дағар сарбоз ва Нурзоддан бошқа
ҳамма чиқади).*

Фармонимни кутинг!

(сукут)

Нақадар жимжитлик!
Кел, кел, Илёсхўжа! Ёвни ҳеч қачон
Бундайин бемалол кутмагандурман.
Юрагим сезмоқда: ғалаба равшан —
Раият қаҳрики шунчалар қаттиқ!

Дағар сарбоз

(кузатиб)

Ёғийлар йўналди дарвоза томон!..

Мавлонозода

Кўраяпман, киришди кўча бошидан!

(ўз-ўзига)

Киравер, киравер!..

(бирдан жиддий)

Сезиб қолдими?..
Нечундир безовта! Сўнггиси ҳали
Кўчага киргани йўқ?!

(хайқириб)

Ноғоралар!!!

(Нурзод ва Дағар сарбоз чиқишади. Ноғоралар овози еру кўкни тутати. Қилич, қалқонлар шарақлаши, шовқин-сурон, “урҳо-ур”, “чопҳо-чоп”, “бўшашма”лар авжига минади. Мавлонозода саркуб ортига қараб)

Йигитлар! Чиқинглар, кўрсатинг ўзни!
Эл-омон жанги бу! Имон жанги бу!

Мавлонозода белидаги шамширини олиб, баланд кўтариб, саркуб орқасига отилади.

Саҳнага Мавлонозода сарбозлари ва мўғул навкарлари қилич-бозлик қилиб киришади. Бу ҳолат анча вақт давом этади, улар жанг қилишиб чиқадилар. Яраланган Илёсхўжа, Ясовул ва бир неча нўён жонҳолатда кирадилар.

Ил ёсхўжа

От... от... келтир, аблаҳлар!
Унутдингми мўғул хонин қаҳрини?
Қонингни ичаман ҳаммангнинг... аблаҳ!..

Биринчи нўён

Оҳ, қириб ташланди қўшиннинг ярми.

Ясовул

Кетайлик, хоқоним, кетайлик бундан.

Иккинчи нўён

Тегинбекни асир этишди ёвлар.

Ил ёсхўжа

Биламан, от келтир, деяпман сенга!

Чиқадилар. Нурзод чоғиб киради.

Нурзод

Ёғий қочмоқда!.. Ёв...

Нурзод чиқади. Қул Чобук киради.

Қул Чобук

Ғаним қочмоқда!

*(Мавлонозода ва Сиёбота иккинчи тарафдан
киришади).*

Ёғийлар қочмоқда! Рухсат бер, саркор,
Қуғиб бориб уни қилурмиз яқсон!

Мавлонозода

Қуённи пайқамас кийик қувганлар!
Шошилманг! Йўқ, қувманг! Хийла эрур бу!
Бу хийла ўтмайди — ҳаммаси маълум!
Кенг майдонда жангга чорламоқдалар.
Бу жанг бизга тўғри келмайди, қувманг!

ТЎРТИНЧИ САҲНА

*Жангнинг иккинчи куни. Самарқанд яқинида лашкаргоҳ. Илёсхў-
жа ва бизга таниш нўёнлар кирадилар.*

Илёсхўжа

Бугун ҳам енгилдик... Ишониб бўлмас!
Наҳотки ғалаба қилди қора эл?!
Сув ичирмаганга сут ичирган эл!
Қани боболарим қўллари, қани?
Уларнинг арвоғи ўрмасми мени?!
Иш бермади ҳатто хийла-ю, макр,

Нахот қўлдан кетди Мовароуннаҳр?!
Шаҳид бўлди нахот икки минг навкар?!.

Биринчи нўён

Ҳа, шундай, хоқоним, ҳисоблаб чиқдик.

Илёсхўжа

Қандай қилиб ғаним ғалаба қилди?

Иккинчи нўён

Мен битта асирни сўроқ қилгандим,
Ул айтди, қалъада эл кўтарилган, —
Етти ёшдан етмиш ёшгача бари.
Шаҳар мадрасасин бош мударрис
Ва яна қандайдир сарбадорларми...
Уларга сарварлик қилибди, хоқон.

Илёсхўжа

Сарбадорлар... Ё раб? Нима деялсан?
Улар Хуросондан келишибдими?

Биринчи нўён

Хоқоним, мен айтай. Бу сарбадорлар
Икки йилки пайдо бўлибдир бунда
(Икки йилки, биз ҳам келмадик, ахир!)
Бойларни, бекларни таларкан улар,
Ҳаттоки амирлар қўрқишар экан.
Бойўғлидай тунлар қиларкан босқин.
Талаба, йўқсиллар ва хурмандлар
Хайрихоҳ эканлар сарбадорларга.
Худди шулар бизга элни кўтарган...

Ил ёсхўжа

Энди аён бари – бу сарбадорлар
Хуросонда пайдо бўлишган асли.
Томир отибдилар, демак, бунда ҳам...

Иккинчи нўён

Хоқоним, бир қошиқ қонимдан кечинг...

Ил ёсхўжа

Сўзла!

Иккинчи нўён

Оралабди отларга ўлат,
Шундай хабар айтди бизга сайислар.
Тезроқ йўл олмоқлик керак юрт сари.

Ил ёсхўжа

Ох, Танграм! Нима гап? Шу етмаганди.
Юз бурдингми биздан, Оллоҳи карим?
Овчининг армони кўп бўлар тоғда,
Менинг армонларим Жайхун, Сайхунда!
Боболар эгалик қилган бу юртдан
Мени сарбадорлар, ўлат қувмоқда.
Мажбурман бошимни баркаш қилмоққа,
Тоғдайин елкамни обкаш қилмоққа!
Менга кундай маълум бўлмоқда ҳозир,
Бугунги жангимиз сўнгги жанг эрур!
Жайхундан, Сайхундан юз йиллар оша
Сувлиқсиз сув ичган мўғул отларин
Шу бугун тугади насибалари...

БЕШИНЧИ САҲНА

Катта майдон. Кун пешиндан оққан. Раият жам. Калавий, Мавлонозода, Бухорий, Шайх Исомиддин, Мирзо Соҳиб, Сиёб ота, Дағар сарбоз, Нурзод ва бошқалар раият билан аралашиб кетган ҳолда кўринади.

Овозлар

...Балли, Мавлонозода!
 ...Яша, Калавий!
 ...Балли!
 ...Қул Чобук, қул эмас! Ҳақиқий сарбоз!
 ...Биз — сарбадорлар!
 ...Жанг туғалган йўк!
 ...Беклар олиб қочди ўзни сўғишдан!
 ...Ўт қўюрмиз Саид Юсуф уйига!
 ...Аёён-ақобирлар бошин кесурмиз!

Мавлонозода

Раият! Ғалаба нашъасини сур!
(Тўртта йигит даврандан ажралиб чиқиб, қарсак остида қўшиқ бошлайди).

Тўрт йигит

Тушга кирмас нималар,
 Ёвлар нима демайди?
 Биз ўтказган умрлар,
 Жўра, қайтиб келмайди.
 Ўйна, хо, ўйна!

(Бир тўп йигитлар ўйинга тушади.)

Қайга шошар тентак сой,
 Товни кўзга илмайди.
 Бу кўркемлик, бу чирой,

Жўра, қайтиб келмайди.
Ўйна, хо, ўйна!

*(Ўйинга Калавий, Нурзод, Қул Чобуклар
қўшиладилар.)*

Ирганади ирғайлар,
Томирлар зирқиллайди.
Ўқдай учар қирғийлар,
Бу шашт қайтиб келмайди.
Ўйна, хо, ўйна!

Тангиларнинг тошини
Зулфиқорлар тилмайди
Ғоз тутгил-эй, бошингни,
Бошлар қайтиб келмайди!
Ўйна, хо, ўйна!
Ўйна, хо, ўйна!

Учта йигит

(Иккинчи қўшиқни бошлайди).

Бўри қочди, бўри қочди...

(Бир йигит бўри тарзида даврани айланиб қочади.)

Бўри қочди, бўри қочди,
Урхо-ур, урхо-ур!

Бўрининг қорни очди,
Урхо-ур, урхо-ур!

Қайга қочиб боради,
Урхо-ур, урхо-ур!

Сенинг молинг ёради,
Урхо-ур, урхо-ур!

Сенинг молинг нимадир,
Урхо-ур, урхо-ур!

Молинг — элинг нимадир,
Урхо-ур, урхо-ур!

(Навбатда икки чечан ўртага чиқишади.)

Биринчи чечан

Эл билмаганини кексасидан сўрайди.

Иккинчи чечан

Биров йўлдан адашса кимдан сўрайди?

Биринчи чечан

Юргандан сўрайди.

Иккинчи чечан

Юрган адашса кимдан сўрайди?

Биринчи чечан

Кўргандан сўрайди.

Иккинчи чечан

Кўрган адашса кимдан сўрайди?

Биринчи чечан

Кўпдан сўрайди.

Иккинчи чечан

Кўп адашса кимдан сўрайди?

Биринчи чечан

Донишманддан сўрайди.

Иккинчи чечан

Донишманд адашса кимдан сўрайди?

Биринчи чечан

Донишманднинг кўзи кўр бўлмаса
Нимага адашади?

Овозлар

...Офарин, чечанлар!
...Асло кам бўлманг!
...Донишманднинг кўзи кўр бўлмасин ҳеч!

Қизиқчи йигит

(даврандан чиқиб).

Халойиқ, муаммо!.. Кимнингки боши
Сойнинг тоши эмас — ечар муаммо!

(жимлик)

Бир жуфт булоғи бор, бир жуфт ирмоғи,
Дараси биттадур, қояси битта!

Овозлар

...Тоғ!
 Йўқ!
 ...Ўтов!

Қизиқчи йигит

...Йўқ! Йўқ! Юрт бердингизми?

Калавий

Юрт бермоқ нодонлар ишидир, элим!

(сокин)

Бу — киши юзи! Жуфт булоғи — кўзлар,
Жуфт ирмоғи — мўйлов, дараси — оғиз.
Яккаю ягона қояси — бурун!

Қизиқчи йигит

Топдингиз, оқсоқол! Эл, яна, эшит!
Ёвни енгганларнинг боши тош эмас,
Асалари ини — асалга макон!

(енгил кулгу)

Қўнғироғу, лекин жарангламайди,
Ранг-рўйи сап-сарик — дарддан сап-сарик!

Овоз

Шу ҳам муаммоми? Қизиқроқ айт-да?
Менинг боғимдаги нашватидир бу!

Қизиқчи йигит

Яша, нашватингни танир экансан!

(кулгу)

Даврага икки полвон чиқиб, кураш тушади.

Қизиқчи йигит

Ёвдан қочур булар!.. Дўстлар ичида
Кураш тушар икки такага ўхшаб!

Раият

Гумбирлагил қалдирок,
Чақинлар чақ, чақинлар.
Кетаверсин сур, қўрқоқ,
Келсин ботир, яқинлар!
Гумбирлагил, қалдирок...

Парда

II ПАРДА

БИРИНЧИ САҲНА

Катта майдон. Дорлар тикланиб, саллалар, тақялар, кулоҳлар осилган. Уларни раият тошбўрон қилаётган ҳолатда парда очилади.
«Биз — сарбадорлар!», «Яшасин сарбадорлар!» деган ҳайқириқлар еру кўкни ларзага солади. Калавий, Бухорий, Сиёб ота, Қул Чобук — раият ичидан ажралиб чиқиб келадилар.

Калавий

Сарбадорлар қадасин ўтказдик, мана,
Биз энди очикча жангга киришдик.
Раият талаби амри вожибдур.
Етар шунча зулм, тепкилаш, хорлик,
Очлигу, мутелик, зорлик... бари бас!
Самарқанддан ёвни қувдик батамом,
Амиру ҳокимсиз қувдик уларни.
Подшоҳлик — қонхўрлик, тугади бари!
Шаръий ҳокимият энди бизники.

Керак эмас бизга ҳокиму амир,
 Ҳокимият энди элники буткул,
 Ҳамма баробардур тангри олдида!
 Раият, эшитгил қатъий сўзимни!
 Катта ёв — чет ғаним тугади, аммо,
 Ичингдаги ғаним тугагани йўқ!
 Кўл номин балиғи, Ватаннинг номин
 Ботир, баҳодири чиқарган азал,
 Эркинликни азал яратган улар!
 Эр-азаматлар ҳеч маҳал кўқдан
 Осилиб тушган эмас — эл-юртдан чиққан!
 Гувоҳсан! Ел турар — эл пуфласа гар!
 Зилзила турадур — тепинса, магар!
 Ялиниш-ёлвориш билан иш битмас,
 Ҳарбу зарб ва кураш ёлғиз нажотдир!
 Бизлар суянурмиз яна ўзинга!
 Халқ эмас! — Ватанин ва болаларин
 Келажаги учун қайғурмаган халқ!

(қироат билан)

Ҳақ йўлинда оқмаган қон қон эмас,
 Хур яшаб билмас инсон инсон эмас!

(Қул Чобукка)

Олиб чиқ уларни улус ҳукмига!

*(Қул Чобук чиқади ва бир неча сарбадорлар билан тўртта
 акобир-аъённи олиб қиради. Калавий ҳар биттасининг ёнига
 бориб, таъкидлаб)*

Сизга деҳқон ким? Деҳқо-он қирчанғи,
 Истасангиз уни минурсиз босиб,
 Арава тортгайдур — истасангиз гар!
 Таблада сақлайсиз сувлигин ечмай —
 Истак бўлса шундай юрагингизда!
 Истасангиз сўйиб гўштин еюрсиз!

Йўқ! Дехқон — Ер тангриси! Худди шундай!
 Сувга яқин — тангри, дейишар, ахир.
 Ким у сувга яқин? Дехқонми ё сиз?
 Ҳа! Шубҳасиз, деҳқон! Ки, демак, деҳқон
 Ердаги тангридур! Эрта-кечин у
 Ризқ-рўз ундирар, буғдою дон-дун!
 Бўри ов кутадур! Сиз-чи, сиз хирмон?..
 Ҳа, сизлар бўридан йирткичроқ бўри!

(сукут)

Дехқон арна қазур, қазийдур арик,
 Сувин ичган ким? Сиз! Сиз ақобирлар!..
 Мухтарам деҳқонни, назарингиз-ла
 Қирчанғи дедим мен, тўғри айтдим, ҳа,
 Арава тортгай у! Лек араванинг
 Қўланкасида ётган ит — сизларсиз!

(сукут)

Косиб ким? Бир тўда! Шундай ўйлайсиз!
 Балолардан ҳазар қилмайсиз, аммо,
 Аҳли ҳунарманддан қилурсиз ҳазар!
 Чунки улар қўли қора, дағал, кир.
 Ва лекин бу қўллар яратган ҳалол
 Мулкларга соҳиблик қилурсиз озод!
 Беш вақт намозни тарк этмайсиз, илло,
 Фарқиға бормайсиз ҳаром-харишнинг!
 Бемағиз писталар! Бир ёлғиз илон
 Бир уй кишиларин тинчитмагайдир!
 Сиз эса бутун бир юрт раиятин
 Тинчитмайсиз! Уни номахраманинг
 Қўкрағи синғари эзиб эмасиз!

(Қул Чобукни кўрсатиб)

Мана, бу Қул Чобук! Қул, дейсиз уни!
 Ер топса уруғ топмайдур бу қул,
 Эчкиси ўлса гар, топмайди пичоқ!

Лекин, биласизми, худди шў қул, қул
 Сиздан қанча баланд! Кеча юрт ёвин
 Қанча нафрат билан жазолади у?
 “Чанқадим” дер эмиш улкан денгизда
 Эмин-эркин сузган бир турли балиқ!
 Сизни тобут тузатгай! Йўқ! Йўқ! Сизни
 Дор тузатгай! Тикка қилгай қаддингиз!

(хаммага)

Сарбадорлар ҳукми?..

Сарбадорлар

Ҳукмимиз — олий!..

Биринчи ақобир

Калавий, гапириб бўлдингиз чоғи,
 Чин мулк, бойлик — имон бойлиги, аён!
 Сиз буни унутиб қўймаёпсизми?
 Ҳай беринг шайтонга, сўнг бўлманг пушмон.

Калавий

От тилининг узун, одам тилининг
 Калтароқ бўлгани яхшироқ, дейман.
 Сиз имон ҳақида сўзламанг менга,
 Илон пўст ташласа ҳамки илондир.

Иккинчи ақобир

Ҳай беринг шайтонга, Бақр Калавий!
 Шоҳлар ўликларни тирилтиролмас,
 Аммо тирикларнинг жонин оладир.

Үчинчи акобир

Мушуклар йўқ жойда, сичқонлар ҳоким...
Биз сизлардан ибрат олмаймиз, бироқ,
Куч-қудратингизга тобунмиз ҳозир.
Шайтонга ҳай беринг, Бакр Калавий!

Аъён-акобирлар

(бирга)

Шайтонга ҳай беринг, Бакр Калавий!

Калавий

(сарбадорларга)

Кулдан қўрғон бўлмас, кепакдан — хирмон.
Оғоч чала ёнса кўзни кўр қилар.
Шафқат йўқ буларга! Олиб чиқинглар!

Уларни олиб чиқишади. Нурзод Дагар сарбоз бошлиқ бир тўда
сарбадорлар Саид Юсуф ва
Тегинбекни олиб киришади.

Нурзод

(Калавийга Саид Юсуфни кўрсатиб)

Қочирмоқчи экан Илёс ноибин,
Бизлар сезиб қолиб пайтида босдик!

Калавий

Ҳа, қозикалон, шунақаман денг?
Кимга бармоқ керак, кимга тирноқ, хўш?..

(ўзига гапиргандай)

Бу қандай бадбахтлик!.. Бу не разолат?
 Бир кўз билан ёш тўкиб, бир кўз билан, оҳ,
 Им қоқар ёвига — эл душманига!
 Ўзи миниб турган қайиғин тешар?!
(раиятга)

Бўлди, бас, раият, иккаласи ҳам
 Ҳукмингни кутадур, одил ҳукмингни!

Р а и я т

Сарбадорлар ҳукми! Ҳукмидир — вожиб,
 Ўлим бебурдларга — юрт ёвларига!

Саид Юсуф

(Калавийга)

Қандай журъат қилдинг! Мен — қозикалон!

К а л а в и й

Инсон келар экан ушбу гардунга,
 Кўзин очмай, очиб келадур оғзин.
 Ва лекин юртга ёв босиб келганда,
 Оғизнимас, кўзни очмоқлик лозим!
 Қозикалон бўлсанг, жангнинг бошида
 Турмоқ лозим эди, хоинлик қилдинг!

Саид Юсуф

Бекники — бежоғлик! Амир Ҳусайн
 Менга фармон беришга ҳақлидур фақат!
 Белбоғинг етмайди менинг белимга,
 Тўним сенинг учун тордур, Калавий!

К а л а в и й

Саксовул шамшодман дермиш саҳрода!

Сиёб ота

Бизга ҳоким эмас Амир Хусайн!

Калавий

(қатъий)

Сарбадорлар ҳукми этилсин ижро!

Уларни олиб чиқишади. Мавлонозода киради.

Мавлонозода

(Калавийга)

Кимларни ҳибсда олиб кетишди?

Калавий

Хоинларга ўлим жоиз азалдан!

(Бухорийга)

Устод Бухорий: кечаги "Машварат",
Яъни "Улуғ Машварат" маслаҳатин,
Раиятга шоён қилмоқ керакдур?

Бухорий

Самарқанд элин "Улуғ Машварат"и
Шундай бир маслаҳат қилди, раият!
Ушбу "Машварат"ни ишлаб чиқишда
Сабзавор давлатин олий ишлари
Дастурлуғ ўтади — тўғри деб топдик!
(Раият ичида жонланиш.)

*Шайх Исомиддин ва Мирзо Соҳиб киришиб,
бир четда турадилар.*

О в о з

У қандай “Машварат”, очикроқ сўзланг!

Б у х о р и й

Сабзавор давлатин “Кенгаш”и каби
 Ва, яъни, давлатни “Машварат” аҳли —
 Юртпарвар, элпарвар катта жамоат
 Кенгашиб бошқарар раият билан!
 Халқ бирлигин, эл тенглигин, тинчлигин
 Таъмин этар ўзин хонадонидай,
 Ҳеч кимга зиёда имтиёз бўлмас!
 Билурсиз хон, шоҳлар азол-азалдан
 Кўтарилган қараб шажарасига!
 Хон ўғли — хон эди. Бек ўғли-чи, бек...
 Энди бундай бўлмас, раият, англа,
 Эл-юрт кимни дерки, ўшадир сардор!

Р а и я т

Наҳотки бошимизга офтоб кўнса?!

Б у х о р и й

“Машварат” ҳайъатин, эшитинг энди!

Кўйнидан қоғоз олиб ўқийди:

*“Мавлонозода, Калавий, Бухорий, Сиёб ота, Мирзо Соҳиб, Шайх
 Исомиддин, Қул Чобук, Нурзод, Дағар сарбоз, Мулла Олим, Суюн
 мерган, Мирзабой, Норбой, Қўёғелди оҳангар, Оллоёр боғбон, Ақад
 чавандоз, Аширмат полвон, Суюшхўжа, Чурагаймирзо, Шомонмирзо,
 Бегиҳийро, Холмат кўрчи, Чўянқалтак, донишманд Қирошар, бобо Бўга!”*

Қадрли раият, буларнинг бари,
 Икки кунлик жангда синовдан ўтди!
 Уларнинг хизматин яхши билурсан,
 Қандай раёинг бўлса, айтгил, раият!

Р а и я т

Кўп маъқул бўлибдур “Машварат” аҳли!

Б у х о р и й

Омин!

Р а и я т

Омин!

Б у х о р и й

Сарбадор давлати этилсун бунёд
Ва унинг таянчи Самарқанд бўлсун!

Р а и я т

Омин!

Б у х о р и й

“Машварат” доимо раият билан
Давлатни бошқарсун бир тану бир жон!

Р а и я т

Омин!

Б у х о р и й

“Машварат” сардорин ўзинг сайлагил,
“Ҳайъат” кўрсатур: Мавлонозодани!
Ардоқли мударрис — ислом таянчи,
Ярми муридидир Самарқанд аҳлин,
Унга эътимоди баланддир ғоят.

Овозлар

...Жуда тўғри!
...Жуда тўғри ўйланган!

Бухорий

Балли! Демак, сардор Мавлонозода!

Раият

Минг-минг раҳмат сизга! Раият — рози!

Бухорий

Раият розики, демак, Ҳақ — рози!
“Машварат” фармони — Ҳақнинг фармони!

Мавлонозодага кўлидаги қоғозни беради.

Мавлонозода

(ўртага чиқиб)

Раият! Ташаккур! Эшитгил энди.
Ҳар қандай давлатки тирик, барҳаёт,
Мустаҳкам қўшину интизом билан.
Калавий деб топдик сипоҳсоларни!*

Раият

Омин!

Мавлонозода

Қонун айлантлар, ҳар бир давронда,
Ҳур инсонни қулга, қулни султонга.

* Сипоҳсолар — қўмондон.

Қози одил эрур — эл эрур рози,
Донишманд Бухорий — қози, дедик, биз!

Раият

Омин!

Мавлонозода

Мирзо Соҳиб қолгай ўз дастурида...
(Раият жим.)

Мавлонозода

Жамоат, эшитгил! Сардорлик сўзим:
Бошқа ҳамма дастур, хизматларга биз,
Тайин қиладурмиз муносиб одам.
Барчасин “Машварат” ҳал қилгай биллоҳ!

(қўйнидан бошқа қоғоз олиб)

Энди “Машварат” фармонин эшит!
Жузя бекор эрур шу бугунданоқ!

Овозлар

...Жонимизни сўв қилиб ичди жузя!
Кўкракка ел тегар кун бор экан-ку!

Мавлонозода

Ислоҳат қилингай барча қонунлар,
Бож, хирож, ўлпонни камайтиргаймиз.
Қулларга эркинлик қилурмиз инъом!..

Раият

Омин!

Мавлонозода

Ваъдалар ҳосилин олурсиз тезда!
 Ҳозир эса... ёвдан олинган ўлжа
 От-улов, мол-мулклар бўлиб берилар,
 Ҳисоблаб чиқилди улар ҳаммаси!
 Икки мингга яқин отларнинг ўзи...

(тўхтаб)

Саид Юсуф, беклар, барча аъёнлар
 Ерлари, мулклари хатлаб берилар;
 Тақсимда тартибот сақлансин қатъий!

(ўз-ўзига гапиргандай)

Хайргоҳ, кўприклар, йўллар қурурмиз,
 Қалъанинг деворин тикламоқ лозим,
 Ариқ, ҳовузларни қазимоқ даркор,
 Карвонсаройларни тузатмоқ керак!
 Тижорат, бозорлар юмуши бисёр...

(раиятга қараб)

Дил ба ёру, даст ба кор ва яъниким,
 Дил Аллоҳу қўл иш билан банд бўлсун!

Р а и я т

Омин!

*Шайх Исомиддин ва Мирзо Соҳибдан бошқа
 ҳамма чиқади.*

Шайх Исомиддин

Водариг! Нималар бўлмоқда содир?
 Самарқандда Сарбадорлар давлати...
 Подшоҳсиз, амирсиз давлат... бу нима?

Ақлин ебди Мавлонозода
 Қўшилиб Калавий, Бухорийларга!
 Бу нима деган гап?.. Ҳамма тенг эмиш...
 Йўлбарс йўлбарс, ахир, чибин чибиндир,
 Қарғанинг қаноти бўлса ҳам қарға
 Бургут итолғига бўлолмас сирдош,
 Эл-юрт сўраб келса Амир Ҳусайн
 Не жавоб қилгайкин Мавлонозода?

Мирзо Соҳиб

Ҳазратим, мен... мен ҳеч нарса билмайман...
 Ким юрт тепасида... қулиман унинг.
 Мен жуда кичкина одамман асли...
 Қозон-товоғим бор, бола-чақам бор...

Чиқади

Шайх Исомиддин

Қозон-товоғинг бор, бола-чақанг бор...
 Юзинг йўқ, турқинг йўқ, афт-ангоринг йўқ...

(бирдан қаҳқаҳа уриб)

Сарбадор давлати... Ҳамма теппа-тенг...
 "Улуғ Машварат"... хоҳ-хоҳ-хоҳ-хоҳ-хо...

(тўхтаб)

Бургутга ташланур кутурса тўрғай...
 Хоҳ-хоҳ-хоҳ-хо-хоҳ...

(жиддий)

Нима бўляпти ўзи?

ИККИНЧИ САҲНА

Масжиди Жомеъда бир ҳужра. Мавлонозода ёлғиз.

Мавлонозода

Менга нима бўлди? Жуда кўнглим ғаш.
 Ҳеч нарса ёқмайдур? Йўқ, ёқмаяпти!
 Бундай бўлишлигини ўйлаганим йўқ,
 Фақат ёвга қарши раҳнамо эдим.

(сукут)

Уч ой ўтиб кетди... Хўжа кўрсинга
 Сардорман... сардорман! Бакр Калавий
 Сарбадорларнинг чин сардори эрур!
 Уни қўлламоқда Бухорий устод,
 Мен қайси тарафда, билмайман ўзим!
 На ўзимга энман, на бировга бўй?..

(сукут)

Миёнкал ёнмоқда, ёнмоқда Ургут,
 Рабинжон улуси турди оёққа!
 Вилоят, касаба, кентлар ёнмоқда,
 Жонин сақлай олмай қолди саидлар,
 Имому мингбоши, солиқчи, тарлон.
 Молу ганжин тортиб олди уларнинг,
 Бўлишиб беришди барчасин элга!
 Бирлик-тириклик деб шуни айтаркан!

(сукут)

Ё Танграм, нажот бер, нажот бер, ўзинг!
 Боғ кўрмаган кимса боғнинг ичига
 Кириб қолса пайҳон қиладур тамом.
 Оҳ, бутун музофот ғарқоб ичинда!

(сукут)

Ташдан ғаним келса даф қилмоқ осон,
Ўзингдан чиқса гар мушкул муаммо!

(сукут)

Наҳотки, Калавий, хон ўрнин босса?..

Сайёҳ киради.

С а й ё х

Сизга хат келтирдим — Мавлонозода,
Сабзавордан Ибн Йамин* йўллади!
Билурсиз, ул киши сарбадорларнинг
Барча ишларига хайрихоҳ доим.
Сизни танимайдур, эшитган аммо.
Таҳсинга сазовор ҳаракатингиз,
Офарин айтмоқда Сабзавор аҳли.
Сўнгги мўғул хонин даф қилиб юртдан,
Бошлаб юборибсиз сарбадорликни.
Бундан йигирма саккиз йил муқаддам
У ерда ҳам аҳвол худди сизларнинг
Юртдаги сингари аянчли эди.
Мўғуллар арава, эл-юрт — қирчанғи,
Мўғуллар осмону эл-юрт-чи тупроқ.
Динсиз бебурдларнинг устига-устак
Ўзимизнинг қўйфеъл оқсуяқларнинг
Қирғин, сотқинлиги эди ортиқча.
Унутаи дегандик ўз тилимизни —
Тўти бўлмоқликка оз қолган эди!

(хатни беради)

Мен кетайин энди — йўлдадур карвон.

* Ибн Йамин ал-Форйўмадий — машҳур шоир, Хўросон сарбадорларининг оташин куйчиси

Мавлонозода

Салом етказингиз биздан ул зотга.
 Ғоят ҳурмат қилур Самарқанд ахли.
 Унинг ғазаллари Хуросондан то
 Бизнинг ерларгача маълуму машҳур.
 Айниқса, Самарқанд талабалари
 Унинг ҳар байтини билишар ёддан.
 Экинчи ва ҳатто қуллар ҳам бугун
 Имон каби жойлаб олган қўксига!
(Ибн Йамин ал-Фарӣӯмадий рубоийсини ўқийди.)

Этди фалак жабри мени ойнагун,
 Ки тошни ҳам дил фарёди айлади хун.
 Айладим минг қайғу бирла кундузни кеч,
 Не каромат кўрсатур гардун бу кун?

(сайёҳ чиқади)

Яхши, ёмон пайғом — бари учқур, тез,
 Хабарлар етибдур Сабзаворга ҳам!

(хатни очиб, ўқий бошлайди).

...Муборақбодлабди сарбадорларни!
 ...Менга қуллигининг поёни йўқдур!
 ...Эл-юрт түзсин, дебди, ўз давлатини!..

(сукут)

Хўш-хўш, қандай қилиб? Мустаҳкам давлат
 Түзиб бўлар, ахир, шу авом билан!..

(сукут)

Йўқ, менинг қўлимдан келмайдур бу иш?

(безовта)

Ўзимни, ўзимни... англамоқдаман!..

(сукут)

Ёв билан курашиш буткул бошқа гап!..

Шайх Исомиддин талвасада киради.

Ш а й х И с о м и д д и н

Уйимга ўт кўйди қутурган итлар,
Тортиб олишдилар бору йўғимни.
Раззоғу Холбекнинг мол-мулкини ҳам
Талон-тарож қилди баттолларингиз!
Биз ҳам мўғул билан курашган эдик,
Энди шу бўлдимиз алал-оқибат?
Улардан афзалроқ эди, мўғуллар.
Ҳимоя истайман, ахир, сардорсиз?

М а в л о н о з о д а

Балки ўзингиздан ўтгандур бир гап?

*(Никобдор Аббас Баҳодир киради.
Шайх Исомиддин талвасада қочиб чиқади).*

Ш а й х И с о м и д д и н

Арпани емаган отим ажриққа
Зор бўлди, ў, Тангрим ўзинг қўллагил!

М а в л о н о з о д а

Ё раб! Жўнағарда қолиб кетдим мен:
Бир тараф жарликдур, бир тараф қоя!

Аббос Баҳодир

(ниқобни ечиб)

Ассалому алайкум! Ёдлармисиз
 Унутилган эски танишингизни?
 У эса ҳеч қачон унутмас сизни.

*(Мавлонозода унга синчковлик билан ўзоқ
 тикилади.)*

Мавлонозода

Кешдан келдингизми?..

Аббос Баҳодир

Шундай, топдингиз!
 ...Бериб юборди хат, совға-саломлар!

*(Зарбоф тўн кийдиради, мактуб ва бир халта
 олтин беради).*

Кешга таклиф этди сиз улўф зотни.

УЧИНЧИ САХНА

Кеш. Меҳмонхона. Мавлонозода ва Амир Темур.

Амир Темур

Хуш келибсиз, Мавлонозода,
 Сизни кўрадиган кун ҳам бор экан,
 Амаким* ботири қиличин ташлаб
 Мадрасага мударрис бўлганлигин
 Эшитган эдим мен аллақачоноқ.

* Хожа барлос назарда тутилмоқда.

Мавлонозода

У кунларга, амир ҳа... анча бўлди,
Илмим бор эканки, мударрис бўлдим,
Бухорий қўлини тутдим, амирим!

Амир Темур

От ўрнин той босар, дейдилар, ахир,
Отангиз ҳам улуг, закий зот эди.
Ривож берди ғоят ислом ишига,
Динимиз ул зотнинг илкида доим
Туғ бўлиб бошида хилпираб турди.
Шул зотнинг фарзанди ота юртига
Сардор бўлганидан кўкдадур бошим.

Мавлонозода

Қуллук! Имонимга қарши бормадим,
Ёвни қувдик буткул юрт тупроғидан.
Аммо сарбадорлар сўнгги ишлари
Бир оз таъб, кўнглимни қилмоқда хира...

Амир Темур

Эшитдим, бутун юрт ақобирларин
Молу мулкин талаб қатли ом этмиш.
Лекин раиятнинг раъйига қарши
Бармоқлик абасдур айна шу кунда.

(сукут)

Сизга эътимодим улугдир ғоят,
Ҳар қандай амирдан азиз ўзингиз.
Сизлар билан аҳил яшасак, дейман
Яхши қўшничилик қилсак, не дерсиз?
Боис: Шош, Бухоро, Термиз, Бадахшон,
Хўжанду ва бошқа қанча вилоят

Ҳокимлари тинмай сўғиш қилишар.
 Бири қовчинман дер, бири жалоир,
 Бири арлотман дер, бири қаранавс.
 Силласи қуриди юрт, раиятнинг
 Тинимсиз жанжалу фитна, ғавғодан!

(ўз-ўзига сўзлагандай)

Бундай қарасанг гар — битта халқ бари,
 Битта дарахтнинг шох, илдизларидур.
 Икки дарё сувин ичиб яшайдур,
 Сувсиз тегирмондек, лек бир шоҳга зор!
 Нодонлик, сафоҳат, жаҳолат, босқин,
 Мастлик, бузғунчилик — ҳаммаси шунда!
 Ҳокимлар бузуқи, қозикалонлар
 Очкўзу мунофиқ! Девони бузrug
 Еб тўймас, ришвахўр! Доруғалари
 Ўғри, муттаҳамлар саркари эрур!
 Бир-бирин қўлига яшар сув қўйиб!

(сукут)

Раият — мағзава! Оқиб ётибди.
 Ору гуруридан айрилган буткул!

Мавлонозода

(ўз-ўзига)

Ўзимни, ўзимни англамоқдаман...

(Амир Темурга)

Кўнгилдаги гаплар! Лек сарбадорлар
 Ўзга юрт деб кирмас жангу жадалга!
 Гарчи ҳамал яқин, дон-дунизмиз кам!

Амир Темур

Мен ёрдам қилурман, яхши кунларга
 Олурсиз олтин, зар, ботмон-ботмон дон.
 Меҳмонга борурмиз қиш чиққандан сўнг,
 Қадрдоним Амир Ҳусайн билан.
 Зиёфат берурмиз сизлар учун — биз,
 Сарбадорлар иши — кўнгилли ғоят.
 Мухрини топширур Амир Ҳусайн,
 Энди керак эмас унга Самарқанд.
 Сарбадор давлатин тан олдик бизлар...

Мавлонозода

Амир Ҳусайнни сарбадорлару
 Ва бутун раият ёмон кўришар.

Амир Темур

Яхши-ёмон кўриш сардорга боғлиқ,
 Ахир сарбадорлар сардори сизсиз!
 Қолаверса, Ҳусайн — менинг қайнағам,
 Қолаверса, унинг мақсад мақоми
 Кўп ёмон эмасдур, фақат феълида
 Қизиққонлик, гумон авжида бир оз.
 Демак, биз келишдик... не пайғом бўлса
 Аббос Баҳодирдан қилингиз маълум.
 Менга ишонгандай ишонинг унга!

Амир Темур чиқади.

Мавлонозода

“Меҳмонга борурмиз...” Раият не дер?
 Калавий кўнирму? Кўнирму устод?
 Темурнинг раъйига қарши турмадим,
 Қапча илон какликни сеҳрлагандай,

Бутунлай сеҳрлаб ташлади мени
 Ва лекин нияти қўринар холис...
 Негадир кўнглимга тушди осойиш.

Чиқади.

ТЎРТИНЧИ САҲНА

*Боголон. Меҳмонхона. Амир Темур ва Амир Ҳусайн
 киради.*

Амир Темур

Жуда муҳим гап бор сизга, амирим,
 Қўшинни бир жойга тўпламоқ даркор.
 Пайт етди — Тангрининг ўзи қўллади...

Амир Ҳусайн

Нима гап экан ул? Нима гап ўзи?

Амир Темур

Илёсхўжа тамом. Тугади бари.
 Уни қувмиш юртдан Самарқанд аҳли.

Амир Ҳусайн

Нималар деяпсиз, ишониб бўлмас.
 Наҳотки раият қудратга эга,
 Наҳотки бу гаплар бари ҳақиқат?
 Наҳотки биз енга олмаган қўшин
 Оддий раиятдан енгилган бўлса?..

Амир Темур

Ҳақиқат, амирим! Раият — чакмоқ,
 Оламни ёритар бир зум бўлса ҳам!

Амир Хусайн

Хўш, Илёсхўжани енголган кучни
Биз қандай енгамиз?

Амир Темур

Ана, амирим,
Энди ўзингизга келмоқдасиз сиз,
Мен шуни маслаҳат қилмоқчи эдим!
Тадбир керак, тадбир!

Амир Хусайн

Қанақа тадбир?

Амир Темур

Тақа керак, тақа!

Амир Хусайн

Тақа не учун?

Амир Темур

Асов отни фақат тақа тўхтатар,
Сардори норози сарбадорлардан.
Ичдан қурт кемирса тез қулар дарахт...

Амир Хусайн

(четга)

Назаримда, истиқбол кулиб боққандай,
Самарқанд меники бўлғай, иншооллоҳ!

Амир Темур

(четга қараб ўзича)

Бошқа иложим йўқ! Ҳозир у билан
 Жуда зарур эрур ҳисоблашмоғим.
 Талқон тиқилганлар — чопадур сувга,
 Оҳ! Сувга зордурман дарё бошида!
 Отимнинг излари қат-қатдир, нечун,
 Жайхуннинг, Сайхуннинг кечикларида?
 Не учун алдадим гоҳи дўстларни,
 Ёв билан ўлтирдим бир дастурхонда?
 Ғанимим жонини қурбон қилсин деб,
 Бошимни хатарга қўйдим не учун?
 Туғлуқ хизматиға кирдим не учун,
 Нечун Ҳусайннинг синглисин олдим?..
 Буларнинг барчаси мақсад йўлида!
 Тангрим, ўзинг кечир бул шаккокликни!..

(қатъий)

Мовароуннаҳр — ақл, қудратники, бас!

(Амир Ҳусайнга)

«Тақа»ни ясаймиз... кетдик, амирим!

*Чиқишаётганда Шайх Исомиддин
 киради.*

Шайх Исомиддин

Азиз амирларим, бормисиз ўзи?..

Кетадилар.

БЕШИНЧИ САҲНА

Самарқанд. Масжиди Жоме олди. Калавий киради.

К а л а в и й

Қишнинг сўнгги қисди... Қишнинг кўзи кўр!
 Тамом бўлди ўчоқ ўтини хатто.
 Аммо сарбадорлар руҳи сарбаланд,
 Ёрдамин аямас бири-биридан,
 Топган-тутганини ейишар бўлиб.
 Ҳеч қачон бундайин ҳамжихатликни,
 Тотув, иноқликни кўрмаган ҳеч ким!
 Бирлашган дарёдур, тарқалган ирмоқ.
 Барака — бирликда! Элим — улусим,
 Мангу бўлса эди шундай бирлигинг!
 Тош-тошга уланиб тикланур кўрғон;
 Гилам ҳосил қилур иплар уланиб.
 Тишлар бирлашибдур — чақибдур ёнғоқ.
 Кечагина отлиқ қамчиси, аёв
 Калтаги бошингда ўйнар эди хўб!
 Бирлашдинг — тош чақдинг! Тўқидинг гилам!
 Бирлашдинг — тикладинг ўзингдан кўрғон!

(сукут)

Кўнглим туб-тубида бир хиралик бор...

Бухорий киради.

Б у х о р и й

Мавлонозода қани? Келмадими?

К а л а в и й

Келмади... Келибман саҳар-мардонлаб!

(тараддудланиб)

Мавлоно Бухорий! Кечиринг бир гап
Айтсам, кўнглингизга тушмасми гумон?

Бухорий

Сиз ростгўй одамсиз. Юрагингизда
Не ҳосила эрур — айтурсиз очик.

Калавий

Бундан икки ҳафта бурунги совға;
Зарбоф тўнлар, олтин, қиммат матолар
Беҳаловат қилур мени туну кун.
Уларнинг ортида нимадур бордай...

Бухорий

Ҳм... ишонмассиз Мавлонозодага!

Калавий

Ишонгум ва лекин руҳиятида
Қандайдир ўзгариш сезгандайман мен.

Бухорий

Тўғри, аввал бошда... Ҳаттоки, мен ҳам
Мавлонозодадан гумондор юрдим.
Кейин ўйлаб кўрдим. Ахир у аввал
Ёвга қарши чикди, сўнг сарбадорлик
Жанглари бошланди — у кутмаганди!
Бою бек, акобир, мугаввалли, шайх,
Имом, қозикалон — барчасин бирдай
Қатлу қирғин қилдик! Бу мударрисга,
Ки, мадрасанинг бош мударрисига,
Таъсир қилмай қолмас эди, Калавий!

Калавий

Хўш, хўш, шундай, дейлик... Амирларга сиз,
Ишончингиз комилми?

Бухорий

Бирор ёмонлик
 Тилагани йўқ-ку бизга амирлар?!
 Сарбадорлар элин олибдурлар тан,
 Кўп маъқул топмишдир бизнинг хизматни!
 Яхши қўшничилик ихтиёрида
 Фаровон яшасак, Нимаси ёмон?
 Қолаверса ўйланг: Шош ёки Шодмон
 Ва ёки Хутталон ёки Бадахшон
 Ҳокимлари ҳарб-зарб бошлаб қолса гар,
 Уларга кучимиз етурми бизнинг?
 Хуллас, улар билан тотув яшаш шарт!
 Итқитинг елкадан шубҳа-ғумонни,
 Ортингизда доим сарбадорлар шай!
 Нимадан қўрқасиз?

Мавлонозода...

Ана, келди, ўзи...

Мавлонозода, Аббос Баҳодир ва бошқалар киришади.

Мавлонозода

Ассалом, устод,
 Ассалом, оқсоқол! Кечикдик, узр!
 Темур юборибди эллик ботмон дон!

Аббос Баҳодир

Сарбадор давлатин аҳволотидан
 Доимо хабардор Темур, Хусайн!
 Дуо қилиб яшар сиз — барингизни!
 Мана, ҳамал яқин... экин-тикинга
 Бериб юбордилар эллик ботмон дон.
 Ўзларини ўнглаб олишсин, деди,
 Яшасинлар, деди, тинч, дориламон!

Калавий

(четга)

Итолғи ўлжасин сезиб қолса гар,
 Унинг теласида айланар бетин.
 Яна совға-салом... Яна ғамхўрлик:
 Дўзах эшигин ҳам ришва* очар, дер,
 Не мағрур бошларни ҳам қилган ришва.
 Хоннинг совғасидан кўрк дер, ровийлар...

(овозини баландлатиб)

Тўхфалар ортида кўп сирлар ётгай,
 Балки ришвасидир бизга уларнинг?

Мавлонозода

Калавий, бу не гап?! Эҳтимол, мендан
 Бирор гумонингиз бор, айтаверинг!

Бухорий

Бас қилинг, Калавий! Беҳуда гумон
 Кўп зиён етказур мақсад-муродга.
 Гумонлар имондан ажратар ҳатто.
 Каттакон кемага кичкина дарз ҳам
 Ҳалокат, фалокат келтирар шаксиз!

Мавлонозода

(ҳаммага)

Дехқонга улашмоқ керак шу бугун
 Бу олтин баравар дону дунларни!
 Кўкламга ҳозирлик кўрмоқлик лозим,
 От-улов, анжомлар тахт бўлмоғи шарт!
 Омон-эсон чиқиб олсак ҳамалга,
 Ўнгланиб кетадур барча юмушлар!

Чиқишади

* Ришва — пора.

К а л а в и й

Пичоқ ўз сопини кесарми?.. Кес-ма-а-ас...
Лекин ақлдан ҳам юксак сезим бор...

Чиқади

СҮНГИ САҲНА

*1366 йил. Кўклам. Кониғил боғи. Амир Ҳусайн, Амир Темур,
Шайх Исомиддин. Амир Темур сукутда.*

Амир Ҳусайн

Бир гулгун зиёфат бўлгайдир бу кун,
Сархуш бошлар ўзни тамом унутгай.
Бундай зиёфатдан олам ғофилдир,
Бундай зиёфатни шоҳлар кўрмаган.

(каҳ-каҳ уриб)

Эй, сарбадорлар, бу дастурхонда
Май эмас, ичгайсиз ўз қонингизни.
Гарчи юрт қаъдаси, мезбон қаъдаси
Бундайин дастурхон тузатмагайдур,
Лекин мен аждодим ҳаққи-ҳурмати,
Шундай дастурхонни тузатдим сизга!
Қуш асраган доим боқадур кўкка,
Мен тож-тахтга боқдим! Унинг йўлида
Ҳеч қандай сарбадор, ҳеч қандай бир ғов
Бўлмаслиги керак! Тамом — вассалом!

(кўкрагига муштлаб)

Самарқанднинг шаръан ҳокими ўзим!

Мулозим киради.

Мулозим

Ҳаммаси таппа-тахт. Фақат кутишар...

Амир Ҳусайн

Биқтирмани сезиб қолмасми улар?

Мулозим

Йўқ, амирим! Улар кириши билан
Шердай ташланишар сарбозларингиз!

Иккинчи мулозим киради.

Иккинчи мулозим

Улар келишмоқда!

Амир Ҳусайн

Йўқми қуроли?

Иккинчи мулозим

(қувлик билан)

Зиёфатда надир қуролга ҳожат?!

Амир Ҳусайн

Калланг кўп ишлайди...

(иккала мулозимга)

Қани, кутинглар!

Мулозимлар чиқишади. Аббос Баҳодир, Мавлонозода, Кавлавий, Қул Чобук, Бухорий, Нурзод, Мирзо Соҳибларни бошлаб киради. Бир тўда қуролли сарбоз кўз очиб юмгунча бостириб киришиб, уларга ташланадилар. Саросимада қаршилиқ кўрсатган Қул Чобук ва Нурзодларга қилич санчишади. Қолганларни маҳкам тутишади. Аббос Баҳодир намойишкорона чиқади.

Нурзод

Бонум, Конибилда гуллар очилди...

(қонларини кўрсатиб)

Мана, мана улар... қип-қизил, қизил...

Қул Чобук

Сар-ба...

Ўладилар.

Амир Ҳусайн

(қаҳ-қаҳ уриб)

Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-а...

Сар-ба... эмиш, Ҳа! Сарбадорларсиз!

Қиличим остида бошингиз, мана!

Сиз токи тириксиз, аҳли Самарқанд

Менга хизмат қилмас ва шунинг учун

Бошингизни олурман биттама-битта!

Мавлонозода

(тетикланиб, Амир Темурга)

Темурбек, нима гап? Бу нима асрор?

(Амир Темур жим.)

Амир Ҳусайн

Тахт учун кураш деб атарлар буни,
Шафқатсизлик эрур унинг болтаси!

(Бухорийга)

Ҳай, ҳай, сен келгинди! Бухордан келиб
Самарқанд юртини нотинч қилган кас,
Жазонинг дормикан ва ё қилич?

(бир сарбозга)

Ос!

Токим кўриб қўйсин Самарқанд аҳли
Келгиндилар ҳоли не кечмоғлигин?

Бухорий

(мағрур)

Келгинди менми? Сен! Амир Ҳусайн!
Чингиз оқаваси! Шажаранг аён!
Бухоролик сенга келгинди, ётми?
Мен, Мовароуннаҳр фарзанди, билгил!
Қоним оқишидан қўрқмайман, бу қон!
Кўзи кўп эл-юртнинг кўзини очгай!

Амир Ҳусайн

Ос! Ос! Тилин суғур!

Бухорий

(Мавлонозодага)

Мавлонозода,
Илму заҳматимга рози эмасман!
Сен хоин! Инондим сенинг сўзингга!

Бухорийни олиб чиқишади.

Мавлонозода

(талвасада)

Ўх, устод!.. Ўх, амир!.. Менинг, менинг сен
Бошимни тандан ол! Ахир, буларга
Мен кафил бўлганман!..

(Амир Темурга)

Нечун жимсан, жим?!

Амир Темур

(четга)

Жимман! Сукутдаман! Карман! Сўқирман!
Ва лекин юрагим ёнар — билмайсиз!..
Гарчи сарбадорлар жасоратига
Минг таҳсин ўқийман — чўкким келар тиз!
Бошимга кўтаргим келадур гарчи!
Йўқ! Йўқ! Иложим йўқ! Ҳозир сиз билан
Бирга бўлмоқлик, бу ҳалокат эрур!
Есам — оғзим оғрир, чайнасам — тишим...
Мовароуннаҳрни бир бутун давлат
Қилмоқ ниятимдан кечолмайман воз!
Бу йўлда гоҳ тулки, гоҳ бўридурман,
Гоҳида чоҳдирман, гоҳида қоя!
Майдонга кирганлар манглай қашимас! —
Рухингиз мен билан, сарбадорларим! —
Бирлигин йўқотган юрту элимнинг
Бевақт қурбонлари, мангу алвидо!

К а л а в и й*(мағрур)*

Сарбадорлар жанги бошланди кузда,
Кўклам эса, мана, тугатмоқдалар...
Ў, Тангрим, русумда, жамики нарса
Кўкламда бўй бериб, кузда хазондур!
Номутаносиблик бу! Сарбадорлар! —
Эй-эй, келажгим сарбадорлари, —
Сиз энди қўзғалинг фақат кўкламда!
Шунда кўкламингиз бўлмайдур хазон!
Қопқонга туширган эдик биз ёвни,
Бизни эса дўст туширди қопқонга.
Нон қўйнимда, кўппак кейнимда экан...

Ш а й х И с о м и д д и н*(Амирларга Калавийни кўрсатиб)*

Элни ичдан бузган, ана шу Бакр,
Ана шу бошлаган сарбадорликни!
Ҳали Илёсхўжа келмасдан аввал
Қирғинбарот қилган бою бекларни,
Молю мулкларини талаган тунлар.
Эркинлик, Озодлик, Давлат... деган шу!
Зобитбек қулини чопгани учун
Уни дорга осган қароқчи ҳам шу!..

К а л а в и й

Дагар сарбоз айтган эди бир пайтлар,
Ҳамиша сотқинлар тахтнинг ёнида!
Бирини бирига олиб урган, Шайх!
Бадгир Шайх, эшитгил менинг сўзимни,
Сен ҳам эшит, Мавлонозода!
Бесарҳад саҳрода, чўл, биёбонда
Илонқуйруқ деган бир жонивор яшар,

Унинг ярмин чопиб ташласанг ҳамки,
 Қолган ярми билан яшар судралиб,
 Судралиб, судралиб, яшайверади!
 Сиз илонқуйруқсиз!

Амир Ҳусайн

(сарбозларга)

Ос, ҳаммасини!

Мирзо Соҳиб

(тиз чўкиб, Амир Ҳусайнга)

Мен булар фармонин бажардим факат,
 Бола-чақам учун бўйнимни қисдим.
 Менга на юрт керак, на менга мансаб,
 Қорним тўқ бўлса-ю, тинч бўлсам дедим.
 Менинг гуноҳимдан ўтгил, амирим.
 Хизматинг қилурман ит каби, биллоҳ!
 Эл кучи — сел кучи, булардан кўрдим...

Калавий

(Мирзо Соҳибга қараб)

Одам — юзин қандай очадур... аблаҳ!
 Олти ой ортимдан эргашиб юрдинг,
 Афсуски, кеч кўрдим сенинг юзингни!

Амир Ҳусайн

Ос! Ос, деяпман, ос! Баланд, баланд ос!
 Уларни кўрмоққа кўзим йўқ! Тамом!

*Сарбозлар уларни олиб чиқаётганда Амир Темур Ҳусайн
 қулоғига нимадир шивирлайди.*

Амир Ҳусайн*(сарбозларга)*

Тўхта-а! Қолдир Мавлонозодани!

*(Мавлонозодани қолдиришади)*Қуллук қил Темурга, сенинг қонингни
Сўриб олди у!**Мавлонозода**

Йўқ. Лаънат барингга!..

*Телба Сархон отилиб киради.***Телба Сархон***(қўлида таёқ)*

Ажойиб қиличми-а,
 Дами бунчалар ўткир? —
 Қушни сўйса бўлар-ку,
 Лекин, албатта, мўғул,
 Хотинингнинг қорнини
 Ёражакдир бу билан
 Ва ундан гўдагингнинг
 Юрагин олар суғуриб.
 Сўнг сахро бўрисидай
 Ейишар ғажиб-ғажиб...

(бирдан мурдаларга кўзи тушиб)

Ҳақиқат, бу осмонда,
 Осмонда... йўқ, йўқ, ёлғон.
 Ҳақиқат — бу замонда
 Қон, қон, қон, қон-он-он!

(Мавлонозодага йиғлаб)

Қизим мени қувлайди.
Телба, дея ўйлайди.
Мен телбами?.. Сен телба!..

(Амир Темурга, қатқалга уриб)

Пешонанг катта экан,
Қўлгинанг калта экан...

(Амир Ҳусайнга алмои ҳаракатлар билан)

Қўкрагим очиқ бўлса,
Шамоллар эсиб турса,
Шунинг ўзи менга бас...
Бўжи келди, бўжи келди,
Бўжи билан жўжи келди...

Амир Ҳусайн унга ғазаб билан қилич уради. Телба Сархон Нурзоднинг устига қулаб тушади. Ҳамма чиқади. Зарбону киради.

З а р б о н у

(талвасада)

Ҳаммаёқ дор, дор, дор!.. Ота, қайдасиз?..
Бир дорда осилиб турар Калавий,
Бир дорда Бухорий... Нурзод, оғажон,
Қайдасиз?.. Қайдасиз?.. Ота, қайдасиз?..
...Бирин танимадим — Нурзодим эмас...

(тек қотиб)

Қизик, улар боши қўкка қарабдир,
Тангрига илтижо қолгандай ҳудди!
Отажон, қайдасиз?

(мурдаларга суриниб, йиқилиб тушади.)

Бу не, мурдалар?..

(таниб)

Ота!..

*(Телба Сархонни ағдариб, ўзига қаратмоқчи бўлади —
Нурзодга нигоҳи қадалиб қолади)*

Нурзод оға... Нурзод оға... Оҳ!..

*Уларнинг устига йиқилади. Сиёб ота, Дағар сарбоз ва бошқа
сарбадорлар Калавий, Бухорий, Мирзо Соҳиб жасадларини олиб
киришади. Зарбону ва мурдаларга кўзлари тушади.*

Сиёб ота

Калавий эҳтиёт шарт деган эди...
Кечикдик, кечикдик...

Сиёб ота Зарбонуни суяб турғизади.

Зарбону

Отажон!.. Оғажон!..

(Сиёб отага)

Сиёб ота! Энди қандай яшайман,
Отамдан, оғамдан айрилиб қолдим.

(Йиғлайди.)

Сиёб ота

Қизим, сенга далда бермайман ҳозир,
Сенинг қайғунг — элим қайғуси, қизим!

(сарбадорларга)

Сарбадорлар! Кураш туггани йўқ,
Бу қонлардан сарбадорлар унадур!

(Дагар сарбозга)

Дагар! Шу бугундан ўзинг сардорсан!
Йўл бошла, шаҳидлар руҳини шод эт!

Дагар сарбоз

Мавлонозода қани?..

Сиёб ота

У... у... хоин!

Дагар сарбоз

Калавий, Бухорий, ў, устодларим,
Сирдош-мунғдошларим Қул Чобук, Нурзод!
Қонингиз учун қон, жонингиз учун
Жон олурман! Тингланг, куюкдошларим!
Элим, юртим учун дорлар, тахтлардан
Минбарлар тиклайман! Қасамёд қилгум!

Барча сарбадорлар

Қасамёд қилурмиз қонлар ҳаққига!

*Жасадларни олиб кетадилар.
Телбанамо Мавлонозода киради.*

Мавлонозода

Мен, қовоқаридан бол тиладимми?
Ғажирнинг бўрига ҳамтовоқлигин

Нахотки, унутдим? Нахот кўзим кўр?!
 Кўрсан, Мавлонозода! Теран тикилсанг,
 Оқ сутда ҳам қон бор! Сен-чи, кўрмадинг!
 Дўст ила ғанимга битта қудукдан,
 Битта пиёлада сув тутдинг, ў кўр!
 Бўри ожиз эди, ожиз бўрига
 Тиф янглиғ тиш бўлдинг, тирноқ бўлдинг сен
 У ғажиб ташлади, ғажиб ташлади!

(сукут)

Ў-ў!.. Лаънат сенга! Балиқчи учун
 Сувни лойқалатиб берганга лаънат!

(сукут)

Мен қандай яшайман? Устод норизо...
 Кетди... кетди... кетди... Кечиринг, устод! —
 Кўзи оқиб тушган бул мударрисни!
 Кечиринг, макр, алдов тўрт ённи чирмаб,
 Бўғиб, эзиб ётган бу ифлос юрда,
 Кўриб, кўра билмас шогирдингизни!
 Йўқ, йўқ, кечирмайсиз! Кечиролмайсиз!
 Тулки, қарсак ини бир эканлигини
 Билмаган шогирдни кечиролмайсиз!

(сукут)

Оқсоқол, Калавий! Сиз, сиз кечиринг!
 “Кўйдай бўлиб минг йил яшамоқдан, бас,
 Шер бўлиб яшамоқ керакдур бир йил!” —
 Дея такрор, такрор сўзлар эдингиз, —
 Бу ҳикмат маъносин энди англадим!
 Дарё кечигидан, оқишдан қўрқиб
 Хоннинг кўпригидан ўтибман, э воҳ!

(сукут)

Ахир, мен инондим! Мовароуннахр —
 Тўрт бурчин барчаси бармоқлар каби
 Бирлашиб — мушт бўлиб яшайжагига!
 “Бош бармоғи бўлсин дедим, Самарқанд!” —
 Муштга тугилмоққа бошладим уни!
 Лекин бу муродим, сизнинг қонингиз
 Ҳисобига бўлсин, деганим йўқ! Йўқ!
 Ўчоқнинг ўтинга тўймаслигини
 Унутган кимсани кечиринг! Йўқ! Йўқ!
 Йўқ! Тамом! Калавий, кечиролмаймиз!

(сукут)

Телба Сархон! Ҳа-ҳа! Тўғри айтдинг сен,
 Мен! Мен! Телбаман! Сен телба эмас!
 Сен — Мовароуннахр! Сен буюк юртсан!
 Шажаранг, бугунинг ярадор бир юрт,
 Сени шифоламоқ керак бус-бутун!
 Тўкис даволамоқ керакдир сени,
 Сенга, топмоқ лозим топ-тоза малҳам!
 Қандайин малҳам у? Ў, қайси табиб
 Уни топа билар?.. Шундай табибнинг
 Шарпасин сезгандай бўлган эдим мен!..
 Сархон, мени кечир! Кечиролмайсан!
 Кўзсиз ҳам билади тузсиз таомни!

(сукут)

Қул Чобук!.. Нурзод-ў!.. Кечиролмайсиз!..
 Ўликлар кечирмас! Кечирмас асло!

(сукут)

Тирик нафасдошим кечирармикин!
 Йўқ-йўқ! Йўқ! Кечирмас мени Зарбону!

Ўзига ханжар уради. Ўлади.

Парда

ХОТИМА

Китобдор

Қаёққа шошасиз, хой, қизалоқлар,
 Хой пўрим йигитлар, қайга шошасиз?
 Китоб борми, китоб? Йўқми?.. Йўқ!
 Бор! Бор!
 Чанг босиб ётибди жавонингизда!
 Чанг босган йўқ?! Яхши?!
 Безакларми у?!
 Безаклар дейсизми?..

Мавлонозода жасади улкан китобга айланади.

(мурда-китобни кўрсатиб)

Шу, шу безакми?
 Бу китоб — сиз билан ёнма-ён юрган!
 Бу китобнинг фақат ўқилди ярми!

Китоб қуёшдай порлайди.

1981–1987 йиллар

ЗАМИН ТАҚДИРИ

ИБТИДО

Она Замин, айланайин,
 Айланайин, она-Ер.
 Юрагингга бойланайин,
 Бойланайин, она-Ер.
 Машрик Замин, Мағриб Замин,
 Бирдек мунис мен учун!
 Сахий Замин, ғариб Замин,
 Ажратмоқлик не учун?
 Тоза сувнинг ранги, ахир,
 Тўрфа эмас ҳар жойда.
 Тузнинг таъми шўру тахир
 Ҳам Заминда, ҳам Ойда.
 Бобо Ҳирот тупроғини
 Кўзларимга сураман.
 Ул олис Алп тоғларини
 Бургутлардай суяман.
 Самовотнинг куюшини
 Бир меники, демадим.
 Ҳиндуларнинг кўз ёшини,
 Ҳиндуники, демадим.
 Финландия қоғозига
 Мен шеър ёзсам, не ажаб?
 Бир занжининг юз-кўзига
 Ўқ отилса — бўзлар қалб!
 Зиндон гули — гиёҳинг ҳам
 Дил яйратар ишқ каби.
 Ул қаҳратон Шимолнинг ҳам
 Эл яйратар ишқ каби.
 Бир газ қора еринг, ҳатто,

Одамзодга бўлур жой.
 Бу бесарҳад Коинотда
 Тенг келолмас Қуёш, Ой.
 Умум мерос — Буюк мерос —
 Башарият мулки сен:
 Сен Европа, сен Осиё,
 Америка, ЮРТИМ сен.
 Қанча-қанча дунёлардан
 Олганман-эй, ажратиб.
 Қанча-қанча ғавғолардан
 Қолганман-эй, ажратиб.
 Кундан-кунга меҳрим ортар,
 Меҳрим ортар, Онажон.
 Кундан-кунга ваҳмим ортар,
 Ваҳмим ортар, Онажон.

РЕЙН СУВИ ВА ЁКИ ХЕНРИХ ХЕЙНЕНИНГ ИККИНЧИ ЎЛИМИ

Бир тонг — сўлим, фараҳбахш,
 Фир-фир эсар шаббода.
 Жонсизга жон этар бахш,
 Хушёрга тутар бода.
 Ой сўзар — оромижон
 Парқуларни оралаб.
 Нурлар ўйнар беармон
 Деворларни мўралаб.
 ...Ўтирибман сокин, жим,
 Бир қабр чеккасида.
 Тўртди ногоҳ, аллаким,
 Қабртош — елкасида.
 Шивирлади: — Қўрқма, бас,
 Мен — Хенрих Хейне — шоир.
 Йўқ, шоир Хейне эмас,
 Фалаж Хейнеман ҳозир.
 Бузиб чиқдим қабримни,
 Тоши елкамда, мана.
 Гумдон қилгумдир уни,
 Рўҳим қилгай тантана.

Фалажлик жондан ўтди,
 Мен соғайгум Рейндан...
 ...Закий зот қайга кетди? —
 Хушум йўқотдим бирдан.
 Чошгоҳ пайти полислар
 Мени олдилар топиб.
 Юзимга қараб улар,
 Қайтиб кетдилар чопиб.
 Мен ҳам чопдим изма-из
 Рейн қирғоғи томон.
 ...Йиғлар эди битта қиз,
 Сочлар ёйиқ, паришон.
 Оҳ, бу Амалия-ку?!
 Пойидаги улғу зот.
 Ё раб! Тирик эди-ку,
 Қайта ўлдими? Наҳот?!
 ...Мана, қарор тузилди,
 Унда асло йўқ ёлғон:
 “Қадим Рейннинг ёди
 Хейнега бахш этган жон.
 У Рейнни севарди —
 Қиз танидек Рейнни.
 (Шу Рейн ва Амалия
 Шоир қилган Хейнени.)
 Ушбу тонг ҳам дарёнинг
 Қирғоғида айланиб,
 Чанқагану... сўнг унинг
 Сувидан ичган қониб.
 Қайдан билсин, бу шаккок,
 Заҳарлигин Рейннинг.
 Тангрига келтирди шак —
 Қайта кўмдик Хейнени!”

*Она Замин, айланайин,
 Айланайин, она-Ер,
 Юрагингга бойланайин,
 Бойланайин, она-Ер.
 Туш эди бу кўрганларим,
 Алоқ-чалоқ битта туш.*

Лекин кўриб турганларим —
 Яраланган сонсиз қуш:
 Бугун қанча дарёларда
 Балиқлар потраб, хайҳот,
 Чўлп, чўлп —
 Сакрар ҳаволарда
 Ёмғирдан кутиб нажот!
 Хусусан, ўз Оролим,
 Кундан-кун борар қуриб.
 Уни асло бўлмагай
 Кўз ёш билан тўлдириб.
 Амударём, Сирдарём
 Оқару оқмас аммо.
 Қайга урай пешонам,
 Хар ён сирли муаммо?

ҲАРАКАТБОН

Токио.
 Машиналар —
 (Саноксиз ном-отлари)
 Кўча бағирлаб учар
 Ирфон зурриётлари.
 Улар мисли юҳодир,
 Ўт пуркар, ёнмас лекин.
 Юракларни ютадир
 Силлиқ, оҳиста, секин.
 Чорраҳа ўртасида
 Абжир спортчи каби
 Ҳаракатбон Акира
 Турар, гезариб лаби.
 Дармони қуриб борар,
 Аммо яшаш — чидамоқ!
 Машиналар бекарор
 Ялт-юлт учувчи чақмоқ.
 Йўк, бўлмади, Акира
 Қалқиб кетди, оҳ, тамом!
 Атроф зулмат, доира...
 Чаппа айланди осмон.

О, ишқибоз халойиқ,
 Ўрама мол сингари.
 Ҳаво — қурум — қуп-қуриқ,
 Сакбозлар, йўқол нари!
 Сенга керак томоша,
 Томоша керак текин.
 Томоша қилдинг ҳатто
 Ўлганда Мурасаки*.
 ...Етиб келди “Тез ёрдам”,
 Жасадга ёрдам зарур.
 Ўликлар кўчаларда
 Қолиб кетмас-ку, ахир?!
 Пайғом учар — оқ каптар,
 Оқ каптар учса, қани.
 Пайғом учар — кўк каптар,
 Кўк каптар учса, қани.
 Қузғунлар қанотида
 Учарлар қора пайғом.
 Токио йўлларида
 Ростловчилар берар жон!
 Сабаб аён: газ, тутун
 Ва яъни, ифлос ҳаво...
 Фотосмог* билан бугун
 Бўғилмоқда Токио!
 Курраи арз ўқида
 Айланару лекин бас,
 Шаҳарларнинг кўкида
 Юлдузлар чарақламас!
 Ҳар сония, ҳар бир дам
 Бу ҳаво баттар, баттар.
 Инсоният боши ҳам,
 Фотосмог... мудҳиш хатар!
 Пайғом учар — оқ каптар,
 Оқ каптар учса, қани?
 Пайғом учар — кўк каптар,
 Кўк каптар учса, қани.
 Пайғом силсиласига

* Мурасаки Секибу — Япон адабиёти классиги.

* Фотосмог — ўта заҳарли ҳаво.

Туташадир пайғомлар:
 — Африка қитъасида
 Очдан, ўлди одамлар.
 — Ҳиндистон учун кунда
 Очлик, гадолик — бир ҳол.
 — Гўдаклар қирилмоқда
 Нигерияда қурт мисол.
 Инсон салтанатида
 Инсон парча нонга зор.
 Ҳа, башар қисматида
 Очлик — зиндон, очлик — дор...

Пайғом учар — оқ каптар,
 Оқ каптар учса, қани.
 Пайғом учар — кўк каптар,
 Кўк каптар учса, қани.
 Қузғунлар қанотида
 Қат-қат қора пайғомлар:
 — ЮНЕСКО рўйхатида
 Саноклидир жайронлар.
 — Мамонтларнинг ҳолига
 Тушмоғи мумкин филлар.
 — Наботот аҳволига,
 Ҳатто юлдузлар йиғлар.
 — Башар юраги, ёху,
 Тошга айланиб борар.
 Сохир ҳислар, соф туйғу
 Ўзин тупроққа қорар!

*Она Замин, айланайин,
 Айланайин, она-Ер.
 Юрагинга бойланайин,
 Бойланайин, она-Ер.
 УМИД, ҚҰРҚУВ орасида
 Яшар бугун ҲАҚИҚАТ.
 Наҳот булар барчасига
 Гуноҳкор тараққиёт?..*

ЕВРОПА НИДОСИ

Агар мени кўр десанг,
Ўзинг кўрсан, жоҳил кас.
Билгил, кўзнинг кўрлиги
Юрак кўрлиги эмас!
Кўрдим қанча кўргилик,
У бошланган қадимдан.
Бағримни қилди тилик
ЗИЛЗИЛАЛАР қадамда.
Кўксимни ёриб чиқди
Везувий — дажжол ВУЛҚОН.
Геркуланум, Стабия,
Помпейлар бўлди яксон.
Бошимда чакди ЧАҚМОҚ,
Ёнди не-не ўрмоним.
Йўк, йўк, ўрмоним эмас,
Ёнган алп-алп ўғлоним.
Кетди — овора, сарсон,
Буғуларим беимдод.
Кўзим ёшидир, билсанг,
Волга, Дунай, Дон, ҳайҳот!
Ер юзини босди СУВ,
Бир салтанат баҳру бар* .
Оёқларим йўк, лекин,
Қара, танам, бошим бор!
О, табиий офатлар
Етмасмиди мен учун?
Не даҳшат, фалокатлар
Бахтимни қилди нигун.
Биз қитъалар бир эдик, —
Тирноғу этдек туташ.
Тарихни гувоҳ тутдик,
Ечавер, етса бардош!
Эҳ, башар, ўшанда ҳам,
Дарёфеъл бўлолмади.

* Қадимги афсоналарда Ер юзини бир пайтлар сув босиб кетган деган гаплар бор эди. Археологлар Месопотамияда шунинг изларини топдилар.

Отди бир-бирин одам,
Тонгдай тенг кулолмади...

Бугун турибман, бугун,
Болаларим тумонат,
Сувда қалқиган забун
Кема янглиғ омонат!
Тоғ-тоғ бомба устида
Қисматим аён ойдай...
Вулқон отилар балки
Бомбалар турган жойдан!
Шу ерда бир ҳикоят
Сўзлагум Нух ҳақида.
Маънисин чаққил фақат, —
Ҳақ бор, — гарчи ақида!

...Дунёни сув босиб, у
Сўнгра қайтибди ортга.
Нух дебди, кемадаги
Омон қолган бир жуфтга:
— Эшитинг, сиз тириксиз,
Яшайсиз бир баҳоли.
Сабоқ бўлсин! Кўрдингиз,
Неки бор, фано ўлди!
Аждодингиз — қайсар, кўр,
Кўп ишонди кучига.
Ақлин кўзин босиб кул,
Зўр берди қилич*ига!
Бу қиличдан бор жонзот
Қирилиб битди тамом.
Жонлар олғувчи набот
Сақлайолмай қолди жон.
Бу қиличдан сарҳадлар
Барпо бўлди Заминда.
Қанча атлантидалар
Барбод ўлди Заминда.
Очлик, қаҳатчиликни

* Қурол-яроғ маъносида.

Канадай туғди қилич.
Эрк, Ҳақиқат, Севинчни
Илондек бўғди қилич.
Бу қилич — дасти узун,
Етди, ҳатто самога.
Ажалларнинг уруғин
Қумдай сочди ҳавога.
Бир сир-салтанатини
Тушларга йўйди қилич. —
Табиат қудратини
Унутиб қўйди қилич!
Кўкдан учган ёнғинлар
Ёвлиги чиқди ёддан.
Муз эриши, ёнғинлар
Довлиги чиқди ёддан.
Зилзилалар, вулқонлар
Хилқати унутилди.
Довуллар, сел, тўфонлар
Қудрати унутилди.
Заминда ё Қуёшда
Бир қаҳр бўлди содир.
Музлар эриб даҳшатда,
Зўр тўфон бўлди охир!..

Қурол-яроғлар кучи
Тўхтатдимми уни, хўш!
Хур Ерда Инсон бурчи —
Хур яшамок мисли қуш!
Сиз — аждодсиз! Бугундан
Авлодлар бўлгай бунёд.
Зурриётлар кун-кундан
Тиклагай қайта Ҳаёт!

Тағин улар қўлида
Тўрт ёнга ўйнар қилич.
Ғов бўлолмас йўлида
Бирор қудрат, бирор куч!
Лекин билинг!.. Одам-да...
Унутмасинлар токим,

Илоҳий Куч оламда,
Эрур афсунгар ҳоким!

*Она Замин, айланайин,
Айланайин, она-Ер.
Юрагингга бойланайин,
Бойланайин, она-Ер.
Хотиротинг — хавотиринг
Менга орзумдай аён.
Ҳайқираман! — Хотиротсиз
Қолмасин аҳли жаҳон!
Хотиротсиз КУЧга инсон
Айланса, бу — ҳалокат!
Бизлар даҳо, бизлар султон,
Қайдин турфа фалокат?*

ЎША...

Тун — зулумот отида
Кириб келди гунгдай жим.
Унинг салтанатида
Бевақт изғиб юрган ким?
Ошиқми — бағри яра,
Тун дайдис — арвоҳми?
Ё бир далли-девона,
Ё бир йўлчи — гумроҳми?
Шоирми — тунги боғлар
Қўйнида жим бўзлаган?
Олимми — олис ёқлар —
Юлдузларни кўзлаган?
Йўқ! Йўқ!
Бу ЎША, ЎША...
Ниқоб тортиб юзига,
(Ниқоб — алдов ҳамиша!)
Кўринмай эл кўзига,
Дарёларни булғаган
Бадбўй, ирkit — корчалон.
Ҳамёнини ўйлаган
Пашшамижоз, беимон.

Бу ЎША... соф ҳавони
 Ўйламаган манфур зот.
 ЎША... очлик-юҳони —
 Ёғлаб турган касофат.
 Жоҳил, тубан, бетуйғу
 Сайёднинг худди ўзи.
 Яхши боқ! Фашизм — бу,
 Қонсираб турар кўзи.
 ЎША-ку... Линкольннинг
 Юрагига отган ўқ.
 ЎША, не жон-таннинг
 Елкасига ботган ўқ.
 Иблис ва Азроилни
 Ўйлаб топмаган эллар.
 Қирқ ёргувчи — бир қилни
 Шу — Иблис, азроиллар.
 ЎША... ўзга юртларни
 Итдай пойлаб юрган кас.
 Қарам мамлакатларни
 Қилаётган хору хас.
 Пайдар-пай қурол сотиб —
 Кўзларини ёғ босган,
 Олтину зарга ботиб
 Бақбақасини осган —
 ЎША... ЎША бадбахт зот!
 Бугун у АТОМ билан,
 Ер шари, ОДАМ билан,
 Ўйнашмоққа тайёр бад!!!

*Она Замин, айланайин,
 Айланайин, она-Ер.
 Юрагингга бойланайин,
 Бойланайин, она-Ер.
 Қушга — осмон, балиққа сув,
 Инсонга Ватан керак.
 Ватанлар тақдири бугун
 Сенинг тақдиринг, демак!
 Кеча кўрдим битта сурат,
 Мағзи бутун, чинакам:*

Бир шар учиб борар Кўкда,
 Осилиб олган Одам.
 У чап қўли билан маҳкам
 Ушлаган шар боғичин.
 Ўнг қўлида мисоли шам —
 Оловланган пичоғи...
 У пичоқни санчмоқ истар
 Учаётган шарига...
 Термилади офтоб мустар,
 Булут сузар нарида.
 Аввалига ҳайрон турдим,
 Сўнгра тушдим даҳшатга, —
 Шар... Ер шари! Ва қичқирдим:
 — Бу кимса ЎША, ЎША-а!

ТАРИХ — САБОҚ

1. Суд

Суд кетмоқда.
 Жаноб Теллер
 Сакраб турди ўрнидан.
 Шўрлик Роберт Оппенгеймер
 Қалқиб тушди дафъатан.
 Теллер тўғри гап бошлади:
 “Роберт сотқин, дарбадар...”
 Нимагадир бош қашлади.
 “...Ҳақли, кимки... — отса гар!
 Ўз халқини билмайди у,
 Фойдасин ҳам билмайди...”
 Нимагадир жилмайди у,
 Нимагадир жилмайди.
 “Жиноятчи, қотил Роберт,
 Ўз давлатим демади.
 Бўри каби олчок, сурбет,
 Ғамимизни емади...”
 Нимагадир илжайди у,
 Нимагадир илжайди.

Бу илжайиш сабабини
 Оппенгеймер билмайди.
 “Сизга айтсам, Роберт, асли,
 Коммунистдир, коммунист.
 Ҳатто унинг болалари,
 Ўзидан-да, беномус!”
 Ғазаб билан жаноб Теллер
 “Гуноҳкор”га бақрайди.
 Оҳ! Робертнинг кўзларида
 Хиросима бақрарди...

Она Замин, айланайин,
 Айланайин, она-Ер.
 Юрагингга бойланайин.
 Бойланайин, она-Ер.
 Бағрингда тўрт миллиард
 Фарзандларинг сақлар жон.
 Бир қориндан... ваҳший, палид,
 Ёвуз, бебурд... мен ҳайрон...
 Қучоғинг кенг, юрагинг кенг,
 Феълинг кенг фалак мисол.
 Оқ сутингни унутса ҳам,
 Кўкайингда йўқ малол.
 Биламан-ку, лекин номус,
 Букар, эзар қаддингни.
 Улар билан ўлчамас, бас,
 Донишларинг қадрингни!
 Хиросима, Нагасаки,
 Олов бўлиб ёнган кун.
 Қалқди Виждон, қалқди Инсон,
 Қалқди Эйнштейн!

2. Эйнштейн нутқи

Огоҳ бўл, Башар!

Осмон қаршисида Ер
 Парчаланди беомон.
 Хиросима — олов наҳр,

Нагасаки — ўт-тўфон!
 Илмий қиморда ютди
 Трумэн икки миллиард!
 Илмий қиморда ютди
 Миллиард... миллиард... ард...
 Сўзламайман атомнинг
 Даҳшатини бу замон.
 Хандон отиб сўзласин
 Спаатен — “қахрамон”.
 Герострат издоши
 Сўзласин Левис муртад.
 Келажакнинг кўз ёши
 Тутажак уни албат!
 Ашока* даври ўтган,
 Жаҳонга бу эмас сир.
 Ҳалокат жари томон
 Бир қадам босдик басир!
 О, иккинчи... Иккинчи...
 Иккинчи қадам... Ҳайхот! —
 Барбод бутун Ер шари,
 Барбоддир Инсоният!

Огоҳ бўл, Башар!

Атом — қул. У занжирбанд,
 Унда гуноҳ йўқ асло.
 Ҳизматинг қилгай абад —
 То бор экан шу Дунё!
 Лекин унинг соҳиби
 Деҳқон бўлмоғи керак!
 Лекин унинг соҳиби
 Боғбон бўлмоғи керак!
 Лекин унинг соҳиби
 Муҳандис, жарроҳ бўлсин!
 Лекин унинг соҳиби

* Ашока — (милоддан олдинги 273—239) ҳинд императори. Кўҳна тарихда тафаккурнинг башариятга талафот келтирувчи кучини тийиб қўйиш ишлари билан шуғулланган бизга маълум бўлган биринчи фидойи.

Поклардан ҳам пок бўлсин!
 Зотан, Замин тақдирин,
 Қилгай ҳал — оддий нақл:
 Гўдакдай тоза, бекин,
 Қуёшдай порлоқ АҚЛ!!!
 Эй, ақлий фаолият
 Бўлгил ўзинг раҳнамо!
 Огоҳ бўл, Инсоният,
 Ер шари — қўриқхона!

Огоҳ бўл, Башар!

Шимолий тунд музликлар,
 Сокин жануб тунлари,
 Ғарбий уфқ, денгизлар,
 Шарқнинг оташ кунлари —
 Менга бирдек муқаддас,
 Тирикликдек қадрдон
 Ва лекин не ўч-қасос,
 Билолмадим ҳеч қачон.
 Ҳа, шу катта Заминнинг
 Бирор буржида, алҳол,
 Жангчи бўлмоқликни мен
 Қилмадим, ҳатто, ҳаёл.
 Бизнинг вужуд — бетоқат —
 Заррадир табиатда.
 Ақл ганжининг, фақат,
 Тимсоли йўқ хилқатда.
 Жангчи... фотиҳ... фарқи не,
 Не кўрди бани одам?
 Қутламадим дилдан мен,
 Голиб жангчиларни ҳам.
 Лекин Башар, Заминнинг
 Бошида АТОМ — хатар,
 Онт ичаман — мана, мен,
 Жангчи бўлмоққа тайёр!!!

ЮКЛАР

Сеникидир шу Замин,
 Сеники шу Коинот,
 Йўлларинг равон, донғил,
 Ишонгум, Инсоният!
 Гарчи урф, тилинг турли,
 Лекин бобо офтоб-ла,
 Ойдин келажак сари
 Кетмоқдасан шитоб-ла!
 Толе сенга бўлсин ёр,
 Орзуйингга ижобат.
 Елкангдаги юк — залвор
 Мени кўрқитар фақат.
 Қара, разолат юки
 Сенга тушмасми оғир?
 Ёлғон сиёсат — тулки
 Алдаб кетмасми охир?
 Сохта дўстлик юклари
 Чирмашибдир илкинга.
 Ёвузлик уккилари
 Қўнишибдир елканга.
 Кўряпман, очик кўз,
 Теран туйғулар билан,
 Безътиқод, сур, беюз
 Қаттолларни сен билан!
 Бу ҳаётга келтирган
 Асл Ватан — шу Замин.
 Олтинни ватан билган
 Иблисларга бағринг ин!
 Сенинг ўғлинг Спартак,
 Муқанна сенинг ўғлинг.
 "...Лекин ҳамон қуллик — юк!" —
 Ким айтган бўлса тўғри!
 Кетмоқдасан Башарият,
 Гўё ёлғиз офтоб-ла...
 О, сен билан
 бешафқат —
 Ракеталар кетмоқда!

Кетмоқда “нейтрон”лар —
 Фашизм хаёллари.
 Кетмоқда зил карвонлар —
 Ядро қуроллари!
 Ҳар бошга ботмон-ботмон
 Портловчи модда — юкдир.
 Келажаги йўқ Жаҳон,
 Наҳот сен учун тақдир?
 Йўқ!
 Онанинг оқ сути
 Аталгай фарзандига.
 Бу Замин неъматлари:
 Гул... Нон... Сенгадир, сенга!
 Башарият! Ташла, бас,
 Юкларинг
 оғир,
 оғир-р-р...
 Улар манфур ва абас,
 Сени йўқ қилар охир!
 Ташла-а!
 Гренада
 Зор-қақшаб титрар бутун.
 Қақшар Никарагуа,
 Фаластин қақшар бугун.
 Ҳарбу зарб — юк рух, жонда.
 Фарёдлар юкдир гумроҳ.
 Қолма бир кун пушмонда:
 “Узраш бадтар аз гуноҳ!”
 Ташла-а-а!
 Шоирман,
 Ишон менинг сўзимга.
 Қисматингга шерикман,
 Кўзинг кўздир кўзимга!

*Она Замин, айланайин,
 Айланайин, она-Ер.
 Юрагингга бойланайин.*

* Уэри гуноҳидан ёмонроқ. (Форс мақоли.)

Бойланайин, она-Ер.
Биз — миллион,
Биз — миллиард,
Биз — ўлимдан қўрқмаймиз...
Тинчлик — Аёл, Тинчлик — Фарзанд,
Юракдек қўриқлаймиз!
Қалб амри билан бугун
Имзо чекамиз, мана.
Насл, зурриёт учун,
Хаёт қилсин тантана!
Биз — миллион,
Биз — миллиард.
Биз — ўлимдан қўрқмаймиз.
Тинчлик — Ватан, Тинчлик — Миллат,
Юракдек қўриқлаймиз!
Қалб амри билан бугун,
Имзо чекамиз, мана.
Бор бўлсин Миллат, Ватан,
Улар қилсин тантана!
Биз — миллион,
Биз — миллиард,
Биз — ўлимдан қўрқмаймиз.
Тинчлик — Эрк ва Ҳақиқат,
Юракдек қўриқлаймиз!
Қалб амри билан бугун
Имзо чекамиз, мана.
Бизни — ўз туримиздан
Сақлагил, одил Дунё!
Биз — миллион,
Биз — миллиард,
Биз — ўлимдан қўрқмаймиз.
Тинчлик бағрида, фақат,
Биз — яшамоқ истаймиз!
Қалб амри билан бугун
Имзо чекамиз, мана.
Замин бўлсин бус-бутун,
У ягона, ягона!!!

ИНТИҲО



Космополит эмасман,
Бу тушунча хориж-ёт.
Ўзга юртни демасман.
Сийлаган мени Ҳаёт, —
Хур, буюк Ватаним бор,
Номи — Сўзнинг бугдойи.
Юрагимда барқарор
Ҳаттоки бир қуврайи.
Олуסי девор оша
Мўралар боғларидан.
Алқорлари қувнашар
Нурота тоғларида.
Абадийлик уфорин
Анқитар қир, даштлари.
Уйларига қураб ин
Оқтўш қалдирғочлари.
Пахтаси — жаҳон аҳлин
Кирган хонадонига.
Ҳеч зот етмаган ҳали
Тарихин поёнига!
Халқим бор: гарчи бир оз
Тўпори, қув, соддароқ
Ва лекин мағрур, бир сўз,
Мутафаккир, кўнгли оқ!
Мен толиби илмман,
Чўлдай чанқоқман доим.
“Башарий муҳаббатдан
Мен шунда сабоқ олдим”.
Учиб айланаётган
Тайёра эрур Замин.
Учиб айланаётган
Сайёра эрур Замин.
Шу Тайёра ичинда
Юртим бордир менинг ҳам,
Шу Сайёра ичинда
Халқим — бахтимдир бекам.
Улар қувонч, шодлиги

Гавҳаридир кўзимнинг.
Ғам, алами, дардлари
Дардларидир ўзимнинг.
Йиллар оша, о, балким,
Фазо бўлар қароргоҳ...
Лекин менга шунда ҳам
Муборакдир шу тупроқ!
Паймонам тўлиб бир кун
Кўз юмганим чоғида,
Мени хосу мос кўминг
Ўзбегим тупроғига!
Унда бир ғунча бўлиб
Қайта ўсиб гуллайин.
Тўрғайдай тўлиб-тўлиб,
Тўлиб-тўлиб куйлайин:

*“Она Замин, айланайин.
Айланайин, она-Ер.
Юрагинга бойланайин,
Бойланайин, она-Ер”.*

1983

Дўтироф



*Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор*

ПОКИЗА ОСМОННИНГ ИЛК ЮЛДУЗЛАРИ

Яқин тўрт-беш йиллар ичида адабиётимизнинг қутлуғ ва улуғ оstonасига жуда кўп ёш ижодкорлар шахт ва шиддат билан илк қадам қўйдилар. Буни ана шу даврда нашр қилинган ихчам шеърӣ китобчалар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бу китобчаларнинг деярли барчасида ҳам ҳар бир эзгу ният ва ўктам умид билан қалам тутган ёш шоирнинг устувор ўйларини, ҳайрат ва ҳаяжонини, муҳаббати ва нафратини, ҳуллас, беғубор қалбининг ўзига хос бетакрор бир оҳангини илғаш ёки жуда бўлмаганда сўзлаш мумкин. Ана шундай ижодкорлардан бири иқтидорли ёш шоир Азим Суюндир. У ўзининг илк китобчасини китобхонлар ва талабчан устозлари ҳукмига “Менинг осмоним” деган рамзий бир ном билан ҳавола қилган. Азим бу илк китобчасига ўз осмонини — қалбини ҳаяжонга солган масалалар ҳақида гоҳ куюниб, гоҳ ҳадсиз шодлик билан ёзган шеърларини жамлаган.

Ёш шоир шеърларининг мавзуи ғоят ранг-баранг. Уни, аввало, инсон ва унинг мураккаб ички дунёси, “башарият бахти”, замон ва унинг шиддати, муқаддас Ватан севгиси ўйлантиради, шулар унга қалам тутқазади. Азим сўз масъулиятини, унинг улуғ қудратини чуқур ҳис қилади, “сўзланган сўз — ҳақиқат бўлмоғи лозим” деб билади, “юрak ва тилнинг ягона тахти ҳақиқат бўлмоғи керак” деб ҳисоблайди. Бу ёш шоирнинг китобидаги барча шеърларида ҳам сезилиб туради, юқоридаги “керак”, “лозим”лар унинг шеърӣятга қасамёдидай жаранглайди. Айниқса, бу ўринда унинг “Инсон”, “Оҳ, менинг бир дўстим ўлиб қолди”, “Оху” каби шеърларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тўпламда “Шарқ ҳикмати” номли дилбар ва сермушоҳада бир шеър бор. Унда инсон характерида учраши мумкин бўлган адашишлар ва уларнинг “тирикликка (бўлган) буюк муҳаббат” билан муқоясасида ўз моҳиятини йўқотишлари борасида сўз юритилади. Лекин бугина эмас, шеърда урушни лаънатловчи оламшумул бир умумлашма жуда содда ва равон мисраларда ўз аксини топган:

*Ётар бунда қанча шаҳидлар,
Ҳарб касрига йўлиққан бевақт.
О, нечоғ ёт дунёга ҳарблар. —
Қабристонни қилгин зиёрат.*

Азим Суюн шеърларида она-Ватан, севикли диёр тимсоли ўзига хос ранг ва жаранг кашф этади. Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ғоят олий ва муқаддас туйғу даражасига кўтарилади. Бу ўринда Азимнинг “Туткун” номли шеъри диққатга сазовордир. Ғанимлар туткуннинг кўзида қатра ёш кўрмоқ ниятида унга: отангдан айрилдинг, дейдилар, туткуннинг “мағрур боши мағрур қолади”, онангдан айрилдинг, дейдилар, “мағрур бош мағрур қолади”.

Бирок:

*Қасоскор хабарлар билмас ҳад
Ватандан айрилдинг, дедилар
Ва унинг кўзида сўнгги дард —
Қатра ёш кўрмоқчи эдилар,
Қатра ёш...
Бир қалқди... Жон эди ўша ёш!*

“Жон эди ўша ёш!” Бу жон Ватан учун эди, бу жон севикли она-диёр учун эди — ана шу буюк ва улуғвор Ватанга бўлган муҳаббат йўлида у бир қалқди, узилди. Ватанга бўлган бундай беадоқ муҳаббат туйғулари ёш шоирнинг “Машрабнинг сўнгги қўшиғи”, “Замин тақдири”, “Уфқ ости тик қоя, тоғлар” каби шеърларида ҳам ана шундай ёниқ мисраларда ўз ифодасини топган.

Азим табиатни севади, унинг рангин ва соҳир товланишларига, мураккаб қилиқларига маҳлиё бўлади, улардан астойдил лаззатланади. Шунинг учун ҳам у табиат тасвирларидан фойдаланади, шунинг учун ҳам уни “саркаш илҳом ҳам куттирмас узок”. Шунинг учун ҳам у табиат сеҳридан ошуфта бўлиб, “қутлуғ дунёга сиймай” кетади:

*Гиёҳлар, куртаклар очмоқда жамол,
Олам тўлиб борар яшил навога,
Ёнингга елурман шу баҳор мисол.
Мен бу дам сиймасдан қутлуғ дунёга.*

Ёш шоир “яшил навога тўлиб бораётган оламни” эшита ва кўра олади. Зотан, шоирликнинг ибтидоси ҳам ана шундадир.

Шеърда ҳар бир сўз табиат рангларидай товланмоғи лозим. Рус адабиётшуноси, Пушкин ҳақидаги йирик романнинг муаллифи Ю. Тиянов “сўзлар ҳамелеонлардир, улар ҳар қўлланганда, турли маъно нозикларигина эмас, балки турли бўёқлар ҳам кашф этадилар” деб бежиз таъкидламаган эди. Азим Суюн шеърларида ҳам сўзларнинг ана шундай товланишларини кўриш мумкин. Юқоридаги парчада ҳам “Яшил наво” бирикмасидаги “яшил” ва “наво” сўзлари мутлақо янги ранг ва маъно кашф этади.

Тўғри, ёш шоирнинг шеърларида баъзи жузъий қусурлар, сўз қўллашида айрим ноаниқликлар ҳам йўқ эмас. Лекин уларни илк учрашувнинг ҳаяжони деб биламиз.

“Поёнсиз ерларига уруғ тиккандай деҳқон. Инсонларнинг қалбига гуллар экмоқ истаги” билан қўлига қалам олган ёш шоир Азим Суюннинг ёниқ ва тиниқ мисралар тизишига ишонамиз.

*«Тошкент оқшоми» газетаси,
1978 йил 24 июль*

Мансур ТЕНГЛАШЕВ
филология фанлари номзоди

МУҲАББАТНИНГ СИРЛИ ҚЎШИФИ

Саксонинчи йиллар шеърятининг пафосига назар ташлаган китобхон қалбида ижодий ўқтамликнинг самимий талқинидан қониқиш, завқ уйғонади. Эркин Воҳидов, “Афғон шоирларига”, “Замин отли бир сайёрани...”, Рауф Парфи “Сиёвуш фарёди”, “Туркистон ёди”, Тилак Жўра “Юрак”, “Ёмғирдай шовуллаб ёғарман ҳали...”, Омон Мухтор “Оқариб ётган атроф — Оқ бир тун...” каби шеърларида бедор Замин тўлғоқларини, “Ер — ё ҳаёт мамотдан иборат” лигини ўз қувончи, изтироб ва шодликларига жўр сатрларда ифодалашга уринадилар.

Азим Суюннинг “Хаёлот” китобининг лирик қаҳрамони ҳам табиатан фаол, курашчан. Халқ истиқболи учун кураш ва келажакка ишонч руҳи унинг этикодига сингиб кетган. Тинчлик — шоирнинг мустаҳкам инсоний мақсади:

*Мен — ИНСОН! Каюмарс авлоди,
 Шоҳлигимдан юксак тураман.
 Шоҳлигимни унутсин ёдим —
 Тинчлик учун жангга кираман!*

Бу — эзгуликка ташна қалб даъвати. Катта умид билан нафас олаётган, башарият бахти учун жангга кираётган ёш юрак овози. Юқоридаги мисралар билан хотималанган шеърда шоир ҳис-туйғулари чақириққа айланган. Бу даъваткор руҳ-асрий жаҳолат ва қуллик асорати хавф ёғдириб турган халқлар дардига, қайғу-аламига ҳамоҳанг. Чунончи, “поэзия жаҳолат, қўполлик ва телба-ликнинг душмани бўлгани сингари қулликнинг ҳам ашаддий душманидир” (Д. И. Писарев).

Азим Суюн шеърларидаги туйғу ва тафаккурнинг поэтик уйғунлиги шоир ҳиссий идрокининг реал воқеликдан ажралмаганидандир:

*Сокин қалбим, сўрайман сендан,
 Ёшликдаги шиддатинг қани?*

— *Сўраб нима қилурсан мендан,
Хув, йиллардан сўрагил уни.*

Ҳақиқий шеър ижодкори фақат шоирнинг ўзи эмас, у яшаган давр ҳамдир. Давр руҳидан ажралган шеърият ҳамиша сохталикдир. Сохта жафокашлик — юзаки оҳ-воҳлар, табиийки, самимийликдан йироқдир. Башарти, шоир жамият, халқ ҳаётидаги кўзга унча ташланмайдиган, энг нозик ўзгаришларни ҳам теран идрок қилса, ҳар бир янги ҳодисага фаол ёндашса ва ўз таассуротларини эҳтиросли ифодаласа, истеъдод ўз олдидagi юксак талабни оқлайди. Унинг қақириғи замондошларини бефарқ қолдирмайди.

Шеър табиати баландпарвоз сўзлар гүмбурни билан эмас, балки ҳислар ифодасининг табиийлиги, фикрнинг кучли ҳамда ҳаққонийлиги билан тирик ва таъсирчандир. Бундай шеърият замон овозининг акс-садосигина бўлмай, айна пайтда, шоирнинг ўз “мен”ини англаши ҳамдир. Азим Суюннинг “Гулхан”, “Таърифи Бодиелдои Самарқандий ва ёки эътиқод ҳақида кўшиқ”, “Хорижга кетиб қолган ўзбекларга саволим”, “Нурота тоғларин...”, “Бир туп арча...”, “Унутилган тиллар” ва “Грек ватанпарвари Никос Белоянниснинг охириги сурати” шеърлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Н. Добролюбов шоирнинг асосий фазилати хусусида сўз юритиб, бу “бир томондан, ундаги поэтик ҳиснинг қанчалик кучли эканига, иккинчидан эса бу ҳиснинг қандай предметларга ва бу предметларнинг қайси томонларига йўналтирилганига боғлиқдир”, деб ёзган эди. Улуғ танқидчи, бу ўринда, ижтимоий воқелик ва унинг маҳсули бўлган шоир ҳис-туйғуси орасидаги уйғун муносабатни, узвий алоқадорликни назарда тутган. Бинобарин, чинакам шеъриятда ҳиссий ва ижтимоий муносабатлар уйғунлашган бўлади ва бу ҳодиса китобхонларни мулоҳаза юритишга ундайди.

Азим Суюн “Қодир овчи ўлими”, шеърида бир пайтлар “одамхўр бир йўлбарсни отган”, “бўридай югурик” кекса овчининг сўнгги нафасдаги видолашув нутқи китобхон қалбини ҳаяжонга солади.

Лирик қаҳрамон — кекса овчи умрида жуда кўп нохуш ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган. Йўлбарс, бўри, кийик овлаб тоғларда саросар кезган. Энг кучли, ашаддий йиртқич ҳайвонларнинг ҳам ўлим олдида қандай даҳшатга тушганини, жон талвасасини кўзи билан кўрган. “Лекин, билсанг, оламда Бургут деган бир қуш бор.

Титрамайди ўлимдан. Долға каби шиддаткор". Бургутнинг қуввати ва шиддати, жасурлиги ва жангарилиги овчига ҳамиша муайян идеал бўлиб келган. Демак, бургут каби яшаш, икир-чикирлардан юксак туриш, жўмардлик — лирик қаҳрамон қалбини тўлқинлантирган омил.

*Бургут менинг аждодим,
Ўлим деган нима гап?
Йўк, йўк, менинг авлодим
Ўтмас ҳеч қачон титраб!*

Кекса овчининг бу сўнгги сўзларини Инсон бардошига гўзал касида деса бўлади. Демак, мазкур шеър қиммати инсон ва унинг бўкилмас иродасини, ғайрати ва бардошини улуғлашда.

Бироқ, ёш қаламкашнинг "Қўшиқ", "Қайтиш", "Ой гоҳ тўлин, гоҳо яримта..." сингари баъзи шеърларида фикр ва ҳиссиёт мутаносиблиги етишмайди.

*... Бу юртлардан кетар бўлдим мен,
Юрагимда аламли наво.
Ойга қўшиқ айтар бўлдим мен,
У гоҳ бутун, у ярим гоҳо...*

Шеърдаги зўраки ҳиссиёт, юзаки ҳолат тасвири фикр мантиқини бузган. Бироқ шоирнинг "Муҳаббатнинг сирли эртаги" шеъри бунинг акси. Унда ҳақиқий, покиза муҳаббат тараннум этилади. Севгининг фароғатли, сирли хотиралари оғушидаги ошиқ ҳолати тасвири самимий, табиий. У қалбида муҳаббат уйғотган завқ-шавқдан лол: "Ёшлигимдан, билмайман, қай кез, Бўй уфурди кўнглим чечаги. Асир этди бир жуфт қора кўз — Муҳаббатнинг сирли эртаги". Шоир муҳаббат мавзуида қалам тебратганда чиройлик сўзлар, оҳанглар сеҳрига деярлик берилмайди. Илк муҳаббатга дуч келган кишига оддий нарсалар ҳам ҳайратланарли туюлади. Буни яхши идрок этган шоир: "Ҳаёт — ҳайрат, тириклик ҳайрат. Ҳайрат эрур ошиқ юраги!" дея хитоб қилади.

*О, бир саҳар шам сингари жим
Ўниб битса умрим кузаги.*

*Бир чечак бўп сени кўлагим —
Муҳаббатнинг сирли эртаги...*

Муҳаббатни чечак бўлиб сени кўлаш — садоқат тимсоли, муҳаббатга фидойилиқдир. Абдий садоқат ва фидойиликсиз, юзаки оҳ-фарёдларга қурилган ишқ сохталикдир. Азим Суюннинг “Илтижо”, “Қуёш афсонаси”, “Денгизда”, “Ишқ олови” сингари шеърларидаги ёник, эҳтиросли муҳаббатнинг нозик тасвири китобхон қалбида фориғлантирувчи кайфият уйғотади. Унинг “Шоирга” шеъри шундай хотималанади:

*Халқнинг қалбидан сен ҳам
Дарё, анҳор бўлиб оқ.
Шунда чин шоирсан, ҳа,
Пешонаси ярқироқ!*

Халқ қалбидан “дарё, анҳор бўлиб” оқишдек шарафли башарият бахти учун курашишдек юракка ҳаяжон соладиган бошқа сурурли юмуш борми? Ҳа, яшаш, яшаганда ҳам шавқ билан, умум дардига шерик яшаш туйғуси яратишни, тер тўкиб курашишни талаб этади.

*«ИЖОД СЕҲРИ» китобидан
Ғ.Ғулом номидаги
адабиёт ва санъат нашриёти,
1988 йил*

**Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди**

ЗАВҚ ВА МАСЪУЛЛИК

Ёзнинг айни чилласида Чустдаги сойнинг ўнгидан — Ўзбекистон, сўлидан — Қирғизистон бошланадиган Гова қишлоғида дам олдик. Бир ажиб манзара: тоғ кетидан тоғ, чўққи кетидан чўққи, сой кетидан сой келади. У ёғи Чин-Мочингача борадиган бир буюк тоғ тизмаси. Шаҳри азимнинг ола-тасир, ғала-ғовур, ҳаётидан қочиб борган киши учун дарҳол кўзга ташланадигани шуки, бу ерларда одам кам. Тинч. Хотиржам. Инсонга ҳурмат тамом бошқача. Оллоҳ инъом этган табиат қўйнидасиз. Тоққа ўрлаб борганимиз сари майин-майин шаббода эсиб, ёш йигитчанинг ширали, ҳали дўрилламаган овоз билан берилиб айтаётган қўшиғини олиб келиб турибди. Баландлаганимиз сайин ашула авжига чиқади. Ўзини кўрмаймиз, аммо болакай маст бўлиб куйлагани-куйлаган:

*Нурли-нурли чўққиларда
Бир хаёл бўл!
Бир хаёл бўл!..*

Охири, биз уни овоз бериб топдик: бир юксак чўққига қўниб олган. Атрофида қўй-эчкилари. Бу тоғда ундану биздан бўлак зот йўқ...

Нима бу мурғак кўнгилни куйлашга ундаган? Ёлғизликми? Ё бири бирига ўхшамаган, бири биридан гўзал, бири бирига елка тутиб, гўё осмонни кўтариб тургандек кўринадиган бу тоғлар маконими? Ёҳуд шундай бир ҳолатда туғилган завқми? Ҳар ҳолда, ана шу ёлғизлик орзулар диёри — тоғлар бағрида бир мурғак қалбга гўзаллик чўғини ташлаган. Бундай нафис чўғда эса илоҳийлик қудрати намоён бўлади. Энди буни нима деб атасак — атайверамиз: истеъдодми, қобилиятми, инсоний сарватми, илҳомми?..

Рост: Азим Суюнни шоир қилган — у туғилиб ўсган Нурота тоғлари, унинг асарларидаги бош мавзу — Ватанга муҳаббат завқининг илк учкунлари шу ерда пайдо бўлган:

*Муштдек бўлиб пода бокдим,
Чўққиларда гулхан ёқдим,
Гоҳ ёрилай дедим завқдан,
Дунё юртим — Ўзбекистон.*

Илк шеърларида шоир сизни табиатнинг тоғдек бир буюк мўъжизаси сари етаклайди. У ерда турли гиёҳлар билан ошно бўласиз. Турфа чечакларни шоир билан бирга-бирга ҳидлайсиз. Файзли ва фожиали ов манзараларини кўрасиз. Бу дунёда яшаш учун яралган турли ёввойи жонзотларнинг ҳаёт учун курашидан хабар топасиз.

Табиат тасвирининг шоир учун икки жиҳатдан аҳамияти бор: биринчиси — ижодкор ҳаётда кўз очиб кўргани — Ватан ҳиссини туюди, инсон учун эса Ватандан юксакроқ бойлик йўқ:

*Қушга — осмон, балиққа — сув,
Инсонга — Ватан керак.*

Иккинчиси — унинг асарларидаги тоққа хос гул, чечак, дарё, дара, сой, арча, кашқир, тулки, кийик, олқор — ҳаммаси бир тимсол. Умуман адабиётда ҳамма нарса — одам: гул ҳам, япроқ ҳам, сув ҳам, куёш ҳам. Камида, уларнинг бари инсоний нуқтаи назар билан қаралаётгани учун сўз санъатига кираётибди.

Баъзи шеърларни ўқийсиз — ҳамма нарса жойида: вазн ҳам, қофия ҳам. Мантиқ ҳам, фикр ҳам тузук. Мисраларда ҳам пишиқ-пишиқ. Лекин шеър сизнинг ҳиссингизга кучли таъсир қилмайди. Чунки унда энг асосий нарса — бадийлик етишмайди. Демак, шоирнинг ҳис-туйғусию завқ-ҳаяжони сўз-тимсолларга кўчмаган. Ўқувчининг кўнглидан: "Бундай куп-қуруқ фикрларни қофиялаб, вазнга солиш менинг ҳам қўлимдан келади-ку!" — деган "куфро-на" ҳаёл ўтиши ҳам ҳеч гап эмас. Ҳақиқий шеър шундай бўладик, ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам уни кейин ҳеч қачон ҳудди шундай қилиб қайта ёзолмайди, деб ўйлайман. Чунки у шоирнинг муайян, ҳаттоки, оний бир руҳий-изтиробий ҳолат изҳори ўлароқ қоғозга тушган. Аммо ана шу ҳис-туйғуларнинг сўзга кўчиши ҳам тайинли бадийят қонуниятлари асосида амалга ошади. Тўғри, ҳар бир шоирнинг ўз йўли, ўз усули, севган ифодаю тимсоллари ҳам бўлади. Бирок бу ҳам сўз санъатининг ана ўша умумий қонуниятлари замирида юз кўрсатади. Шу маънода Азим Суюн шеърларида

халқона бир бадияят, таъбир жоиз тутилса, жайдари бир самимият бор.

Шоир асарларида Нурота тоғлари руҳи шў қадар уфўриб турадики, агар ҳар бир қаламқаш ўз туғилган диёри ҳаётини адабиётга шунчалар олиб кирса, сўз санъатимизда улкан кенгликларга ёйилган бу улўғ халқимиз ўй-хаёллари, ҳаёт тарзи, ўзига хос ҳудудий урф-одатлари, жуғрофий манзаралари — маданияти тезроқ умумхалқ мулкига айланган бўлур эди. Азим Сўюннинг талай шеърлари, хусусан, "Иморат ва ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони" янглиғ асарни болаликдан шоирлар даврасида ўсиб-ўлғаймаган кишининг ёзиши амри маҳол. Достонда халқ дарди жировлар тилидан айттирилади. Унда миллатни бирлаштиришга чорловлар бор. Асарни ўқиб бўлиб: ўзбекнинг бир овлоқ қишлоғидаки шунча чечану сўзон, сўзамолу суҳангари, яхшию бахши, ундай-бундай қулоқчи бўлса, биз, чиндан ҳам, шоир халқ эканмиз, деган ҳулосага келасиз. Ўзбекнинг бир қишлоғидаги гурунгда шунчалар изҳори дард бўлдим, демак, бу халқнинг ичи тўла дард экан, деб ҳам ўйлайсиз.

АЗИМ СҮЮНЛАР АВЛОДИГА мансўб шоирларнинг аксарияти дастлаб ҳаётдан олган болаларча завқларини, нозик ва самимий тўйғуларини кўйлаб адабиётга кириб келди. Аммо улар борган сари ижтимоийлаша, фаоллаша, таъбир жоиз бўлса, сиёсийлаша бордилар. Азим Сўюнда ҳам йиллар ўтган сайин масъулик, халқ ва унинг тақдирини ўйлаш, ҳаётда шахснинг ўрни масаласи хўсусида фикр юритиш кўчайди, бу энди унинг ижодидаги шунчаки сайри боғу тоғ кезишлар ўрнини эгаллади. Инсон ва табиат вобасталиги ўрнига кўпроқ инсон ва жамият муносабатлари қаламга олина бошлади.

Баъзан ҳатто шу жамият муаммолари ичра шоир аччиқ-аччиқ таъмлар тўйди... Рубобий (лирик) қаҳрамон шуурида курашчан рух пайдо бўлди. Азим Сўюннинг ҳаётдаги таъсирчан драматик ва ё фожиавий ҳолатларни тасвирлашга мойиллиги шундан. Бора-бора шоир асарларида кўдратлилиқ ва ожизлик кураши бот-бот қаламга олинадиган бўлди, ботирларни кўмсаш оҳанги устуворлик қила бошлади.

"Баҳодирнинг қиличи синди..." мисраси билан бошланадиган шеър икки банддангина иборат. Пастак ҳовли четида кўлида китоб тутган болакай юм-юм йиғлайди: эртақ Баҳодирнинг қиличи синиши билан тўғаб қолди. Ёвники эса бутун... Кейинги банд-

нинг пишиқ-пухта сўзлари шундан далолат берадики, китобни болакай йиртиб ташлаган. Характернинг кучлилигини қарангки, боланинг ўзи шундан сўнг қаёққадир кетган. Шоирнинг хулосаси эса руҳингизни ўзгартириб юборади — болакай баҳодирга қилич излаб юрибди:

*Қайга кетди япроқдек бола,
Бўта каби қайда бўзлайди?
Учиб юрган варақлар, ана,
Шамолларга эртак сўзлайди (!).
Бола қани?.. Билмайман, аммо,
Ишонаман, қайлардадир у
Баҳодирга қилич излайди...*

"Тутқун" шеърида Ватан меҳри она меҳридан ҳам устун кўрилади. Чет элдаги муҳожирга душманлари "Онангдан айрилдинг", — дейдилар. Унинг кўзларида қатра ёш кўрмоқчи бўладилар. Ёш чиқмайди. Кейин: "Ёрингдан айрилдинг", — дедилар. Яна ёш чиқмайди унинг кўзларидан. Охири: "Ватандан айрилдинг", — дедилар.

Бунга чидаш мумкинми, ахир:

*Қатра ёш...
Бир қалқди... Жон эди ўша ёш!*

Хўш, турғунлик йилларида мустамлака бўлган халқлар шеъриятида Ватан мавзуси нега бунчалар кучайиб кетди?

Гап шундаки, бу давр шеъриятидаги Ватан тимсоли англатган тушунчалар, айтайлик, Иккинчи жаҳон уруши давридаги Ватан тушунчасидан тамоман фарқ қилади. Энди шеъриятдаги "ёв" тимсоли англатган маъно ҳам бутунлай ўзгарган эди. Бунга ҳамма билар, аммо танқидчилик бундай шеърларнинг нозик, тўғрироғи, асл маъноларини ёйиб тушунтириш — ошкор таҳлил этишдан сақланар эди. Аҳвол шу даражага бориб етган эдики, адабий гурунглarda шеърлар муҳокама этилгудек бўлса, уларга худди ана шу — миллат бошига тушган кулфатлар, чидаб бўлмас адолатсизликлар ҳақида бирор ҳақиқат, ҳукмрон сиёсат нуқтаи назаридан қаралганда, "қитмир гап" айтилган-айтилмагани жиҳатидан баҳо беришга ҳаракат қилинарди. Шунинг учун ўша йиллар

ўзбек шеъриятида ўтмишдаги талай миллий қаҳрамонлар тим-соллари — уларнинг номлари, монологлари, сўнги сўзлари пайдо бўлди, ҳатто адабиётга кенг халқ оммасига у қадар таниш бўлмаган жаҳондаги турли мамлакатлардаги ватанининг миллий озодлиги учун курашган ва ё курашаётган халқлар қаҳрамонлари ҳам кириб келди. Шоирлар: "Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит!" қабилда иш кўришга мажбур эдилар.

"Ҳамдардлик" деган бир-икки, баъзилари уч сўздангина иборат мисралар тизмасидан ташкил топган бир "ингичка"гина шеър бор. Мусичайи бегуноҳ ҳақида. У шунчалар беозорки, бечоранинг жўжачалари инидан тушиб ётади, чумолилар галаси уни тортқилайди, гарчи куш бўлса ҳам, қанотлари бўлса ҳам, боласини ёвдан қутқариши душвор. Шунчалар душворки... "Бир юмшоқ кўнги" шоирнинг унга раҳми келиб кетади, ҳатто йиғлайди ҳам...

Бу мусича эмас, мусичадай бегуноҳ, болаларини ёв талаганда ҳам ҳимоя қилолмаётган беозор ўзбек халқининг тимсоли! Ёки "Миркарим Осим" деган шеърдаги қуйидаги сўзларни мусича тимсолига қиёсланг:

*Елкалари бўлиб кетар оқ —
Деворларга ўтар сирпаниб,
Бойис: олддан келмоқда одам,
Каттами ё, кичикми ёки,
Гўё лозим бермоқлик салом...*

Аслида, беозорликда-ку ҳикмат кўп-а! Қани энди, бутун бани башар шундай солим табиат бўлса... Аммо ҳозир замон бундайларники эмас. Ҳар қадамда нони "туя" бўлаверади хушфеъл халқнинг. Беозорлик ҳар қанча яхши бўлса-ю бундан бошқалар фойдаланса, ўша камсуқум кимсаларни ҳам курашга чорлаш керакми-йўқми?! Шоир ана шу — қора меҳнатдан бошқа "айб"и йўқ оммани курашга ундамоқчи бўлади.

ОЛЛОҲ ИККИ НАРСАДА инсонни жамики жонзотлардан устун қилиб яратди. Бу — дил ва қўл. Одам боласи кўнгли ва қўлини имкони етгани қадар ривожлантириб, уни ишга солган тақдирда ҳар қандай танти рақобат майдонида ҳам хор бўлмайди. Эски даврда меҳнаткашгаю истеъдод соҳибига қийин эди. Азим Суюн буни бор-йўғи уч сўз иштирокида яратган жажжи шеърда қотириб айтган:

*Истибдоддан дод! —
Додлар истеъдод.
Истеъдоддан дод! —
Додлар истибдод.*

...Ўқиётганингиз мақола ниҳоясига етаётган кунлари матбуотда Азим Суюннинг "Куйганим — Суйганим" китоби Ҳамза номидаги Ўзбекистон жумҳурияси давлат мукофотида қўйилгани ҳақида хабар чиқиб қолди. Шоир учун энг катта мукофот, аслида, шеърлари ўқиладигани. Асарлари билан одамлар қалбидан жой олган шоирларимизга давлат мукофоти берилса, нур устига нур бўлур эди. Азим Суюн бундай мукофотга лойиқ шоир.

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,
1993 йил 5 февраль*

**Нурмуҳаммад ХОЛЛИЕВ,
филология фанлари номзоди**

ИБТИДО СЕҲРИ, АЗАЛ ҚҶШИҒИ

Азим Суюн лирик ижодкор, оний туйғуларнинг чақнашларида йилт этиб кўриниб, сўнгра тагин абадий гўшаси — зулмат қаърида ғойиб бўладиган туйғун реалликлар шоири. Шоирнинг Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида қўйилган "Куйганим — суйганим" китоби ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Азим Суюннинг фарзандлик масъулияти, заминпарварлик туйғуси у тасвирлаган баҳодирнинг қиличи янглиғ. Унинг шеърларида ҳақиқат, адолат, эрк, имон, эътиқод, муҳаббат — ҳар бир кескир қилич: шоир иллатларга қарши сўз лашкарини жангга солади, ёвуз типлар, уйқучи ва лоқайдлар юрагига қўшиқларни найзадек санчади.

Нуротага — туғилиб ўсган музофотида бағишланган туркум шеърларда тарих ва табиат, ифтихор ва ташвиш ёнма-ён ўсган олма ва ток новдалари каби чирмашиб кетади.

Азим Суюн тўплам композицияси орқали ҳам тазод яратишга, қўшимча фикр айтишга, ғояни таъкидлашга интилади. "Алқорлар" ва "Инсон" шеърларида бир мавзу — ягона қаҳрамон ҳақида сўз бораётгандек таассурот қолади: инсон ва табиат муаммолари эш бўлиб кетади.

Овчилар дастидан алқорларга кун йўқ. Улар Ватанни тарк этишга, ўзга тоғлардан макон ва паноҳ излашга маҳкум:

*Рост бўлсин, сайёдларга
осиб минг тавқи лаънат.
Ўқ етмас манзилларга
бош олиб кетганлари!*

"Инсон" шеърида эса шоирнинг ўзи алқор ҳолида намоён бўлади. Одам ўз кашфиётлари оловида қоврилади. Унинг измидан чиққан қурол алқорлар ва одамларни бирдек қиради: ҳар иккиси адашган одамзод қурбони.

Азим Суюнда Ватан туйғуси кучли. Нурота ҳақида ёзганда у — ҳамиша кенг, сокин, донишманд, туйғулари бўлиқ. Ватан — диёр

тарихи — улуғвор, одамлари — ҳалол ва мард, чўпонлари — тоғ бургутлари, уларнинг гурунги — афсонадан ранг олган. Табиат — архитип. Тунги гулхан атрофида фақат тоғлар ёки ўтмиш ҳақида суҳбат кетади. Ҳар иккиси абадий қудратга эга. "Баҳодирнинг қиличи синди", "Баллада", "Овчи ўлими", "Гулхан" шеърларида тоғлар ва инсоннинг мағрур руҳи, баҳодирлик улуғланади, мотивга айланади. Булар: годойнинг абадий тиламчилиги ("Годой"), тирик кўзнинг абадий очкўзлиги ("Кўзлар") каби қонунга айланган ҳислат — архитиплардир.

Инсон ва табиат Азим Суюн мисраларида тутшиб кетган. Тоғ ва баҳодир, бургут ва чўпон, сув ўтлари ва бола, оҳу ва ёр бири иккинчисига айланиб, тимсол бўлиб келади. Нафақат табиат жонлантирилади, балки табиатнинг қалби ва донишмандлигини ёритишда инсон хусусиятлари сифатловчи хизматни бажаради. Хуллас, шоир ўзини, инсонни табиатдан ажратмайди.

Шу вақтгача табиат инсон учун фан, инсон унинг гултожи сифатида тахтда кўрсатиларди. Азим Суюн уни тахтдан тушириб, табиат кўрига кўшди: бу қуруқ камтарлик эмас, балки ўзгача фалсафа. Шунан олганимиздан кейингина унинг шеърларида ҳаёт, муҳаббат ва ўлим зиддиятлари ҳал қилувчи ўрин тутишини, лирик қаҳрамоннинг ўй ва майлларида пардаланган қатламни пайқаймиз. Оддий метафорадан яралган "Сув ўтлари" шеърининг тенгламасини ана шу фалсафий микроскоп ойнасидагина кўриш мумкин. Хилма-хил талқинлар уйғотадиган бу саккизликни тўлиқ келтирамиз:

*Денгизлардир сизга ошиён,
Сизга ватан дарёлар, сойлар.
Нурлар каби поксиз ҳар қачон,
Ҳасад қилар юлдузлар, ойлар.*

*Рост, шунча ҳам поклик бўлурму?
Мен-ку ҳасад қилмайман, бироқ,
Гоҳи-гоҳи сизга термилиб,
Йиғлаб-йиғлаб оламан узоқ...*

Сув ўтлари — рамз, улар мисолида болаларнинг, фарзанднинг поклиги кўрсатилган, ишонувчан, беғубор кишиларга ҳаётда қийин бўлиши айтилган.

Азим Суюннинг табиати сарбастга мойил. Аммо шоирнинг бармоқда битилган шеърлари кўп. Унинг энг суюмли мавзуси — тугилиб ўстан маскани бармоқ вазнида тасвирланади. Ўзбекистон даштлари, шаҳарлари, одамлар орасида безовта кезган, куйиб-ёнган шоир ота оstonасига келганда бирдан таскин топади. Нурота тоғларида отаси ҳақидаги қалб хотираларидан, бургутлар авлоди — чўпонлар образидан куч, улғуворлик олади, туйғулари теранлашиб, чуқур бўлиб оқади. Бу — рухий ҳодиса, ижодий принцип эмас.

Шоир шеърларида кутилмаган фикрларга дуч келамиз. Ундан ташқари, шоирнинг ихтиёридан бўлак айтилиб кетадиган фикр ва ғоялар ҳам бор. Унинг тафаккури, туйғулар олами, аниқ бир йўлдан юрмайди. Бола каби гоҳ у, гоҳ бу тарафга гул териб кетади. Азим Суюн — йўнилмаган, силлиқланмаган шоир. Унинг онги ва қалбида эркинлик уя қурган. У табиатга жуда яқин.

"Асрлар ҳикояти" шеърида сюрреалистик унсурлар бор. Искандар ҳақида "Бир зарб билан очунни Парчалаган яроғи" дейилади. Шеър якунида шоир дунёга қараб дейди:

*"Қўрқаман, о. Дунё, сен оқизиб
ёшгинангни..."*

*Искандардай қолмасанг, чангаллаб
бошгинангни!.."*

Дунё одам киефасида эмаслиги маълум. Шундай экан, дунёнинг боши қанақа бўлади? Дунёнинг кўз ёши нима ва у қандай оқаркин? Буларни тасаввур этиш мушкул. Аммо ишонарли.

Шоирнинг турли шеърларидаги "Кўзларингда ёнар муҳаббат", "Ишонган тўрт оёғи, бошлаб борар пичоққа", "Киприк қокқан ҳар куртакка боқаман", "Оёғида қари ботинка" ифодалари ҳам сюрреалистик руҳдадир.

"Қотиб қолар ҳайратнинг кўзи" — ҳайратнинг ҳам кўзи бўларканми? Йўқ. Аммо биз ҳайратда қотган кўзни тасаввур этамиз. Бу фақат кўз; одамнинг, ҳайвон ва дарахтнинг кўзимас, умуман кўз. "Бир мовий ҳаво" шеърининг биринчи банди тўлиғича сюрреалистик:

*"Бир мовий ҳаво — кўклам келаётир,
Бир сарин сабо — кўкрак кераётир,
Бир яшил наво — нима тебранаётир..."*

Табиатда мовий ҳаво йўк, сабонинг эса кўкраги бормидики керса, наво ҳам рангсиз. Шунга қарамасдан биз шоирга ишонамиз, ҳар бир китобхон манзарани ўзича тасаввур этади, ҳавони — мовий, сабони — кўкрақдор, навони — яшил рангда тасаввур ва талқин қилади. Сюрреализм жараёнига китобхонни ҳам тортади.

Шоир хунукликни ҳам батафсил тасвирлаб, баданни жунжиктириб, кишида тозариш ҳосил қилади. "Кўзлар" шеърда ўқиймиз:

Елиб келишибди, қоп-қоп олтин олиб
келишибди, ўйнаб ётган Кўзга буғдой
каби қуйишибди...

Бу ерда ёвузлик тасвирланган: кўзга қоп-қоп олтин қуйишмоқда — реал ҳолда бундай бўлиши мумкин эмас: кўзга бир сиқим ҳам олтин сиғмайди. Бу ривоятдан олинган. Демак, сюрреализмга хос белгилар адабиётимизда — азалдон мавжуд тасвир усулидир. Ўз оғзаки ва ёзма адабиётимиз, санъатимизни билмаганимиз учун уларни ғарб адабиётининг бисоти деб қараймиз.

Азим Суюн хунук манзара чизаётганини яхши билади ва мисраларни ҳам мечкай, бадбашара, ола-бужа қилиб тузади. Кўзга қоп ағдарилаётганидан — ваҳшийликдан юрагимиз бир қалқиса, мисраларнинг мажруҳлигидан яна эзиламиз. Кўнглимиз қатига кириб қолган гардлар кўзғалади.

"Бир дўст ўлими" шеърида шоир шу усулни яна ва давомли қўллайди. Бу шеър ҳам майиб-мажруҳ мисралардан тузилган. Шеър ўлим хабари билан бошланади:

Оҳ, менинг бир дўстим ўлиб қолди,
Билмаймиз, қандай азоб,
 укубатда ўлиб қолди у.
Сизга айтсам, энг аввало кўзларини
 оқ ҳарир парда қоплаб олди...

Ҳар тўрт майиб мисрадан кейин баданни жунжиктирадиган бу тафсилот такрорланиб, кенгайтириб борилади: "Кўзларидаги ўша оқ, ҳарир пардалар бутунлай қоплаб олди", "Ниҳоят ўлди!.."

Шу икки шеърда Азим Суюн сўзларининг лексик маъноси: таш-беҳлар тилидан ташқари, мисралар шакли билан ҳам фикр айтишга, расм чизишга интилганини кўрдик. Бу ҳам унинг тасвирлаш усулларида бири.

"Тутқун" шеъридаги узун мисралар оралиғида иккита калта мисра зўрға кўриниб туради лексик мазмун туртки бериб, мисралар орасидаги зиндон ва унда қисилибгина ётган одам кўзимизга кўринади.

"Тоғ қўшиғи" шеърининг расми бундай:

*Тоғ бўлмоқлик, аслида кўкка яқин турмоқ экан,
Лекин бўрон, дўللарга илк кўкрак кермоқ экан,
Сахро, водий даштларга от ясатиб — миндириб,
Ўзинг пою-пиёда, ожиз хаёл сурмоқ экан.*

Бу шакл — чўкқидор, улуғвор тоғ портрети эмас, мисралар ҳаракати ҳалинчакнинг бир маромда учишига ўхшайди. Калит бу ерда — сўзлар лексик мазмунининг қатида. Шеър "тоғ" сўзи билан бошланади, ўртасида "сахро", "водий", "дашт" пайдо бўлиб, охирида тоғ пою-пиёда юриб, ожиз хаёл суради. Демак, тоғ мисрама-мисра юриб пастга тушди: мисралар бурмаси — айланма тоғ йўлининг чизмаси. Фақат "сахро" сўзи "водий"дан олдин келиб (ноўрин тушган), бир оз чалғитади.

Покланиш ва юксак гўзаллик силсиласига эришиш жараёнида қалб овози — ҳислар шивирини тинглаган Азим Суюн каби ўнлаб шоирлар ҳаёт, инсон руҳияти ва табиатнинг бугунги билим ва ақл уфқидан нарида, фақат туйғуларгина етиб бора оладиган қоронғи сарҳадларидан дарак олмоқдалар. Улар яратаётган поэтик мўъжизалар бизга шахсга сиғиниш ва турғунлик давридан ошиб қолган "шоир", "шеър" ҳақидаги тушунчаларимизни қайта кўриб чиқишга, ғуборлардан тозалаб, адабиётда санъат бош мезон бўлишига эришишимизга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

*«Маърифат» газетаси,
1993 йил 13 февраль*

*Нўъмон РАҲИМЖОН,
филология фанлари доктори, профессор*

ШОИР САЛОҲИЯТИ

Эхтиросли, даъваткор асарлар ёзишни ижтимоий муҳитнинг ўзи, даврнинг ўзи, одамлар феъли-фаолиятининг ўзи тақозо этаётир. Азим Суюннинг шеърӣй салоҳияти бокира туйғулар заминида туғилган гўзал поэзия анъаналари руҳида тарбияланди, камол тоғди, шаклланди. У ёлғон кечинмалар, қоғоз гулға ўхшаган сохта муҳокама-мушоҳадалар асосига қурилган шеърларни маънавиятнинг кушандаси, жамиятнинг кўзига қум сочувчи иллат деб билди. Шу боисдан ҳам Азим Суюн гўзал шеърӣят ҳақидаги юксак тушунчаларни англаб етган, ҳар бир даврда юзага чиқадиган маънавий талаб ва эҳтиёжларни, бугунги куннинг ижтимоий заруратларини вужуд-вужудига сингдирган етук шоир. У бадий СЎЗ зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этади.

Азим Суюнни шоир сифатида табиатдаги, жамиятдаги, одамлар феъли-фаолиятидаги кайфиятлар, ҳолатлар, руҳиятлар дунёси кўпроқ кизиқтиради. Шу маънода у булбул кўшиғидан сеҳрланган гунчалар лабидаги ним табассумни кўра олади: истеъдоднинг сеҳри шундаки, ўша табассумнинг зангори рангини, қиқирлаб кулган гунчаларнинг овозини, шивир-шивирига яширинган масрур маънони сатрларга сингдира билади: шоирнинг бадий тафаккурига халқ оғзаки ижоди оҳанглари, бўёқлари шунчалик сингиб кетганки, у гул баргига яширинган ажиб ранглар билан хушбўй тароватининг уйғунлигини эслатади.

Бу — бир жиҳати бўлса, иккинчиси, оқ сочли тарихда эрк учун, халқ озодлиги учун кечган кураш саҳифаларини, баҳодирлар руҳиятининг бетакрор манзарасини яратишдир.

Халқ эрки, Ватан озодлиги йўлидаги кураш саҳифаларида, миллий мустақилликни мустаҳкамлашдек тарихнинг бурилиш босқичларида зиммасидаги вазифага муносабатда ҳар бир ижодкорнинг кимлиги ва қанақалиги аёнлашаётган бир паллада. Азим Суюн изланишлари, хусусан, "Қуйганим — Суйганим" китобининг асл қиёфасини белгилаган шеъру дostonлар халқимизнинг кўзига, келгуси авлодларга ёруғ юз билан қарай оладиган, ҳам ташвишли, ҳам қувончли кунларига ярайдиган асарлардир.

Хусусан, шоирнинг "Қишлоқ", "Ўзбекман", "Энасой", "Кул Тегин" сингари ўнлаб шеърларида халқимиз ўтмишининг кечинмаларини тиниқлаштирувчи лавҳалар чизилади. "Ўзбекистон" дostonи тари-

хий воқеликнинг мазмун-мундарижасини ҳодисалар шарҳи, тафсилотлар баёни, маълумотлар сони-саноғи ташкил этган эмас. Аксинча ҳар бир тарихий боскичдаги халқ нияти, курашган ғоялари, ёруғ мақсадлари ҳаёт мазмунини ташкил этган. Бу жиҳатдан Азим Суюн олис ўтмишдан ҳам, бугунги кунлардан ҳам мустақиллик деб кечган ёнишлар, нидолар, курашлар саҳифасини излайди, топади, ёритади. Тарихий мавзудаги "Аҳмад Яссавий макбараси қошида", "Жалолиддин Манғуберди", "Қул Тегин", "Энасой", "Амир Темур армони" сингари шеърлари, "Сарбадорлар" достони шу жиҳатдан ўқувчида катта ихлос ўйғотади.

"Сарбадорлар" достони маънавий ҳаётимиздаги бўшлиқни тўлдиришга қаратилган чинакам ватанпарварлик моҳияти билан азиз. Азим Суюннинг шеърий салоҳияти, ҳофиза кучи орқали биз ўша давр воқеаларини кўз ўнгимизда жонлантирамыз. Ўзимиз ҳам ўша жангу жадалларда фикран иштирок этгандек бўламыз. Оддий халқ қаҳрамонларининг зафарию инсон сифатидаги ожизликларидан азият чекамыз, биргалашиб қайғурамыз.

Икки минг йиллик халқимиз тарихининг ойдin саҳифаларини ташкил этган буюк сиймолар ҳаёти, оламгир воқеа-ҳодисалар моҳиятини ташкил этган бетимсол ғоялар маъносини идрок ва ифода этиш — халқимиз ҳаётининг бадиий тарихи демакдир. Шаҳс эрки ва халқ озодлиги учун кураш саҳифаларини, эркинликнинг маънавий асослари ҳамда ижтимоий асосларини кўрсатиш мазкур солномада устувор йўналишни ташкил этади. Халқ бирлиги ва туркий улус ҳамжиҳатлигини таъминлаш — эркинликнинг маънавий ҳуқуқи халқаларидан бири ҳисобланади.

"Сарбадорлар" тарихий фожиасида ана шу масаланинг маънавий қирраларини очишга алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Сирдарё бўйидаги маҳорабада мўғуллардан енгилишнинг бош сабаби — ноахилликда, бирликнинг йўқлигида. Шоир ушбу фожиани Амир Темур ҳамда Амир Ҳусайн сарбозларининг баҳси ва ўзаро жанги, бир-бирини қатл этиши лавҳаси орқали ишонарли кўрсата олган: "Ичдан бузилмас — қўшин енгилмас".

Достон ўзликни англаш, миллий ғурурни кўтариши, туйғуларни тарбиялаши билан қадрли. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса фикрлашдаги қотиб қолган қолиплардан халос бўлишда катта кучга эга. Сабаби, Абу Бакр Калавий, Мавлонозода Самарқандий, Мавлоно Хурдаки Бухорий сингари халқ қаҳрамонларини ҳам инсон, ҳам саркарда, ҳам фидойи шахслар сифатида кўрамыз: бобомиз Амир Темурнинг Мовароуннаҳр тахтига келишига замин ҳозирлаган, марказлашган давлат

тузишга илҳомлантирган сарбадорлар халқ ҳаракатига янаям ихлос-этиборимиз ортади.

"Иморат" достонида ҳам маънавий-ахлоқий масала ўрганилади. Асар персонажлари — Чори чечан, Сори чечан, Алп термачи, Оташ маталчи, Болибой сўзамол, Олтибой дўмбирачи, Толиб термачиларнинг суҳбат-монологларида, этироф-муурожаатларида, ўзаро ўй-кечинмаларида фольклорнинг оҳанги, образли ифодалари балқиб туради.

Лирик қаҳрамон ота юрти Накурт қишлоғида "тайинли бир уй-жой-иморат" қуриш учун отланади. Иморатни тиклаш учун кенгашига маталчи, термачи, сўзамолларни йўқлайди. Бу аслида бадий бир усул.

Бугунги кунда меҳр-оқибат, инсоф-диёнат, этикод тақчиллиги сезилаётган бир пайтда лирик қаҳрамон юксак инсонийлик хислатларини халқимизнинг ҳаёт тарзидан, танти феъли-фаолиятидан топади. Қадр-қимматини ерга урмаслик, шахс эрки ва халқ бирлигини таъминлаш ғояси дostonда ўзак асоси, маънавий қадриятларни асраб-авайлашда, ўзликни унутмасликда ижтимоий адолат иморатининг пойдеворини кўради.

Кўринадики, шоир хоҳ ўтмишга, хоҳ бугунги кун муаммоларига муурожаат этганида ҳам маънавий-ахлоқий масалалар устувор. Воқеаларнинг зоҳирий жараёнларини акс эттиришдан кўра, кўпроқ туйғулар, кечинмалар ҳаётини, руҳият иқлимларини кўрсатиш етакчи. Азим Суюннинг илк изланишларида куртак тулган маънавий-ахлоқий масалаларга жавоб топиш тамойили кейинги йилларда собит йўналиш касб этди. Тарихий воқелик, ижтимоий муҳит одамлардаги инсонийлик хусусиятларини синовдан ўтказди. Шароит, зарурият тақозоси билан табиатдаги одамийликнинг янги-янги белгиларини зухур эта оладими? Ёхуд шахсиятидаги ғайри инсонийлик иллатлари — худбинлик, иккиюзламачилик, сотқинлик сингари қусурлар устунлик қиладими? Инсон феъли-фаолиятидаги, қалбидаги муаммоларни бадий тадқиқ этиш, бугуннинг маънавий-ахлоқий масалаларига жавоб излаш — Азим Суюн шеърлари ва дostonларининг файзли фазилати. Давр саҳифалари шоир асарларининг муваффақиятини ҳам белгилаётир.

*«Қишлоқ ҳаёти» газетаси,
1993 йил 11 февраль*

Бахтиёр КАРИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Бахтиёр ТҶРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

ИЗТИРОБИ — ИСЁН

Кўхна Туркистон заминиди қуллик асорати занжирлари билан занжирбанд этилгандан сўнг озодлик ғояси халқнинг энг муқаддас эътиқоди, миллий адабиёт ва санъатнинг жуда улуғ мақсадига айланиб, алам ва изтироблар бўронига уланиб кетди. Айниқса зиёлилар илму асарларида озодлик ғояси бош мавзу бўлиб қолди. XX асрнинг 10-20 йиллари ялпи миаллий уйғонишга даъватлик руҳи ила ажралиб турса, 30-40 ва 50-йилларнинг бошлари эса уйғонаётган умиднинг ялпи қатлу қатағони бўлди, дейиш мумкин. Фақат 60-70-йиллардагина улуғвор адабиётимиз майдонига кириб келган бир гуруҳ истеъдодли шоирлар ижоди ана шу ёрқин ва муқаддас орзунинг умид-бахш дарахти бўлди. Шоир Азим Суюн янги умид дарахтининг, таъбир жоиз бўлса, мустаҳкам новдаси сифатида ўз озод овози ва шиддаткор руҳи билан шу авлоднинг ёрқин истеъдоди сифатида танилди.

Шоирнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофотиға кўйилган "Куйганим — суйганим" китоби унинг ижодида маълум бир даврнинг сарҳисоби сифатида ўқувчи кўлиға тегди. Китобнинг дебочасидан шоирнинг анча йиллар олдин, ҳали истибдод занжирлари ўн бошли аждардек олов сочиб турган замонларда ёзилган "Менинг сўзим" шеъри жой олган.

Менинг сўзим яёв эмас, отли эрур,
Аччиқ-аччиқ, аммо-лекин тотли эрур,
Боболардан қолган тағли-зотли эрур,
Замонамға балки улар ярашмасдир.

"Озод ватан, эрк туғи..." ҳақиқатан ҳам мустабидлик замонига ярашмас эди. Халқнинг сўнгсиз орзулари юракларда зардобу заққум бўлиб, руҳий парокандалик бош кўтарган, умумий ёлғончилик ва лоқайдлик авж олган бир даврда эрк ғоясини кўтариш йўқлик қаъриға итарилган миллатнинг руҳиға бироз бўлса-да, шижоат солиш "замонға ярашмаган" шеърлар зиммасига тушди.

"Қон билан кирган, жон билан чиқар" деганларидек шоир шеърларида Ватан ғояси устуворлик қилади. Унинг ирмоқлари сервикор тарих тоғларидан сув ичади. Шоирнинг юпанчию суюнчи ҳам қаъридан мусаффо булоқдек оқиб келаётган боболар, тафаккури, аждодлар жасоратидир. У ёлғиз тарихга топинади. Унинг пойига бош эгиб, саждага бош қўяди. Замоннинг қай бир ситамидан жабр чекмасин, таскин излаб тарихга нигоҳини қадайдди. Ундан куч ва илҳом олади.

*Қуёшга сиғиндим — қуёшли ўлдим,
"Овасто"да мен ҳам йиғладим, кулдим.
Доролар ўрнига Искандар елди,
Спитамен, Широқ вориси бўлдим,
Антейдек ердан куч олган ўзбекман.*

70-йиллардаёқ шоирнинг лирик қаҳрамони ва "мен"и юрт озодлигини қаттиқ соғинади. У қандайдир имконсиз нарсалар ҳажрида куйинади. Бу шоирнинг Ватан истиклолини кўра билган илоҳий донишмандлигими? Ёки тупроғига бўлган беадад муҳаббати туфайли туғилган чин орифона орзусими? Шоирнинг ҳифрония соғинчи, муҳаббат умулдоиси — барча-барчаси озод юрт ва халқ истикболига қаратилган. Хўш, шоир нега айнан шу йўлни танлади? Ахир ўша замонларда компартия, "улуғ оға", беш йилликларни мадҳ этиб давру давронда яшаш урф бўлмаган эдими? Ватан озодлигини улуғлаган Чўлпон у Усмон Носирлар тақдири унут бўлган эдими? Бизнингча шоирни буларнинг барчаси бир тўхтамага келишига сабаб бўлмаган. У Ўзбекистон деб шеър ёзмаган. Ўзбекнинг ўтмиши ўша кундаги изтиробию дарди уни шоир қилган. Шеър фақат фикр воситаси холос. Бунда Нуротанинг олис бир гўшасидан илм ахтариб келган ўспириннинг ҳасрати, алами, орзуси бор. Аввал унинг юраги Ватан дарди билан тўлган. Сўнг бу дард шеър бўлиб, оташин сўз бўлиб юракдан отилиб чиққан.

Азим Суюн ижодига хос жиҳатлардан яна бири шундаки, у халқни кўр-кўрона улуғлашдан доимо тийилиб туради. Ўзбекнинг ўзлигию буюклигидан фахр этса, унинг хоҳ тарихда бўлсин, хоҳ бугунги кунда — қусурларидан ҳам кўз юммайди.

*Аламдан бунёдлар Турк ҳоқонлиги,
Эркиндир, озоддир Турк ҳоқонлиги,
Бир-бирин еб шоддир Турк ҳоқонлиги,
Оқибат барбоддир Турк ҳоқонлиги,
Оти пойгаларда толган ўзбекман,*

деб тарихимиздаги аянчли, пароканда замонлардан ўқсийди.

Ҳар бир нарсанинг ўз вақти, ўз замонаси борлигидек, ҳар қандай гап ҳам ўз ўрнида ва ўз вақтида айтилсагина қадрлидир. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ватанимиз тарихи, миллатимиз тили ва шунга ўхшаш тоталитар тузум даврида тақиқланган мавзуларда куруқ ҳайқириқлардан иборат шеърлар соат сайин бўлмаса-да, кун сайин кўпайиб бормоқда. Хўш, бунинг нимаси ёмон дегувчилар топилиб қолар. Албатта, бу нарса яхши. Аммо, мавзунинг маънавий томони шундаки ҳозир зўр бериб "миллатим", "ватаним", "она тилим" деб айюханнос солаётганларнинг кўпчилиги беш-олит йил бурун "жонажон партиям", "яшасин советлар" дея ҳайқириб унвону мартабаларга эришган эдилар. Бундай "долзарб мавзу" ишқибозлари учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқлиги кишини куюнтиради. Азим Суюн ижодий тақдирини замонанинг турли экинларига қараб ўзгартирмасдан ўз сўзи ва эътиқодига ҳар қандай замонда ҳам содиқ қолди.

Шоирнинг "Сарбадорлар" дoston-фожиаси адабиётимизда чинакам воқеа бўлди, дейиш мумкин. Ушбу фожида иштирок этган тарихий шахслар ва бадиий тўқима образлар ишланишида яхлит бир композиция ва манзара яратилганлиги, айниқса, Амир Темур ва Амир Ҳусайнга ўхшаш тарихий шахслар қиёфалари қандайдир "изм"лар мажбурияти юзасидан эмас, ҳаққоний, одилона акс этганлиги ўзбек ўқувчиси учун ниҳоятда қадрлидир.

Умуман олганда Азим Суюн ижодини халқимиз озодлиги, ўзбекининг ўзлигию юрт фахрига ўхшатиш ва муқояса қилиш мумкин. Ҳар бир шеър сатрида зулмга, ҳақсизликка муроса қилмаган, доим руҳий эркинликка интилувчи, унинг паноҳидан саждагоҳ изловчи инсоннинг овози эшитилиб туради. "Умидлари сароб кезган ўзбек"дан "Бу Ватанда эрк, иқбол, тенглик — шиор — саробдир, Бу Ватанда сиёсий маҳбус ўлмоқ савобдур" дея сарсон суринган қаҳрамонгача юртининг тақдирини, озодлигини ўйлайди.

Азим Суюн ўзбек халқ оғзаки ижодиётини, дostonлару термаларни яхши билувчи, ундан илҳомланиб гўзал шеър дostonлар

яратган шоир, шоир бўлганда ҳам бахшиёна саслари олис-олис-ларга етиб борган, минглаб китобхонлар кўнглини обод этган шукуҳли фикр соҳибидир. Унинг "Иморат" достонида ўзбек халқи донишмандлигининг тирик сиймолари бўлмиш — чечанлару термачилар, маталчию сўзамолларнинг бирда куйиб-куйлаган, бирда эса суйиб-сўйлаган сўзларидан, достону ҳикматларидан баҳраманд бўлади киши.

Хулоса қилиб шунини таъкидлашни истардикки, сеvimли шоиримиз, файзли сўз соҳиби бўлмиш Азим Суюн адабиётимиз ва миллий маънавиятимизга қилган холис хизматлари тўфайли обрў-эътибор топиб, халқимиз меҳру муҳаббатига сазовор бўлган ижодкорлардандир. Ўйлаймизки, шоирнинг "Куйганим — сўйганим" китоби давлатимизнинг юксак мукофотиға мушарраф бўлади.

*«Туркистон» газетаси,
1993 йил 13 февраль*

*Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор*

"СЎЗ ТУЗАЛСА — ЭЛ ТУЗАЛАР"

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"нинг ўтган йил кузги сонларидан бирида "Жаннатмакон гўшалар" деган янги бир рукн пайдо бўлди, бу рукн шоир Азим Суюннинг "Тиллашув" сарлавҳали бадиаси билан бошланди. Бадиа муаллифи ўзи туғилиб ўсган юрт — Нуротатоғ унинг бетакрор табиати ва ҳайвонот дунёси, ажойиб одамлари, бу ғаройиб гўшанинг мустақил мамлакат тақдирига дахлдор долзарб муаммолари ҳақида ғоят билимдонлик ва куюнчаклик билан ёзади. Бадиани ўқиб туриб беихтиёр ўйлаб кетасиз — шоир шеъриятига хос қатор хусусиятларнинг сири — сабабини топгандай бўласиз.

Дарвоқе, Азим Суюннинг салкам йигирма йиллик ижодида, барча шеърӣ китобларига, жумладан, сўнгги "Кўйганим — сўйганим" тўпламига назар ташласангиз улардаги аксари асарлар худди ўша макон — шоир туғулиб ўсган юрт билан алоқадордир. Она юрт мавзуи, юрт манзаралари ифодаси шоир асарларига бетакрор жозиба бахш этади. Бугина эмас. Биламизки, Нурота донгдор халқ бахшилари, Эргаш Жуманбўлбул ўғли юрти. Азим Суюн халқ бахшилари татиган қудуғу чашма сувларини ичиб, оқинлар дўмбираси созини тинглаб, Равшанхону Кунтуғмиш дostonларини ёд олиб ўлғайган. Шоирнинг деярли ҳар бир асарида оғзаки шеърӣят руҳи, сурони уфуриб туради. Азим Суюн ўзбек ёзма шеърӣятида қадим-қадимдан бошланган, Яссавий бобомиз ҳикматларида юксак тажассумини топган, XX аср шеърӣятида эса Ҳ. Олимжон, Миртемир ижодида янгича кўринишда намоён бўлган халқона, бахшиёна аънанани бугунги кунда сабот билан давом эттираётган, унга ўзгача куч-қувват бахш этаётган забардаст шоирларимиздандир. "Оқинлардай сел бўлибон кўйлайман... Кўйиб кулган кул бўлибон кўйлайман" деб ёзганида шоир тўла ҳақ.

Азим Суюн шеърӣятда халқона, бахшиёна йўлига шунчаки бир ҳавас, "тажриба ўтказиш" учун кириб қолган эмас, қисмат унга шу йўлни раво кўрган. Эҳтимол ҳозир урф бўлган ёки урф бўлиб бораётган хийла мураккаб, мажозий маъноли модернистик шеърлар ёки тасаввуфона фалсафӣй назмга мойил кишилар

назарида Азим Суюн тутган йўл жўнроқ, одмироқ туюлиши мумкин. Шоир дилидаги гапларни кўпинча айланма йўллар қидириб ўтирмай дангал айтиб қўя қолади, унинг фикрлаш ва ифода тарзи содда, бир қадар ҳокисор, жимжима-безаклардан ҳоли, бир оз дағал, бироқ бу хил "дағаллик" замирида ажиб бир табиийлик, самимият, шу самимиятдан туғиладиган теран бадиийлик мавжуд. Энг муҳими, Азим Суюннинг она юрт заминида туғилган, оқинлар дўмбираси созига жўровоз мисралари маҳдудликдан бутунлай ҳоли, шоир деярли ҳар бир шеър, достонида эл-юртни, аниқроғи юртнинг тараққийпарвар, фидойи ўғлонларини қийнаётган ҳаёт жумбоқлари устида куйиб-ёниб муҳокама юритади.

Шоирнинг туғилган юртига меҳри қанчалар баланд бўлмасин, барибир, у маҳдудликни асло тан олмайди:

*Туғилган уйидан нари чиқмайин,
Дунёни туғилган уйим деган эр,
Тақдирим шу экан, қисматим тайин
Деб юрган шўрликни истамас аср!*

Сочмаларидан бирида бобосининг олис тоғлар орасидаги тош уйи билан боғлиқ хотираларини эслаб яна ҳам аниқроқ қилиб: "Мен шоирман. Болалигимнинг муқаддас бу хотираси менга қанчалик азиз, қадрдон бўлмасин, қалбимга сирли, романтик кайфият, ҳаяжон бахш этмасин, аммо бугун бобомнинг тош уйида яшай олмайман", — дейди

Азим Суюн шеъриятининг киндик қони тўкилган юрт билан алоқадор жиҳатлари устида гап борганда шоирни "она юрт куйчиси" дейишдан атайин тийилдик. Бу бежиз эмас. "Куйганим — суйганим" китобида фақат она юрт ҳақида эмас, халқимизнинг кечмишига, машҳур тарихий сиймоларга бағишланган туркум асарлар бор. Она юрт мавзусидаги асарларда бўлгани каби тарихий воқеалар, сиймолар тўғрисида баҳс юритувчи шеър дуостонлар ҳам ҳамду санолардан, мадҳиябозликдан ҳоли. Туғилган юртнинг жаннатмакон гўшалари хусусида ёзғимиз, тарихий воқеалар, машҳур тарихий сиймолар қисматида сўз очғимиз шоир ҳаммаша биринчи галда қаламга олинган мавзунинг дардли нуқталарига, зиддиятга, драматик жиҳатларига эътиборни тортади, улар билан боғлиқ, дилидаги армон уйинчларини тўкиб солади, қанчалар аччиқ, шафқатсиз бўлмасин, бор ҳақиқатни айтишга, ифо-

далашга тиришади: Чунки халқ шоирдан тўғри сўз кутишини, юрт ўлкаси "Рост сўзга ташна эканини яхши билади". "Иморат ва ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони"ни эсланг. Окинлар юртининг яхши бир удуми — иморат куриш олдидан шоирнинг яқинлари, элнинг чечанлари, сўзамоллари кенгаши қаламга олинган бу асар бир қарашда унутилаётган қадриятлар мадҳияси бўлиб кўринади. Чечанларнинг ҳазил-мutoйибаларидан бошланган бу асарда халқимизнинг яхши удумларини қайд этиш, ардоқлаш ҳам бор. Бироқ асар охир-оқибат бугунги қишлоқ, қолаверса бутун мамлакат ҳаётига оид кўнгилсиз ҳодисаларнинг, оломон характериға хос заиф жиҳатларнинг шафқатсиз танқидига айланади. Чунончи чечанлардан бири:

*Ўзбек қачон эл бўласан,
Тўлиб-тошган сел бўласан?
Шу кетишда кетсанг агар,
Бир кун қора ер бўласан! —*

дейди чуқур алам билан.

Тоғ юртининг табиати гўзал, аммо бу жаннатмакон гўша бағри дағаллик ва шафқатсизликларға ҳам мўл. Айниқса "Қари қашқир", "Каклик ва қасас", "Қопқон", "Тўнғиз овида", "Итлар" каби шеърларни ўқиганда, чунончи айғир ва қашқир жангини кузатганда, ўзи қўйган қопқонға илиниб ҳалок бўлган ўғли тепасида турган ота ҳолини кўрганда, тўнғиз ҳамласига дуч келган нўноқ овчи ҳалокати қиссаси билан танишганда вужуд-вужудингиз увушиб кетади.

Тарихий воқеалар, машҳур сиймоларға бағишланган асарлардаги армон-аламлар дарди янада ҳаяжонли, Туркий амирлар орасида энг катта шуҳрат топгани — Амир Темур: салкам ўттиз мамлакатни тобун қилган, не-не султонлар ҳузурида тиз чўккан Амирнинг ҳам кўкси армонларға тўла. "Амир Темур армони" шеърда Темурнинг ҳасрат билан айтган:

*Бу не дунё ўзи? Кўз
юмолмадим —
Роҳат тўшагида бирор
лаҳза ҳам! —*

сўзлари ўқувчини ўйға толдиради.

Жалолиддин жасорати ҳақида кўп ёзилган. Азим Суюн эса бу жасур ўғлон ҳаётидаги энг кескин, чигал лавҳалардан бирини қаламга олади: Чингизхон лашкарлари таъқиби пайтида жасур ўғлон волидасини, ожизасини, болаларини дарёга ташлаб чўктиришга қарор беради. Хайҳот, бу не кўргилик! Ахир у бебурд фарзанд, бадбахт банда эмас эди-ку! Волидаси, ожизаси беномус, шарманда эмас эди-ку, болалари она сутидай пок, муҳтарам эди-ку, дея хайкиради шоир. Гап шундаки, Жалолиддин Чингизнинг ваҳшийлигини, азизлари унинг кўлига тириклайин тушса қандай "қаромат"лар кўрсатишини билади: унингча, "Ёв кўлида қолгандан кўра озод ўлмоқ бахт!"

Шоирнинг "Аҳмад Яссавий мақбараси қошида" шеъридаги аламли мушоҳадалари ҳам киши юрагини эзади: Темур қазосидан кейин юртдаги нисбий осойишталик издан чиқади, улуғ амир бошлаган кўп хайрли ишлар, жумладан Яссавий мақбараси қурилиши чала қолиб кетади. "...Мана, ул мақбара чаладир ҳамон, Чала Ўзбекистон, — Чала Түркистон".

"Қуйганим — суйганим" китобидаги шеър дostonлар нуқулгина ғам-ғурбат, ҳаёт шафқатсизликлари, машаққатлари ифодасидан иборат экан-да, деб ўйламанг. Йўқ, китобда кўнгилга шодлик, завқ-шавқ берадиган лирик тароналар, ҳазил мўтойибалар ҳам талайгина. Ҳаёт машаққатлари ифодасига мойил, дангалчи, чўрткесар, бир оз тўпори, дағал лирик қаҳрамоннинг гоҳо ўта беозор, майин-мулойим, ҳаёт нафосатини нозик ҳис этувчи, ҳазил-мўтойибага мойил шахс қиёфасида кўриниши — китобнинг яна бир фазилати.

*Оҳ қандай кеча бу! Осмонга
қара
Соч тарасанг бўладир ойга
қараб!*

Нафосат туйғуси ўткир қалбгина ойдин кеча ҳақида шундай ёзиши мумкин.

*Салқин тушиб қолди тоғлар
бағрига,
Вазмин кўтарилар дарадан
тумон.*

Эл-юрт кўчиб энди тоғ
 этагига,
 Ёзги чорбоғларда намхушдур
 хазон.
 Кеч қолган чўпон ҳам ҳайдар
 сурувин,
 Серка йўл бошлайди чалиб
 кўнғирок,
 Жаранглаб турар у узоқ ва
 узоқ,
 Уфқларга сингиб кетар охири...

Кўнгилларда аллақандай тотли кайфият уйғотувчи бу хил ўта жонли, хилма-хил садоларга тўла ҳам хазин, ҳам нурли манзаралар тасвири фақат нозик дидли, ўткир кўзли шоир қалами остидагина чиқиши мумкин.

"Эр ва хотин" шеърдаги латифанамо ҳазил-мутойиба — се-викли хотин кўнглини оламан деб йигитлик шаънини топтаган эрнинг хотинидан дакки эшитиши, шапалоқ ейиши тасвири турмуш ғурбатларидан толиққан дилларга ҳузур бахш этади...

Бироқ, барибир, шоир эътиборини биринчи галда ҳам ҳозирги кунимиз, ҳам ўтмишнинг кишини ўйлатадиган, қийноққа соладиган томонлари ўзига тортади.

Шоирни энг кўп қийнайдиган, ўйга толдирадиган масала бу — эл-юртнинг бирлиги масаласидир. Талай шеърларида "Ўзбекис-тон", "Иморат" дostonларида, ниҳоят "Сарбадорлар" отлик та-рихий шеърӣи фожиасида шу ғояни зўр эҳтирос билан илгари сурган.

"Сарбадорлар" асари Туркистон халқлари тарихининг муҳим бурилиш палласи — мўғуллар истибдодининг емирилиши, Самарқандда сарбадорлар ҳокимиятининг тантанаси ва инқироzi, Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиш даври ҳақида баҳс этади. Шоир бу тарихий ҳодисалар силсиласини муайян концепция — истиқлол ва бирлашган қудратли давлатчилик ғояси нуқтаи наза-ридан ўзича бадий таҳлил ва талқин этади. Одатдагидек, бу ерда ҳам шоир халқона, бахшиёна йўлдан боради, аниқроғи "Абулфайзхон", "Мирзо Улуғбек" фожеей драмаларида шакллан-ган мумтоз адабиёт аъналарини халқ дostonчилиги тажриба-лари билан қўшишга, бойитишга тиришади. Бу нарса айниқса,

жангу жадаллар, оммовий сахналар ифодасида, драматик ҳодисалар талкинида, меҳнаткаш халқ ичидан чиққан оддий одамлар образида очик кўринади: халқ тарихи, тақдирига дахлдор энг жиддий муаммоларни, чунончи, эл-юртнинг бирлиги, ягона қудратли давлат тузиш ғояларини ҳам шоир оқинларга хос донишмандона, халқона тарзда ифода этади.

Асар бошидаёқ шундай буюк, бой ўлка, Туркистон эли нега мўғуллар оёғи остида топталди, деган аламли савол ўртага қўйилади ва икки аср — икки сарбознинг тўқнашуви лавҳаси орқали бу саволга содда, аниқ-равшан жавоб берилади. Бу икки шахс — бир элнинг фуқароси, бир-бирига қариндош икки амир сарбозлари: аммо улар бир-бирига ашаддий рақиб, Амир Ҳусайн сарбози Темурни, Темур сарбози эса Амир Ҳусайнни кўрарга кўзи йўқ: маккор мўғул ҳоқони уларни бир-бирига тўқнаштириб, бирининг қўли билан иккинчисининг қонини тўкиб ҳузур қилади ва "Бу эл феъли шундоқ!".. Кумурсқа бирлашса бирлашар, лекин, бу эл бирлашолмас" дея қувончини яширолмайди: Искандар ҳам, Чингиз ҳам Туркистон элининг ана шу заиф жиҳатини ҳисобга олиб иш кўрганликларини эслатади.

Бирок парокандалик, рақиблар ўйлаганча, Туркистон эли учун бедаво дард, боқий хусусият эмас, Туркистон эли буюк мақсадлар бошчилигида бирлашиб улкан ғалабаларга ҳам эриша олган, қудратли давлат барпо этолган, эл. Асарда қаламга олинган тарихий воқеаларнинг мантикий давоми, интиҳоси бу фикрни тасдиқлаб турибди. Яқдиллик ва тадбиркорлик туфайли мўғул зобитларига берилган қаҳшатқич зарба лавҳаси халқ дostonларидаги каби жўшқин бир тарзда ифодаланган. Сарбадорларнинг ҳокимият тепасига келиши, уларнинг идора усули, бу ҳаракатнинг кучли ва ожиз жиҳатлари, ички зиддиятлари, икки қардош бек — Амир Ҳусайн ва Амир Темур орасидаги мураккаб муносабатлар, ошқора ва пинҳона рақобатлар, Темурнинг улуғ мақсад, — ягона қудратли давлат барпо этиш йўлидаги тадбирлари ҳам савоб, ҳам гуноҳ ишлари — буларнинг барчаси ҳам бахшиёна, ҳам реалистик йўсинда теран бадий таҳлил этилган.

Темур сарбадорлар жасоратига таҳсин ўқийди, уларни бошга кўтаришга, улар олдида тиз чўкишга тайёр: айни пайтда бунинг иложи йўқ эканини, бундай қилса бу иш ўзи учун ҳалокат эканини билади: у Мовароуннаҳрни бир бутун давлат қилмоқ ниятидан воз кечолмайди: шоир Темурнинг ўша топдаги драматик ҳолати-

ни, дилини, унинг характериға хос қатъиятни халқона тарзда мана бундай ифода этади:

*Бу йўлда гоҳ тулки, гоҳ
 бўридурман,
 Гоҳида чоҳдирман, гоҳида қоя!
 Майдонга кирганлар манглай
 қашимас! —
 Рухингиз мен билан,
 сарбадорларим! —
 Бирлигин йўқотган юрту
 элимнинг
 Бевақт қурбонлари, мангу
 алвидо!*

Улуғ Темур шахсияти фаолиятини бирёқлама нуқул қоралаш ёки оклаш йўлидан бормай, уни тушуниб, бор ҳолича мураккаблиги, зиддиятлари билан идрок, этишга уринишдан иборат бундай йўлнинг истиқболи порлоқдир.

Қисқаси, она юрт, унинг кечмиши, ҳозирги куни, келажаги ҳақида шу юрт фидойи ўғлонининг, оқинқалб ростгўй бир шоирнинг астойдил суйиб, куйиб-ёниб айтган дил сўзларидан ташкил топган "Куйганим — суйганим" китоби бугунги шеъриятимизда қувончли, улкан, ҳодисадир.

*«Халқ сўзи» газетаси,
 1993 йил 16 февраль*

*Рустам МУСУРМОН***ТАСАВВУР МАНЗАРАЛАРИ**

Гапимни "Сайланма"нинг ташқи кўринишидан бошламоқчиман. Зеро, ташқаридан ичкарига кирилади...

Азим Суюн китобининг муқовасида тоғ, осмон, куёш ва бургут тасвири чизилган. Бу — Ватан манзарасидир. Шоир шеърларининг шоҳ мавзуи — Ватан. Сатрларда она Ватаннинг мана шу тўртта рамзи бўртиб туради. Ва бу рамзлар орқали шоирнинг ҳайрати, ватандошларга меҳр-муҳаббати, азоби, дарди ифодаланади.

*Унутамаман нимадир андуҳ,
Ҳайқираман, йиғлаб-куламан.
Адо қилар девона бир руҳ
Бир кун ўлсам...
Тоғда ўламан.*

Азим Суюн Нурота тоғларида туғилган, ўсиб-ўлғайган. Тоғлар унинг руҳига болаликдан сингиб кетган.

Бизнинг вужудимиз ва руҳимиз болаликдан нимани қабул қилган бўлса, ўлғайганимизда ўша нарсаларни қайтарамиз — ҳикоя қиламиз, шеър ёзамиз.

Шоир шеърларининг мағизи — хотира ва тасаввуридир. Адабиёт — тасаввур, дунё — тасаввур. Бадий олам — тасаввур олами.

Адиб ҳаётни ёзади, шоир табиатни куйлайди, дейдилар. Йўқ, улар ҳаёт ва табиатнинг айнан ўзини эмас, ҳаёт ва табиат ҳақидаги тасаввурларни қоғозга туширадилар. Табиат ҳодисаси ёки ҳаётдаги муайян воқеа шоир кўз ўнгиде содир бўлди, дейлик. Шоир ўша воқеа кечган пайтдаёқ шеър ёзмайди. Бу воқеа кейинчалик унинг ҳаёлида, тасаввурида жонланади, шоир қайта таъсирланади ва ўша таъсирланиш жараёнида қоғоз қоралайди. Воқеликда кечган муайян ҳодиса ҳақидаги тасаввур ўша ҳодисанинг ўзидан ҳам кучлироқ бўлиши мумкин. Бадий асарнинг кучи ҳам ана шунда кўринади.

Яна бир гап, шоир ўзи яшаётган даврдан бир неча аср илгари кечган воқеа-ҳодисаларни ҳам тасаввур эта олади. Ёки зўр шо-

ирлар келажакни ҳам ҳис этади — кўради. Шоир дунёқарашининг давр, макон ва замон тушунчаларидан устун эканлигининг сири — тасаввурда, бадииятдадир.

Азим Суюн "Сайланма"сини мутолаа қилиш жараёнида мен унинг тасаввури бой шоир эканига амин бўлдим. Шеърлар аҳолироқ шоир тасаввур этган дунёни кўрдим, унинг тасаввур манзараларини томоша қилдим.

"Сайланма"нинг биринчи бўлимида муаллифнинг 1963-1992 йиллар давомида битган кичик шеърлари, тўртликлари ва қатралари жамланган. Ушбу шеърларнинг ҳажми кичик, лекин мазмуни чуқур. Улар шоирнинг ҳаёт ҳақидаги ҳикматлари, ҳукм-хулосаларидир. Ва мен уларни китобнинг дебочаси сифатида қабул қилдим. Зотан, бунда ижодкорнинг ҳаёт ва ижод йўли қаламга олинган.

Бунда йўл йўқ эди...

Кимдир бемалол

Ўзича қайгадир шу ердан ўтди.

Кунлар илиб-илиб

Ёз келган мисол

Кўп ўтмай каттакон йўл бўлиб кетди.

Бу — тасаввур. Шоирнинг тасаввури: тоғлардаги сўқмоқлар, қирлардаги ёлғизоёқ йўллар, бепоён далалардаги тупроқ кўчалар ёдимизга тушади. Улар илгари йўл бўлмаган, ҳамма ер сингари майсазор бўлган, кўм-кўк майдон, тошлоқ ёки ўтлоқ бўлган. Бироқ илк ўтган ердан икков, учов, тўртов... ўтаверса, у ер ер эмас, йўлга айланади. Ҳаётдаги мана шу ҳодиса шоирнинг тасаввурида жонланган. Қоғозга тушганидан кейин бу ҳодиса бошқа ҳодисага — рамзга айланган. Ундан чуқур бадиий мазмун кашф этилган.

Шеърда миллат учун, эл учун — бошқалар учун биринчи бўлиб йўл очган, маълум томонга илк қадам ташлаган мард ва фидойи инсон қиёфаси гавдаланади. Шеърятда бадиий тасвир воситаларининг матн билан бу тарзда бир жону бир тан бўлиб, жипслашиб кетиши ноёб ҳодиса. Бутун ва яхлит шеърларда ўхшатишлар, -дек, -дай каби ёрдам сўзларга муҳтож бўлмайди. Профессор Фитрат -дек, -дай сўзлари билан ясалган ўхшатишлар ўхшатишларнинг энг заиф туридир, деган эди. Шеър унсурларини,

бадий тасвир воситаларини шундай тўқиш керакки, токи матннинг — бадий либоснинг чоклари билинмасин. Матн қанчалик пишиқ бўлса, рамз қанчалик яхлит бўлса, мазмун шунчалик ёрқин ва кўпқиррали бўлади.

Азим Суюн шеърларида йўл образига ранг-баранг маънолар юклайди. Унинг турли қирраларини тасаввур этади. Хўп, биров биров учун йўл очди дейлик. Лекин бу тайёр йўлнинг устидан пок ҳам, нопок ҳам, мард ҳам, номард ҳам ўтиши мумкин. Шунинг учун бу шундай йўлки, шоир уни қуйидагича таърифлайди:

*Танҳо дарахт янглиғ турардим
бир йўлнинг бошида мунглу,
Кўкдан тушган сингари ёлғиз
йўловчи бўлди рўбарў.
"Бу йўл қандай йўл ўзи, айтгил?" —
сўраб қолди у дафъатан,
Мен дедим: "Тўғрига тўғри йўл,
эгрига эгри йўлдир бу".*

Шу тарзда шоир йўлнинг йўл — ҳаёт, йўл — умр, йўл — дунё, йўл — фаолият деган маъноларига урғу беради. Бу йўлда шоирнинг вазифасини, ижод масъулиятини алоҳида таъкидлайди:

*Бир назардан эр тузалар,
Шаррос тинар — сел тузалар.
Битта ҳикмат менга аён:
Сўз тузалса — эл тузалар.*

Ҳа, шоирлар ҳақиқат учун, тўғри сўз ва тўғри амаллар учун масъулдирлар. Бу гаплар янгилик эмас, дейишингиз мумкин. Лекин биз учун шоирнинг маҳорати, дунёқараши — тасаввур олами муҳим. Унинг сўзидаги жилолар, нақшинкор фикрлар ифодаси қадрли. Шеър мазмунини ўқувчига тушунтириб берилганда айтилган гаплар оддий фикрга айланади. Оддий гап билан бадий сўзнинг — шеърнинг фарқи шунда. Азим Суюн "Сайланма"сида ёрқин шеърлар кўп. Шулардан бири:

*Шарқираган сойда бир сўнмас чўғдай,
Қалқиб оқиб борар ёлғизгина гул.*

Сувда чўғнинг оқишини тасаввур этинг. Энди сувнинг ўша чўққа — оловга ювиниб, гуноҳлардан фориг бўлмоқчи эканини ҳам тасаввур этинг.

*Қилган гуноҳларин ювмоқчи мўғдай,
Тўлқинлар топинар, бепарводир ул.*

Образлардаги тазот, фикрлардаги қарама-қаршилик манзарани нақадар ёрқинлаштирганини кўринг. Сойда оқиб келаётган қизил гулни кўриб таъсирланган шоир ҳолати — унинг нозик тасаввури сизни ҳайратга солмайдими? Ҳаётда учраган оддий ҳодисадан пайдо бўлган тасаввур гўзал эмасми? Шоир сувда оқаётган гулни "оқиб бораётган ёниқ муҳаббат" дея тасаввур этади. Ва бу тасвир сизни беихтиёр ўзига махлиё қилади.

"Тош ўчоқда чойдиш нафаси", "Ёмғир ёғиб ўтди...", "Тоғлар атрофимда жилмаяди жим, жилмаяр қаршимда ёлғизоёқ йўл...", "Серка йўл бошлайди чалиб қўнғироқ, жаранглаб турар у узоқ ва узоқ... уфқларга сингиб кетар охири...", "Она қорнидаги гўдакдай беун Туман ғимирламоқда. Қўрадан чиқишган сўрувдек вазмин Туман кўтарилмоқда. Осмон қозонида сут каби тошиб, Туман тарқалмоқда", — сатрларини ўқиганингизда ҳам сизга бағоят таниш ва қадрдон манзараларни тасаввур этасиз.

"Тасодифлар кўлдир дунёда", "Араукари дарахти", "Оқ ва қора", "Бошқача одам", "Миркарим Осим" каби шеърлар сизни мутлақо бошқача дунёга олиб киради. Бу дунё Азим Суюн дунёси. Унда Ватан қадри, мардлик, эзгулик, ёвузлик ва нафрат туйғулари қаламга олинади, инсон руҳияти ва табиоти теран таҳлил этилади. Бу шеърларнинг ҳар бири алоҳида мавзу.

"Сайланма"да Азим Суюн бадииятининг яна бир жиҳатини кўзатдим. Бу ифоданинг энг қадимий — туркона тарзига садоқат. Шоирнинг "Оқ ва қора" шеърида ушбу шакл яққол кўринади:

*Оқ булоқни изладим,
Қора булоқ дуч келди.
Қора булоқ сувидан ичдим, ёронлар,
Оқ булоққа етгунча.*

*Оқ дарёни изладим,
Қора дарё дуч келди,*

*Қора дарё бағрида чўмилдим, дўстлар,
Оқ дарёга ўтгунча.*

*Оқ тоғларни изладим,
Қора тоғлар дуч келди.
Қора тоғлар кучоғини кездим, ёронлар,
Оқ тоғларга кетгунча.*

*Оқ ва қора дунёни
Чаппор уриб айлангум,
Оқ шомлар тугаб, дўстлар,
Қора шомлар кучгунча...*

Шоирнинг шеърида Култегин битик тошлари, "Девону луғатит турк"даги халқ оҳанглари ва "Қўрқут ота китоби"га эш бўлган оҳанглар жаранглайди. Қонимизда туркона ғурур уйғонади. Бу жиҳат шоирнинг тарихий мавзуда битилган "Жалолиддин Мангу-берди", "Култегин" шеърларида, "Бутундир Туронюрт, бутундир" туркумида ҳамда "Сарбадорлар" тарихий-драматик достонида ўз ифодасини топган:

Азим Суюннинг "Сайланма"си нашри баҳонасида баҳоли қудрат изҳор этаётган ушбу фикрларим пировардида шуни таъкидлашни истардимки, унинг ўзи бир шеърида:

"Қўшиққа чанқоқман — ҳаётга чанқоқ", — деб айтган чанқоқлик ҳеч қачон шоирни тарк этмасин. Тоғ, осмон, қуёш ва бургут рамзлари унинг ижодида янада теранлашиб бораверсин.

"ЎзАС", 1997 йил 3 октябрь

**Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири**

БЕҲИКМАТ БЎЛМАГАЙ ТОҒЛАРНИНГ ТОШИ

"Тафаккур" журнали беҳаловат, фаол шоирларимиздан Азим Суюннинг янги шеърлар туркумини босиб чиқарибди. Туркум "Уйку аро бедорман..." дея номланган ва у кенг кўламли "Ватан" шеъри билан бошланади. Умуман олганда шеърлар мавзуи ҳар хил бўлса-да, шоир бу туркумида ҳам ўз ижодий йўли, услуб ва овозига содиқ қолади. Ўша авж парда, ўша бағрикенглигу ўша тоғдай залвор ва салмоқ ила ўқувчига кўнглини очади. Биз бунда шеърий иддаони кўрмаймиз, шоир шикоят ва ё арз ҳам қилмайди. У — шеър айтади, бу шеър билан ўқувчининг кўнгли ёришади, руҳи нурланади.

*Оддий алафдан ҳам зийнат изладим
Ва ҳатто чаёндан хислат изладим,
Инсон, сен на алаф, на-да чаёнсан,
Мен сендан доимо ҳикмат изладим.*

Ҳикмат нима? Ҳикмат тушунтирилмайди ёки шарҳланмайди. Шеърда ҳикмат борлиги эса ҳадисларда келган.

Азим Суюн ўз элининг куйчиси. У шеъриятимизга ўз тоғлари, чўққилар виқорию тошқин сойлари билан кириб келди. Ўтган асрнинг етимишинчи йиллари назмий ҳавосида гулдираган бу гулдираклар, бу шеърий чақинларнинг ёлқинлари ҳалигача юзларимизни ёритиб турибди.

Бир ёмғирли, бир жозиб оқшом эди. Бизлар талаба эдик. Нохос хонамизга "айиқ пўстинини ёпинган" (устоз Махмуд Саъдий ибораси) Усмон ака — Усмон Азим кириб келди. "Юринглар, сизларни бир жойга олиб бораман, — деди. — Ҳақиқий шоирларнинг даврасини ҳам бир кўринглар-да энди".

Биз — хурсанд. Тарихчилар ётоқхонасига бордик. Бир хонадан гулдираган овоз келяпти. "Азим шеър ўқияпти, — дея изох берди Усмон ака. — Ҳозир таништириб қўяман". Хонага изма-из кирдик. Гулдураган овоз таққа тўхтади. Бир ёвқур қиёфа бизга тикилиб қолганди. Шеърни бўлиб қўйганимиздан хижолатда эдик. "Булар ким?!" дея жаҳл ила савол ташлади у. Усмон ака: "Менинг

укаларим, шеър ёзади", дегандан сўнггина, "Ҳа, майли, шеър ёзса майли, келаберсин", дея яна ўқишда давом этди. Кейин билсак, бу сархуш давра Азим аканинг бўлажак умр йўлдоши, ҳозирда Ойгул янгамизнинг туғилган куни муносабати билан тўпланган экан. Тилак Жўра, Московдан ўқишдан келган Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон... яна филфакдан уч-тўрт талаба шоирлар.

Ҳамма адабиётчи талабалар ўша пайтлар ҳаяжон билан ўқиганимиз зангор муқовали илк китобига "Менинг осмоним" деб ном қўйилишида ҳам нозиккина бир рамзий ишора бор эди. Тоғларнинг чўққилари ҳамиша юксакка, осмонга интиладилар. Шоир ҳам бу билан тоғлар фарзанди эканини, ҳамиша юксакликларга интилиб яшамоғини билдирган эди.

— Эл билан беллашмадим, эл билан тиллашдим, сирлашдим, — дейди шоирнинг ўзи.

Бу сўзлар унинг бутун ижодига зарҳал сарлавҳадир.

Менинг сўзим яёв эмас, отли эрур.

Сиз оппоқ, юксак тоғлардан эниб келаётган оқ тулпор минган ёки оқ от етаклаган Сўзни тасаввур қиляпсизми? Буни фақат тоғ фарзанди айтмоғи мумкин.

Битта ҳикмат менга аён:

Сўз тузалса — эл тузалар.

Мустабид тузум даври бўлишига қарамасдан ўша етмишинчи йилларда эълон қилинган ва анча-мунча шов-шувлар, баҳсу мунозараларга сабаб бўлган "Туткун", "Баҳодирнинг қиличи синди" сингари шеърларда ҳам шоирнинг юксак ғоялари, алам-изтироблари ифодаланган эди.

Гарчи, донишмандлар айтганидай, бу кўҳна фалак остида ҳеч нарса янгилик бўлмаса-да, Сўз янгидир, уни янги шоирлар, кўкраклар қоялардай баланд, кўнгиллари тоғ шаршаралари янглиғ сертошқин оқинлар янгилайдилар. Шунинг учун шоир "Оқар сувлар ўз йўлларин топиб кетар", дея қатъий ишонч ила сўз айтади.

Оқ тоғларни изладим,

Қора тоғлар дуч келди.

Қора тоғлар қучоғини кездим, ёронлар,

*Оқ тоғларга кетгунча.
Оқ ва қора дунёни
Чаппор уриб айлангум...*

Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров шу оқ-қора дунёнинг эзгин куйига солиб эзгин кўшиқ қилган ушбу шеър узун, туганмас йўлга ўхшайди. Узоқ йўлга узун дарду соғинчлар билан чиққан шоирнинг орзиқтирувчи кечинмаларини яна унинг шеърларидан топасиз. Истанг дард, истанг соғинч денг, ёинки меҳр деб атанг ва ё севинчу изтироб денг буни.

*Келдим яна ота тоғлар,
Ота тоғлар, она тоғлар,
Чечакларинг дилим боғлар,
Мендек хаста эмас — соғлар.*

*... Алқорларинг қояларда
Тўйинадир қиёқлар-ла.*

*Мен юрибман қаёқларда
Юракларим тўла доғлар.*

Бунда дунё ўз рангларини ўзгартиргандай туюлади. "Заминга бер покиза авлод", дебон Яратгандан сўраган шоир ўз кўнглининг сарчашмаларига қайтгандай бўлади. Лекин энди бу ёш бола ё ўспирин шоир эмас, у энди камолот фаслидаги, умрнинг бир томони зангор, бир томони сарғиш, ўйчан ва оғир бир палласида турибди. Дунёнинг бори ҳикмати ота қабртошидаги тўрт сатр сўз маънисидан иборатдек ўхшаб кўринади:

*Бешигинг ўхшайди тобутга, Дунё,
Тобутинг ўхшайди бешикка, Дунё.
Бир эшикдан кутиб олдингу ўзинг,
Кузатдинг иккинчи эшикка, Дунё.*

Бироқ ҳаёт давом этади. "Ота макон — Ўзбекюрт" фарзандлари учун, бир замонлар дилидаги сўзини ботиниб айтолмаган эл шоирлари учун Айтмоқ замони, эрк ва ҳуррият замони етишди. Шоир Ватан ҳақида чўққилардай юксакликларга кўтарилиб шеър

айтади: "Эртасин ўйлайман болам сингари, Эртаси... ишонгум, бахт каби оппоқ". Сурур тўла, гурур тўла бу шеърят олови, шоирнинг ўзи айтмоқчи, энди бор бўй-басти ила баландроқ гуриллаётир. Биз бир туркум баҳонасида бу шеърятнинг илк тонглари, ўсмирлигимиз оқшомлари, раҳматли бўлиб кетган шоирларни ёдга олдик. У завқли паллалар, ҳарир тонглару у шеърый кечалар ҳеч қачон эсдан чиқмайди.

*Усмон Азим, Азим Суюн, Хуршид Даврон,
Тилак Жўра, соф булоқдай Шавкат Раҳмон,
Сизлар борган ҳар гўшадан шеър унарни,
Бошимиздан шеър ёғарди у пайт осмон.*

Худди шундай. Бир туркум баҳонасида биз Азим Суюн ижодининг битта нуқтасинигина таҳлил этмоққа ҳаракат қилдик. Шоирдан Нуротатоғ томонларда "Азим боғлар" қолса, эл ичра яхши китоблару яхши гап-сўзлар айтилиб юрса, унинг учун бундан ортиқ фахр борми?

«Туркистон» газетаси, 2001 й.

МУНДАРИЖА

Муаллиф ҳақида.....	5
---------------------	---

ШЕЪРЛАР

Чинор.....	8
Баъзан дўстлар.....	8
Савол-жавоб.....	8
Шох.....	9
Кўзгудек бўлсин равшан.....	9
Суярмакан.....	9
Кўрсак кўзи ожиз кишини.....	10
Тўртлик.....	10
Она қалби.....	10
Тандир бошида.....	11
Тўртлик (ҳазил).....	11
Каклик.....	12
Гул.....	13
Қора соч.....	13
Ўрмон.....	14
Яна келдим.....	14
Дупир-дупир туёқ товуши.....	15
Шаркираган сойда.....	16
Чўққи.....	16
Қуёш афсонаси.....	17
Тутқун.....	18
Ўтган кунлар.....	18
Оловсиз.....	19
Гулхан.....	19
Оху.....	20
Тумор.....	20
Ой гоҳ тўлин.....	21
Бу қалбимга.....	21
Оқ булоқ.....	22
Тўр доим.....	22
Денгизда.....	23

Фарёд.....	24
Менга эртақ сўйлаб бер, буви.....	25
Илҳом париси.....	25
Катта булоқ бўйи.....	26
Тоғ йигитларига (ҳазил).....	26
Ватан.....	27
Видо.....	27
Омадли ошиқнинг кўнглидай.....	28
Насихат (ҳазил).....	28
Сокин дарё.....	29
Келинчак.....	29
Тун.....	30
Хотира.....	32
Тун қуши.....	35
Бир йигит бор.....	35
Тасодифлар кўпдир дунёда.....	36
Шоир ва севги.....	36
Туш.....	37
Тегирмон.....	37
Муборак зот эмиш.....	38
Ўқ еган йўлбарсдек.....	38
Балиқчи.....	39
Кампир.....	40
Она ўғлин.....	40
Накурт қишлоғи.....	41
Йилқичи бола.....	43
Балиқчи ва денгиз.....	44
Уфқ ости.....	46
Фард.....	46
Ёмғир ёғиб ўтди.....	47
Балки.....	47
Бахт (Театр томошасида).....	48
Қадимги сарой шоирларига.....	48
Севги.....	49
Ошиқларга (ҳазил).....	49
Севги дафни.....	50
Тунда.....	50
Баҳор.....	51
Орзу.....	51

Оппок булут ҳақида кўшиқ.....	52
Истак.....	52
Мени ўлдиролмас.....	53
Ҳазиллар.....	53
Август оқшомларида.....	54
Кураш.....	57
Оналар.....	58
Тоғ бўрони.....	58
Юзларида мағрур сиполик.....	59
Машрабнинг сўнгги кўшиғи.....	59
Ишқ олови.....	60
Амир Темур армони.....	60
Тоғларда куз бошланди.....	61
Куз.....	64
Тоғ ўрмони.....	70
Шарқ ҳикмати.....	72
1975 йил 22 февраль.....	73
Янги йил кирмоқда.....	74
Ёз.....	76
Абадийдир чўкқилар қори.....	76
Жалолиддин Мангуберди.....	77
Алқорлар.....	79
Факт асосида ёзилган шеър.....	81
Бир дўст ўлими.....	83
Инсон.....	85
Мен — учинчи одам.....	90
Чорраҳада (ҳазил аралаш)	92
Шоир ва ёр (ҳазил).....	93
Ул дераза пардасини.....	94
Ёз гулдўрағи.....	95
Бир суҳбатдан.....	95
Севасиз.....	96
Цирк отлари.....	98
Кўзлар.....	100
Ўрмон ва ўтинчи.....	102
Маяковский ва Есенин.....	103
Дарада (Манзара).....	103
Бир мўйсафид ҳикояси.....	104
Бир туп арча.....	107

Гадой (Эртак).....	108
Баллада.....	109
Баҳодирнинг қиличи.....	111
«Кўкда ой чашмаси...».....	111
«Йигитларнинг султони...».....	111
Бухорода.....	112
Садриддин Салим Бухорийга хат.....	113
Идора, уй, стол ва ўлим ҳақида баллада.....	115
Ўзбек ҳайкалтароши Абдураҳим Турди ўғли ҳақида эл термалари.....	116
Илк муҳаббат ҳақида кўшиқ.....	118
Кайфият.....	120
Лўли киз кўшиғи.....	120
Нурота чашмаси, Ургут чашмаси.....	121
Сен мени дегил, жоним.....	123
«Андиз ўсган ерларда...».....	124
Бир дарахт.....	125
Хорижга кетиб қолган ўзбекларга саволим.....	127
Бобом Суюннинг отам Олимга васияти.....	128
Қор қалин босса тоғни.....	129
Кеч пишган олмалар.....	129
Она ва бола ҳақида ҳикоят.....	130
Асрлар ҳикояти.....	131
Овчи ўлими.....	134
Накўртга қайтиш.....	137
Бир мовий ҳаво.....	138
Грек ватанпарвари Никос Белоянниснинг охириги сурати.....	139
Шоирга.....	140
Миркарим Осим.....	140
Баҳоролди кайфиятлари.....	141
Сув ўтлари.....	142
Фарғона қизлари (ҳазил).....	142
Бодиелдои Самарқандий таърифи ва ёки эътиқод ҳақида кўшиқ.....	143
Бир коса сув.....	147
Тинчлик учун овоз бераман.....	149
Ойгулнинг шеъри (ҳазил).....	150
Серка қўнғироғи.....	150
Аёл жангга кирса.....	151

Бобо дехқоним.....	152
Муҳаббатнинг сирли эртаги.....	154
Ой – алқор шохидай.....	155
Еллар эсди беомон.....	156
Чингиз Аҳмаров.....	157
Замонавий эртак.....	159
Тунги булутлар томошаси.....	161
Бу хонада.....	161
Тошкентга.....	162
Узоқ-узоқ йўл босиб.....	162
Болаликка соғинчлик салом хат.....	163
Нурота чашмаси.....	167
Инсон қалби.....	168
Қиш сўнги ва баҳоролди байтлари.....	169
Кул Тегин.....	171
Гулханий бозори (ҳазил).....	173
Овул итлари (ҳазил эмас).....	173
Қора денгиз тўлқинлари: Гуржистон ҳайкаллари, Соғинч, Араукари.....	174
«Нур каби...».....	178
Тўқликка шўхлик.....	178
Чечак.....	179
Тайга ўрмонларида.....	179
Устоз ва шогирд.....	180
Отам Олим Суюн ўғли хотирасига.....	181
Барханлар.....	182
Тешиктош афсонаси ва ё андиша хусусида бир ҳақиқат.....	184
Нидо.....	186
Ҳамдардлик.....	187
Саманта Смит.....	188
Вола.....	189
Катталар учун тез айтиш.....	189
Қуёш ботар пайти.....	190
Энасой.....	191
Ҳасби ҳол.....	192
Янги йил арафаси шеъри.....	196
Сурат.....	196
Унутилган тиллар.....	197

Грибоедов хуни ҳақида ҳикоят.....	199
Баъзан ҳасрат босар.....	200
Менинг сўзим.....	201
Арина Родионовнага асримиз болаларининг гойибона илтижоси.....	202
Бошқача одам.....	204
Ёзғувчи.....	204
Итлар.....	205
Рақибга.....	206
Азиза.....	207
Кўзмунчок.....	208
Эр ва хотин.....	209
Деҳқон бахти.....	211
Кантемир билан танишув.....	211
Қурбонлар.....	212
Мамонт ва бузоқбош.....	215
Йўлбарсли тоғлар.....	215
Қари қашқир.....	216
Каклик ва қафас.....	218
Қопқон.....	219
Оқ ва қора.....	220
Тўнғиз овида.....	221
Ўлдирсанг ҳам, ўзинг ўлдир, муҳаббат (Туркум).....	223
Бу Ватанда.....	230
Хўжайин.....	231
Ватан.....	233
Бу қалб.....	233
Қайдаким.....	233
Пашшалар.....	233
Муҳаббат.....	233
Япроқда.....	234
Чидай олмай.....	234
Ўзбекнинг дўпписи.....	234
Одамлар бор.....	234
Ў, ўзбегим.....	234
Шоир.....	235
Бир даврада.....	235
Сура.....	235
Болари.....	235
Мен тикилган.....	235

Отам қабртошидаги ёзув.....	236
Абдулла Қодирий хотирасига.....	236
Сўз ўйин.....	236
Ўзбегим.....	236
Бу юртнинг.....	237
Мендан.....	237
Ёнма-ён.....	237
Танҳо дарахт.....	237
Қалдирғоч.....	237
Ҳазил.....	238
Таажжуб.....	238
Туюқлар.....	238
Қатралар.....	239
Қайроқтош.....	239
Ўзбекман.....	240
Айб ўтди.....	246
Укамга.....	248
Бўз бола.....	250
Майсалар соғинчи.....	250

ДОСТОНЛАР

Сарбадорлар.....	252
Замин тақдири.....	339

ЭЪТИРОФ

Низомиддин Маҳмудов. Покиза осмоннинг илк юлдузлари.....	360
Мансур Тенглашев. Муҳаббатнинг сирли қўшиғи.....	363
Султонмурод Олим. Завқ ва масъуллик.....	367
Нурмуҳаммад Холлиев. Ибтидо сеҳри, азал қўшиғи.....	373
Нўъмон Раҳимжон. Шоир салоҳияти.....	378
Бахтиёр Каримов, Бахтиёр Тўраев «Изтироби — исён...».....	381
Умарали Норматов. «Сўз тузалса — эл тузалар».....	385
Рустам Мусурмон. Тасаввур манзаралари.....	392
Сирожиддин Саййид. Беҳикмат бўлмагай тоғларнинг тоши.....	397

Адабий-бадий нашр

АЗИМ СҮЮН

Етти китоб

(танланган асарлар)

2-китоб

ЎЗБЕКЮРТ

(шеърлар ва дostonлар)

Мухаррир: Ойдин НИСО

Бадий муҳаррир: Шухрат МИРФАЁЗОВ

Тех.муҳаррир: Екатерина КОРЯГИНА

Саҳифаловчи: Зилола АЛИЕВА

Мусаҳҳих: Фотима ОРТИҚОВА

Нашриёт лицензияси АИ № 154. 14.08.09.

2015 йил 25 августда босишга рухсат этилди. Бичими 60x100 $\frac{1}{16}$.
FUT TAD гарнитураси. Офсет босма. 28,87 шартли босма тобоқ.
15,6 нашр тобоғи. Адади 500 нусха. 441 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Bizning internet manzilimiz: www.gglit.uz

E-mail: info@gglit.uz



ISBN 978-9943-03-665-9



9 789943 036659